

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВ ХОЛ ЖУМАЕВИЧ,  
ХОЛОВ ОЛИМЖОН ЧОРШАМИЕВИЧ**

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР  
МЕТОДИКАСИ**

(ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА)

**Термиз-2020**

Мазкур модулли ўкув қўлланма бакалавриятнинг педагогик таълим соҳаси талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда тарбиявий ишлар методикасининг мақсад ва вазифалари, ўкувчининг ўз-ўзини бошқариш ва шахсни ривожлантириш жараёнида тарбия бериш, тарбиявий ишларни бошқариш ва режалаштириш, таҳлил этиш, тарбиянинг мазмuni, методи ва воситалари, оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги, оилани бола тарбиясида педагоглар томонидан қўллаб қувватланиши, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, синф раҳбарининг вазифалари, ёшлар иттифоқидаги ташаббускорлик ва фаоллик фазилатларини шакллантириш усуслари очиб берилган. Шунингдек тарбиявий ишлар бўйича директор ўринbosарининг вазифалари, мураббийлар ва ота-оналар билан ишлаш, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигидаги тарбиявий ишлар мазмуни ёритилган.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси уларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш, давлатнинг уствор муаммоларидан бири. Шундай экан, бу муаммони ташкил этиш усуслари ҳақида, ушбу ўкув қўлланма тарбиявий ишлар методикасини амалга оширишда керакли маълумотларни ёритиб беради.

**Масъул мухаррир:** Педагогика фанлари номзоди, доцент М.Қ.Бозорова

**Тақризчилар:** Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қ.Марданов  
Педагогика фанлари доктори, профессор И.Т.Чориев

Термиз давлат университети Ўқув-услубий Кенгашининг ..... июн 2020 йил  
№ .... -баённомаси қарори билан нашрга тавсия этилди.

## КИРИШ

Маълумки, жамият тараққиёти барча давлатларда ривожланишнинг моҳияти унинг суръати, инсонларнинг одоби, тарбияси, хулқи ва маънавий камолот даражасига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Қаерда маънавий-маърифий, аҳлоқий фазилат юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, у ерда жамиятнинг ижтимоий адолат меъзонлари тез ривожланганлиги тарихдан маълум. Биз қураётган мустақил Ўзбекистонда демократик-хуқуқий жамиятнинг уч муҳим томони бор: иқтисодий, сиёсий ва маънавий. Бу томонлар қанча мустаҳкам ва бақувват бўлса, келажагимиз равнақи шунча бақувват бўлиб, жамият тез ривожланади.

Тарбиявий ишлар, юксак одоб-аҳлок меъёрлари кеча ва бугун ўйлаб топилган нарса эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча йиллар давомида, аждодлар тажрибасига суюнган ҳолда келажагимиз бўлган ёшларга маънавий-аҳлоқий мерос сифатида ўргатилиб келинади.

“Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади – одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли ҳамма тарбия сабр-тоқатни талаб этишини эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак, деб ўйлайдилар: лекин жуда кам одам сабр-тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна маҳсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилишади”.

**К.Д.Ушинский**

“Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз юзига зарур маъноларни бера билмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яхши тарбиячи бўлиши мумкин эмас. Тарбиячи ташкил қила билиши, қувноқ, жаҳлдор бўла олиши лозим. Тарбиячи ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин. У айни вақтда мени нима исташимни ва нимани истамаслигимни ҳар доим билиши керак. Агар тарбиячи буни билмаса, у кимни тарбиялаши мумкин?”

**А.С.Макаренко**

“Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот; ё нажот, ё ҳалокат; ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

**А.Авлоний**

Юқоридаги буюк педагогларнинг фикри шуни англатадики, тарбияни йўлга қўйиш энг зарурий эҳтиёждир. Шундай экан, юртимиз тараққиётини ривожлантириш йўлида қуқур ислоҳатлар олиб борилаётган бир пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, бугунги давр талабларига мос равиша ҳар томонлама баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, замонавий технологияни мукаммал ўзлаштирган, халқ манфаати йўлида бор куч ва салоҳиятини сафарбар қиласиган, шижоатли ва иқтидорли ёшларни ва касб эгаларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, хукукий пойдевор яратиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

Ушбу «Тарбиявий ишлар методикаси» номли ўкув қўлланма таълим-тарбия масканларида олиб бориладиган тарбиявий иш усуллари ва инсоний муносабатлар ҳақида сўз юритади ва педагогиканинг назарий қонун-қоидаларига асосланади. Шу сабабдан юқоридаги назарий қоидаларига суюниб, мазкур материалларни ўрганиш ва келажак авлодга ўргатиш муҳим аҳамиятта эга. Мазкур ўкув қўлланмада талабаларни амалий - тарбиявий ишларга жалб этиш, таълим масканларида ишлайдиган мутахассисларнинг сифатини яхшилаш бугунги куннинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Қўлланмага тарбиявий ишлар методикасига доир муҳим билим, кўнишка ва малакалар киритилган, чунки хилма-хил ва такрорланмас ижтимоий шароитларда, тарбиявий воқеликда бўладиган барча аниқ методик усуллар ва воситаларни ҳамма вақт қамраб олиб бўлмайди ва бундай қилиш мақсадга мувофиқ ҳам эмас.

Тарбиявий ишлар методикасини ўрганиш орқали ёшларни тарбиялашнинг умумий масалаларини ўзлари мустақил, ижодий ҳал қилишга ўргатилса, талабаларнинг иш фаолияти педагогик амалиёти билан чамбарчас боғланган бўлса ва уларни касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашга ундаса, ижобий натижа беради. Натижада, мазкур курсни ўрганиш талабаларни тарбиялашга: педагогик муомала, нутқ маданияти, педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш, тарбиячининг психик ҳолатини мустақил тартибга солиб туриш, педагогик таъсир кўрсатиш драматургияси ва режессураси, Ёшлилар иттифоқининг мустақил тарбиявий фаолиятини фаоллаштириш, ўқувчиларни меҳнатда тарбиялаш, касбга йўналтириш, синфдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий-тадбирларда, оила ва маҳалланинг тарбиявий куч - файратини бирлаштириш, умумтаълим мактаблари, кассбхунар, академик лицейлар шароитида ўкув қўлланма талабаларга касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашда ёрдам бериши шубҳасиз.

Тарбиявий жараён таълим-табия муассасаларида ўзига хос касб соҳасидаги тарбиячи-ўқитувчилар, миллий истиқлол гояси билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир фуқаро онгига етказиш малакаларига эга бўлишлари лозим. Шундагина тарбиячи тарбия бера олади. Бу борада ўкув қўлланма барчага ижодий мадаткор бўла олади деган умиддамиз.

## **1-МОДУЛ: ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

### **1-Мавзу: Тарбиявий ишлар методикаси фанининг мақсад ва вазифалари**

#### **Р Е Ж А:**

1. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Тарбия ҳақида тушунча.
3. Тарбиявий ишларнинг методологик асослари.

**Таянч сўзлар:** Тарбиявий иш, тарбиячи ва тарбияланувчи, инсонпарварлик, тадқиқот обьекти, тадқиқот предмети, педагогик муносабат, ахлоқий тарбия, оила, мактаб, маҳалла, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, урф-одат, қадриятлар, анъаналар, эркин фикр, жисмоний ривожланиш, шахс хусусиятлари, комил инсон фазилатлари.

#### **1. Тарбиявий ишлар методикаси фанининг мақсад ва вазифалари.**

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва у узлуксиз узоқ жараён давом этиш орқали шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўйстлари, жамоат ташкилотлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар бевосита таъсир кўрсатади. Шундай экан, тарбия барча жамият учун, келажак авлоднинг шаклланиши учун, ҳар куни, ҳар вақт тарбия зарурий эҳтиёж ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлис депутатларига қилган мурожатида ҳалқимиз хаётида бўлаётган туб бурилишлар, 2020 йилни “Илм-фан маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб белгиланиши, қилинадиган ишларнинг асосий мазмунини белгилайди. Айниқса илм-фан ва маърифат ҳамда тарбияга бўлган эътибор, ўқувчи-ёшлиарнинг маънавий тафаккурини тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, ҳамда бу мавзу давлат миқиёсидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, жамият ривожида катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси “Ёшлиар Иттифоқи” ташкилотини қайта ташкил этиб, ёшлиар тарбиясини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берар экан, “Ёшлиар бизнинг келажагимиз”- деган эдилар. Одоб – ахлоқ орқали тарбияни маънавий тафаккурни ва юксак онгни шакллантирас эканмиз, комил инсонда фақат яхши муносабатни йўлга қўйиш, яхши муомала қилишга ўргатилади. Аста – секин бу ҳолат унда одат (рефлекс)га айланади. Шундай экан, ҳозирги ёшлиаримиз маънавий комил инсон фазилатларини тарбиялаш ва уларнинг ўзларида шакллантириб бориш лозимдир. Зоро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам фоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган”<sup>1</sup>.

Шу жихатдан юксак одоб-ахлоқ қоидаларини тарбиялаш маънавий тафаккур ва онгга эга бўлган иқтидорли болаларни аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш шарт-шароитларини яратиш заруритини изоҳлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлиар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга

<sup>1</sup>“Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 1 июль.

ошириш тизимини яратиш”<sup>2</sup> каби мұхым вазифалар белгиланди. Бунда маңнавий тафаккур ва юксак оңг әгаси бўлган қобилиятли, билимли ўқувчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, хорижий тиллар, математика, физика, кимё, биология каби мұхым ва талаб юқори бўлган фанлар чукурлаштириб ўқитиладиган ихтисослашган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, ”Президент мактаблари”ни ташкил этиш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятга эга педагогик жамоасини умумтаълим мактабларида иқтидорли, маңнавий тафаккур ва юксак оңг әгаси бўлган болалар билан ишлашга ва таълим сифатини яхшилашга, яхши тарбия беришга ва тўғри баҳолашга жалб қилиш мұхым аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълим министроти бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4306-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Президент мактаблари тўғрисида Низом” бўйича 526-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 22 февралдаги “Умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларнинг иқтидорли битирувчиларини олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш тартиби тўғрисида Низом” бўйича 154-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 9-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа мөъёрий-хукуқий хужжатлар ва беш ташаббус асосида белгиланган вазифаларни амалга оширишда тарбия масалалари мұхим аҳамиятга эгадир.

Юкоридаги барча ҳаётий эҳтиёжларни вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорликнинг таъсир доираси орқали шахсни тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган мухитдан ҳимоя қилиш.

Тарбиянинг бош мақсади – ёш авлодни маңнавий-ахлоқий тарбиялашда ҳалқнинг бой миллий, маңнавий-тариҳий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишdir.

Тарбиянинг асосий вазифаси – шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишидир.

Бунинг учун: – ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйотиш;

– ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маңнавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, уни бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

– ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.

ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-куватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

– инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, иркӣ ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби тарбия воситалари кенг қўланиши лозим ва унинг тескариси (ноҳақликка, ёлончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) чек қўйиш;

– ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат-мудоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадхиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнаки, Инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;

– мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очик ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтиromoқ керак;

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантириш;

– солом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш.

Тарбиянинг асосий тизими қўйидагича бўлиши лозим:

– тарбия – тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигит-қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборга олиш;

– ёшларда истак ва имконият мувофиқлиги туйғусини қарор топтириш;

– миллийликнинг ўзига хос анъаналари ва воситаларига таяниш;

– шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш,

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги, болаларни камраб олишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўсмир йигит ва қизлар нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суюнган ҳолда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlарини, ташаббускорлигани оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўгарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит-қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

## 2. Тарбия ҳақида тушунча.

**Тарбия** - аниқ мақсад ва тарихий тажриба асосида ёш авлод онгини ҳар томонлама ўстириш ва уларнинг дунёқарашини камол топтириш жараёнидир. Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шакллана боради, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт

учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишиларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташки омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис қилиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур. Зеро, тарбия ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши асосида кечади.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларини ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиласи.. У ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Тарбия ҳақида тушунча берар эканмиз, энг авволлотарбия назарияси педагогика фанининг таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганишимиз лозим. Ёш авлодни тарбиялашда нималарга эътибор қаратмоқ лозим? Бундай масалаларни ҳал этишда, аввало мамлакатимизда, сиёсий-ижтимоий соҳаларда юз бераётган ислоҳотлар моҳиятини чукур ва атрофлича мушоҳада қилиб олишга тўғри келади. Чунки давр ҳам, инсон тарбияси ҳам ўзгариб бормоқда. Айниқса, XXI аср инсоният тарихида компьютер даври бўлиб кириб келди. Бироқ, фан-техника қанчалик жадал ривожланиб, жамият ҳаётида муҳим жой олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини тезлашувига қанчалик самарали таъсир этмасин, тарбия назариясида шахсни комил инсон этиб тарбиялаш, бу борада Марказий Осиё мутафаккирлари, ҳалқ педагогикаси ҳамда жаҳон педагогикасининг илор фикрларига таяниб иш кўриш зарур бўлади. Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда, биринчи навбатда Шарқ мутафаккирларининг қимматли маънавий мерослари муҳим дастурил амал аҳамиятига эга бўлади. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад ал-Фароний, И мом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Муҳаммад Тараай Улубек, Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур сингари оламга машҳур алломаларининг ижтимоий, сиёсий ва фалсафий қарашлари барча замонлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўтмиш маданий меросини чукур ўрганмаган ва эъзозламаган, аждод-авлодлари босиб ўтган тарихий йўлни идрок этмаган, миллий мустақиллик йўлида жон фидо қилган буюк аждодлар фаолиятидан хабардор бўлмаган инсон ўзлигини ҳеч қачон англааб етолмайди.. Ўтмиш маданий меросини ўрганиш мураккаб жараён саналади. Маданий мерос намуналари ва уларда илгари сурилган эзгу ниятларни ёш авлод онгига сингдириш узлуксиз, изчил, тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ амалга оширилиши зарур.

**Тарбия мақсади ва вазифалари.** Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳиятан турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: «Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот-ё фалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур». Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зеро, ҳар бир ҳалқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига қўп жиҳатдан боғлиқ. Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади. Энг оддий харакатдан тортиб то кенг

кўламли давлат дастури асосида ташкил этилувчи тарбия доимо муайян мақсадга йўналтирилган бўлади. Мақсадиз, маълум ғояни ифода этмайдиган тарбия бўлмайди. Тарбия мақсади асосида унинг мазмуни асосланиб, мақсадни амалга оширишга хизмат қилувчи метод ва усуллар аниқланади. Тарбия мақсадининг муаммоси педагогиканинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тарбия мақсади умумий ва индивидуал характерга эга бўлиши мумкин. Илғор педагогика умумий ва индивидуал мақсадлар бирлиги ва уйғунлигини намоён этади. Мақсад тарбиянинг умумий ижтимоий мақсадни ижобий ҳал этишга йўналтирилади ҳамда аниқ вазифалар тизими сифатида намоён бўлади. Демак, тарбия мақсади тарбия жараёнини ташкил этиш асосида ҳал этиладиган вазифалар тизимиdir. Тарбия мақсадлари моҳияти ва кўламига кўра умумий ва аниқ вазифалар сифатида гурухланади. Тарбия мақсади қандай шаклланади? Унинг шаклланишида кўплаб обектив сабаблар етакчи рол ўйнайди. Организмнинг физиологик етилиш қонуниятлари, инсоннинг руҳий ривожланиши, фалсафий ва педагогик фикрлар ютуғи, ижтимоий маданият даражаси мақсадга умумий йўналиш беради. Бироқ асосий омил доимо давлат мафкураси ва сиёсати бўлиб қолаверади.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёшлар орасидан энг иқтидорли, салоҳиятлиларини танлаб, саралаб олиб, уларни илмий, маданий-маънавий жиҳатдан юқори натижаларга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини пухта ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг истиқболи назарда тутилиб, кўпгина ёшларнинг Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Германия каби ривожланган хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилаётганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини хаётга жорий этиш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда умумий тибиёт муаммоларини замон талаблари даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта маҳсус, ҳамда олий ўкув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиши ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистонида жамият маънавияти ва шахс учун муҳим ўрин тутувчи маънавий ва ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга хурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Барчасининг асосида ёш авлодга оила, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган таълим-тарбия мазмуни, ғоявий йўналиши ва самараси ётади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос, баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари - ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ҳамда жинсий тарбияни ташкил этишга нисбатан янгича нуқтайи назардан ёндашиш, уларнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиши алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса тарбиядаги энг муҳим вазифалардир.

### **3. Тарбиявий ишларнинг методологик асослари.**

Тарбия ишлари бажарилиш шароитларига қараб ўзига хос кўринишларда асосланади. Улар ақлий ва жисмоний кўринишда бўлади:

**Ақлий тарбия.** Шахс дунёқарашининг шаклланишида ақлий тарбия муҳим ўрин тутади. Ақлий тарбия шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, уни самарали йўлга қўйиш асосида дунёқараш шаклланади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида ёшларга ақлий тарбияни беришга алоҳида эътибор қаратилмопқда. 1997-йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ҳам юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилган. Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар

билан таништириш, уларда ижодий, эркин, мустакил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Ақлий тарбия жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

1. Тарбияланувчиларга илмий билимларни бериш.

2. Уларда илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш.

3. Мавжуд билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

4. Билимларини доимий равишда бойитиб боришга интилиш туйғусини шакллантириш.

5. Билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилиятлар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадга интилиш, қизикувчанлик, кузатувчанлик, мустакил фикрлаш, ижодий тафаккур юритиш, ўз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гурухлаштириш, мантиқий хулосалар чиқариш ва ҳоказолар)ни ривожлантириш.

Ақлий таълим ва тарбия бирлиги асосида шахсда тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) ривожланади. Манбаларнинг кўрсатишича, ақлий тафаккурнинг мавжуд даражасини белгилаш бир қадар мураккаб бўлиб, қуйидаги белгиларга кўра аниqlаниши мумкин:

1. Илмий билимлар тизимининг мавжудлиги.

2. Мавжуд илмий билимларни ўзлаштириб олиш жараёни.

3. Фикрлаш кўникмасига эгалик.

4. Билимларни эгаллашга бўлган қизиқиши ҳамда эҳтиёжнинг юзага келганлиги.

Ақлий тафаккур узоқ муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келади. Унинг шаклланишида илмий қараш ва эътиқод ўзига хос ўрин тутади. Илмий қараш (юнонча «идея» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йифиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя бўлиб, у шахс томонидан мавжуд илмий билимлар тизими пухта ўзлаштирилганда, билимларни бир-бiri билан тақослаш, солишириш, предмет, ҳодиса ёки жараён моҳиятини таҳлил қилиш натижасида юзага келади. Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш, ихтирочилик кўникмаларини шакллантириш улар томонидан илмий изланишларни олиб бориш ва маълум илмий қарашларни илгари сурилишига замин яратади.

Ақлий тарбияни самарали ташкил этиш шахсда илмий тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди. Илмий тафаккур - инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашувни англатади.

Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий-фалсафий, табиий, иқтисодий, хуқукий, маънавий-ахлоқий, эстетик ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч бўлиб, унинг шаклланиши бир неча босқичда кечади. Биринчи босқичда улар бекарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади. Иккинчи босқичда маънавий-ахлоқий қарашларнинг барқарор тамойилларига айланади. Мавжуд талаб, жамият томонидан тан олинган ахлоқий қоидалардан четга чиқиш қийин, зиддиятли вазиятларда онгли ҳаракатни ташкил этиш, иродавий сифатларга таянган ҳолда иш кўриш тақозо этилади. Учинчи босқичда, эътиқод барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади. Ўқувчи томонидан ўзлаштирилган илмий билимлар хаётий муносабатлар жараёнида кенг қўлланилганда, уларнинг асл моҳияти чуқур ҳис қилинган ва англангандагина эътиқодга айланади.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Хусусан, **Абу Наср Форобий** инсон томонидан борлиқни англиниши, табиат сирларини англашида илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Алломанинг фикрича, “Инсон танаси, мияси, сезги органлари у туғилганда мавжуд бўлган бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва

ахлоқий сифатлари, характеристи, дини, урф-одатлари, маълумоти ташки олам, ижтимоий муҳит таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараёнида шаклланади”.

**Абу Наср Форобийнинг эътирофича, инсон ақли, фикри унинг руҳий жиҳатдан юксалишининг маҳсулидир.** Инсон билимларни ўзлаштирасига экан, борликда тирик мавжудотнинг яратилиш тарихигача бўлган маълумотларни ўзлаштира олади, уларни яратади, илмий жиҳатдан асосслайди.

Алломанинг мазкур фикрларини давом эттирган ҳолда **Абу Райхон Беруний** қуидагиларни илгари суради: “Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташки сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири-билим солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди”. Мутафаккир, шунингдек, одамлар томонидан билимларни ўзлаштирилиб бориши янги билимларнинг яратилишига олиб келишини айтади: “Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди.. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини хурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини хурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади” деб таъкидлаган.

**Абу Алл ибн Сино** ўз асарларида билим тушунчасига шарҳ бериш билан бирга билимнинг чуқур ўзлаштирилиши донишмандлик эканлигини алоҳида қайд этади: “Илм нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир. Билим деб эса, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордию, бу далиллар очик-оидин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат-донишмандлик дейилади” деган эди.

**Юсуф Ҳожибнинг** “Кутадғу билим” (“Саодатга бошловчи билим”) асари таъбир жоиз бўлса, билимнинг моҳияти, унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, инсон ўз-ўзини таъминлашдаги роли, ёвузиликларни бартараф этувчи восита эканлиги тўғрисидаги қомус саналади. Алломанинг фикрича, билимли бўлиш эзгу ишлар тантанасини таъминловчи гаров бўлиб, унинг ёрдамида ҳатто осмон сари йўл очилади дейди:

Ҳамма эзгуликлар билим нафи туфайлидур,  
Билим туфайли, гўёки фалакка йўл топилади.

Ушбу фикрларни ифода этганда аллома нақадар ҳақ эди. Зеро, орадан тўққиз-ўн аср вақт ўтгач, инсон нафақат осмонга уча олди, балки коинотни ҳам забт этишга муваффақ бўлди.

**Алишер Навоий** билимларни изчил, узлуксиз ўзлаштириш зарурлигини уқтиради. Шунингдек, илм ўрганиш машаққатли юмуш бўлиб, уни ўрганишда айrim қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши, бу йўлда чидамли, қаноатли, бардошли бўлиш орқалигина мукаммал билимга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлади.

**Абдулла Авлоний** эса инсон ақлий билим хусусида тўхталар экан, қуидагиларни баён этади: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун фойят муқаддас бир фазилатдур, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, характеристимизни ойна каби кўрсатур, зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабидур” дейди. Аллома билим инсонни жаҳолатдан қутқаришнинг энг самарали воситаси эканлигига ҳам урғу беради: “илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур” деган пур маъно сўзларини бизга мерос қилиб қолдирган.

**Иқтисодий тарбия.** Ўзбекистон Республикасида, бозор муносабатлари шиддат билан бир вақтда ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш ва уларда иқтисодий фаолиятни юрита олиш кўникма, малакаларни шакллантириш ўзига ҳос аҳамият касб этади. Иқтисодий тарбия-ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият

(оила бюджетини шакллантириш, оила хўжалигини юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўнкма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми саналади.

Иқтисодий тарбия таълим муассасаларида йўлга қўйилаётган иқтисодий таълим билан чамбарчас ҳолда олиб борилади. Иқтисодий тарбияни ташкил этишда оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка таяниш ижобий натижаларни кафолатлади. Иқтисодий таълим ва тарбиянинг асосий мақсади ўқув машғулотларини олиб бориша талаба-ёшлар онгидаги тежамкорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик каби иқтисодий жиҳатларни ўз ичига олувчи хислатларга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдан иборат.

Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараённида қўйидаги **вазифалар** амалга оширилади:

- ўқувчиларга иқтисодий билим асослари (иқтисод, оила хўжалигини юритиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, капитал, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, кичик ва ўрта бизнес, ижара шартномалар ва уларни тузиш, банклар, банк оператсиялари, буջетни шакллантириш, даромад, банкрот, бизнес-режа ва бошқалар) борасида чукур билимлар бериш ва уларни такомиллаштириш;
- ўқувчиларда иқтисодий онг ва тафаккур, хусусан, мавжуд моддий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни тарбиялаш;
- уларда муайян касбий ёки ишлаб чиқариш кўнкма ва малакаларини шакллантириш;
- уларни иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш;
- ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга нисбатан эҳтиёж ва лаёқатни юзага келтириш;
- улар томонидан тор доирада бўлсада тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилишига эришиш.

Ҳар қандай тарбияда ҳам ўша тарбияга тегишли тушунчаларнинг мазмунини тўлиқ англаб этиш ўша тарбия самарадорлигини ошириши ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада ўқув юрти ва оила шароитида талаба-ёшларнинг иқтисодий тафаккурини юксалтиришда, уларни ҳамкорликка ва ишбилармонликка чақиришни, иқтисодий ҳисоб-китобларни ўрганишни ҳаётый тажриба асосида амалга ошириш иқтисодий тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий тарбияда тежамкорлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб, оила бюджети ва бойлик каби тушунчаларнинг муҳим аҳамияти бор.

Иқтисодий тарбиянинг дастлабки босқичлари узоқ тарихга эга. Улар кишилиқ жамияти тараққиётига мос равишда такомиллашиб келаверган.

Иқтисодий тарбияга тегишли маълумотларни илоҳий китоб - Қуръони Каримда ва муқаддас китоб-Ҳадиси шариф ҳамда «Авесто» битикларида ҳам топиш мумкин. Иқтисодий тарбия Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам баён этиб келинган. Жумладан, Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарларида қозихонада мерос ва уни тақсимлаш бўйича алоҳида ходим фаолият кўрсатиши қайд этилган. Улар шубҳасиз қозихонадаги иқтисодий муаммолар ечимларини ҳал этиш учун жалб этилган.

Бу борада Форобийнинг “Инсон ўз маблағини сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчилик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка этаклайди”, деган фикри ўринлидир.

Тежамкорлиқда вақтмасаласи алоҳида эътиборга молик тушунчадир. У инсон ихтиёридаги бебаҳо хазина. Шу сабабли ҳам «Қун қайтади, аммо вақт қайтмайди», деган нақл бор, чунки вақт ўлчовлидир. Ундан дунёни ўрганиш, ўзгартириш, шахсий манфаат, эл-юрт хизмати ва меҳнат самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятларда фойдаланиш мумкин. Шу сабабли ҳам у қадрлидир. Тарихий воқеалардан фойдаланиш иқтисодий тарбия беришнинг самарадорлигини оширади ва ўқувчилар маънавиятини юксалтиришга ёрдам беради.

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш йўлларидан яна бири - бу тарихий воқеалар асосида, уларнинг иқтисодий тарбияга оид тафаккурини бойитишдан иборатdir.

Тежамкорлик тарбияси меҳнат, ахлоқий ва иқтисодий тарбияларнинг муҳим асоси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам талабаларга иқтисодий тарбия беришда, ўгитлар ва ҳикматлардан фойдаланиб, уларни таҳлил қилиб борилса, иқтисодий тарбия самарали кечади. Демак, талаба-ёшларга иқтисодий тарбия беришнинг самарали йўлларидан бири - бу иқтисодий тафаккурни юксалтиришга оид ўгит ва ҳикматлардан фойдаланишдан иборат бўлиб, дарс машғулотларида улардан мосини танлаб ва уни таҳлил қилиб, талабаларнинг иқтисодий тафаккури ривожлантирилади.

**Экологик тарбия.** Экология тушунчасини ilk бор немис зоологи Э.Геккел томонидан 1866 йилда қўлланилган. Олим тирик организмларнинг атроф-муҳит билан муносабатларини белгилаш учун шу атамани таклиф этди. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Экологик тарбия (грекча «оикос» - уй, турар жой, макон, «логос» -фан) ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Экология - юонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

Экологиянинг фан сифатида юзага чиқиши XVIII-XIX асрларни қамраб олади. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида тадқиқотчи - олимлар томонидан айрим омиллар, айниқса, иқлиминг киши организмига таъсирини ўрганиш натижасида бу фанга бўлган эътибор янада кучайди.

Бугунги кунда экология муаммолари умумжаҳон (умуминсоният, умумбашарият) муаммосига айланган. Шу сабабли, бу масала ечимига бир, икки давлат эмас, балки ўз атрофимиздаги олам мувозанатини ўйлаётган қўпгина давлатлар эътибор бермоқда. Жумладан, бу муаммо ечими Республикаизда ҳам давлат сиёсати даражасигача кўтарилилган. Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 9-декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти Конуни, Биринчи Президентимизнинг 1993-йил 23-апрелдаги “Соғлом авлод учун” Халқаро нодавлат хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, ўша йили “Соғлом авлод учун”орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, “Экологик таълим-тарбия консепсияси”ни ишлаб чиқилиши, мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этишга давлатимиз хукуматининг ҳам бу борадаги фаоллигидан далолатdir.

Экологик тарбияга эътибор юртимизда оиласдан, боғчаданоқ бошлаб ўргатилиб борилган. Ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларида ҳам экологик йўналишдаги синфларнинг ташкил этилиши ва шулар асосида литцей ва мактабларда таълим-тарбия ишларининг олиб борилиши - ёшларга мактаб партасиданоқ табиатга муҳаббат рухида тарбия беришга астойдил киришилганлигидан далолатdir.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир этиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар кўпайиб бормоқда. Айниқса, ер, сув, энергетика, озиқовқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё (глобал) муаммоларга айланиб бормоқда. Ер бағридан ҳар йили 120 млрд тоннадан ортиқ турли хилдаги хомашё, қурилиш материаллари, ёқилғини қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Кўпгина заарли корхоналар, заводларнинг оқар сувга яқин жойлашганлиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётir. Марказий Осиёда яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Ер куррасида инсоннинг яшаб қолиши-қолмаслиги масаласи энди экологик муаммоларни ечишга болик бўлиб қолади.

Ўқитувчининг болаларга экологик таълим ва тарбия беришда халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда тўрт нарса **ер, сув, олов, ҳаво** муқаддас ҳисобланган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга эътиқод қўйиб, ёзниг энг жазирама кунларида “Сув сайли” ўтказган. Ота-боболаримиз “Сув-табиат инъоми, ҳаёт манбайи”, деб бежиз айтишмаган.

Демак, ўқувчи-ёшларга экологик тарбия беришда миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, нодир қўллэзмалар ва давлат арббларининг ушбу соҳага оид фаолиятлари мустаҳкам дидактик асос бўлиб, булар орқали уларни атроф-муҳитни тоза сақлашга, озодаликка, покизаликка ва энг асосийси соғлом турмуш тарзи ҳамда муҳитини ташкил эта олишга ўргатилади.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққиёти даражаси ундаги халқ хўжалигининг турли жабҳаларига таъсир этади. Бу борада ўзига хос глобал ва минтақавий экологик муаммолар ҳам юзага келаверади. Бунда глобал муаммоларга Орол фожиаси, Чернобил ҳалокати, Хиросима ва Нагасаки шаҳарлардаги бомба портлашлар ҳамда шу кабилар мисол бўла олса, минтақавий муаммоларга завод ва фабрикалардан чиқадиган зарарли чиқиндилар ёки маълум ҳудуддаги тупроқ эррозияси, баъзи касалликларнинг кўпайиши ва шу кабиларни мисол қилиб олиш мумкин.

**Фуқаролик тарбияси.** Фуқаролик тарбияси фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англатиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фуқаролар этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён. Фуқаролик тарбиясининг марказий обекти фуқаро саналади. Фуқар фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахсdir. Фуқаролик эса ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масуллик билан ёндашув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик. Фуқаролик тарбиясининг вазифалари тизимини қўйидагилар ташкил этади:

1. Ёш авлодни доимий равища жамиятда устувор мавқега эга бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш.
2. Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.
3. Ўқувчиларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш хиссини шакллантириш.
4. Ўқувчиларда халқ ўтмиши, миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғуурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш.
5. Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғулаштира олишга эришиш, фидоий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш.
6. Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини эъзозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш.

Ўқувчиларнинг фуқаролик тарбиясини ташкил этишда шахсга давлат Конститутсиясида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажариш хусусида маълумотлар бериш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этишда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларни бажариш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республика бош қонунида шахснинг қўйидаги ҳуқуқлари кафолатланади: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, айбланаётган шахс ишининг судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиши, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига таҳдид қиласидан тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашибдан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги, Республика худудида биржойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждан эркинлиги, давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, қонуний митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш, касаба уюшмаларида, сиёсий

партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат қилиш лаёкатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги.

Ўқувчиларга хуқуқлари борасидаги билимларни бериш билан бирга фуқароларнинг бурчлари нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумот бериш, бу хусусида ўқувчиларда амалий кўнкималарни ҳосил қилиш кўзланган мақсадга эришишда муваффақият омили бўлади.

Фуқароларнинг бурчлари қўйидагилардан иборатdir: фуқаролар Конститутсия ва қонунларда кўзда тутилган талабларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хуқуқлари, эркинликлари, шаъни, қадр-кимматини хурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий-маданий меросини авайлаб асраш; фуқаролар табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; қонунлар билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш. Юқорида қайд этилган бурчларни бажариш Ўзбекистон Республикасининг фуқароси саналувчи ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Фуқар - фуқаролиги хуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс. Ўз фуқароларига эга бўлиш ҳар бир давлатнинг зарур ва мухим белгиси саналади. Фуқароларнинг мавжудлиги сабабли давлат мавҳум тушунча бўлмай, муайян механизмга эга субект сифатида майдонга чиқади. Хуқуқий ўрни қонун йўли билан кафолатланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, маълум бир давлатга қарашлилиги ҳолати **фуқаролик** дейилади. Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси ҳамда Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган тегишли қоидалар, белгиланган хуқуқлардан фойдалана олади, қонунларда кўрсатилиб ўтилган бурчларни бажаради.

**Ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашда давлат** рамзларидан фойдаланиш. Давлат рамзлари муайян миллат, элатнинг этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини англатишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуидир. Муайян давлатнинг байроқи, герби (тамаси) ҳамда мадҳияси давлат рамзлари мажмунини ифодалайди.

Давлат рамзлари ўзларида чукур сиёсий ва ижтимоий-ғоявий мазмунни ифода этади. Давлат рамзлари (байроқ, герб)да тасвиirlанган ранглар, тасвиirlар муайян халқ, миллат ўтмиши, қадим анъаналари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, мақсади, хаётий интилишларини ифода этишга хизмат қиласди. Давлат мадҳиясида эса халқ, миллат, давлат ва жамиятнинг ягона мақсади, бирлиги ғоялари тараннум этилади.. Давлат рамзлари давлатнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилар саналади. Рамзлар - бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим даврлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини, уларнинг қарашларини ифодалаган.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ижтимоий-сиёсий мустақилликни ифода этувчи рамзларни яратишни тақозо этди. Шу муносабат билан 1990-йил 30-мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 10-декабрда бўлиб ўтган XII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси қабул қилинди. Ушбу мадҳия муаллифлари Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ва таниқли бастакор Мутал Бурхоновдир.

Серқуёш, хур ўлкам, элга баҳт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,

Шұхратинг порласин токи бор жақон!

**Нақорат:**

Олтин бу водийлар -жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жүш урган замон,  
Оlamни маҳлиә айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймени,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

**Нақорат:**

Олтин бу водийлар -жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жүш урган замон,  
Оlamни маҳлиә айлаган диёр!

1991-йил 15-февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат рамзлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 1991-йил 18-ноябрда Ўзбекистон Республикасининг байроғи, 1991-йил 2-июлда эса Ўзбекистон Республикасининг герби (тамаси) қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғида оқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг ҳар бири муйян маънони англатишга хизмат қиласди. Оқ ранг қизил ранг билан ҳошияланган. Республика байроғида юрт тарихи, ўзбек халқининг миллий рухи ва юрт табиатининг жамоли акс эттирилган. Байроқнинг чап томони юқори қисмида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган. Кўк ранг ва юлдузлар тасвири тиник, мовий осмон белгисидир. Ўртадаги оқ ранг эса ёруғ кун ва покиза, оқ кўнгилли ўзбек халқининг тилаги, қизил ҳошиялар эса томирларда жўш ураётган қон каби тириклик ва ҳаёт рамзидир. Яшил ранг эса қадим-қадимдан табиат белгиси, ой (янги ой) рамзининг берилиши мустақиллик шароитида ҳаёт кечириш халқимиз учун ўзига хос янги давр эканлигининг ифодасидир. Юлдузлар сонининг ўн иккиталиги йил ойлари, мучал ҳисобига нисбатdir. Умуман, юлдузлар қадимданоқ агадият тимсоли сифатида қадрланиб келинган. XVIII асрдан бошлаб эса, буюк интилиш ҳамда улуғ ғояларнинг ифодаси сифатида талқин этила бошланган.

Республика миллий байроғининг ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган. Миллий байроқ ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиш синф соатларида, шунингдек, тарбиявий тадбирларни ўтказиш чоғида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик меҳмонлар Республика байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик қонун йўли билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг **Давлат гербидаги тоғлар**, дарёлар, буғдой бошоқлари (чап томонда), очилган ғўза шоҳларининг (ўнг томонда) гулчамбар ҳолидаги тасвири акс эттирилган. Герб ўртасида серқуёш юрт рамзи бўлган қуёш ўзининг заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқоридаги қисмида Республика мустақиллигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ичидаги ярим ой (янги ой - янги тузум) ва юлдузлар (абадият тимсоли) жойлаштирилгандир. Гербнинг марказида баҳт ва эркесварлик рамзи бўлган кумуш рангли Хумо қуши қанотларини ёзид турган ҳолда тасвирланган. Хумо қуши инсонга баҳт келтирувчи, уни турли оғатлардан ҳимоя қилувчи, меҳрибон жонзот сифатида ўзбек халқ озаки ижодида кенг талқин этиб келинган. Гербнинг пастки марказий қисмида Давлат байроғи рангларидаги чамбар лента ўзагида «Ўзбекистон» сўзи ёзилган. Гербда ифода этилган саккиз киррали бурчак - мужассамдир.

Ушбу белги ижтимоий ҳаётнинг маълум бир ғоя, куч бирлаштиради деган ғояни англатишга хизмат қиласди. Пахта ва буғдой бошқаруининг тасвири ризқу-рўзнинг нишонасири.

Давлат гербининг ҳуқуқий мақоми ҳам махсус Қонун билан ҳимояланади. Давлат гербидан фойдаланиш ҳуқуқи махсус давлат ҳокимиияти ва бошқаруви идоралари га берилган бўлиб, уларга Ўзбекистон Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, давлат ҳокимиияти ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча тоифадаги судлар, прокуратура, дипломатик ва консулилк ваколатхоналари киради.

Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрлар, ҳужжатларнинг бланкалари ва улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда йўқотиш тартиби Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус ҳужжати асосида тартибга солинган. Давлат гербининг тасвири, шунингдек, фуқаролик паспорти, корхона, ташкилот, муассасаларнинг иш қоғозлари, муҳрларида ўз аксини топган. Республика фуқароси шахс сифатида ўз шаъни, орномусини қанчалик муқаддас билса, фуқаро сифатида давлат рамзларини шу қадар муқаддас билиши, уни асраш, муҳофаза қилиш учун ўзида масъуллик туйғусини қарор топтириши лозим. Фуқаролик тарбиясини йўлга кўйиш жараёнида давлат рамзларидан ноқонуний ҳамда, ахлоқсиз равишда фойдаланаётган кимсаларга нисбатан муросасиз бўлиш лозимлигини уқтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида шундай ёзади: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик».

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, ҳалқ ўтмишини ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш туйғусини қарор топтириш саналади. Шахс ҳам, жамият ҳам ўтмишини ўрганиш, унинг ҳар бир босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади. Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мерос ғоялари бугунги авлод учун дастуриламал бўлиши лозим. Алломалар, ҳалқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш, миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаш етишга ёрдам беради.

Миллий қадриятлар ғояларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар миллатни бу қадар жиспашганлигидан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида ҳалқ ўтмиши, тарихини ўрганиш миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш ижтимоий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидоий, ватанпарвар фуқаро сифатида тарбиялаш эвазига таъминланади. Ёш авлодда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатлар ва қўникмаларни шакллантириб бўлмайди.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб ўқувчиларга фуқароликнинг моҳияти ва меъёрий қоидалар мазмунига оид билимлар берилади. Аввало, ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунчалар берилади, бу хилдаги хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида уларда фуқаролик тушунчаси шаклланади ва фуқаролик хулқий одатлари ҳосил қилинади.

Бадиий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакл ғоялари, турли сухбатлар мазмунини тушунтириш, тарғиб этиб бориш орқали ўқувчилар онгига фуқаролик тушунчалари сингдирилади. Фуқаролик туйғусини болаларда мактабгача таълим ёшидан бошлаб ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Республика байроғида нималар акс эттирилган?», «Республика гербida нималар тасвирланган?»,

«Хумо қуши тасвири қандай маънони англатади?», «Сен Давлат мадҳиясини биласанми?» каби мавзуларда сухбатлашиш муҳимдир. Ўқувчига фуқаро сифатида ўз хулқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти учун нима қила олдим?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим?» тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига кенг ўрин берилган. Хусусан: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги бу қайта ўзгариш йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, Республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади».

Эркка интилиш, озод яшашга бўлган эхтиёж инсонга хос бўлган туғиудир. Инсон ўз ватанидагина озод ва эркин яшай олади. Шу боис ватан озодлиги учун курашиш масаласи қадим-қадимдан алломаларнинг асарлари ҳамда эзгу foяларни ифода этувчи таълимотларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Чунончи, Ҳадиси Шарифда ватанни севиш иймондан эканлиги таъкидланади. Алишер Навоий қуйидаги мисраларда ватандан айрилиш инсон учун оғир жудолик эканлигига урғу беради:

Ғурбатда ғарib шодмон бўлmas эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлmas эмиш,  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулга тикондек ошиён бўлmas эмиш.

Алломанинг фикрларини ривожлантирган ҳолда ватандан жудо бўлиш оғир жудоликкина эмас, балки «юзи қаролик» эканлигини Захириддин Муҳаммад Бобур қуйидагича ифодалаган эди:

Толе ёқи жонимга балолик бўлибди,  
Ҳар ишники, айладим - хатолик бўлди.  
Ўз ерини қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролик бўлди.

**Абдулла Авлоний** ўз асарларида «ватан» тушунчасига таъриф бериб, унинг равнақи учун курашиш ватанпарвар инсонга хос хусусият эканлигини қуйидагича қайд этади: «Ҳар бир кишининг туғилуб ўсан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсғон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси - туйгуси хайвонларда ҳам бор. Агар бир хайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас. ... Биз Туркустонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сийганимиз каби. Араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскумулар шимол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суярлар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат килур эди».

Инсон ўзи туғилиб ўсан ватанда орзу-умидлари, ниятлари, ҳаётий интилишлари билан ўзига яқин бўлган кишилар даврасида бўлади, ўзи кўниккан турмуш тарзи бўйича кун кечиради, болалиқдан ўзи кўниккан ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этади, ҳаётининг бир қисмига айланган тилда сўзлашади ва у шу муҳитдагина ўзини эркин ҳис қиласди. Бегона юртларда у ўзига таниш бўлган, ўзи кўниккан муҳитни топа олмайди. Шу боис гарчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга сафар уюштирган бўлса-да, ўз юртини тезда соғинади.

**Хуқуқий тарбия.** Хуқуқий тарбия ўқувчилар ўртасида, фуқаролик тарбиясини ташкил этишда ўзига хос ўрин тутади. 1993-йил март ойида эълон қилинган «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсияси»да қайд этилганидек: «Хуқуқий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конститутсияни, давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш хуқуқларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада хурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро хуқуқнинг аҳамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар (БМТ, Хавфсизлик Кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳақида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатdir.

1997-йил 29-августда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» ғоялари жамият ва шахс хуқуқий маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида қимматли назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Хуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс хуқуқий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади. Зеро, хуқуқий таълим ўқувчиларга хуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-хуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда хуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, хуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Хуқуқий тарбия шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-хуқуқий билимлар негизида хуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, унда ижобий мазмундаги хуқуқий сифатларни қарор топтириш ва хуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади. Шахс хуқуқий маданиятини шакллантириш хуқуқий таълим ва тарбия жараёнининг муҳим босқичидир. Хуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қўйидаги **вазифалар** ҳал этилади:

- ўқувчиларга хуқуқий меъёрлар, қонунлар ва ижтимоий-хуқуқий муносабатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;
- ўқувчиларда хуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, хуқуқий онгни қарор топтиришга эришиш;
- ўқувчиларда хуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;
- уларда ижобий мазмундаги хуқуқий сифатлар (хуқуқий тасаввур, хуқуқий идроқ, хуқуқий тафаккур, хуқуқий саводхонлик, хуқуқий масуллик, хуқуқий фаоллик, хуқуқий эътиқод ва хуқуқий салоҳият)нинг қарор топишини таъминлаш;
- ўқувчилар хуқуқий маданияти (хуқуқий меъёрлар, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тўғри баҳолаш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонуний бўлишига эришиш, давлат Конститутсияси ва рамзларини, шунингдек, фуқаролик хуқуқ ва бурчларини хурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар қандай кўринишдаги хуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашни ташкил этиш)ни шакллантириш.

**Хуқуқий маданият** - шахс томонидан хуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда хуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи. Шахс хуқуқий маданиятини шакллантириш қўйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

- кенг кўламли ижтимоий - хуқуқий ахборотли мухитнинг мавжудлиги;
- шахс хуқуқий онгини шакллантириш;
- шахс хуқуқий фаолиятини йўлга қўйиш.

Демак, шахс хуқуқий маданияти негизида қўйидагилар акс этади:

- 1) хуқуқ ва хуқуқий тизим борасида етарли маълумотга эга бўлиш, хуқуқий билим асосларини ўрганиш, уларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишнинг ҳосил бўлиши,

эгалланган назарий-хуқуқий билимларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги кўникмани шакллантириш ҳамда малакага эга бўлиш;  
2) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни уюштириш чоғида ўз фаолияти тимсолида хуқуқий маданият унсурларини намоён этиш, ижтимоий-сиёсий ҳамда хуқуқий фаолликни юзага келтира олишда кўринади.

Шахс хуқуқий маданиятини қўйидаги икки асосий қисмга ажратиш мумкин;

1) хуқуқий онг; 2) хуқуқий фаолият.

**Хуқуқий онг** - ижтимоий онг шакларидан бири бўлиб, у жамият тараққиётининг маълум босқичида - давлат, мулк ва мулкий муносабатларнинг пайдо бўлиши, аҳолининг кескин суръатда табақалашуви, хуқуқ, хуқуқий муносабатлар тушунчаларининг пайдо бўлиш жараёнида уларга ёндош тушунча сифатида қўлланилган ҳамда ижтимоий-хуқуқий муносабатларни ташкил этиш чоғида кўзга ташланади. Хуқуқий онг муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идроқ, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

**Хуқуқий фаолият** хуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни хурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, хуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

**Шахс хуқуқий** маданиятининг муҳим таркибий қисмлари сифатида қўйидагилар эътироф этилади: хуқуқий тасаввур, хуқуқий идроқ, хуқуқий саводхонлик, хуқуқий тафаккур, хуқуқий фаоллик, хуқуқий масъуллик, хуқуқий эътиқод, хуқуқий салоҳият.

**Ахлоқий тарбия.** «Ахлоқ» (лотинча - хулқ-автор маъносини билдиради) ижтимоий онг шакларидан бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қонун-қоидалар мажмуудир. Ахлоқ - маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс Ўзбекистонининг юқори босқичдаги инсон саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахснинг руҳий ва жисмонан етуклигининг мезони бўлган маънавий Ўзбекистонга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим саналади.

**Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни.** Маънавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар бу жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқига мувофиқ ва тизимли таъсир этишдир.

Маънавий-ахлоқий тарбия вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириши.
2. Уларда маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва ривожлантириши.
3. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хулқ-автор кўнкума ва одатларини таркиб топтириши.

Буюк маърифатпарвар **Абдулла Авлоний** «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ «инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдор», - дейди. Айнан ахлоқ, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида маълумот берувчи мазкур манбада аллома яхши ва ёмон хулқларга тўхталиб ўтади. Алломанинг нуқтайи назарича, **яхши** хулқлар қўйидагилардан иборат: фатонат (ақл), диёнат (эътиқод), назофат (поклик ва тозалик), ғайрат, риёзат (савоб ишлар), қаноат, шифоат, илм, сабр, ҳалим (юмшоқ табиат) интизом, нафс меъёри, виждон, ватанни сўймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идроқ ва зако, ҳифзи лисон (тил ва адабиёт), иқтисод, виқор (ғуур), муҳаббат, авф (кечиримли бўлиш). Бу хислатлар маънавий-ахлоқлиликнинг асосий сифатлари саналади. Улар асосида Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатга ахлоқий муносабат, ўз атрофидагиларга ахлоқий ёндашув, шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ўзи ва шахсий хулқ-авторига муносабати қарор топтирилади.

**Абдулла Авлоний** ёмон хулқлар сирасига қўйидагиларни киритади: ғазаб, айш-ишрат, жаҳолат, сафоҳат (умри ва молини бекорчи нарсаларга сарф этиш), ҳамоқат (ўзбилармонлик, манманлик),adolat (ҳақ-ҳақиқат), ландавур(дангаса, ялқов), ҳасосат

(таъма, хирс), раҳоват (ғайратсизлик), анонийят (худбин, мутакаббир, манман), адоват (кексақлаш), намимат (чақимчилик), ғийбат, ҳақорат, жибонат (қўрқоқлик), ҳасад, ғизб (ёғлон), нифоқ, таъма, зулм ва бошқалар.

**Меҳнат тарбияси.** Меҳнат тарбияси ўқувчиларга меҳнатнинг моҳиятини чукур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўнишка ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг мухим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Меҳнат тарбиясини шундай ташкил этиш керакки, инсон меҳнат жараёни ва унинг натижасидан қаноатланишини таркиб топтиришга кўмаклашсин. Меҳнат тарбиясининг провард мақсади шахс характерининг асосий хислати сифатида унинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини шакллантиришdir.

**Шарқ мутафаккирлари меҳнат тарбияси ҳақида.** Таълим-тарбия тарихига назарташлар эканмиз, дастлабки ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, буюк мутафаккирлар ижодигача ёшларни меҳнатсевар бўлиб етишиши, касб-хунар ўрганиш, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш ҳамда меҳнат инсонни улуғлаш масалаларига алоҳида эътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз. Буни биз турли даврларда яратилган таълимий-ахлоқий асарлар ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналари топишмоқ, ҳалқ қўшиқлари, масал, мақол, эртак ва достонларда меҳнат ва касб-хунар одоби, ахлоқи ва қоидаларини ўзлаштириш мухим ҳаётий зарурат эканлиги таъкидланади.

Бундан ташқари «Авесто», Кайковуснинг «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Геодезия», «Минерология», Маҳмуд Қошарийнинг «Девону луготит турк», Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг бир қатор асарлари ва шу каби маърифий мерос намуналарida меҳнатсеварлик, касб-хунарнинг аҳамияти ҳақида мухим фикрлар баён этилган. Булар дастлабки ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридаги ҳалқ эпослари, эртак, мақол ва топишмоқлардан бошланган.

Мана шундай эртаклардан бири «Ақл ва бойлик» эртагидир. Бунда чол тўрт ўғлига қарата «Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша оила бошлиғи бўлиб қолади», деган сўзларига ўғилларидан бири зумрад кўзли олтин узуги, иккинчиси зарбоф чопонини, учинчиси эса қимматбаҳо камарини кўрсатади. Кенжа ўғил эса отасининг саволига «Менда зумрад кўзли узук ҳам, зарбоф чопон ҳам, қимматбаҳо камар ҳам йўқ. Лекин меҳнаткаш кўлим, ботир юрагим, ақлли бошим бор», — дейди ва отаси уни оила бошлиғи килиб, уй-рўзғрини мерос қолдиради.

Кўриниб турибдики, ҳалқ бу эртак воситасида ёшларга инсонни ҳаётда баҳтли қила оладиган нарса меҳнат деган гояни илгари сурган.

Факат эртакларда эмас, ҳалқ мақолларида ҳам меҳнатсеварлик, меҳнатда ҳамкорлик, меҳнатнинг инсонни баҳтли-саодатли қилиши ифодаланган. Масалан:

*Дарё сувини баҳор тоширап,  
Инсон қадрини меҳнат оширап.*

*Олтин ўтда билинар,  
Одам меҳнатда.*

*Меҳнатда дўст ортар,  
гийбатдан душман.*

каби мақоллар шулар жумласидандир.

**Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»** асарида эса шаҳар ва қишлоқ ҳалқини ижтимоий табақаларга ажратиб, дехқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар, олимлар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Турли касблар, айниқса, дехқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка оид фикрларини баён этади. У дехқон, ҳунарманд ва чорвадорларни жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи сифатида таърифлайди.

XV асрнинг йирик мутафаккири Алишер Навоийнинг меҳнаткаш инсонни улуғловчи, меҳнат тарбияси ҳақидаги фикрлари «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида ҳам мавжуд. Алишер Навоийнинг ҳақиқий инсон учун энг яхши фазилатлардан бири меҳнатсеварлик деб кўрсатади. У «Ҳайратул аброр»нинг бешинчи мақолатида кишиларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз қўли билан ҳаёт кечириш улуғроқ ва олийжаноброқ эканлигини «Ҳотам Тойи»ҳикоятида келтиради. Ҳотам Тойи бир куни қўй-кўзилар сўйдириб, халққа катта зиёфат беради. Сўнг бироз дам олиш учун далага чиқади. Унга елкасида ўтин кўтариб келаётган бир чол учрайди. Ҳотам Тойи унга «Даштда юриб бехабар қолгандирсан, ташла бу оғир юкни, Ҳотам уйига бориб зиёфатда иззат кўргил», - дейди. Шунда чол кулиб: «Эй, оёғига ҳирс банд солган, ғайрат водийсига қадам урмаган киши, сен ҳам бу тикан меҳнатини чеккин ва Ҳотамнинг миннатидан кутулгин», - деб жавоб қиласди. Ҳотам Тойи чолнинг бу сўзларига тан беради ва ҳалол меҳнат билан кун кечириши унинг ҳимматидан баланд эканлигини англайди.

Алишер Навоий меҳнатнинг инсонни гўзаллаштириши, фақат меҳнат туфайлигина инсоннинг камол топиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу мақсадда у қатор меҳнатсевар бадиий образларни яратади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонининг асосий қаҳрамони Фарҳод ана шундай қаҳрамонлар жумласидандир. Фарҳод Арманистон ўлкасига қадам қўйганда, ўз юртида Қорандан ўрганган тош йўниш хунарини ишлатиб, оғир меҳнатдан эзилган халққа ёрдам беради. Ўз хунари, меҳнати туфайли бир томондан халқнинг оғир меҳнатини енгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан севгилиси Шириннинг ҳурматига сазовор бўлади. Меҳнатга муҳаббат, ижодкорлик, достоннинг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида эса турли ижтимоий гурухларнинг ҳаётидаги ўрнини белгилайди, фазилат ва нуқсонларини кўрсатади. Дехқонлар тўғрисида фикр юритар экан, «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. ... Олам маъмурлиги алардин ва олам аҳли масурурлиги алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракот, элга ҳам кут етқуур, ҳам баракот», - деб дехқонларни, яъни, меҳнаткаш инсонни улуғлади. Шу билан бирга шоир бу асарида текинхўрларни, ножӯя иш тутувчи кишиларни, очкўз ва таъмагирларни, меҳнат қилмай ҳаёт кечиравчи шахсларни танқид қиласди.

**Жисмоний тарбия.** Жисмоний тарбия, шу жумладан мунтазам равишдаги жисмоний машқлар киши организмининг ҳар қандай муҳитга чидамлилигини оширишга, соғлигини мустаҳкамлашга, онгли равища узок умр кўриш имкониятларини кучайтиришга қаратилган фаолиятдир. Бугунги кунда ҳукуматимиз бундай мухим омилларни эътиборга олиб қолмасдан, балки уларни мунтазам равища амалга ошириб боришини давлат сиёсати даражасигача кўтармокда. Жумладан, «**Умид ниҳоллари**» (ўрта умумтаълим ўкув муассасалари ўқувчилари учун), «**Баркамол авлод**» (ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўкув муассасалари ўқувчилари учун), «**Универсиада**» (олий ўкув юртлари талабалари учун) каби Республика миқёсидаги мусобақалар давлатимиз томонидан талаба-ёшлиаримизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан юксаклигини ўйлаб қилинаётган тадбирлардир. Булар орқали ёшлиарни баркамол шахс даражасида тарбиялашга эришамиз ва улар юксак унумли онгли меҳнат қилишга тайёр бўлади ҳамда ўз она-Ватанини содиқлик билан қўриқлашдек хислатларга эга бўлади. Юқорида қайд этилган тадбирлардан асосий мақсад - ёш авлодни болалик чоғлдан бошлаб жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват ҳамда иродали қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Жисмоний маданият тушунчаси - бу анча кенг тушунча бўлиб, у жисмоний тарбия ва жисмоний ривожланиш ҳамда маънавий такомиллашувларнинг уйғунлашган кўринишидир.

Абу Али ибн Сино соғлиқни саклашда еттита нарсага эътибор беришни тавсия этади:

- феъл-атворни яхшилаш;
- нарсаларни танлаб еб-ичиш;
- гавдани чиқинидан тозалаш;
- баданнинг тўғри тузилишини саклаш;

- тоза ҳаводан нафас олиш;
- мос кийим танлаш;
- жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўтадил қилиш.

Умуман олганда жисмоний маданият умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб, ушбу соҳадаги жамоатчилик ютуқларини ва бу ютуқларни кўлга киритишнинг метод ҳамда воситаларининг мажмуаси асосида жисмоний ривожланишга ва йўналишга тегишли билимларни эгаллашга таъсир кўрсатувчи жиҳатдир.

Спортда ва бошқа жисмоний машқларни бажаришда ёшлардан тезкорлик билан вазиятни баҳолаш ва шу баҳо асосида ҳаракат шаклини бажаришга ўтишни тақозо этади. Бу тезкорликни, яъни энг қисқа вақтда, энг унумли (мақсадли) ҳаракатни амалга ошириш ҳамма ёшлардан талаб қилинади. Бу эса уларнинг мусобақавий фикрлаш доирасини ҳам кенгайтиришга олиб келади. Улар ичидан юқоридаги қайд этилганидек тез ўйлаб, тез ҳаракат қилиш натижасида биринчи, иккинчи ва ҳоказо ўринларда ушбу жараёнларни бажаргандар баҳоланади. Ушбу жараёнда жисмоний соғломлик билан тез қарор қабул қилиш тафаккури асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бундай жараёнларда ёшлар ўзлари бажараётган машқларнинг мазмунини онгли равишда тушунсалар жараён самарали ва мазмунли кечади, ҳамда бу орқали улар ўз ҳаракатларини онгли бошқарадилар, яъни уларда тўғри ҳаракат тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади. Бунда фикр юритиш фаолияти ёшларга ҳаракатларни айтиб бажариш, ўз ўртоқларининг ҳаракатларини кузатиш, таҳлил қилиш мухим ҳисобланиб, улар **жисмоний маданиятнинг** таркибий қисмларини ташкил этади.

**Нафосат тарбияси.** Нафосат тарбияси (эстетик тарбия - лотинча «естезио» гўзалликни ҳис қиласман) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат ўйфотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Нафосат тарбияси «бадиий тарбия» сифатида ҳам кўлланилади. Умуман, нафосат тарбияси кенг маънога эга бўлиб, фақат санъат воситасидагина эмас, балки, ҳаёт, меҳнат, ижтимоий муносабатлар, табиат ва бошқалар воситасида гўзалликни ҳис қилишга йўналтирилган педагогик фаолиятни ўз ичига олади. Бадиий тарбия эса санъат (адабиёт, мусиқа, қўшиқ, тасвирий санъатнинг бошқа йўналишлари) воситасида шахсда эстетик ҳис-тўйуларни шакллантиришни назарда тутади.

Нафосат тарбияси инсонда гўзалликни ҳис қилиш туйғусини шаклланишига ёрдам беради, уни ривожлантиради. Инсон доимо ўз ҳаётини гўзаллик асосида қуришга интилади. Нафосат тарбияси ахлоқий, ақлий, ҳуқуқий, экологик, жисмоний ва меҳнат тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Табиат, адабиёт, театр, мусиқа, шеърият, тасвирий санъат ва бошқаларга бўлган муҳаббат шахснинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қиласми. Нафосат тарбияси ахлоқий тарбияни самарали ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Нафосатдан роҳатланишда фақат санъат асарларигина эмас, балки эзгу ишлар, жамоага хурмат, садоқат, вижданан меҳнат қилиш мухим ўрин тутади. Нафосат тарбиясининг моҳияти шундан иборатки, у гўзалликка бўлган муносабатни қарор топтиради. Гўзалликка бўлган туйғуни ривожлантирмай туриб, юқори меҳнат маданиятига эришиб бўлмайди. Меҳнат фаолиятида пайдо бўлган гўзаллик бутун тарихий тараққиёт босқичларида ривожланиб борди, у меҳнат фаолиятининг ўзига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Меҳнат жараёнида тайёрланган ҳар бир буюм (товар)нинг аҳамияти, функцияси, зарурлиги инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондириши жиҳатидангина эмас, балки унинг қанчалик гўзаллиги билан ҳам баҳоланади. Гўзаллик бу ҳаётнинг ўзи, табиат ҳамда инсон меҳнати натижалари, инсоний муносабатларнинг мукаммаллигидир.

Нафосат тарбиясининг воситалари ўқувчиларнинг гўзалликни севиши руҳида тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат гўзаллиги

ва болаларнинг бадиий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараёнда қўлланиувчи омиллар саналади.

Оила гўзаликнинг биринчи мактабидир. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уй жихозлари, уларнинг ягона бирлиги, уйғунлиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-саришталик, мактабнинг безатилиши, мактабдаги ёдгорлик ва аълочилар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болаларда гўзаликни тарбиялашда катта таъсир кўрсатади.

Нафосат ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириб олиш, ажойиб санъат асарини саёз, паст савияда ёзилган асардан фарқлаш, ўз фикр-мулоҳазаларининг тўғри эканлигини қаттиқ туриб, ҳимоя қилишга ёрдам беради. Юқори синф ўқувчилари ҳаёт ва санъатда гўзалик, хунуқлик, завқ-шавқнинг хилма-хил турларига дуч келадилар. Улар ғоявий йўналиши ва мазмуни жиҳатдан турлича бўлган бадиий ҳамда санъат асарларни ўқийдилар, томоша қиладилар ва тинглайдилар. Ижтимоий ҳаёт ва санъатга оид ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри тушунишда ўқувчиларга гўзалик ва уни севиш мавзусидаги дарслар, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган хилма хил машулотлар ёрдам беради.

Нафосат диди ўз табиатига кўра шахсга хос бўлган психологик ҳодисадир. Аммо шахс ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси бўлганлиги учун у гўзаликни баҳолаш мезонларини пухта ўзлаштира олади. Нафосат диди шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, обектив нафосат ўлчови бўлиб, гўзалик, хунуқлик ва тубанликка баҳо беришда субектив ёндашувни ифодалайди. Дид саналади. Хуллас, мактаб ўқувчилари ўртасида нафосат тарбиясини ташкил этишда самарали шакл, метод ва воситалардан оқилона фойдаланиш ижобий натижалар беради.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Тарбиявий иш методикаси фани нимани ўрганади?
2. Тарбиявий иш методикаси фанининг асосий мақсади ва вазифалари.
3. Тарбиявий иш методикасининг мақсадларини амалга ошириш тамойиллари.
4. Таълим – тарбия бирлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Тарбиявий иш методикасининг предметини таърифлаб беринг?
6. Тарбиявий иш методикасининг тадқиқот обьекти.
7. Тарбиявий иш методикасининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси.
8. Таълим-тарбияни демократлаштириш деганда нимани тушунасиз?
9. Таълим – тарбияни инсонпарвалик руҳида олиб бориш деган тушинчани изохлаб беринг?
10. Инсонпарвалик сўзининг маъноси нимани англатади?
11. Тарбиянинг таркибий қисмларига изоҳ беринг!

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
6. Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т., Ўқитувчи, 1997.
7. Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.
8. Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

## **2-Мавзу: Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти**

### **Р Е Ж А:**

1. Миллий тарбия тушунчасининг моҳияти.
2. Миллий қадриятлар асосида шахс дунёқаришини шакллантириш.
3. Умумисоний тарбия мезонлари.

**Таянч сўзлар:** Миллий тарбия, маънавият, иймон, эътиқод, шахс, дунёқарашибумисоний қадрият, табиий қадриятлар, иқтисодий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, илмий қадриятлар, фалсафий қадриятлар, бадиий қадриятлар, диний қадриятлар.

#### **1. Миллий тарбия тушунчасининг моҳияти.**

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, фуқароларни замонавий илм-фан технологиялари ютуқлари билан мунтазам равишда танишириб бориш катта аҳамиятга эга. Бу тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимлар ва мураккаб технологияларни эгаллаган, иймони бутун, иродаси бақувват, теран фикрлайдиган, юксак салоҳиятга эга бўлган кадрлар ҳал этади. Юртимизнинг келажаги мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковотига, миллий таълим-тарбия тизимини жаҳон андазалари асосида такомиллаштиришга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутади. Бу ҳақда биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги ахвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало, ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир”<sup>3</sup>. Илм-фан, маданият, маърифат ва миллий тарбия ҳар қандай мамлакат ва ҳалқни юксакликка кўтаради, унинг тараққиётини таъминлайди, келажагини олдиндан кўрсатиб беради.

Антропологларнинг шаҳодат беришларича, одамнинг ташки кўриниши кечки палеолит - кроманонлар давридан буён ўзгармасдан келмоқда. Бу фикрнинг замонавий фанлар томонидан тасдиқланганлиги одамнинг биологик эволютцияси тугалланганлигини билдиради. Одамдаги эволюцион ривожланишнинг якунланиши эса ундаги маданий ривожланишни бошлаб беради. Одамда олий тараққий этган турларга хос бўлган эмотионал-инстинктив хусусиятлар генетик мерос сифатида мавжуд бўлиб, бу хусусиятларни чақалоқ дунёга келганида, унинг ривожланишининг ilk ойларида кузатиш мумкин. Ижтимоийлашув (сотциализация) эса одам моҳиятини гўдакликдан бошлаб камолатга эришув томонга ўзгартира боради.

Инсон ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиши жараёнида аждодларининг миллий қадриятларини ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи, бойитувчи ва ўзгартирувчидир. Ана шу инсоний бурчларнинг ҳар бир шахс томонидан мукаммал бажарилиши ижтимоий тараққиётнинг бой, ранг-баранг маданий оқимларини ҳосил қиласи, сақлаб туради. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир инсон ўзида тарихий, ижтимоий, маданий-миллий кўрсаткичларни мужассамлаштирувчи тарбия маҳсулидир. Турли ҳалқларнинг бир-бирларини танишида, билишида, билвосита ва бевосита миллатлараро мулокотларда инсоннинг миллий жиҳатлари алоҳида қизиқиш уйғотган. Қадим

3.И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Тошкент 2000 й.

замонларда ҳам тарихчилар, сайёхлар, қомусий билимга эга мутафаккирлар (Ибн Батута, Страбон, Абу Райхон Беруний, Луи Гонсалес де Клавихо, Ҳерман Вамбери ва бошқалар) қолдирган асарлар, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий таълимотларда ҳам бошқа халқлар ҳаётини қиёсий ўрганиш йўналиши мавжуд эди.

XIX асрга келиб ғарб ижтимоий фанларида бошқа халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқик, қилувчи културантропология ва сотциология йўналишлари маҳсус фанларга айланди. Бу фанлар «бошқа дунё кишиси» муаммосини ўргана бошлади. Аслида эса бу – бошқача тарбия – миллий тарбиянинг тизим, услублари, мақсадларидаги хусусийликларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш даври бошланганлигини англатар эди. XIX аср учун «бошқа дунё кишиси»ни ўрганиш тараққийпарвар янгилик эди. Зоро, културантропология «Бошқа мамлакат, миллат кишиси қанақа?», «У ўзини ўраб олган дунёни, борликни қандай идрок қиласи?», «У яхшилик ва ёмонликни қандай тушунади?», «У ўз хатти-харакатларида қандай мезонларга асосланиб йўл тутади?» каби саволларга жавоб излар эди. Одамларнинг дунё ҳақидаги билимлари ортиб, янги ерлар очилиб, савдо-сотиқ, муносабатлари кенгая боргани сари ушбу муаммога қизиқиш ҳам орта борди. Айниқса, Европада капиталистик жамиятнинг шакллана бориши ва шу билан боғлиқ, ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, айниқса, мустамлакачилик даври у ёхуд бу халқларнинг миллий хусусиятларини ўрганишга кучли туртки берди. Чунки, мустамлакачи, миссионер, плантаторлар ўз мустамлакалари – маҳаллий халқлар ҳақида ҳеч бўлмаса ибтидоий тасаввурга эга бўлишлари ўзлари учун фойдали эди. Қолаверса, бу масала мустамлакачиликнинг келажаги – маҳаллий халқларни «маданий-оқартув» орқали инглизлаштириш, франтсузлаштириш, яъни маданий-маънавий мустамлакаларга айлантиришнинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳам керак эди.

Миллий тарбиянинг этнопедагогик қирраларини илк бор кашф этган олимлардан бири – културантрополог М.Мид бўлди. Унинг тадқиқотлари нафақат гетеростереотип (бир халқнинг бошқа халқлар ҳақидаги билимлари йифиндиси)нинг, балки осиёлик ва африкаликларда автостереотип (ўз халқи ҳақидаги билимлар йифиндиси)нинг шаклланишига, бошқача қилиб айтганда, ўзлигини англашга ҳам туртки бўлди. Биз учун ушбу тадқиқотнинг педагогик жиҳати муҳимдир. Зоро, М.Мид томонидан 1927 йили нашр эттирилган «Coming on' age Samoa» («Самоада улғайиш») китоби тарбиянинг миллийлигига асосланган илк илмий-тадқиқот натижасидир. Шунингдек, Ал-Хусрий араб тилининг илмий атамаларини яратишга чақириб, **«миллий тарбия»** тушунчасини илк бор илмий-педагогик муомалага киритди. Шу тариқа миллий тарбия, бир томондан, мулкдор бойлар орасида мавжуд «ўз манфаатларини миллат манфаатидан юқори қўйиш ва очкўзликка, иккинчи томондан, мутаасиб руҳонийларнинг «тараққиётга элтувчи илғор гояяларга душманлиги»га қарши курашда самарали қурол бўлиб хизмат қилди.

Миллий тарбиянинг манбаи – миллийлик! «Миллат», «миллийлик», «миллий ғуур», «миллий одоб», «миллатлараро мулокот маданияти» тушунчаларининг ўзагини арабча «мил» сўзи ташкил қиласи. Бу сўз арабчада «ўзак», «туб моҳият», «негиз» маъноларини англагади. «Миллат» сўзи эса бир неча маънони: 1) дин: мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга мансуб аҳоли; 3) халқ маъноларини англагади.

«Миллат», «миллийлик» тушунчаларининг талқини билан танишар эканмиз, уларнинг ғарбона ва шарқона тарзлари бор эканлигини кўрамиз. Аниқроғи, ғарбий талқин христиан, шарқий талқин эса исломий ўзакларга бориб туташади. Яъни Европа халқлари тилларига «миллат» тушунчаси лотинча «натио» - қабила, халқ сифатида христиан дини билан бирга кириб келган бўлса, Осиёга эса ислом таълимоти орқали юқоридаги уч хил маънода кириб келиб сингди.

«Тарбия» сўзи «миллий тарбия» тушунчасининг таркибий қисми бўлганлиги туфайли бу тушунчага ҳам янгича ёндошган ҳолда, холис илмий-педагогик таъриф бермоқ керак. Арабча «тарбия», «тарбият» сўzlари 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш; 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш: кўз-кулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби кўп киррали мазмунга эга. «Тарбиячи» эса шу кўп қиррали тарбиявий фаолиятни амалга

оширувчи одам, демакдир. Демак, миллий тарбиянинг луғавий маъносини «ёш авлодларни ўз халқига хос миллий фазилатлар намунасида шакллантириш, таълим бермоқ» сифатида аниқлаш мумкин. Бу ўринда тарбиявий манба сифатида Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто” ғурури аҳамиятга эга. Унда инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши бирлигига ғурури эътибор берилган. Бу ахлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб, ундан кейин яратилган барча маърифий асарларга асос бўлган, десак, хато қилмаган бўламиз. Мана шунга асосан, “Авесто”нинг энг асосий манбаси бўлган Зардуштийлик тўғрисида сўз борганда у тўғрилик билан яшаш ва ахлоқий унсурларга асосланганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, “Авесто”да инсон тарбиясига, инсонларнинг жамиятда тутган ўрнига муносабати тўлиқ ёритилган. Зардушт таълимотида тарбия ҳакида қуидагича фикр билдирилган. “Тарбия — ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у, аввало, яхши ўқишини ва сўнгра эса ёзишини ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилисин ва яна яхши овқатланадиган халқдан яхши насл — соғлом авлод қолади – деб таъкидланади.

Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида. Тарбия кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан вужудга келди, тарақкий этди, жамиятнинг ўзгариши билан тарбия ҳам ўзгариб борди. Тарбия хулқни бошқариш ва белгилаш, бир-бирини талаб этадиган ва белгилайдиган таркибий қисмлар — ахлоқий онг, ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидир. Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюстирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчиларнинг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия — ўсиб келаётган авлодда ҳосл қилинган билимлар асосида ақлий-ахлоқий дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва масулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия деб тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириши учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатишига айтилади. Тарбия бола туғилганидан умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Тарбия — бирор мақсадга қаратилган жараён, доимо муайян режага эга бўлади ва бунинг учун маҳсус ваколати мавжуд бўлган кишилар томонидан амалга оширилади. Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими, малакаси, хатти-ҳаракати, йўналиши, тарихий тажрибаси, давр талаблари ва эҳтиёжлари, истиқлол вазифалари билан уйуғнлаштириб шакллантиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Ўз ақлига инсон кучи, билими ва иродаси билан бажарилиши мумкин бўлган муайян мақсадларни қўйган давлатлар ҳам таълим-тарбия ишларига бефарқ қарамаган. Ўрта Осиё мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги фикрлари, ўғитлари шундай кучга эгаки, улар ёшлар қалбida инсонийлик уруғларининг кўринишига, ғурури ҳаёт йўлига олиб чиқишига ёрдам беради. Шу боис биз учун қадрли бўлган алломаларимиздан Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Наср Форобий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Кайковус, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Аскар Зунунов ва бошқаларнинг таълим-тарбия ва маърифат ҳақидаги ғояларидан кенг фойдаланиш бугунги кун талабига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Баҳовуддин Нақшбанднинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва панд-у насиҳатлари гоят қимматлидир. У баркамол инсонни тарбиялаш дастлаб одобдан бошланишини таъкидлаб, шундай деган эди: “Адаб хулқни чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир... Адаб сақлаш — муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахтининг ғурури ҳамдир. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсангиз ҳам, нимаики қилсанг, беадаблик кўринади. Одам ўзини бир хил сифат ва кўринишда олиб юриши лозимки, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмасин“.

Абу Наср Форобий биринчи бўлиб таълим ва тарбияга таъриф берган олимдир. “Таълим сўз ва ўрганиш билангина амалга оширилади. Тарбия эса, амалиёт, иш-тажриба билан, яъни шу йўл орқали амалга оширилади“, дейди у.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, ҳар бир шахс муносиб одам бўлиши учун унга таълим ва тарбия зарурдир. У таълим орқали назарий мувоффақиятга эришади. Тарбия орқали эса кишилар билан мулоқотни, ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни ўрганади. Форобий болаларнинг феъл-атворига қараб тарбия жараёнида “қаттиқ“ ёки “юмшок” усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблайди:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойил бўлса, таълим-тарбия жараёнида юмшок усул қўлланади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлса, қаттиқ усул қўлланилиши лозим, деган фикрни билдиради.

Юсуф Ҳожиб тарбияни жуда мураккаб жараён деб тушунади. У тарбия кишини эзгуликка ўргатмоғи керак. Эзгунинг ҳар иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгулик асло қаримайди. Тарбия белдан мадорни, тандан қувватни, кўздан нурни, дилдан оромни талаб қиласи, деган фикрни билдиради.

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида, бола тарбиясида талабчанлик билан меҳрибонликни бирга олиб боришни таъкидлайди: “Ёш бола илм билан адабни таёқ билан ўрганур, ўз ихтиёри билан ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдан қаҳринг келса, ўз қўлинг билан урмагил, муаллимларнинг таёғи билан қўрқитгил. Болаларга муаллимлар адаб берсинлар, токи сендан ўғлингнинг кўнглида гина бўлмасин”.

Абу Райхон Беруний инсон ва ахлоқий тарбия ҳақида фикр юритар экан, “Инсонга ер юзини обод этиши ва уни бошқарив туриши учун ақл-заковат ато этилган, шунинг учун ҳар бир инсон юксак ахлоқли бўлиши лозим”, дейди.

Абу Али ибн Сино бола тарбияси ҳақида фикр билдирадар экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлашни лозим деб топади. “Болага муносиб исм танлаш ота-онанинг дастлабки олийжаноб вазифаси, бола тарбияси билан авалло ота-она шуғулланиши керак”, дейди.

Умар Хайёмнинг таъкидлашича, тарбиянинг мақсади “Соғлом фикр, зийрак ақл ва ўткир зеҳнга эга бўлган инсонни шакллантиришдан иборат бўлмоғи керак. Фақат чукур зеҳнгина баркамол ҳалқни қондира оладиган илҳомга эришиши ва унинг ёрдами билан юксак ақл-идрок, фаросатни ҳосил қилиш мумкин, лекин шунинг ўзи кифоя қилмайди, инсон юксак ахлоққа эга бўлиши яқинларини севиши лозим”.

Алишер Навоий бола тарбияси билан оила ҳамда мактабда шуғулланиш, шунингдек, бола тарбиясини олиб бориш жараёнида намуна услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига алоҳида ургу беради. Тарбия ва таълим ишлари ўқитувчи ҳамда ота-оналар томонидан олиб борилиши лозим. Мутафииккир болалар билан муносабатда бўлиш чоғида улар томонидан йўл қўйилган хатоликларни бартараф этишда уларга жисмоний жазо беришдан сақланиш, аксинча, ҳушмуомалалик билан йўл қўйилган хатоларнинг моҳиятини уларга тушунириш зарурлигини, бироқ бу ўринда маълум меъёрга амал қилиш зарурлигини айтади. Алишер Навоий ўқитувчининг, айниқса, талабчан бўлиши, болаларнинг пухта билим олишлари ва уларда ахлоқий сифатларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Абдураҳмон Жомий, аввало, тарбия ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир нарсани ҳам парвариш этса, ундан яхши натижа чиқишини, инсонни ҳам яхши тарбия этса, у баркамол бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Жалолиддин Давоний “Боланинг тарбия олиши, одоб-ахлоқли бўлиши унинг кейинги тарбиясига боғлиқ. Чунки ҳаётда ҳар куни бола кўрадиган, мулоқотда бўладиган нарсалар унинг хулқига яхши ва ёмон томондан таъсир этади. Болада ҳар куни инсоний хислатлар: юриш-туриш қоидалари, ҳушмуомалалик, ота-она ва бошқа ўзидан катта ёшлиларни ҳурмат қилиш, тўғрилик ва ростгўйликни ўрганиш, ширинсуханлик, камтарлик, сўзлашув одобига риоя қилиш кундалик турмушда ўрганилади”, дейди.

Махмудхўжа Беҳбудий таълим-тарбия ишини ижтимоий ҳаёт, жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеалар билан боғлиқ ҳолда олиб боришни талаб этади. У ёшлар тарбиясида, оила, ота-оналар алоҳида мавқега эга эканини, мактаб тарбияси билан оила тарбияси узвий бирликда олиб борилиши кераклигини таъкидлайди.

Мунаввар қори болалар тарбиясида фақат ота-оналар эмас, балки муаллим ва кенг жамоа жавобгар эканлигини айтиб, улардан болаларни ахлоқли қилиб тарбиялашни талаб этади. У ёшларни билимларни пухта эгаллашга, меҳнат қилишга, умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлишга чорлайди, ота-оналарни фарзандларида маънавият, нафосат, гўзаллик туғууларини ривожлантиришга даъват қиласди.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, ахлоқ бу хулқлар мажмуйидир. Хулқ эса, кишида ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак.

Аскар Зунуновнинг флкрича, тарбияда билим ва тажрибага эга бўлган, миллий қадриятлардан хабардор ўқитувчи болаларни билимли, гўзал хулқли қилиб етиштириши шубҳасиздир. Аммо уларнинг болаларга берадиган тарбияси тарбиянинг асосий замини бўлган оила, тарбия илмидан хабардор ота-она. Айниқса, иффат, шарм-хаё, ор-номус, сабр дурдоналаридан зийнатланган, баҳт-саодати мужассам бўлган она тарбияси даражасида бўлмайди.

Жамиятилизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тикилаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоят мухим қадам бўлди. Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбайи анъанавий оила ва қариндошлиқ муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни хурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган.

Қадриятлар — инсон учун аҳамиятли бўлган миллат манфаатлари йўлида хизмат қиласидан эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Қадриятлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра бир неча турларга бўлинади, яъни:

- **табиий қадриятлар** (яшаш учун зарур булган табиий шарт-шароитлар);
- **иқтисодий қадриятлар** (ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари);
- **ижтимоий-сиёсий қадриятлар** (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик, ҳамкорлик);
- **илмий қадриятлар** (билимлар, тажрибалар, ютуқлар);
- **фалсафий қадриятлар** (ғоялар, мағкуралар, консепсиялар);
- **бадиий қадриятлар** (санъат, адабиёт, маданият);
- **диний қадриятлар** (иймон, эътиқод, виждан, савоб).

Шу билан бирга, қадриятларнинг миллий ва умуминсоний турларга ажратилиши анъана тусига кирган. Миллий қадриятлар маълум бир миллат, халқ ва элатларнинг ўз тарихий тараққиётида яратадиган барча моддий ва маданий (маънавий) бойликлари йиғиндисидан иборатдир.

*Анъана-* (лотинча традо-узатиш) бу ўзига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг онгода, ҳаётида ўз ўрнини топган, авлоддан-авлодга ўтадиган, такрорланадиган, ҳаётнинг барча соҳаларида (умум ёки маълум гуруҳ томонидан) қабул қилинган тартиб ва қоидалардир.

*Одат* (урф-одат) — кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари. Масалан:

- кичикларнинг катталарга салом бериши;
- меҳмонларга алоҳида хурматда бўлиш;
- байрам арафасида касал, ожиз, қийналганлардан ҳабар олиш;
- ёрдам лозим бўлганларнига ҳашарга бориш, кабилар ўзбек халқининг яхши одатлари хисобланган.

*Маросим* — анъана ва урф-одатнинг таркибий қисми бўлиб, инсон ҳаётидаги мухим воқеаларни нишонлашга қаратилган расмий ва руҳий кўтаринкилиқ, тантанавор вазиятда ўтадиган ўзининг умумий қабул қилинган рамзий ҳаракатларига эга бўлган ҳаётий тадбир. Масалан:

- исм қўйиш маросими; -никоҳдан ўтиш маросими;-хотирлаш маросими;
- уруғ қадаш маросими; - ўримга кириш маросими ва бошқалар.

## **2. Миллий қадриятлар асосида шахс дунёқаришини шакллантириш.**

“Қадрият” тушунчасининг илмий истеъмолга олиб кирилганига кўп вақт бўлмаган, аммо унинг негизи, инсоннинг ижтимоий фаолияти эканлиги мудом эътироф этилган. Антик давр мутаффаккирларида “қадрият”, “қадр”, “қадрлаш” тушунчаларини ижтимоий борлик, инсон фаолиятининг баҳоси, баҳоланиши бошқалар томонидан маълум бир нормалар асосида қадрланиши тарзида тушунгандар. Масалан Аристотелнинг фикрига кўра, қадрият ходисаларга баҳо, муносабат, яхшилик ва ёвузлик тушунчаларида талқин қилинади.

Фалсафа қомусий лугатида “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маънавий – маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий тушунча. Қадриятлар ичида энг биринчиси ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятларнинг мазмуни жамиятнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. У кенг маънода маданият дунёсидир, бу эса инсон маънавий ҳаётининг ҳамма фаолиятининг қимматини белгиловчи баҳодир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, қадриятларни ўз моҳияти ва амал қилиш доирасига қараб бир неча шаклларга бўлиш мумкин:

- 1.Моддий қадриятлар -мехнат ва меҳнат куроллари, моддий неъматлар.
- 2.Маънавий қадриятлар -маънавият, маданият илмий фалсафа, ахлоқий-эстетик қарашлар, диний, тарихий, бадиий, дунёвий қимматли номоддий бойликлар.
- 3.Табиий қадриятлар -инсонни ўраб турган ва инсоният яшashi учун зарур бўлган табиий бойликлар, ўсимликлар, ҳайвонот олами, ер ости ва ер усти бойликлари, тупрок, сув, ҳаво кабилар.
- 4.Иқтисодий қадриятлар -техника ва технология, шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари ва ҳоказо.
- 5.Ижтимоий-сиёсий қадриятлар -давлатчилик, демократия, адолат, тинчлик, мустақиллик.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлардан муайян миллат ёки элатнинг манфаатлар йигиндисини ташкил этиши билан фарқланади. Бир миллат қадриятлари бошқа миллат томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Шунга қарамай, ҳар бир миллат бошқа миллат учун қимматли бўлган қадриятларни ҳурмат қилмоғи маънавиятдир. Зоро, маънавиятнинг асасий ўзаги – миллий, умуминсоний ва шахсий қадриятлардир. Миллий қадриятларга тўхталганда, алоҳида шахслар яратган қадриятларни эътироф этиш лозим. Алоҳида шахсларнинг қадриятлари ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарила олишини халқимиз тарихидан кўплаб мисоллар келтириб исботлаш мумкин. Масалан, Фаронийнинг “Астрономия негизлари”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Берунийнинг “Менералогия”си, Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асари, Бухорий, Термизий, Нақшбандий, Кубровий, Яссавийларнинг маънавий меросларини келтириш мумкин.

Миллий маданият ва қадриятларнинг мазмунини билиш, уларга эътиқод қилиш, ёш авлод онгига инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Ватан баҳт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга этишга унрайди. Миллий қадриятлар бир миллат аъзолари минг йиллар давомида яратган моддий ва маънавий маданият бойликлари, миллий тил, миллий адабиёт, унинг психик ифодаси, характеристи, ижтимоий-сиёсий қарашлари, шарқона ахлоқий принциплари, урф-одатлари, анъаналари кабилардир.

Умуминсоний қадриятлар эса жамият тараққиёти двомида такомиллашиб бориб, кишиларга ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ тушиниш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. Умуминсоний қадрият-жамият ва одамзод насли учун энг қадрли ва умунижтимоий аҳамиятга эга бўлган нарсалар, ҳодисалар, сифат, фаолият ва бошқаларнинг исми ёки номини эмас, балки уларнинг ижтимоий қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган аксиологик тушунчадир. Ёшларимиз онгига сингдирилаётган миллий истиқлол ғояси маънавий мерос асосидаги умуминсоний қадриятгат таянади. Умуминсоний қадриятлар алоҳида халқларнинг, миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкидир. Зоро, миллат ўз қадриятини бошқа миллат қадриятларидан айри ҳолда яратади. Миллий ўзликни англашда миллий ғоя, мафкура ва миллатга хос бўлган янгиланиш жараёнлари жадал ривожланмоғи лозим.

Ёш авлодга таълим-тарбия, билим бериш, уни ижтимоий ҳаёт ва фаолиятга тайёрлашнинг асосий мезонларидан биридир. Таълим - тарбия орқали ёшларнинг миллий қадриятлар сирасига кирувчи аҳлоқий фазилатлари шаклланади, жамиятдаги ғоявий, мафкуравий жараёнларга нисбатан муносабати ўзгаради ва баркамол шахс бўлиб етишишида имкониятлар пайдо бўлади. Шахснинг ижтимоий мавқеини аниқлашда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий тартиб ва барқарорликни кўллаб-қувватлаш, ижтимоий назоратни амалга оширишда таълим-тарбия жараёни мухим аҳамият касб етади. Биринчи президентимиз И.А.Каримов оила қадриятлари ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб шаклланишига алоҳида аҳамиятга эгалиги, халқимиз мустабидлик даврида ҳам ўз қиёфасини унутмагани, инсонийлик ўзбек халқи қадриятини асоси эканлигини таъкидлади. Ҳар қайси мамлакат, энг аввало, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан қудратлидир. Мустақиллигимизнинг бошидаёқ юртимизда маънивий меросга асосланган қадриятларни тиклаш, маънавий ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият бергани мухимдир.

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга хурмат, азалий миллий ёндашув саналади. Халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик, биродарлик, дўстлик, садоқат, ҳалимлик умуминсоний ҳамжиҳатликнинг асосини ташкил етади. Умуминсоний манфаатларга миллий тикланиш ғоясининг уйғунлашуви истиқлолга эришган ватанимиз ташки ва ички сиёsatининг ўзагини ташкил этади. Миллий ўзликка эгалик, озодлик, ҳурриятни қўлдан бермаслик, уни олий қадрият деб билиш миллий менталитетимизнинг негизидир.

Шу боис, ёшларни эзгуликка йўғрилган қадриятлар асосида тарбиялаш, уларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш мухимдир. Ватанпарварлик, энг аввало, давлатимиз рамзлари байроқ, мадхия, гербимизда ўз ифодасини топган. Тил орқали эса юртимизни улуғлаймиз, ёшларимизни унинг қадрига етишга чақирамиз. Рамзларда халқимизнинг орзу-умидлари, ҳаёт йўли, урф-одатлари, табиатга бўлган муносабати, қадриятларига содиқлиги, меҳр-муҳаббати кабилар ўз аксини топган. Ватан она алласига йўғрилган бешикдан бошланиб, ота-онани танлаб бўлмаганидек, Ватан ҳам танланмайди. Ватанинни севиш, ардоқлаш, тараққий етишига ҳиссасини қўшиш имкониятига эга. Шу орқали у ҳаётда ҳам ўзига, ҳам оиласига баҳт бера олади. Халқимизда ота-она қанчалик улуғланиб, ардоқланса, туғулиб ўсган Ватан шунчалик қадрлидир. Катталарга хурмат, кичикларга иззат ўзбек менталитетига хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам ёшлар онгига миллийлигимизга хос бўлган ор-номус, миллий ғуур, меҳрибонлик, виждонлилик, садоқат, меҳмондўстлик, аҳиллик, ота-боболардан фахрланиш, насл-насабини улуғлаш кабилар ёшларни ватанпарвар бўлишга ундейди. “Ўзбекистон танлаган йўл-умуминсоний ва умумэтироф этилган демократик қадриятларга эришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз” аждодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйуғналишиб кетган йўл-биз учун ўзгармасдир.

Ёшлар тарбиясида барқарор қадриятларнинг аҳамияти катта. Ёшларимиз орасида баъзида лоқайд, ижтимоий-тараққиётнинг ўзига хос томонларидан бехабар, худбин, мустакил фикрдан йироқлари ҳам учраб турадики, айнан шулар орасидан оммавий

маданиятга берилиб, ўзлигини унитаётгандар, гиёхвандлар, ичкиликка берилганлар чиқаётгани ачинарли ҳолдир. Албатта, ёшларнинг бундай йўлларга кириб кетиши жамиятимиз ва ижтимоий тараққиётимиз учун катта хавфдир. Чунки ёшлар жамиятимизнинг таянчи экан, нафақат уларнинг жисмонан соғломлиги, балки руҳан маънавий соғломлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қадриятларни теран англаған ёшлар ота-оналари яратиб берган имкониятлар ва шароитлардан фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам келажаклари учун ҳаракат қиласидилар. Бу борада мукаммал билим олиб, уни ҳаётга тадбиқ эта билиш катта аҳамиятга эгадир.

Қадриятлар уйғунылиги инсоннинг комил инсон даражасига етиш учун интилишида, эркин яшашида, фаровон ҳаёт кечиришида алоҳида восита ҳисобланади. Қадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантириш ижтимоий тараққиёт учун муҳимдир. Демак, ҳаёт тарзини ўзгартириш учун тафаккурни ўзгартириш керак. Ёшлар ўз фикрлаш тарзига эга бўла борган сари ўзлигини, маънавий меросимизнинг аҳамиятини англай бошлайдилар. Шунинг учун аввало ёшларда фикрлаш қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Шундай қилиб, истиқлол даврида эришилган энг катта ижтимоий тараққиётдаги ютиқ бу миллий ўзликни англаш даври бўлди. Аждодларимизга хос меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик миллий истиқлол ғояси ёшларга етказилмоқда ва шакллантирилмоқда. Мустақилликни асраш ва уни тараққий эттириш эътиқодли, элим деб, юртим деб яшаш, ҳар бир инсоннинг юрагидан жой олмоқда. Миллий ўзликни англашда янги қадриятларнинг ўрни муҳимдир. Уларни ҳалқимиз ўзининг эҳтиёжларига мувоғиқ умуминсоний қадриятлар билан уйғулаштирилмоқда. Қайсиdir ҳалқ учун қадриятли бўлган воқеа, жараён, нарса предмет бошқа миллат учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Маънавий маданияти юксак ўзбек ҳалқининг қадриятлари ҳам аждодлари мероси каби юксакдир. Қадриятларни ҳалқнинг ижтимоий онгидан, маънавияти ва маданиятидан, ҳеч қачон сиқиб чиқариш мумкин эмас. Зоро, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунылиги муҳим аҳамиятга эга.

### **3. Умуминсоний тарбиянинг мезонлари.**

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга ҳурмат азалий миллий ёндашув саналади. Ҳалқимизга хос бўлган меҳмондўстлик, биродарлик, дўстлик, садоқат умуминсоний ҳамжиҳатликнинг асосини ташкил этади. Мамлакатимиздаги ижтимоий – иқтисодий, маданий-сиёсий юксалиш, миллатлараро толерантлик асосида тинчлик ва хотиржамлик, барқарорликни соқлаб қолиш йўлидаги матонатли кураш, бағрикенглик ва виждан эркинлиги, маънавий меросимизни тиклаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, тараққиёт сари босқичма – босқич ҳаракат ҳамиша ва ҳар қадамда умуминсоний манбаатлар билан интеграллашув негизида амалга ошириб келинди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Республикамиз равнақига энг катта тўсиқ – бу ғоявий бўшлиқ эканлиги ҳар қадамда сезилган. Бугун жамиятимизда яшаётган ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунылиги асосида соғлом муҳит ва кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактаб, ва олий ўқув юртларида миллийликка асосланган диний қадриятлар фарзандлар онгига сингдирилмоқда. Аммо маълум бир сабабларга, айниқса “оммавий маданият” таъсири остида ахлоқсизлик, ота-онага нисбатан лоқайдлик, катталарга нисбатан ҳурматсизлик, худбинлик кабиларнинг авж олаётганига диний билимсизлик ҳам сабаб бўлаётгани сир эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидаги вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз онгига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунылигини сингдириш муҳим аҳамиятга эга:

- ёшларимиз онгига нафақат дунёвий билимларни, балки миллий ва диний билимлардаги эзгу қадриятларни сингдиришни кенгроқ йўлга қўйиш;
- миллий қадриятлар асосидаги урф-одат, анъана ва маросимларни мустақиллик даврида

шаклланган янги қадриятлар билан бойитиш;

- миллий ва умумисоний қадриятлар уйғунлигини ҳалоллик, бағрикенглик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқийлик, илм-фанга ва ватанга фидоийлик каби тушунчаларни тарғиб қиласын асарлар, видеофильмлар, күрсатув, әшиттириш ва тадбирлар орқали ёшларимизга сингдириш;
- жамиятнинг маънавий янгиланишида Марказий Осиё уйғониш даври мутаффаккирларининг маънавий ва илмий меросидан, жадидчиларимизнинг сабр – тоқат билан эришган ютуқларидан унумли фойдаланиш;
- Оиласлар ва ўқув юртлари ҳамкорлигига маҳаллаларда миллий қадриятлар аҳамиятини таҳлил қилиб берадиган тадбирлар ўтказиш;
- ёшларга ҳаётнинг ўзи энг буюк қадрият эканини таълим ва тарбия уйғунлиги асосида англатиб, инсон жисмонан ва маънан соғлом бўлсагина олдида турган барча мақсадларга эриша олиши тўғрисидаги услугуб ва воситаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда ўзбек миллий маданияти, маданий меросининг неча асрлар давомида умумжаҳон маданий мероси даражасида қарор топганлигини дунё эътироф этмоқда, эъзозламоқда. Аждодларимиз яратган эзгу ва муқаддас қадриятлар ривож топиб, инсониятнинг келгуси тараққиётiga ижобий таъсирини кўрсатиб, ҳалқларни маънавий ва руҳий жиҳатдан буюк ўзгаришларга тайёрлаб келади. Маърифатга интилиш ҳалқимизнинг азалий фазилатларидан бўлгани сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ҳам марифатли, маънавий баркамол шахсни тарбиялашдир.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши шароитида ёшларда миллий ва умумисоний қадриятлар уйғунлигини шакллантиришнинг истиқболларини белгилашда қўйидаги тамоийиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- ўзбекона миллий қадриятларнинг бетакрорлиги ва инсонпарварлиги;
- миллий қадриятларнинг асрлар синовидан ўта олганлиги;
- миллий ва умумисоний қадриятлар уйғунлигига эътиборнинг кучайиши;
- диний қадриятларнинг миллий қадриятларга боғланиб кетгани;
- ижтимоий тараққиёт жараённада миллий қадриятларнинг сайқалланиб бориши;
- таълим ва тарбия уйғунлигига қадрият сифатида қаралаётганлиги;
- инсоннинг энг олий қадрият эканлиги;
- маънавий мероснинг қадрият сифатида эъзозланаётганлиги ва ҳ.к.

Демак, миллий тараққиёт қадриятларга бўлган эҳтиёжни мудом аниқлаштириб боришини, миллий ва умумисоний қадриятларга диалектик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Миллий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?
- 2.Ижтимоийилашув (Социализациялаш) бу нима, унга изоҳ беринг?
- 3.Миллий тарбия нима ва нимаси билан фарқ қиласи?
- 4.Буюк алломалардан кимларни биласиз?
- 5.Қадриятларнинг қандай турлари бор?
- 6.Ҳалқимизга хос бўлган меҳмондўстлик, биродарлик, дўстлик, садоқат, ҳалимлик хислатларини қандай баҳолайсиз?
- 7.Таълим-тарбияни самарадорлигини оширишда Ўзбекистонда бўлаётган исоҳатлар ҳақида фикрингиз?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .

- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

### **З-мавзу: Тарбия усуллари ва шакллари.**

**РЕЖА:**

1. Тарбия усуллари ҳақида тушунча.
2. Тарбияни ташкил этиш шакллари.
- 3.Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.

**Таянчсўзлар:** Тарбия, тарбия бериш, тарбияланувчи, тарбиячи, тушунтириш, ибрат-наъмуна, сухбат, танбех бериш, мажбур қилиш, койиш, айлаш, уялтириш, жазолаш, рағбатлантириш.

#### **1. Тарбия усуллари ҳақида тушунча.**

Бола ўқишни, тарбия олишни, улғайиб жамиятга ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай тарзда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараённида тарбиялаши зарурлигини билиши керак. Ўқитувчи дўст, муrrаббий йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички адабиётларини очиб кўрсатадилар. Аввал таъкидлаганимиздек, тарбия-тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар билими ва тарбияга эга бўлган қонунлар, тарбияланувчилар (фаолиятларини ўз ичига олган) билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатишлари керак. Демак тарбия усули тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг хамкорлигидаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усулларидир.

“Метод”- сўзи грекча бўлиб йўл усул маъносини билдиради. Тарбия воситалари бу бирон бир тарбиявий масалани мақсадга муфовиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади. Тарбия воситалари тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи тарбиячининг тарбия тизимиға киритилиши лозим. Тарбия натижалари тарбиявий жараёнининг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларидан мохирона фойдаланишга боғлиқ. Тарбия усуллари бир болага, хар қайси болалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутади. Шундай қилиб тарбия жараённида ўқитувчи якка ўқувчига ёки синф манфаати йўлида бирон бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларни ёш ва индивидуал хусусиятларини,тарбияланганлик даражасини, педагогик вазият характеристини ҳисобга олган холда таъсир этиш шакллари мажмуасига тарбия методи дейилади. Тарбия ғоятда мураккаб жараён бўлиб хар даврнинг ижтимоий сиёсий ҳаётини ўзида акс эъттиради. Унинг усуллари, шакллари, воситлари ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, анъанага айланади. Шу сабабли тарбия миллий ва тарихий заминдан ўзилмаслиги керак.

Халқ педагогикасида тарбия методлари. Халқ педагогикаси ўзбекона ахлок, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Халқ педагогикасида турлича тарбия методлари ҳамда воситаларидан фойдаланилади. Бу метод ва воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп жиҳатлари билан илмий педагогикадан устунлик қиласиди. Бинобарин, ушбу методлар илмий педагогиканинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ педагогикасида қўлланилган хилма-хил тарбия методларини қўйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

- 1.Тушунтириш (ҳикоя қилиш, ўргатиш).

- 2.Машқ орқали одатлантириш (одатлантириш, машқ қилдириш).
- 3.Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўраш, ўрнак бўлиш).
- 4.Насихат қилиш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).
- 5.Коралаш ва жазо (таъкидлаш, таъна, гина, танбех бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

Агар эътибор берилса, юқоридаги бешта метод умумий яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий жараённинг моҳияти тушунтирилади. Болалар нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига тушунмаганларида тарбиячи намуна воситасидан фойдаланади, яъни, ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Бу ҳолатда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насиҳати, ўғити асосида нарса, ҳодиса ёки жараёнларнинг моҳиятини англайдилар. Бордию, бу ҳолатда ҳам кутилган натижага эришилмаса ёки болалар эътибор қаратилган ҳолатнинг моҳиятини тушунишни истамасалар, энг сўнгги чора сифатида қоралаш ва жазо методидан фойдаланишга тўғри келади. Бироқ, бу энг сўнгги чора. Замонавий педагогика ғояларига кўра қоралаш ва жазо методларини сўнгги, аниқроғи кам самара берадиган чора эканлиги исботланган.

Халқ педагогикаси намуналари, тарбия методлари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар ёрдамида қўлланилган. Мехмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, ҳашарлар, турли гурунглар (чойхона, тўй маросимлари), сайиллар, оиласиананалар (туғилган кун, фуқаролик паспорти, умумий ўрта, ўрта маҳсус ҳамда олий маълумотга эгалик тўғрисидаги аттестат ва диплом, шунингдек, давлат мукофотларини олиш каби ҳолатларни нишонлаш) ва мусобақалар ўзига хос тарбия воситаси саналади.

**Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар.** Бу метод ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-түғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуслари саналади. Бу гуруҳ усусларининг моҳияти шундаки, улар орқали ўқувчилар онгига жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий ғоя ва мақсадлар сингдирилади. Ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига қўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуслар кўлланилади.

Ўқувчиларда ғоявий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни, давлатнинг ички ва халқаро сиёсати мазмунини тушуниш ва идрок қилиш кўнкималарини тарбиялаш лозим. **Тушунтириш** ижтимоий онгни шакллантиришда энг кўп ишлатиладиган усуслар. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятли, миллий ғурур туйғусига эга бўлиб вояга етишларини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат.

Тушунтиришда ўқувчиларга мамлакат фуқаросининг давлатга нисбатан муайян хуқуқ ва бурчлар асосида боғланганлиги борасида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадхияси ҳамда Конститутсиясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли давлат байроғи, герби, мадхияси ҳамда Конститутсиясининг моҳияти тушунтирилади.

**Сұхбат.** Ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирчан усул ҳисобланади. Сұхбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф ўқувчилари учун долзарблиги, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий ишонч ўйғотишининг сұхбат мазмунига бўлган муносабатлари ва сұхбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш зарур. Сұхбат қуйидаги мавзуларда уюштирилиши мумкин:

- 1) Тематик мавзулар (ижтимоий маънавий-ахлоқий меъёрлар, жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий муносабатлар, жамоа орасида ўзини тутиш қоидалари ва бошқалар);
- 2) Эстетик мавзулар (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги);
- 3) Сиёсий мавзулар (давлатнинг ички ва ташки сиёсати, дунё воқеалари, халқаро муносабатлар ва бошқалар);
- 4) Таълим ва билишга оид мавзулар (коинот, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, электроника ва бошқалар).

Сұхбатларнинг, шунингдек, ижтимоий-фойдали мәхнатни ташкил этиш, хуқуқий, экологик, иқтисодий ва гигиеник мавзуларда ҳам ташкил этилиши ўзининг ижобий натижаларини беради.

Сұхбат давомида ўқувчиларга уларнинг ўз фикрларини эркин ифода этишлари ҳамда мустақил фикрлашларига имкон берувчи саволлар билан мурожаат қилиш жуда мүхимдир. Бу борада баҳс-мунозараларнинг аҳамияти катта.

**Хикоя.** Ўқувчилар одатда ҳаёт ва турли адабиётлардан олинган аниқ мисоллар билан бойитилған ҳикояларни катта қызықиши билан тинглайдилар. Уларга ахлоқ меъёрлари, ҳалқ ўтмиши, табиий бойликлар, қаҳрамонлар ҳаёти ва жасорати, шунингдек, тарих, адабиёт ва санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мүмкін. Бадий адабиёт намуналари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, газета ва журналлар сахифаларида эълон қилингандай маълумотлар ҳам ўқувчилар учун қимматли материал бўлади. Сұхбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда улар тушунадиган сўзлар воситасида адабий тилда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Сұхбат ёки ҳикоя мавзусининг ўқувчилар томонидан белгиланиши, уларнинг самарали кечишини таъминлайди, бунинг натижасида ўқувчилар илгари сурилаётган мавзуга бефарқ қарамайдилар.

**Намуна.** Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва ибрат олишлари ниҳоятда мүхим. Ўқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса, ёшларга катта таъсир кўрсатади. Улар ўқитувчининг дарсда ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, атрофдаги кишилар билан қандай муомала қилишини, ўз вазифаларни қандай бажаришини кузатиб юрадилар.

Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворига тақлид қиласидилар, Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қайерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриши ва хатти-харакатларида тафовут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан олинган маълумотлар, адабий асар, кинофильм ва спектакллар қаҳрамонларининг хатти-харакатидаги яхши намуналар болаларнинг онтига кучли таъсир қиласидилар.

Мактабларда ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилади. Ўқувчилар ўз ота-оналарининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари билан фаҳранадилар, уларга тақлид қилишга интиладилар.

Намунада ҳалқ педагогикаси ғояларидан ҳам фойдаланилади. Ота-оналар ўз фарзандларини ҳамиша катта ҳаётий тажрибага эга, дунёқараши ва билим доираси кенг кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан, «Куш уясида кўрганини қиласди». Жуда оддий хулоса. Шу оддий хулоса остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмига боравермаймиз. Бу билан ҳалқ «уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг кўчада тартибсиз бўлади», «бала олдида бирорларнинг гийбатини қилма, боланг гийбатчи бўлади», демоқчи.

**Ўз-ўзини тарбиялаш методлари.** Ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялашга, яъни, ўз устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандағина тарбия жараёнини самарали деб ҳисоблаш мүмкін. Тарбия жараёнидаги ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари ўқувчиларнинг ўзини - ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усусларидир.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини - ўзи идора қилиш ва ўқувчиларнинг турли органлар фаолиятида фаол иштирок этишни таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқенини оширишнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқиш, тарбия ва дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усусларидан фойдаланадилар, бу усуслар ўқувчиларни ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундейди.

**Ўз-ўзини таҳлил** (назорат қилиш ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулк-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этиш)га қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий фазилатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равищда кундалигига ёзиб боради.

**Ўз-ўзини баҳолаш** мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулк-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабабли асос бўлиши, яъни, тарбияланishiни хоҳлаши, ўзини ўртоқлари, атрофдагиларнинг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим. Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига четдан туриб холисона баҳо бериш, ўзидан қоникиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

**Изоҳлаш** - тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули. Изоҳлашнинг ҳикоя ва тушунтиришдан фарқланадиган муҳим белгиси муайян гурух ёки алоҳида шахсга йўналтирилганлигидир. Ушбу методни қўллаш синф ўқувчиларининг умумий ёки жамоа аъзоларининг шахсий хусусиятларини билишга асосланади. Бошланич синф ўқувчилари билан иш олиб боришда изоҳлашнинг элементар усул ва воситалари қўлланилади: «Шундай ҳаракат қилиш керак», «Ҳамма шундай қиласди». Ўсмирлар билан ишлаганда маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти ва маъносини изоҳлаш зарур. Изоҳлаш қўйидаги ҳолатларни юзага келтириш учун қўлланилади:

1) Янги маънавий-ахлоқий сифатлар ёки хулк кўнимкамларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш;

2) Тарбияланувчиларнинг содир этилган муайян ҳодиса (масалан, синф ўқувчилари оммавий равищда дарсга келмаганлари)га тўғри, онгли муносабатни ҳосил қилиш.

Мактаб амалиётида изоҳлаш ишонтиришга таянади. Ишонтириш воситасида ўқувчи руҳиятига сезиларсиз ҳолда таъсир этилади. Бошланғич синф ўқувчилари ҳамда ўсмирлар ишонувчан бўлишади. Педагог ишонтиришдан тарбияланувчи маълум кўрсатмани қабул қилиши зарур бўлган вазиятларда фойдаланади. Мазкур методдан бошқа методларнинг таъсирини кучайтириш учун ҳам фойдаланилади.

**Мунозара** тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва хукукий мавзулар («Дид ҳақида баҳс», «Машхур бўлиш йўллари», «Биз маданиятили кишилармизми?» ва ҳоказолар)да ўтказилади. Мунозара турли нуқтайи назарлар тўқнашган вазиятда ўқувчиларда маълум ҳодисага нисбатан ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Мунозара асосида турли қарапашлар ётади. Баҳс ижобий натижা бериши учун пухта тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқ. Мунозара учун мустақил мулоҳаза ва қарапшини юзага келтирувчи 5,6 та савол тайёрланади. Ушбу саволлар билан мунозара иштирокчилари олдиндан таништирилладилар. Баъзан тарбиячи мунозара иштирокчиларини ўзи тайинлаши ҳам мумкин. Чиқишлиар жонли, эркин ва қисқа бўлиши зарур. Матнни ёзиш керак эмас, агар шундай ҳолат юз берса мунозара зерикарли тус олади. Педагог мунозара иштирокчиларига фикрларини ихчам, асосли ва далиллар асосида баён этишга ёрдам беради.

**Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқ қилдириш) методлари** муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулк-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришdir.

**Одатлар** болалиқдан таркиб топади ва шахс ривожланишининг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчи ҳамда ота-оналар болаларда ижобий одатларнинг тарбияланиб бораётганини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш асосида таркиб топтирилади. Натижада одат характерга айланади.

**Машқ** муайян хатти-харакатларни кўп маротаба тақрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижобий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, маънавий-ахлоқий сифатлари бойийди, ҳаётий тажрибаси ортади.

**Ўргатиш** тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йигиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим. Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хили мавжуд:

- 1.Фаолият давомида машқ қилиш;
- 2.Кун тартиби машқлари;
- 3.Махсус машқлар.

**Фаолиятда машқ қилиш** меҳнат, ижтимоий ҳамда жамоа фаолиятини ташкил этиш ва ўзаро муносабатни йўлга қўйиш одатларини тарбиялашга қаратилгандир.

**Кун тартиби машқлари** белгиланган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. **Махсус машқлар** маданий хулқ кўникма ва малакаларини ҳосил қиласи, мустаҳкамлайди.

**Топшириқ** ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул. Ўқувчиларнинг топшириқларни жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш ўқувчиларнинг ҳаракатларини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

**Педагогик талаб** турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усусларидан биридир. Педагогик талаб маълум ҳаракатларни рағбатлантирувчи ёки тўхтатувчи ҳамда ўқувчини оқилона ҳаракатларни бажаришга ундовчи характерга эга бўлиши мумкин.

**Рабатлантириш ва жазолаш усуслари.** Ўқувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улгайиб, камол топиб бораётганини сезиши керак. Шундагина бола ўзининг олга силжиб бораётганини кўра билади, ўз кучига ишонади.

#### **Рабатлантириш қўйидаги турларга бўлинади.**

- 1) Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш: бунда бола ўз қадр қиммати билан фаҳранади;
- 2) Мактаб (мажлисларда);
- 3) Эсталик совғалар бериш;
- 4) Мақтов, фаҳрий ёрлиғи бериш;
- 5) Стипендия билан таъминлаш;
- 6) Хурмат таҳтасига расмини осиш;
- 7) Кўллаб қувватлаш;
- 8) Масъулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;
- 9) Синфда биринчи ўринда туриш;
- 10) Мусобақаларда байроқ кўтариш газета, радиода, телевизорда эълон ва ҳ.к.

**Жазолаш.** Тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Жазо ҳам ўқувчининг индивидуал хатти-ҳаракатлари ва умумжамоанинг фаолияти учун

қўлланиладиган энг сўнгти тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш каби усуллардан фойдланиш мумкин эмас, ўқувчини қўрқитиши, ғазаблантириш ҳам ижобий натижа бермайди. Аксинча, ўқувчи қўрқандада ёлғон гапиришни ўрганади, икки юзламачи бўлиб қолади. Мактабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қўйидагилар киради:

**Танбех бериш** - энг муҳим жазо чораси. Ўқитувчи ўқувчига юзма-юз туриб танбех беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

**Огоҳлантириш** - содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Ҳайфсан бериш** - ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларини қатъий чоралар асосида баҳолаш. Агар танбех ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, унинг айби қай даражада бўлиши ва интизомни қандай шароитда бузганлигини инобатга олиб унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

**Уялтириш**- ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларига жамоа ёки унинг тарбияси учун масул бўлган субектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар) олдида баҳо бериш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус ва шарм-ҳаёдир. Одамда инсонда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало, ўзини хурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳистийғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳа деб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо пухта ўйлаб қўлланилиши лозим, аксинча, жаҳл устида жазолаш мумкин эмас. Жазолар якка характерда, яъни, биргина усулини қўллаш асосида бўлсин, ўқувчининг айбига мос, мувофиқ бўлиши, тез-тез қўлланимаслиги, жазоланувчидаги жазонинг тўғри белгиланганлигига нисбатан шубҳа туғилмасин ва улар ўз айбларини сезсин. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи янада ошади. Барча ҳолатларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқибатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини ерга урмаслиги керак.

## 2. Тарбияни ташкил этиш шакллари.

Тарбия мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг хусусиятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг муҳим хусусияти **аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир**. Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда **аниқ мақсадга йўналтирилган** самарали ҳамкорлик жараёни демакдир. Зоро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади.

Тарбия жараёни кўп қиррали жараён бўлиб, улар тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташки (субектив ва обектив) омиллар асосида ташкил этилади. Субектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизиқишилари, ҳаётий муносабатларини англатиш, обектив омиллар эса шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларини ижобий ҳал этиши учун шароит яратади. Тарбия мақсади педагогик фаолият мазмуни, йўналиши, шакли ҳамда обектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, шахсни шакллантириш борасида шунчалик муваффақиятга эришилади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологияк хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг **узоқ муддат давом** этишидир. Тарбия натижалари тез суръатда яққол кўзга ташланмайди. Ўзидаги инсоният сифатларини намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Мактаб тарбияси шахс онги, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки ёшлик йилларида инсонда одоб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда бекарор бўлади.

Шу боис тарбия муваффақияти айни ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлигини тақозо этади. Тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти унинг узлуксизлиги саналади. Тарбия жараёни ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб борувчи, такомиллаштирувчи тарбияни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларни узлуксиз ўтказилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ёшидаги болани тарбиялашда мактаб етакчи ўрин эгалласа ҳам, болаларга узлуксиз таъсири ўтказа олмайди. Чунки болалар маълум муддатгина мактаб, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтнинг асосий қисмини оиласда, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айниқса, ёзги таътил даврларида ўқувчилар мактаб, ўқитувчи таъсиридан четда қоладилар. Демак, мактабда болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқари амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан ҳоли вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг тарбиявий таъсири ва назоратидан узоқлашадилар.

Ўқувчиларга нисбатан мактаб (таълим муассасаси)нинг таъсирини сусайтирмаслик мақсадида, синфдан ва мактабдан ташқари ҳамда таътил даврларида тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилади. Айни вақтда, Республикада ўқувчиларнинг таълим-тарбия муассасаларидан узоқлаштирмаслик мақсадида қўшимча таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Қўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ва хорижий тииларни мукаммал ўрганишлари, техника ва бадиий йўналишлар бўйича билим олишлари, амалий фаолият кўнилмаларига эга бўлишлари мумкин. Қўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган турли йўналиш ва мавзулардаги учрашув, кўргазма, кўрик ва сухбатлар ўқувчиларнинг тафаккур дунёсини бойитишда, уларда мустаҳкам характер ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг **яхлит тарзда тизимли** ташкил этилишида. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмuni, вазифалари ва методларининг бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қиласди. Бизга маълумки, шахс сифатлари навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда такомиллаштирилади. Шу боис педагогик таъсири ҳам яхлитдир, тизимлилик характерига эга бўлиши мумкин. Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиши ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликни эҳтиёткорлик билан қарор топтиришини талаб қиласди.

**Икки томонлама алоқа** икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тескари алоқа) тарзда ташкил этилади. Тарбиянинг педагогик технологияси назарияси ғоясига мувофиқ эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг обектигина бўлиб қолмасдан, субектив сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ички имкониятлари, унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсиrlар, ахборот манбаларини инобатга олиши зарур. Агарда, мазкур талаб унтилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз якунланади. Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти - тарбияда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги келиб чиқади. Ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар ўртасида ёки ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади. Бундан ташқари, бу қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар ёш ва шахсий психологик хусусиятлари (феълатвори, характеристери, қизикишлари, жисмоний, руҳий ва физиологик соғломлиги)ни яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқади. Демак, тарбия жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1.Аниқ мақсадга йўналтирилган жараён;

- 2.Кўп қиррали жараён;
- 3.Узоқ муддатли жараён;
- 4.Яхлит тизимлилик жараён;
- 5.Икки томонлама алоқа жараёни;
- 6.Қарама-қаршиликлардан иборат жараён.

### **3.Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.**

Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, қўнікма ва малакалар, шахс хулқ-автори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Тарбия мазмуни шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан иборат бўлиб, ижтимоий-иктисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафкураси ғоялари асосида белгиланади. Замонавий тарбия мазмунида қўйидаги тамойиллар ётади:

**1.Тарбия мақсадининг аниқлиги.**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республикада, амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади - эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий вазифа - бу шахсда умумий маданият унсурлари, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялашдан иборат. Болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти. Ўқитувчиларнинг болалар билан маънавий маданиятини шакллантиришнинг энг яхши намунасини излаш, шу асосида тарбиячи ишининг ҳаётий меъёр ва қадрияtlарини аниқлаш, ўқувчининг тарбия жараёнидаги фаоллигини таъминлашга олиб келади. Дунёқарашиб ҳали тўла-тўқис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари, уларнинг шахсий намуналари тарбиявий таъсир кучига эга.

**2.Ўз-ўзини англаш.** Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позитциянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири - бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англашнинг ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятининг субекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Ўзбекистонда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиҳатлари муҳим аҳамиятга эгадир.

**3.Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги.** Мазкур ғоя таълим муассасаси амалиётининг марказий нуқтасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлар, уларнинг шакл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи турганлигини англатишга хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқиши, ўзига хос характеристи, ўз қадр-кимматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

**4. Ихтиёрийлик.** Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, ўртоқлик ва фуқаролик бурчини англаш, мустақилликка интилиш туйғуларини кўриб ва англай олсагина унинг иродали эканлиги аён бўлади. Тарбияланувчининг иродали бўлиши таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолият жараёнида самарага эришилади.

**5. Жамоа йўналиши.** Тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш ётади. Жамоа ёрдамида шахсни ҳартомонлама ўз юрти, дунёни англаш, уни тўлақонли талқин этиш, инсонпарварлик ва ўзаро ҳамкорлик түғйуларини юзага келиши ва ривожланиб бориши каби ҳолат амалга оширилади.

Замонавий педагогик жараёнда тарбияланувчига: инсон ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний, сиёсий-ғоявий, иқтисодий, экологик ҳамда диний тарбия олиши лозимлигини ўқтиришининг ўзигина кам самара беради. Ўқувчи учун юқорида қайд этилган тарбия

йўналишларининг нима учун кераклиги, уларнинг инсонга нима бера олиши каби масалалар қизиқарлидир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тарбия тизимида муаммонинг мана шу жиҳати биринчи ўринга қўйилмоқда. Юқорида қайд этилган ғоялар тўғри ташкил этилган педагогик жараёнда — етук фуқаро, малакали мутахассис ҳамда баркамол оила соҳибини тарбиялаб вояга етказиш учун хизмат қилиши лозим.

Тарбия жараёнини илмий асосланган тарзда олиб бориш унинг қонуниятларини чукур ўрганишни талаб қиласди. Бу қонуниятлар воқеаларнинг муайян ривожланиши учун шароит яратувчи сабаб ва оқибат ўртасидаги муҳим, зарур ички алоқаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Тарбия жараёнининг асосини ижтимоий ҳаётнинг обектив талаблари инсоннинг ижтимоий моҳиятини ва табиатини акс эттирувчи қонуниятлар ташкил этади.

Табиат ёки жамиятдаги ҳар қандай мураккаб ҳодисада обектив равишда мавжуд бўладиган барқарор алоқалар кузатилади. Бундай алоқалар «қонуният» деб аталади. Бундай қонуниятга тарбия жараёнида ҳам амал қилинади. **Тарбия қонуниятлари** моҳияти бир томондан ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, иккинчи томондан шахснинг ривожланиши билан болғиқдир.

Тарбиянинг **биринчи** ва энг муҳим қонунияти унинг ижтимоий муҳитнинг обектив ва субъектив омилларига боғлиқлигидир.

Тарбиянинг **иккинчи** муҳим қонунияти тарбиянинг шахс ривожланиши билан бирлиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигидир.

Шахс ривожланиши тарбиянинг гоявий мазмуни ва сифат даражасига боғлиқдир. Айни чоғда тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари шахснинг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Тарбия жараёни психология фани асосларини, шахснинг психологик ва физиологик ривожланиш қонуниятларини билишни талаб қиласди. Тарбиячи (ўқитувчи) тарбияланувчи (ўқувчи) шахсни ҳар томонлама ўрганиши ва шу асосида унга тўғри психологик тавсиф бериши ҳамда таъсир кўрсатиши лозим. Тарбияланувчининг шахсий хусусиятлари ва имкониятлари ҳисобга олинмас экан, уларга ҳар қандай тарбиявий таъсир бир томонлама ёки тасодифий бўлиб қолади. Шунингдек, улар бошқа тарбиявий таъсирларга мос бўлмай қолади.

Тарбиянинг **учинчи** қонунияти фаолият ва муносабат бирлигини эътироф этиш, шахснинг ижтимоий ижобий фазилатларини шакллантиришнинг асосий манбайи бўлиб хизмат қиласди. Тарбияланувчиларнинг фаолияти жамият учун қанчалик фойдали, мақсадга мувофиқ ташкил этилса, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат оқилона бўлса, тарбия жараёни шунчалик самарали бўлади.

Тарбиянинг **тўртинчи** қонунияти тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсирга эга эканликлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда фаолиятлари ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги саналади.

Тарбиячи (ўқитувчи)ларнинг ва ўқувчилар жамоасининг тарбияланувчи (ўқувчи)ларга педагогик таъсири, улар фаолияти ва муносабатларини тизимли ҳамда режали тарзда мақсадга мувофиқ ташкил қилишни назарда тутади. Тарбия жараёнида тарбиячи (ўқитувчи) ва тарбияланувчи (ўқувчи)ларнинг ижтимоий роли бир хил эмас. Тарбиячи учун тарбияланувчи ҳар вақт тарбиявий обекти ҳисобланади. Бироқ, тарбияланувчи тарбиячи билан онгли равишда ўзаро муносабатда бўлишга эришса, тарбиявий муносабатлар фаол характер қасб этади.

Ривожланувчи (шахсни ривожлантириш), тарбияловчи (тарбия мақсадларини амалга ошириш) ва ташкилотчилик (фаолият ва муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш) вазифалари тарбия жараёнида (тарбияланувчиларнинг) асосий вазифалари саналади.

Тарбия жараёнининг қонуниятлари билан бирга бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қоидалари бўлиб, улар қуйидагилар:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбияни ҳаётий фаолият билан боғлиқ ҳодиса деб билиш;
- шахснинг жамоада тарбиялашга оид ўрни;
- тарбияланувчи шахсига нисбатан талабчан бўлиши ва унинг шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияланувчи (ўқувчи)нинг тарбия жараёнида ёши ва ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазам олиб борилишига эътибор.

Тарбия жараёнининг муваффақияти уни ташкил этишда қандай тамойилларга кўра иш кўрилаётганлигига ҳам боғлиқ.

Тарбия тамойиллари тарбия жараёни қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда илфор тамойилларга амал қилиниши тарбия самарасини таъминлайди. Тарбия тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги;
- тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устунлиги;
- тарбияда миллий, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги;
- тарбияда изчиллик ва тизимлилик;
- тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан қўшиб олиб бориш;
- тарбияни меҳнат билан боғлаш;
- тарбияланувчи шахсни ҳурмат қилиш;
- тарбияда ўқувчининг ёш ва алоҳида хусусиятларини хисобга олиш;
- жамоа ва жамоа ёрдамида тарбиялаш;
- тарбияда ўқувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий томонларни ўқотиш.

**Тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги** - ўқитувчи ижтимоий тарбия мақсади ва вазифасини аниқ тасаввур этиши ва пухта англаб олиши зарур. Ёш авлодни юксак ғоявийлик руҳида тарбиялаш - уларнинг онгига халқ, миллат, юрт, жамият манфаатларидан юқорироқ манфаат бўлиши мумкин эмаслигини сингдириш, уларни ватанга, халққа муҳаббат руҳида ва садоқатли қилиб тарбиялаш демакдир. Бу соҳада мустақил Республикализ халқ таълими ходимларининг асосий вазифаси эркин, ижодкор, мустақил фикрлаш қобилиятига эга, етук мутахассис, комил шахсни тарбиялашдан иборатдир. Мактабда ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг барчаси ижтимоий тарбиянинг мақсадини рўёбга чиқаришга йўналтирилиши зарур. Ўқитувчи (тарбиячи)лар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи - тарбиячининг мақсади ҳар томонлама камол топган мукаммал инсон шахсини тарбиялашдан иборат бўлиши лозим. Ана шунда мазкур тамойил ўз вазифасини бажарган бўлади.

**Тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устунлиги** - тарбияда инсон шахсини ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлигини хисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш бу - тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишилардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир. Ўқитувчи ўқувчига аввалгидек тарбия обьекти эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчига тенг ҳуқуқли ҳамкор, ҳамфирк деб қараш лозим. Умуман, таълим ва тарбияни инсонпарварлаштиришнинг диққат марказида инсоннинг муҳим масаласи ва муддаоси, яъни болаларда инсон шахсига дунёдаги энг юқори, бебаҳо бойлик сифатидаги муносабатини шакллантиришдек фаолият ётади.

**Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устунлиги** - халқнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой меросини чуқур билмасдан миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйусини қарор топтириш мумкин эмас. Шу боис, халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, миллий ўйинлар ва уларда ифодаланган ғояларни ўқувчилар онгига сингдириш, уларда ушбу ғояга нисбатан ҳурматни қарор топтириш

лозим. Умумбашарият учун қадрли, ардоқлы бўлган, инсоният ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги учун дахлдор қадр-қимматга эга бўлган анъаналар, урф-одатлар ҳақида маълумотлар бериш, уларда меҳр-муҳабbat туйғусини уйғотиш, уларни қўллаб-куватлаш, эзгу ғоялар учун курашиб хиссини қарор топтириш тарбия жараёнида амалга оширилиши лозим.

**Тарбияда изчиллик ва тизимлилик** - тарбияга яхлит тизимли ёндашиш педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бундай педагогик мақсад ва вазифалар, уларнинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашувчилари томонидан тан олиниши шарт.

Тарбияда изчиллик жуда муҳимдир. Ўқувчиларга бирданига кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Ўқитувчилар ўқувчиларга бўлган муносабат жараёнида ўзаро бир-бирига зид ҳаракатда бўлмасликлари, ягона талаб қўйишилари лозим. Тарбияни ижтимоий ҳаёт билан қўшиб олиб бориш. Мехнатнинг тарбиявий таъсири ғоят каттадир. Мехнатда иштирок этиш ва унумли меҳнат қилиш билан шахс ўз қобилияти ва истеъодини намоён қиласи ва камолга етади. Мехнат ёш авлоднинг тарбияси учун жуда катта воситадир. Ўқув меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчи шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги болани фаоллаштиради, хулқ бирлигини таъминлади, ташаббускор ва изланувчан қиласи. Мехнат болаларга сиёсий-маънавий тарбия бериш учун замин ҳозирлайди. Шунинг учун оила ва мактабларда болаларни илк ёшидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга муҳабbat ва меҳнат кишиларига ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Мактабда ўқишининг ўзи ҳам меҳнатдир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг аксарияти ҳам меҳнат тарбияси билан мустаҳкам боғланган.

**Тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш** - ўқувчиларни ижтимоий тарбиялашнинг муҳим тамойилларидан бири - уларнинг шахсини ҳурмат қилишдир. Бу тамойил инсонпарварлик муносабатидан келиб чиқади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, уларга меҳр-муҳабbat кўрсатиш ва уларга ишониш шарт. Тажрибаларнинг кўрсатишича, қайердаки ўқувчиларга ҳурмат, муҳабbat, ишонч бўлса, шу ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Болаларга ҳурмат ва муҳабbat улар кучига куч қўшади, ўқитувчига нисбатан ҳурматни уйғотади.

**Тарбияда ўқувчининг ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш** - тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари болаларнинг ёш ва савиясига қараб турли синфларда турлича бўлади. Болалар мактабда ривожланишнинг турли даврларини - болалиқ, ўсмирлик ва ўспиринлик босқичларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичida боланинг ахлоқий турғунлиги ривожланади, хулқи ва онги ўртасидаги уйғунлик вужудга келади. Тарбия беришда ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Болаларнинг жисмоний ва маънавий ўсишида бир қадар умумийлик бор, бироқ болаларнинг тавсиф-хислатлари, қобилият ва майлари, қизиқишилари, иродавий сифатлари ҳар хил бўлади. Бу фарқлар уларнинг хулқида, ўқиши ва меҳнатида акс этади. Бир ўқувчига нисбатан фойдали методни бошқа ўқувчига нисбатан қўллаганданда натижасиз бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг ўзгаришга хос бўлган хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш** - тарбия жараёни ўқувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда манфаатдорлик бирлиги, ўзаро ёрдам туғусини ўстиришга хизмат қилиши лозим. Туйғу ташкил этилган жамоа аъзоларининг қобилият ва истеъодини ривожлантириш учун кенг йўл очади. Жамоада бола ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятга эга бўлади. Ўқувчилар ахил жамоа бўлиб ўюшганларидагина тарбиявий ишларини амалга ошириш анча енгил ва муваффақиятли бўлади, ҳар бир шахсга таъсир этади. Ўз манфаатини жамият манфаати билан қўшиб олиб бориш, ўзаро ёрдам каби фазилатлар, аввало, жамоада шаклланади. Ўқитувчи ҳамма вақт ўқувчилар жамоасига таянмоғи, уларни жамоа бўлиб турли ишларни бажаришга одатлантириб, жамоада яшаш ва ишлашга ўргатиб бориши лозим.

Тарбияда ўқувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий хислатларини йўқотиб боришга эътибор қаратиш лозим. Маҳоратли педагоглар ўз ўқувчиларинг шахсий фазилатларини яхши биладилар. Тарбия мақсадини амалга ошириш учун бола хулқидаги ижобий сифатларга суюниб иш кўрадилар. Боладаги ижобий сифатларга таяниш, унинг салбий сифатларини йўқотиш, ёмон одатлардан қайтаришнинг энг яхши воситасидир. Тарбия муваффақияти мазкур масаланинг тўғри ҳал этилишига кўп жиҳатдан болиқ.

### **Назорат саволлари:**

1. Тарбиянинг қандай методларини биласиз?
2. "Метод" сўзининг луғавий маъноси нима?
3. Тушунтириш (хикоя қилиш, ўргатиш, машқ орқали одатлантириш) методларга изоҳ беринг?
4. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўраш, ўрнак бўлиш) методига изоҳ беринг?.
5. Насихат қилиш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар) нима?
6. Қоралаш ва жазо (таъкидлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айлаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш) нима?
7. Тарбия қонуниятлари ва тамойилларига изоҳ беринг!

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А.Каримов. "Юқсан маънавият – енгилмас куч" –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М.Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича "Харакатлар стратегияси".-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М.Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови" –Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Р.Мавлонова "Тарбиявий иш методикаси" дарслик. Т. 2014.
6. Сафо Очил. "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари" Т.,Ўқитувчи, 1997.
7. Абу Райхон Беруний "Ҳикматлар". Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.
8. Худойқулов Х.Ж. "Тарбиявий ишлар методикаси". –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

### **4-мавзу: Тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари.**

#### **Р Е Ж А:**

1. Тарбия жараёнини амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.
2. Синфдан ташқари тарбиявий машғулотга тайёрланиш.

**Таянч сўзлар:** Тарбия, инновация, технология, ижодкорлик, машғулот, экскурсия, конкурс, тадбир.

#### **1. Тарбия жараёнини амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.**

Тарбия тизимида инновациялар. Мактабда инновациялар масаласини муҳокама этганда, тарбия тизимида инновациялар ташкил топиши тўғрисидаги масалаларни гапириб ўтмай бўлмайди. Педагогикада "тарбия" категориясининг бир вақтда бир неча тушунчалари мавжуд тарбияни ўрганаётган авлодга тарбияни энг муҳим ижтимоий тажрибаларни етказиш бўйича маҳсус ташкил этилган жараён сифатида тушуниш, энг кенг тарқалган тушунчалардан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай тарбия

жараёнининг асоси, ҳақиқатда, ўқитиш ҳисобланади, деган холосага келиш тўғри бўлади. Ушбу ҳолатда тарбия жараёни дидактик воситалар билан қўрина бошлайди.

Тарбия жараёни ўзининг ўзига хослигини "сақлаб қолиш" учун "Тарбия, тарбия... тарбия!" монография ҳаммуаллифлари В.А.Караковский, Новикова, Селиванова кабилар машхур педагог ва психолог О. Лаймете таклиф этган унинг бошқа тушунчасидан фойдаланадилар. Агарда тарбия жараёнини "Лаймете бўйича" қарайдиган бўлсак, унда тарбия тизими дидактикадан иборат бўлмайди, балки бир томондан психо-педагогик, бошқа томондан эса - ижтимоий-педагогик тизимдан иборат бўлади. Бу ўз навбатида тарбия тизими ўқувчиларга фақат дидактик сифатида эмас (ўқитувчилар, дарслар, дарсликлар, уй вазифалари орқали), балки ижтимоий омил сифатида ҳам, болаларнинг атроф-мухитга жалб этилганлиги орқали ҳам таъсир кўрсатади; ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар орқали, ҳар бир таълим муассасаларида ташкил топадиган маълум психологик муҳит орқали таъсир кўрсатади.

"Дидактик тизим" тушунчаси педагогикада анча қадимдан шаклланган. Мактабнинг дидактик тизими таълим мақсадлари, ўқиши мазмуни, уни ташкил этишининг метод ва шакллари орқали ифодаланади. Албатта, тарбиявий мақсадлар ўрганилаётган материал мазмуни, уни етказиш шакли ва методлари кабиларни белгилаш орқали ўқитиш жараёнида ҳам амалга оширилади. Таълим муассасининг тарбиявий вазифаси биринчи навбатда, ўқувчиларда, ўзини шу дунёни англаб етиш, бошқалар орасида ўз ўрнини топиш билан дунёга, маданиятга, атроф-мухитга қадриятларимизга нисбатан шакллантиришдан иборат. Лекин мана шу вазифани фақат ўқитиш жараёнида амалга ошириб бўлмайди: у индивидуал манфаатларини қондириш билан боғлиқ дам олиш доирасидаги ўйин, меҳнат, ижодий фаолият билан ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, хусусан тарбия тизими инновацияларини ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Уни яратиш ва ривожлантириш жараёнида, ҳар гал қатор аниқ масалаларни ҳал этиш керак бўлади: юқорида номлари келтирилган муаллифлар уларга алоҳида урғу билан қуидагиларни кўрсатадилар:

Болаларда дунёning яхлит ва илмий асосланган қўринишини шакллантириш.

1.Фуқаролик ўзини англашни, ватани тақдири учун жавобгарликни шакллантириш.

1.Болаларни умуминсоний қадриятларга жалб этиш, улар орасида мана шу қадриятларга мос бўлган хулқни шакллантириш.

2.Ўсиб келаётган келажак авлодда, шахс хусусиятлари сифатида преспективликни, ижодкорликни шакллантириш.

3.Ўз-ўзини англашни шакллантириш, ўзини амалга оширишда болага ёрдам кўрсатиш.

Албатта, бу масалалар рўйхатини давом эттириш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам, мана шу вазифаларнинг ўзи юқорида санаб ўтилган тарбиялаш вазифаларининг алоҳидалигини кўрсатади.

Юқорида баён этилган дидактик қарашларнинг турли жиҳатларида инновациялар юзага келиши ва шаклланиши имкониятларини чукур муҳокама қилиш каби, ушбу масалада, тарбия тизимини фалсафий ва технологик жиҳатларда кўриб чиқиша тарбиявий инновацияларни кўллаш орқали ўрганамиз.

Тарбия тизимини кўриб чиқишининг фалсафий жиҳати - тарбиянинг мазмун-мақсадларини асослашни, уни конкретлаштириш ва тарбиянинг керакли мазмуни билан алоқасини асослаб беришни кўзда тутади. Биз аввал айтганимиздек, бугунги кун қарашлари остида, тарбия тизимида икки турлича бўлган концептуал (кўп жиҳатдан қарама-карши) ёндашишлар мавжуд.

Биринчи ёндашиш тарбия - бу бола шахсига ўзига хос мазмунга эга бўлган (фалсафий-педагогик, ғоявий, психологик-педагогик, маънавий ва бошқа), ижтимоий белгиланган ва мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишга асосланади. Бундай тарбия маҳум шаклларда (фронтал, гурухли, индивидуал) ва маълум методлар билан амалга оширилади.

"Тарбия таъсир кўрсатиш сифатида" мана шу парадигмасида педагог барча чоралар билан самарали тарбиявий таъсир кўрсатишга эришиши керак. У (педагог) ўзи беихтиёр, болалар ва ота-оналарнинг тенг қимматли иштирокисиз, мана шу тизимда асосий субъект бўлиб колади, чунки болалар "олиб борувчилар" ролидаги иштирок этадилар. Ва, албатта, тарбияда тенг ҳукуқли шерик ҳисобланмайдилар. Бу ерда бола "тарбия предмети" сифатида иштирок этади ва боланинг фаоллиги сифатида субъективлик тўғрисидаги мурожаат ҳар гал кераклигини фаол ўзлаштириш" ёки адаптив фаоллик деб аталувчи хусусиятга эга бўлади.

Будай ёндашиш биз илгари келтириб чиқарган ижтимоийлаштириш категорияси билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бунда биз тарихий ишлаб чиқилган ижтимоий қоидаларни, қадриятлар, муносабатлар, маънавий ва моддий маданият билан муносабат усусларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши жараёнини тушунамиз. Умумий қабул қилинган қоидалар асосида айтадиган бўлсак - болани тарбиялаш - уни катталар дунёсига олиб кириш, уни умумий қонунлар бўйича "бирга каби" яшашга ўргатиш демакдир.

Шундай қилиб, ижтимоийлаштириш инсоннинг "адаптив фаоллик" қобилиятига эга бўлишини кўзда тутади ва мақсадга мувофиқ жараёнлар (ўқитиш ва тарбиялаш) мактабгача, мактаб, маҳсус қасб-хунар муассасаларида ҳамда тасодифий омиллар (оила, оммавий ахборот воситалари, санъат билан мулоқат қилиш) таъсири остида амалга оширилади.

Бу таъсир кўрсатиш тарбия тизими (ёки ижтимоийлаштириш) инсонпарварликка зид каби баҳоланиши мумкин эмас, чунки у албатта, авторетит воситалар билан амалга оширилиши шарт эмас. Унда ўқитувчи ва болалар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари мавжуд бўлиши, гуманитар қадриятлар тарғиб қилиниши, гурухли ва индивидуал ижодкорлик элементлари татбиқ қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, таъсир кўрсатишнинг тарбия тизими ўзи тарбия жараёнига демократик қадриятлар ва қоидалар киритиши керак (атроф-ҳаётдаги ўзгаришлар ортидан): ҳаётни ташкил этиш демократик усусларини ўзлаштириш (болалар ҳамжамиятидан бошлаб), бошқаларга нисбатан ҳукуқ ва мажбуриятларини ўзлаштиришга амал қилиш.

Лекин, тарбия билан боғлиқ бу ёндашиш, мухит билан боғлиқ бўлиб чиқмоқда, Чунки боланинг ҳулқи ва ҳаёти бу ҳолатда тўлалигича ташки кучлар билан белгиланади. Ва унда боланинг танловни амалга ошириш имконияти қолмайди. Етказиши керак бўлган қандайдир тарбиявий мазмун, мана шу тарбиявий стандартдан келиб чиқувчи ижтимоий-педагогик-назарий, буларнинг барчаси боланинг ички "хоҳлайман" истагига эмас, балки ташки "керак" талабига йўналтирилган методларни талаб этади. Шунинг учун ушбу тарбиявий тизим қандайдир жазо ва мажбурлашларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Тарбиядан бошқа ёндашиш инсонпарварлик тарбиявий тизимини яратиш билан боғлиқ. Бу ёндашиш биринчи навбатда, биз илгари бобимизда батафсил кўриб чиқкан индивидуаллаштириш жараёни билан мос келади (лекин уни бола ижтимоийлаштириш масалаларини иложи борича яхши ўзлаштириб олиши мақсади билан боғлиқ ёндашиш билан адаштириш керак эмас). Яна бир бор эслатиб ўтамиш, индивидуаллаштириш - бизнинг тушунишимизча - бу болада мавжуд ёки ўзининг индивидуал тажрибасида эгаллаган ягона, алоҳида ва ўзига хослигини таъминлаб туриш ва ривожлантириш бўйича катталарнинг ҳамда боланинг ўзининг фаолиятларидир.

Индивидуаллаштириш, биринчидан, бирламчи асосий эҳтиёжларини индивидуал йўналтирилган ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Бусиз табиий "ўзлигини" хис этиш мумкин эмас. Иккинчидан, айнан мана шу индивид учун хос бўлган тарбия берган (мерос бўлиб ўтган) жисмоний, интеллектуал, эмотционал қобилиятлар имкониятларни максимал, эркин амалга ошириш учун шароитлар яратишни кўзда тутади. Ва ниҳоят, индивидуаллаштиришнинг учинчи белгиси, асосий хислати - автоном маънавий ўзини қуришда, ўзини ижодий гавдалантиришда, "мослашувчан бўлмаган фаоллик", ҳаётий ўз ўйини танлашдаги қобилиятини ривожлантиришда инсонга ёрдам кўрсатишdir.

Шахсни индивидуаллаштириш унинг "ўзлигини" ривожлантириш, шундай қилиб, кенг маънода инсонпарварлик тарбиявий тизимини ташкил этади. Тарбияда бундай ёндашишнинг мақсади, болаларга, уларнинг "субъектив мавжудликларини" ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг учун ушбу тарбиявий тизимда, инсонга ўзини англаш ва ўзини амалга оширишда ёрдам берувчи маҳсус воситалар ишлаб чиқилади. Энди фақат педагог эмас, балки болаларнинг ўзлари ҳам инсонпарварлик тарбиявий тизимининг субъекти ҳисобланади (бала асосан, тарбия обьекти ҳисобланган таъсир кўрсатиш тарбиявий тизимидан унинг асосий фарқи ҳам мана шундан иборат). Ушбу парадигмада педагоглар ҳам, болалар ҳам мактаб олдида турган мақсадларини биргаликда аниқлаштирадилар, уларни амалий вазифалар даражасига кўтарадилар ва ҳамкорликдаги фаолиятда амалга оширадилар. Мактаб инсонпарварлик тарбиявий тизими самаралилигининг муҳим шарти болалар ва катталарни умумий жамоага бирлаштириш ҳисобланади. Болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари мавхум муносабатларни юзага келтиради, улар биринчи навбатда тизимнинг тарбиявий имкониятларини белгилайди.

Муносабатларда педагоглар алоҳида ғамхўрлиги бўлиб қолади. Ҳар қандай инсонпарварлик тарбиявий тизими аниқ тизим ҳисобланади. Унинг ташкил топиши, фаолияти ва ривожланишида муҳит, фақат ташки таъсир кўрсатувчи омил сифатида эмас, балки ушбу тизимнинг ўзининг таркибий қисмида катта рол ўйнайди.

Тарбиявий тизимлар икки турини таққослаш, таҳлил қилиш якунида таъсир кўрсатиш таълим тизими ва инсонпарварлик тарбия тизими ўзиниг предмети мазмунида ҳам фарқ қилишини алоҳида айтиб ўтамиш.

Биринчиси, биринчи навбатда, дунёнинг ижтимоий кўринишини ўрганади. Иккинчи тизим ўзини-ўзи ўрганиш усулини ўрганади. Маълум ижтимоий қоидаларни, қадриятларни, муносабатларни ўрганиш, таъсир кўрсатиш тарбия тизими, болаларда ўзини англашга қобилиятни ривожлантириш масаласини ўз олдига қўймайди - бу унинг предмети ҳисобланмайди.

Инсонпарварлик тарбиявий тизими - бу бошқа гап. Инсон танлаб олиш субъекти сифатида иштирок этар экан, у бу танловни ўзига нисбатан амалга ошириши кўзда тутилади, демак ўзини англаш жараёнисиз бу тизимни амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун турли инсонпарварлик тарбиявий тизимлар, ҳозирги кунда, айнан мана шу йўналишда ривожланмоқда. Инноватция (англаган ҳолда, умуман янгиликни киритиши сифатида) ишчи (амалий) тушунчасини эслаб, аниқ мисолда тарбия тизимини фалсафий жиҳатдан қарашда, инноватция қандай шаклланишини кўрамиз.

Тақдим этилган ёндашишларнинг ҳар бирида, инноватция ёндашишлардан бирини аниқлаштириш ҳисобланса ҳам, ҳар гал қандайдир янги ғоя билан боғлик бўлади. Масалан, тарбия инсонпарварлик парадигмасини муҳокама қилиб О.С.Газман, биринчи навбатда, тарбия мақсадини ўзини ривожлантириш ва педагогик ёрдам кўрсатиш ғояси билан боғлади. Кўпчилик ҳозирги замон муаллифлари инсонпарварлик парадигмасини ўрганишларида, шахс ривожланишига амал қилиб ўзини ривожлантиришга (ёки ўзининг "ўзлигини" ривожлантиришга) турли томонлардан ёндашадилар. Баъзи муаллифлар ушбу сўзнинг кенг маъносидан келиб чиқадилар: ўзини умумийликка етказиш, барча одамлар учун хосликлар, ҳаммага мос келиш, яъни у ёки бу сотциал идеологик талабларнинг контекстидан четга чиқадилар, умуминсонийликнинг ўзини ривожлантиришдаги аҳамиятини таъкидлайдилар.

Муаллифлар иккинчи гуруҳи эса ўз диққатини бошқача қаратадилар: инсон ўзининг индивидуаллилигини, алоҳидалилигини, ўзининг "ўзлигини" ривожлантиради (бу кўпинча умуминсонийликни намоён этиш индивидуал ифодаланган усулларини ўз ичига олади).

О.С.Газман "Эркинлик педагогикаси: XXI аср инсонпарварлик тараққиётидаги йўл" номли асарида "ўзини ривожлантириш" терминида, юқорида айтилган икки мазмунни бирлаштириш ва ўзини ривожлантиришни фақат ягона субектда тақдим этилиши мумкин

бўлган янги сифатни ташкил этиш учун инсоннинг ўзида (маданиятлиликни) тўплаш, бирлаштириш жараёни сифатида тасаввур этишни таклиф этади. Фақат ижтимоий ва биологик эмас, балки эркин мавжудот сифатида ўсиб бораётган инсон тўғрисидаги тасаввур маданийлиги ва табиийлиги тамойилларини, эркинлиги тамойили билан тўлдирилишини талаб этади.

Шундай қилиб, педагогик ёрдам иши, эркинлик, ижодкорлик, катталар ва бола ўртасида ҳақиқий демократия ва инсонпарварликда юзага келадиган тарбия, бошка маданиятга киради. Тарбия мақсадини педагогик ёрдам сифатида, мана шу умуман янгича тушуниш, мазмуни бўйича тарбия тизимини фалсафий жиҳатдан қаралганда, инновация ҳисобланади. У мана шу мақсадга мос янги тарбия технологиясини ишлаб чиқишга олиб келади.

Тарбия технологияси деганда биз, тарбиянинг маҳум мақсадлариiga эришишга каратилган маҳсус педагогик услублар тизимини тушунамиз. Ҳар қандай тарбия методикаси тарбия технологияларидан ташкил топади. Масалан, жамоани режалаштириш, ўсмирлар билан алоқа ўрнатиш, педагогик диагностика технологияси ва бошқалар.

Агар технология - бу тарбия методикасининг якунланган қисми бўлса, услуг эса ўз навбатида бу умумий ёки шахсий педагогик маданиятда қайд этилган тарбия технологиясига нисбатан якунланган элементdir. Агарда услуг бирор-бир тарбия масаласи билан барқарор боғлиқ бўлса, у оддий тарбиявий технология бўлиб қолади.

Масалан, синфни микрогурухларга бўлиш (қизиқиши бўйича, куръя ташлаш бўйича, етакчилари бўйича), ҳамкорликдаги фаолиятда ўйин ролларини яратиш усувлари, гурухнинг муҳокамада сўзга чиқиши тартиби ва бошқалар - буларнинг барчаси тарбиянинг аниқ услубларига мисоллар. Лекин улардан хеч бири, қандайдир аниқ тарбиявий масала билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, шунинг учун мана шу услубларни турли хил технологияларга киритиш мумкин.

Микро гурухларга ажратиш услубини жамоа бўлиб мақсадни белгилашда ҳам, ҳамкорликда режалаштириш ва умумий ишларни бажариш технологиясида ҳам кўллаш мумкин, шунингдек гурухли таҳлилни ташкил қилиш усули сифатида ҳам, мuloқot рейтингида машқлар ўтказиш услуги сифатида ҳам кўллаш мумкин. Шунга мос равиша ишлаб чиқилаётган педагогик ёрдам технологиялари ҳам илгари маълум бўлган услублар йўналишидан иборат бўлиши мумкин, лекин уларнинг маълум тартибда тузилган кетма-кетликлари янги тарбия вазифалариiga жавоб бера бошлаши мумкин. Педагогик ёрдам технологияси - бу ўсиб бораётган одамнинг бошқалардан ўзининг фарқини англаб этишига ёрдам берувчи ўзининг бўшлиги ва ўз кучи - жисмоний, интеллектуал, маънавий, ижодий воситалардан фойдаланиши тизимиdir.

Бу таълим олишда мустақил ва мувафақкиятли илгари бориши, шахсий ҳаёт ёки ҳаёт мазмунини танлаши учун зарурдир. Ушбу технологияни амалга ошириш ўқувчининг саволидан бошланади: "Мен ким бўламан!", "Қандай бўлишим керак?". Педагог билан биргалиқда мана шу саволларни муҳокама қилиш яна бошқа бир мустақил савонни ҳам келтириб чиқаради: "Қандай яшашиб керак?". Маҳсус ташкил этилган маслаҳатлар орқали айнан мана шу ўқувчига хос бўлган индивидуал ҳаёт тарзи аста-секин тузилади, интелектуал, эмотционал, жисмоний юкламалар қулай режими танланади.

Ўқувчи педагог ёрдамида мувафақкият ва баҳтсизликларга бардош беришнинг ўзи учун мос усувларини топади, меҳнат фаолиятининг мос турини аниқлайди, бўш вақтини, узлуксиз иш шакллари, одамлар билан муносабатлар хусусиятларини белгилайди.

"Педагогик ёрдам" тушунчасининг семантик маъноси биринчи навбатда фақатгина бирор нарсага камроқ эга бўлган одамгагина ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-куватлаш мумкинлигидан иборат. Шунинг учун боланинг ўзида бирор нарсани билиш истаги пайдо бўлса ва бу йўлда унинг олдида қийинчиликлар пайдо бўлса - педагогик ёрдам харакатга келади.

Шундай қилиб педагогик ёрдам технологияси, биринчи навбатда, вазиятга жавоб қайтаришдан иборат бўлади. ўз навбатида бу технология турли услублардан иборат. Улардан бири - баҳолаш алгоритмик услуг ҳисобланади.

Бола фаолиятини тузатиш ва баҳолаш муносабати: "яхши, ёмон", "тўғри-нотўғри", "мумкин-мумкин эмас" кабилар маълум ёш босқичида белгилар хулқи доирасини белгилайди. Бу услуг ўқитувчи обрўси ҳали жуда кучли бўлмаган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун анча самарали бўлади.

Педагогик ёрдам технологиясини амалга ошириш учун янги бир услуг - ижтимоий қўнималар курсини киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу курс этник маданият, ижтимоий муносабатлар, шахслараро муносабатлар, қарор қабул қилиш, ўзини англаш каби фанлардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу икки фан - академик эмас балки лабаратория - амалий машғулотлар ёки ўзини намёён этиш ва ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорлик тажрибаси учун жамоани ижодкорлик бўйича машғулотлар кўринишида қурилиши жуда муҳим. Педагогик ёрдамни амалга оширишдан кейинги услуг - болалар жамоасини яратиш ва ўзини бошқаришда педагогнинг ёрдами ҳисобланади.

Шу ерда биз маълум бўлган эски оппозитцияга қайтамиз: **Жамоа ва шахс**. Лекин ушбу ҳолатда биз болалар жамоасини ташкил этишни ўз мақсадимиз сифатида эмас, балки ҳар бир ўқувчининг ижтимоий, ижодий ўзини амалга ошириши шарти сифатида қараймиз. Ўзини бошқариш буйруқ бўйича юзага келмайди, балки болалар ва ўсмирлар қизиқишилари ҳамда мактаб фуқароси ҳуқуқлари ҳам ўз манфаатларини ўзаро химоя қилишилари эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ушбу ўзини бошқариш (айнан мана шу ерда педагогнинг ёрдами керак) мактаб доирасида болалар қизиқишиларини бирлаштирувчи бўлганида ва мактабнинг ўзи фуқаролик жамияти сифатида кўрилганда пайдо бўлади.

Агарда дискотека ўтказиш, саёҳатга бориш ёки қандайдир танловлар ўтказиш учун ўсмирлар бирлашишни хоҳласалар, мана шу вазиятда ўзини бошқариш локал тажрибаси пайдо бўлади. Катталар эса бу вазиятда ёрдамчи бўлиб қолишилари мумкин. Ўзини бошқаришда қоидалар ишлаб чиқариш мажбурий элемент ҳисобланади. Болаларнинг ўzlари яратадиган қоидалар, қонунлар, хуқуқ қоидаларининг муҳим аҳамиятга эгалиги педагогикада анча аввал пайқалган.

Болаларнинг ўzlари яратган қоидалар уларни бирлаштиради. Мактаб ҳаёти муаммоларини янада демократик ҳал этишга имкон беради. Лекин асосийси, бундай қоидалар эркинлик ва масъулиятлилик доирасини белгилаб беради. Ушбу ҳолатни интизомлийкни ривожлантиришнинг кучли воситаси сифатида тушуниб, кўпчилик мактаблар ўzlарининг қонунларини, ўртоқлик низомларини, виждан кодексларини яратмоқдалар. Лекин ушбу услубда ҳам маълум хавфли томонлари мавжуд. Педагог, баъзи болалар бошқалар устидан назоратчи бўлиб қолмасликларини кузатиб бориши зарур. Бундай ҳолатда болалар жамоасида адоват ҳам юзага келиши ва болалар қонунни бажарувчилар ва уларга қарши кузатувчиларга ажралиб қолишилари мумкин. Шундай қилиб, юқорида тасвирланган услублар тўплами (уларнинг рўйхати албатта, давом эттирилиши мумкин) янги мақсад - педагог ёрдам учун технологияни белгилаб беради. Ва мана шу мазмундаги иш инновациян технологиядан иборат бўлади.

Умуман олганда, ҳар қандай тарбия тизимининг янгиланиши инновациялар ҳисобига амалга оширилади. Бу эса икки - революцион ва эволюцион йўл билан содир бўлиши мумкин.

Инқилобий йўл одатда мактаб ҳаётида, жамият ҳаётидаги фавқулодда вазиятлар билан келиб чиқади. Иккинчи йўл - тарбия тизимини самарали педагогик бошқариш билан мумкин бўлади, чунки янгиланиш механизмлари тизимнинг ўзида мавжуддир.

Тизимнинг ҳолати ва фаолияти тўғрисида яхши етказилиб туриладиган объектив ахборотлар, педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг доимий, ижодий изланишига йўналган ишлари таълим тизими янгиланишини режали ва бошқариладиган қиласди. Инновацион мактаб ташкил топишининг дидактик жиҳатини таҳлил қилиш қўйидаги хуросаларга келишга имкон беради:

Инновацион мактаб ташкил топиши жараёнини дидактик кўриб чиқиши учта турлича жиҳатлар орқали амалга оширилади:

- а) фалсафий-методологик (ўқитиш мақсадлари);
- б) назарий (ўқитиш мазмуни, ўқитиш жараёни тузилиши ва конуниятлари);
- с) технология (ўқитиш жараёни қоидалар тамоили).

Дидактик қарашнинг фалсафий-методологик жиҳати қўйидагидан иборат. У ёки бу ижтимоий буюртманинг мазмунидан қатъий назар, мақсадларни аниқлаштириш жараёни ҳар доим маълум педагогик стратегияни танлаш билан берилиши керак. Ижтимоий буюртмадан ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг аниқ мақсадларига ўтиш жараёнида ҳақиқатда иштирок этувчилар барчалари: олим-дидактиклар, мактаб маъмурияти, биринчи навбатда эса янги таълим моделларини ишлаб чиқувчи инновацион мактаблар ўқитувчилари шундай танловни амалга оширишга мажбурлар.

Турли педагогик стратегиялардан танлаб олишнинг тўртта йўналиши мавжуд:

1. Бугунги таълим соҳасининг яхлит энг юксак вазифалари;
2. Ўқитиш ва ривожлантириш жараёnlари нисбати;
3. Таълим мазмуни консепсияси маълум турига йўналганлиги;
4. Инсон маданияти тузилиши тўғрисида тасаввур.

Ушбу маълум педагогик стратегияни танлаш илмий объектив вазифалар билан умуман ҳал этилиши мумкин эмас. У ҳар бир аниқ инновацион гуруҳнинг умумий дунёкараши билан, методологик, фалсафий, антропологик қарашлари билан боғлик.

Дидактик қараш фалсафий-методологик жиҳатида мактабнинг инновационлиги фояннинг ўзи умуман янгилигидан ташқари, мактабда мақсадни шакллантириш жараёни мавжудлиги қайд этилганлигидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Мақсадни шакллантириш инновацион мактабнинг мавжудлигига сабаб бўлади, ва ўз навбатида ўқитишнинг ўзи сабабли бўлади.

Инновацион мактабнинг ташкил топиши дидактик қараш (ўқитиш мазмуни, ўқитиш жараёни тузилиши ва конуниятлари) назорат жиҳатлари қўйидагилардан иборат. Замонавий таълим вазиятлари шароитларида, деярли ҳар бир мактабда вариантив қисмини аниқлаш ҳисобига бошлаш, кейин эса, шахсий педагогик стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятига эга. Яъни замонавий асосий ўкув режаси фақатгина турли инновациялар юзага келишига ёрдам берувчи омил сифатида эмас, балки ҳақиқий рағбатлантириш сифатида ҳам амал қила бошлайди.

Ўқитиш назарияси (ўқитиш жараёни тузилиши ва конуниятлари), ўқитиш мазмунидан фарқли равишда инновациялар юзага келиши учун имконият ҳисобланмайди. Лекин инновацион мактаб ташкил топишини дидактик қарашда технологик жиҳатида юзага келадиган инновациялар учун чекловчи ролида иштирок этиши мумкин.

Инновацион мактаб ташкил топишини дидактик қарашдаги технологик жиҳати қўйидагилардан иборат. Ўқитиш мазмуни ва технологиясида ўзаро боғлиқлик мавжуд. ўқитиш мазмунидаги ўзгариш (мисол учун ўкувчи фикрларини ташкил этувчи схемалар киритиш) дарҳол мана шу мазмунни етказиб беришга қодир янги педагогик технологияни ишлаб чиқиши талаб қиласди. Ва аксинча, маълум технологиялар ўқитиш мазмуну ҳажмининг ўзига хос чегараловчиларини илгари суради, масалан, давомийлиги ва қамраб олиш кенглиги. Аниқ педагогик технологиялар кўринишида берилган ҳар қандай инновациялар дидактик қараш технологик жиҳатида, бир томондан ўқитиш назарияси ва мавжуд мақсадлар билан чекланган, иккинчи томонда эса ушбу инновацион технология "мос" келадиган ёндашиб хусусияти билан чекланган. Инновацион мактаб ташкил топишини дидактик қараш турли жиҳатларига ўхшаш тарбиявий тизим ташкил топишини фалсафий ва технологик жиҳатларида қараладиган инновацияларни ўрганиш ҳам мавжуд.

Оммавий синалган ташқари иш формалари педагогик коллектив орқали ҳар бир болага таъсир қўрсатишга имкон беради. Улар болаларда бошқаришни тушуниш, коллективда бир-бирига таъсир қўрсатиш, тенглашишлари ва катталар билан ҳамкорлик қилиш малакаларининг ривожланишига ёрдам беради.

Синфдан ташқари ишнинг ана шу оммавий шаклларини иккита катта гурухга ажратиш мумкин. Бу гурухлар болалар фаолиятининг характеристи билан фарқ қиласиди.

**Биринчи гурух - фронтал шакллар.** Болаларнинг фаолияти «ёнимда», «ёнида» принципи бўйича ташкил этилади, яъни улар бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлмайдилар, ҳар бир бола айнан бир хил ишни мустақил равишда бажарадилар. Педагог ҳар бир болага бир йўлла таъсир кўрсатади. Чекланган болалар билангина тескари синов ўрнатилади. Синовнинг ҳаммаси билан ўтказиладиган тарбиявий машғулотларнииг кўпчилиги "**ёнида**" принципи бўйида ташкил этилган.

**Иккинчи гуруху** - болаларнинг синфдан ташқари фаолиятини ташкил этиш шаклларининг бу тури "**бирга**", "**биргалиқда**" принципи билан характерланади. Умумий мақсадга эришиш учун ҳар бир иштирокчи ўз ролини бажаради ва умумий натижага ўз хиссасини қўшади. Ҳамманинг хатти-харакатлари муваффакияти ҳар бир иштирокчининг ҳаракатига боғлиқ. Ишни бунда ташкил этилиши жараёнида болалар бир-бирлари билан яқин ҳамкорликда иш кўришга мажбур бўладилар. Бундай фаолият коллектив фаолиятномини олган, тарбиявий иш эса - коллектив тарбиявий ишлар деб номланади. Педагог ҳар бир болага алоҳида таъсир кўрсатмайди, балки болалар ўртасидаги ўзаро алоқага таъсир этади, бу эса педагог билан ўқувчилар ўртасидаги тескари алоқанинг яхшиланишига ёрдам беради. Болаларнинг жуфт-жуфт, кичик гурухларда, синфдаги фаолияти «биргалиқда» принципи бўйича ташкил этилиши мумкин.

Ҳар бир йўналишнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари бор. Биринчи гурух педагог учун ташкил этишда оддийлиги билан фарқ қиласиди, лекин коллектив ўзаро таъсир малакаларини камроқ шакллантиради. Иккинчи гурух болаларда ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам бериш, масъулиятни ўз зиммасига олиш малакаларини ривожлантириш учун тенги йўқ. Бироқ кичик ёшдаги ўқувчиларинг ёш хусусиятларига қўра (улар бошқа кишида тенг ҳуқуқи инсонни кўролмайдилар, келишиб олишни, бирга бўлишни билмайдилар) коллектив шаклларни ташкил этиш педагогдан кўп вақт ва муайян ташкилотчилик малакаларини талаб этади.

## **2. Синфдан ташқари тарбиявий машғулотга тайёрланиш.**

Фараз қилайлик, алгорит қоидаларига мувофиқ болалар коллективини ўрганиш босқичи ҳали тугалланмаган бўлсада, педагог машғулотнинг мана шу шаклини танлаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда машғулотнинг мазмуни белгиланади, унга мувофиқ мазкур синф учун актуал бўлган машғулот мавзуси танланади ва машғулот ғояси ифодаланади.

Педагог ўзидан фикран шундай деб сўраши керак: "Мазкур мавзуни очиб бориш орқали болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш натижасида нимага эга бўлишни истайман? "Синфдан ташқари тарбиявий машғулотнинг мазмуни ривожлантириш, тўғрилаш, шакллантириш вазифаларини акс эттириши керак. Таълим бериш вазифаси умумий вазифалардан бири сифатида намоён бўлиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда "Белгиланган мавзу ҳақидаги маълмотларни баён қилиш" тарбиявий машғулотнинг мақсади ва вазифалардан бири бўлиши мумкин. Педагог синфдан ташқари машғулотнинг мақсади ҳамда вазифаларини қанчалик аниқ ифодаласа, унинг исталган натижалар ҳақидаги тассавури ҳам аниқ бўлади. Фақат шундан кейингина машғулотнинг мазмунини, методларни, воситаларни танлашга киришиш мумкин. Машғулотнинг мавзуси, мазмунига алоҳида аҳамият бериб, унинг мақсадини ифодалашга нормал ёндашадиган ёки уни умуман эътибордан четда қолдирадиган педагоглар нотўғри иш юритадилар. Бундай ҳолда тарбиявий ишнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва тизимлилиги йўқолади.

Машғулот моделини тайёрлаш натижалари умумсинф тарбиявий машғулоти конспектида акс эттирилади. У қуйидаги тузилишда бўлади:

- 1) Машғулотнинг номи;
- 2) Мақсади, вазифалари;
- 3) Жихозланиши;
- 4) Ўтказиш шакли;
- 5) Бориши.

Машғулотнинг номида синфдан ташқари машғулотнинг мавзуси акс эттирилади. У фақат акс этиб қолмай, шакл бўйича лўнда қилиб ифодаланган, жозибали бўлиши лозим.

Вазифалар жуда аниқ бўлиб, мазкур мазмунни акс эттириши керак. Улар универсал характерда бўлмаслиги лозим. Масалан, "Жонажон шаҳрига муҳаббат уйғотиш" вазифаси ўрнига "Шаҳар тарихига қизиқиши ошириш", "Болаларда шаҳар юбилейига тайёргарлик ишларига ўз хиссасини қўшиш истагини ўйғотиш", "Болаларда шаҳарнинг ўтмишдаги машҳур кишиларига нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланишига ёрдам бериш" каби вазифаларни қўйиш яхши бўлади.

Синфдан ташқари машғулотаинг жиҳозланишига турли воситалар: қўлланмалар, ўйинчоқлар, видеофилмлар, адабиётлар ва бошқалар киради. Адабий манбанинг номинигина эмас, балки унинг муаллифи, нашр этилган жойи ва йили кўрсатилиши керак. Синф машғулотлари экспурсия, викторина, конкурс, спектакл ва ҳоказо шаклда ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда машғулот режасида уни ўтказиш шакли "Математик викторина", "Фантазиячилар конкурси", "Ҳайвонот боғига экспурсия" каби номлар билан бирлаштирилади. Агар синф машғулоти ўзида биронта ўтказиш шаклларини бирлаштирса, унда болаларни жойлаштириш усули кўрсатилади: айлана, командалар ва ҳоказо.

Машғулотнинг боришида унинг мазмуни, тарбия методлари тавсиф этилади ва педагогнинг машғулотни биринчи шахс номидан батафсил, изчиллик билан баён қилинишдан иборат бўлиши мумкин ёки (педагогнинг шахсига қараб) асосий мазмунни карточкаларда ифодаланган тезисли пландан ташкил топиши мумкин.

Машғулотнинг боришини моделлаштиришда унинг давомийлиги ва структурасини ҳисобга олиш зарур. Синф тарбиявий машғулоти олти ёшлилар учун 15-20 дақиқадан ўн - ўн бир ёшлилар учун 1-2 соатгача давом этиши мумкин.

Мазмуни ва методлари бўйича хилма-хил бўлган синф машғулотларини самарали ўтказиш мақсадида унинг асосий тўрт босқичдан иборат бўлишига амал қилиш маъқул.

## 1-Ташкилий қисм

*Педагогик мақсад:* болаларни ўқув фаолиятидан фаолиятнинг бошқа турига кўчириш, ана шу фаолият турига қизиқиш, ижобий ҳис-туйғулар уйғотиш.

*Типик ҳатолар:* дарснинг бошланишини айнан такрорлаш, унинг вақт жиҳатидан узок давом этиши.

*Тавсиялар:* ташкилий моментда кутилмаган ҳолатни юзага келтириш, яъни топишмоқлар, муаммоли масалалар, ўйин моменти, товуш ёзувлари ва ҳоказолардан фойдаланиш; болаларни уюштириш шаклларини ўзгартириш; болаларни бошқа хонага, бинога (биология, физика, мусиқа синфларига, кутубхонага, мактаб музейига) ўтказиш ёки уларни синфдаги ўлчамга қараб, айлана шаклда жойлаштириш болаларнинг дарсдан ташқари фаолияти самарали кўчишига ёрдам беради. Бу бўлажак машғулотга қизиқиш, ижобий ҳис - туйғулар уйғотади.

## 2-қисм.

*Педагогик мақсад:* болаларни фаоллаштириш, уларни тарбиявий таъсирга мойил қилиш. Педагог ўзининг педагогик прогнози ҳақиқатда болаларнинг имкониятлари, шахсий сифатлари, мазкур мавзу юзасидан хабардорлик даражаси, эмотционал кайфияти, фаоллик, қизиқиш даражаси билан қанчалик мос бўлишини аниқлайди. Бу босқичда педагогдан болаларни қизиқтиришгина эмас, балки машғулотнинг бориши давомида унга қандай тузатишлар киритиши кераклиги ва тузатишлар қандай характерда бўлишини аниқлаш талаб этилади. Масалан, педагог ўзи маълум қиласиган нарсаларнинг янгилигига умид боғлаб, ҳикояни режалаштирган эди, аммо кириш сухбати болаларнинг бу муаммони билишини кўрсатди. Бундай ҳолда педагог ҳикояни сухбат ёки ўйин вазияти билан алмаштириши зарур. Шундай қилиб, кириш қисмининг мақсади боланинг шахсий тажрибасидан машғулот мавзусига мос бўлган материалларни кўпроқ танлаш мақсадга мувоғик бўлади.

*Типик хато:* педагогнинг кутилмаганда болаларнинг таъсирланишидан (болалар педагог кутаётган нарсани айтмаслиги ёки қилмаслиги мумкин) қўрққани туфайли бу босқични инкор этиши. Педагог машғулотнинг кириш қисмини болаларнинг фаоллигига эмас, балки шахсий фаоллик асосига қуради, тескари алоқани менсимай, болаларга пассив тингловчилар ролини беради. У болаларнинг эмотционал кайфиятини эътиборга олмайди.

*Тавсиялар:* кириш қисми машғулотнинг мазмунига қараб билиш характеристидаги кириш сұхбатидан, эстетик ва ахлоқий машғулотлар ёки ақлни "чархлаб олиш" топшириқларидан (викторина, конкурс ва х.к.) иборат бўлиши мумкин.

Болалар командаларга бўлинганда уларнинг хатти-ҳаракатларини рақобат асосига эмас, балки ҳамкорлик асосига қуриш лозим. Бунинг учун қуйидаги усул самаралидир: командаларга тўғри жавоблар учун очколар ўрнига киркиб ажратилган расмнинг бўлакчалари тарқатилади. Машғулотнинг яқуний қисмida бу бўлаклардан умумий расм йифилади ҳамда баллар миқдори эмас, балки умумий натижага муҳимлиги аён бўлиб қолади.

Машғулотнинг кириш қисмida болаларни фаоллаштиришнинг турли-туман методлари ҳамда воситаларидан: муаммоли сұхбат, ребус, кроссворд, топқирлик ва чаққонликка доир топшириқлар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

### **3. Машғулотнинг асосий қисми.**

*Педагогик мақсад:* машғулотнинг асосий ғоясини амалга ошириш.

*Типик хатолар:* болаларнинг қисман ёки бутунлай пассивлигига педагогнинг фаоллиги. Методларнинг бир хиллиги - фақат ҳикоя ёки сұхбат. Кўргазмаликнинг йўқлиги, фойдаланиладиган тарбия воситаларининг жуда ҳам камлиги. Онгни шакллантириш методларининг хулқ-атворни шакллантириш методларидан устунлиги. Дарснинг ўқув мухити яратилиши. Ибратлилик, ўргатиш, насиҳат гўйлик қилиш.

*Методик тавсиялар:* агар болалар максимал равищда фаол бўлсалар, машғулотнинг ривожлантирувчи, тўғриловчи, шакллантирувчи, тарбияловчи, таълим берувчи вазифаларини амалга оширишда тарбиявий самара юқори бўлади. Синфдан ташқари машғулотда болаларни фаоллаштиришда дарсдан фарқ қиласиган алоҳида эмотционал мухитни яратиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, болалардан қўлларини кўтариш, ўрниларидан туриш талаб этилмайди. Интизомни сақлаб туриш учун алоҳида қоидалар жорий қилинади.

Бир масала юзасидан бир неча ўқувчи ўз фикрини билдириши энг қулайдир. Педагогнинг нутқида "тўғри", "балли", "оффарин" деб баҳолайдиган фикрларнинг бўлмаслиги, баҳолар ўрнига хайрихоҳлик, хис-ҳаяжон, педагогнинг хис-туйғуларини ифодаловчи, қойил қолиш билан айтилган "Ҳа", "Жуда қизиқарли", "Янги хабарнинг учун раҳмат", "Шундайми?", "Буни қаранг-а!" каби иборалардан фойдаланиш илик, хайрихоҳлик мухитининг яратилишига ёрдам беради.

Агар педагог хулқ-атворни шакллантиришнинг хилма-хил методларидан иложи борича кўп фойдаланса, вазиятни, ўйинни тарбияловчи машқлар, ўргатиш, топшириқлар бериш, машғулотга турли хил фаолият турлари: меҳнат ижодий ишлар, спорт элементлари ва ҳоказоларни киритса, самарадорлиги шунча ошиб боради. Педагог турли фаолият турларини ташкил этишда болалар командаларга бирлаштирас экан, уларни бир-бирлари билан эркин муомалада бўладиган қилиб жойлаштириши, вазифаларни эса ҳар бир иштирокчи ўзи учун алоҳида эмас, балки ўзини жамоанинг бир қисми деб хис этадиган қилиб тақсимлаши керак. Топшириқни бажариш учун вақт беришда командага уни бажаришни муҳокама қилишига бир неча дақиқа вақт ажратиш ва команда вакилидан тайёрлигини сўраш лозим. Шундай қилинган тақдирдагина болаларда фаолиятнинг умумий мақсади, хилма-хил вазифалар ва ҳамкорлик учун сабаб (мотив)лар пайдо бўлади.

Онгни шакллантириш методлари болаларда эътиқоднинг, амалий этик (ахлоқий) тушунчаларнинг таркиб топишига ёрдам бериши керак. Бу мақсадларда ҳикоя методини

ўқувчининг ахбороти, маъruzаси тарзида ўзгартириш, тез-тез мунозарадан фойдаланиш яхши самара беради.

Синфдан ташқари тарбиявий ишларнинг оммавий шаклларида болаларни мунозара қоидаларига ўргатиш лозим:

- а) шуни ёдда тутингки, баҳслашувчилар ҳақиқатни излайдилар, аммо уни турлича тасаввур қиласидар; баҳса умумий мазмунни аниқлаш, кейин эса қарашлардаги фарқни ойдинлаштириш ва бунга хурмат билан муносабатда бўлиш керак;
- б) мунозаранинг мақсади - томонлардан бирининг ҳақлигини аниқлаш эмас, балки ҳақиқатни қарор топтиришдир; ҳақиқатни оппонент шахсига айблар қўйиш билан эмас, балки фактлар ёрдамида қидириш зарур;
- д) сўзловчини аввал хурмат билан тинглаш, кейин эса ўз нуқтаи назарини билдириш лозим.

#### **4. Машғулотнинг якуний қисми.**

*Педагогик мақсад:* болаларни эгаллаган тажрибаларини ўзларининг мактабдан ташки ҳаётларида амалда қўллашга мойил қилиш (ҳохиш уйғотиш) ва машғулот қанчалик муваффақ бўлганлигини аниқлаш. Шундай қилиб, якунловчи қисм педагогнинг болага бошқа муҳитда тарбиявий таъсир кўрсатишига имкон беради.

*Типик хатолар:* бу қисм умуман инкор қилинади ёки "Ёқдими?", "Янги нималарни билиб олдингиз?" каби икки саводдан иборат бўлиб қолади.

*Тавсиялар:* дастлабки натижаларни аниқлаш учун кроссворд, кичик викторина, берилган саволга узоқ ўйламай тез жавоб қайтариш, ўйин вазиятлари каби болаларни қизиқтирадиган тест характеристидаги назорат топшириклари. Болаларнинг эгаллаш тажрибаларини шахсий ҳаётларида қўллашга доир турлича тавсиялар бериш. Бу мазкур муаммога доир китобларни кўрсатиш, болаларнинг машғулотда эгаллаган билим, малака ва кўнижмаларини қўллаши мумкин бўлган вазиятларни муҳокама қилиш бўлиши мумкин. Ҳосил қилинган тажрибани қўллашга доир болаларга маслаҳатлар: улар ўз яқинларига нималарни гапириб беришлари, мазкур мавзу юзасидан нималар ҳақида сўраши мумкин; қайерга бориш, у ерда нималарга эътибор бериш, қандай ўйинлар ўйнаш, мустакил равишда нималар қилиш ва ҳоказо. Якунловчи қисмда машғулот мавзусини келгусида яна ёритиб бориш зарурати борми, бор бўлса буни қандай йўл билан амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотнинг якунловчи қисмидан педагог бундан кейинги синф машғулотларини ўтказишида болалар ташаббусини ривожлантириш учун ҳам фойдаланиши мумкин.

Синфдан ташқари тарбиявий машғулотларни олиб боришида ташкил этиш ва ўтказишида ота-оналар бевосита иштирок этсалар, болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш янада самарали бўлади.

#### **Назора саволлари:**

1. Тарбиявий ишларда қўлланадиган технологияларни изоҳланг?
2. Инновацион технологиялар нима ва уларга изоҳ беринг?
3. Синфдан ташқири ишларнинг қандай оммавий шаклларини биласиз?
4. Синфдан ташқари машғулотларнинг ҳар бири қандай қисмлардан иборат?
5. Синф тарбиявий машғулотлари қанча давом этиши мумкин?
6. Тарбиявий машғулотлар қандай қисмларга бўлинади?
7. Оммавий мунозараларнинг қандай қоидалари мавжуд?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .

- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **2-МОДУЛ: СИНФ РАҲБАРИ**

**5-мавзу: Синф раҳбарининг мактаб жамоат ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар.**

**Р Е Ж А:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи.
2. Тарбиявий ишларни ташкил этишда синф раҳбарининг ўрни.
3. Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга қўйилган талаблар
4. Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбари ишини такомиллаштириш.

**Таянч сўзлар:** Ёшлар иттифоқи, ёшлар оид сиёсат, ёшлар келажак бунёдкори, Темурбеклар мактаби, Президент мактаблари, Мард ўғлон, Синф раҳбари, қобилият, ташкилотчилик, ибрат-наъмуна.

### **1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи.**

**Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи” фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони:**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносаб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва банддигини таъминлаш, ташабbusларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли заарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масулиятни ўз зиммасига олишга қодир,

ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шиҷоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун мустаҳкам хуқуқий пойдевор яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” ташкил этилгани маълумот учун қабул қилиди.

2. Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” ташкил топган кун – 30 июнь 2017 йил санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни”, деб эълон қилинди.

3. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар белгиланди:

- **биринчидан**, Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи”ини Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

- **иккинчидан**, ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асрash;

- **учинчидан**, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чукур билимларга эга ташаббускор, шиҷоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

- **тўртинчидан**, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқаришига кўмаклашиш;

- **бешинчидан**, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишига бўлган қизиқишини янада ошириш, хуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “Оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

**- олтинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила мұқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оиласы ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

**- еттингчидан**, ёшларни, айниңса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўгараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

**- саккизинчидан**, ёш оиласы, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уйжой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

**- тўққизинчидан**, ёшлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

**- ўнинчидан**, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, ҳалқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиласидаган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

**- ўн биринчидан**, ёшлар сиёсати соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

**- ўн иккинчидан**, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда гоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўъбаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилсин.

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгилансин: Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга гоявий-услубий ёрдам кўрсатиши ташкил этиш;

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун хужжатлари ва хукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

##### 5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-хуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. **Ёшлар масалалари бўйича Республика идоралараро кенгаши иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.**

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгилансин:

- Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ёшлар масалалари бўйича Республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

9. Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, Республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилсин.

10. Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишиларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида:

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи”нинг “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар нашриёти уйи” ташкил қилинсин;

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда “Қизларжон” журналини таъсис этсин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

- “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” Республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий Республика фестивалларини;
- “Биз Ватанга таянчмиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акцияларни;
- “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;
- Республиkaning чекка ҳудудларида ҳалқ рассомлари, ҳалқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор ҳалқим билан мулоқот – ижодим илҳоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни.

12. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда: Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қуриш, Бухоро ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойиҳасини;

Республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тариқасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон **“Ёшлар Иттифоқи”**нинг тегишли кенгашлари ихтиёрига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган **Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

13. Ўзбекистон **“Ёшлар иттифоқи”** Марказий Кенгашининг: 2017-2018 ўкув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “Катта етакчи” ва “Тўгарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган **“Ёшлар етакчиси”** штат бирлигини жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама** белгилаш;

- Ўзбекистон **“Ёшлар иттифоқи”** Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хошиш ва интилишларидан келиб чиқиб **ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказларини** ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси

**қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш;**

- юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “**Мард ўғлон**” давлат мукофотини таъсис этиш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “**Келажак бунёдкори**” медалини таъсис этиш;

- 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган **ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш; таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад **солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш;**

- Ўзбекистон “**Ёшлар Иттифоқи**” қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган **шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод** этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон “**Ёшлар иттифоқи**”нинг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ташкилий-кадрлар хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янгилangan устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасини киритсин;

- **“Мард ўғлон” ва “Келажак бунёдкори” давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича таклиф тайёрласин.

15. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон “**Ёшлар иттифоқи**”нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар **ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон “**Ёшлар иттифоқи**”нинг тегишли кенгашлари ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиги Ўзбекистон “**Ёшлар иттифоқи**” **Марказий Кенгаши раиси тавсияси** асосида белгилangan тартибда лавозимга тайинланади;

Ўзбекистон “**Ёшлар иттифоқи**” тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол

ишлиб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун **ипотека кредитининг бошланғич тўлови** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи”нинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича **тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.**

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирлеклари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш мақсадида **2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастурини** ишлиб чиқсин ва тасдиқласин. Ёшлар уйларини барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арzon уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи”нинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи” Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

- туман марказлари ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишни;

- Фойдаланилмаётган давлат обьектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги обьектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Yoshlar” телерадиоканали” АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи”га бериш тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Адлия вазирлиги, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи” билан биргаликда “Yoshlar” телерадиоканали” АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

20. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон “Ёшлар иттифоқи”,

Молия вазирлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар билан биргаликда иккى ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти      Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 5 июль

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги фармонига**

### **ШАРХ**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташабbusларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли заарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи** ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкил топган кун – **30 июнь 2017 йил** санаси мамлакатимизда **“Ёшлар куни”** сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Республикаизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага

айланади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилек назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг хукуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва хукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Фармонда Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни талабларини ҳётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича Республика идоралараро кенгаши ташкил этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигига Ёшлар масалалари бўйича худудий идоралараро кенгашлар фаолият юритади.

Буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ваadolatпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўrnak бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, Республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилади.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишиларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар нашриёти уйи” ташкил этилади. Қизларимизнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида “Қизларжон” журнали таъсис этилади.

Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” Республика танловлари,

“Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий Республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизимли ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “Катта етакчи” ва “Тўғарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлиги жорий этилди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи микдорида ҳар ойлик устама белгиланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилиши Фармонда белгилаб берилган.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган иигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиши, меҳнат ва жамоат ишларидан ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилади.

Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди.

Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринbosарларига тенглаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринbosари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринbosари – хукуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга

тайинланади.

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти микдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Мухим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оиласарни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арzon уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Республикамизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилади.

Фойдаланилмаётган давлат обьектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги обьектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилади. “Yoshlar” телерадиоканали” АЖ фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг 50 фоиз акциялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига берилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади.

Ўзини - ўзи бошакдрадиган нодавлат, нотижорат ташкилоти - Ўзбекистон Республикаси **Ёшлар иттифоқи** ижтимоий ҳаракати бугунги новқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат фуқаролик жамият, тарақкий топтан иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фарован хаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг таянчи ва суюнчинадир.

Мақсадимиз - мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад ўйлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустакил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёкараши теран, мустакил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларини вояга етказишига ҳар томонлама кумаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлашга, ҳалқимизнинг обруси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қиладиган ўзок, муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан, ҳаракатни чин маънодаги ёшларнинг суюнчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир.

Ана шу мақсадни амалга ошириш учун ёшлар ҳаракати ўз олдига қуйидаги вазифаларини қўяди:

**Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти вазифасида:** Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига хурмат ҳиссини тарбиялаш, айни пайтда ўзининг фуқоролик ҳуқуқ ва

бурчларини англаган холда яшashi, жамият хаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг асосий тамойилларини кенг тарғиб қилиш мақсадида болалар ва ўсмирларнинг ёшига мос равишда кўргазмали, видео ва аудио махсулотлар, босма нашрлар тайёрлаш, маърифий тадбирлар уюштириш.

Ёшлар сиёсатига доир қонун лойихаларини ва бошқа меъёрий - хуқукий хужжатларни мухокама қилишда ўз таклиф ва мулохазалари билан қатнашиш, ёшларнинг хаёти, талаб ва эҳтиёжларига оид муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Оллий Мажлисининг қонунчилик палатасидаги сиссий партиялар фракциялари ҳалқ депутатлари, махаллий Кенгашларидаги партиялар гурухлари, жамоат бирлашмалари ҳамда давлат хокимиятиииг тегишли ижроия органлари билан ҳамкорлик қилиш.

**Маънавий-маърифий вазифасида:** Ёшлар қалби ва онгиди «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган мұқаддас туйғуни ўзбек халқининг фарзанди эканилиги билан ифтихор туйғусини ўстириш, ушбу мақсадга эришиш йўлида ёшларга хос софлик ва жўшқинлик, ғайрат-шижоат, миллӣ ғурур туйғуларини ошириш.

Ёшларнинг дунё ва мамлакат миқиёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, ахборот хуружларига қарши фаол фуқаролик позициясини ва мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялаш.

Ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Давлат рамзларига чукур хурмат-эътиром руҳида тарбиялашнинг таъсиран тизимини яратиш.

Халқаро терроризм, диний экстремизмнинг барча кўринишларига, маънавият ва маданиятимизга нисбатан қилинаётган мафкуравий хуружларга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига рапна соловчи, ёшларнинг иймон-эътиқоди ва ишончини чалғитувчи, онгини заҳарловчи, тўғри йўлдан оздирувчи ҳар қандай ғоя ва мафқураларга қарши муросасиз кўрашчанлик мухитини яратиш.

Ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бўзилишига, ҳаётимизда учрайдиган иллатлар-пораҳурлиқ, ошна-оғайнингарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик, гурухбозлиқ, мансабпаратслик, гиёхвандлик, қонун бузарликнинг барча кўринишларига хориждан кириб келаётган миллӣ маънавиятимизга ёт бўлган иллатларига қарши ёшларнинг кескин ва муросасиз муносабатини шакллантириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида хуқуқбўзарликнинг олдини олишга қаратилган самарали маънавий мухитни яратишида Республика маънавият ва маърифат кенгашига кўмаклашиш.

Ёшлар ўртасида атроф - мухитни, Ватанимизнинг бетакор табиатини асрраб-авайлаш, мухофаза қилишга йўналтирилган экологик тарбиянинг самарали усусларидан мунтазам фойдаланиш.

**Ижтимоий-иҳтиносий вазифасида:** Ёшларнинг жаҳон фани ва маданияти, замонавий технололгияларни, хусусан, ахборот коммуникацияларини пухта Ўзлаштиришлари орқали фан ва миллӣ маданиятимизни замонавий тараққиёт чўққисига кутаришга ёрдамлашиш.

Ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, хуқукий муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурларни биргалиқда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар ва болалар жамоат нодавлат нотижорат ташкилотларининг шу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Ижтимоий ҳимояга мухтож ёш оиласарни қуллаб-қувватлаш, уларга моддий ижтимоий ёрдам беришга қаратилган «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Ёшларнинг истеъодод ва қобилиятларини кўллаб-қувватлаш вазифасида:** Кенг жамоатчиликнинг иштирокида иқтидорли болалар ва ўсмирларга, талабаларга, ёш олим ва ижодкорларга ҳомийлик тизимини шакллантириш, хусусан, ёш ихтироҷиларнинг илмий тадқиқотлари ва қашфиётларини амалиётда қўллашига, маъмурий - идоравий тузиқларсиз,

бевосита ишлаб чиқариш тармоқларида синаб курилишига ҳамда ялпи ишлаб чиқаришга жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиш.

Мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган, замонавий фан - техника ютулари билан боғлиқ истиқболли мавзулар бўйича илмий- тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимлар ва мутахассисларни молиявий қўллаб-кувватлашда қатнашиш.

Фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида юксак муваффақиятта эришган ёш олимлар ва ижодкорларни «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлаб бориши.

**Спорт ва жисмоний тарбия, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш вазифасида:** Ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашиш, турли мусобақа ва турнирлар ўтказиш.

Болалар сиҳат-саломатлик масканлари ва оромгоҳларини, ўсмирлар ва ёшлар спорт тўғараклари, секциялар ва клубларини, жисмоний тарбия ва даволаш-соғломлаштириш муассасаларини, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини жамоат ва ҳомийлик йўли билан қўллаб-кувватлашни ташкил этиш.

Ёшлар ўртасида тиббий билимларни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қишлоқ жойларда спортни оммалаштириш учун зарур шароит яратиш ва бевосита иштирок этиш, бунёд этилган спорт иншоатлари, болалар спорт майдончаларини ҳаракатнинг оталиғига олиш, улардан самарали фойдаланишга эришиш.

Махаллаларда, ёшларнинг турар жойларида уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш, спорт майдончалари, машғулот заллари ҳамда соғломлаштиришга хизмат қиладиган бошқа иншоатлар тармоғини янада кенгайтиришга эришиш.

**Халқаро фаолият вазифасида:** Ёшларнинг хорижий ёшлар ва болалар ташкилотлари билан тажриба алмашишларига, чет эллардаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш орқали умумбашарий маданий ва маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига шароит яратиш.

Ҳаракатнинг илғор инсонпарварлик ва демократик йўналишдаги халқаро ва хорижий ёшлар ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари билан тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро алоқаларини ривожлантириш.

Хорижий ва халқаро ёшлар ташкилотлари билан делегациялар айирбошлиш ва тажриба алмашиш, мамлакатимиз ёшларининг муносиб вакилларини халқаро анжуманлар, кўрик-танловлар, фестиваллар ва спорт мусобакаларига юборишга кўмаклашиш.

Хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда маданий тадбирларни амалга ошириш.

Ёшлар туризмини ривожлантириш, ёш саёхлар гурухларини ташкил этиш ва уларнинг чет элларга сафарларини ўюнтириш. Ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат руйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомига, алоҳида мол-мулкга, ўз мухри, бланклари, бошқа рамз ва белгиларига эга бўлади. Ҳаракат мустақил баланс юритади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб ва рақаларини очиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот Марказий Кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Республикаизнинг аксарият туман ва шаҳарларида «Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари» ташкил этилгани бўлиб, ёшларнинг олдида турган муаммоларни ечиш, уларнинг маданий савиясини, хуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар, турли кўрик-танлов

ва учрашувларни уюштириш, ўқувчи ва талабалар ўртасида фаолиятини ташвиқот қилиш билан боғлиқ қатор ишлар килинганини айтиб ўтиш лозим.

**“Ёшлар Иттифоқи” фаолиятининг асосий тамойиллари қуидагилардан иборат:**

- ҳар бир аъзонинг манфаатларини химоя этиш, фикрини хисобга олиш;
- жамоа бўлиб фаолият юритиш, қарорлар қабул қилиш бирлашиш,
- озчиликнинг фикр-мулоҳазаларига ҳурмат билан қараш, қабул қилинган қарорларни бажариш учун тўлиқ, масъуллик;
- харакатнинг барча органлари қуидан юқоригача сайлаб қуиши;
- мунозаралар эркинлиги, барча орган ва ташкилотларнинг ишида тўла ошкоралик;
- сайлаб қўйиладиган юқори раҳбар органнинг ўзига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорларининг қуи ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги;
- жамоа тарзида аъзоларнинг ўз ички фаолиятини ва мазкур Устав доирасидаги фаолиятини йўлга куйишдаги мустакиллиги;
- барча тўзилмаларида ишларнинг «ташаббус - муҳокама - лойиҳа амалга ошириш», юқори тўзилмалар томонидан бошланғич ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида ташкил этилиши;

Ҳаракатнинг сайлаб қўйилган раҳбар органларининг юқори органи ҳамда ўз аъзолари олдида ҳисбот бериб туриши, харакатнинг маҳаллий (худудий) бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари ўз фаолияти тўғрисида юқори органларга ахборот бериб бориши.

Ҳаракатга якка тартибда ва жамоа тарзида аъзо бўлинади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ихтиёрийлик асосида ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзолари бўлишлари мумкин.

Жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан катый назар, ҳаракатнинг мақсадларини қуллаб-кувватладиган ўн турт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган йигит ва қизлар ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзоси бўлишлари мумкин.

Ҳаракатга якка тартибдаги аъзолик шахс ўттиз ёшга тўлгандан кейин тўхтатилади, лекин, ҳаракат аъзосининг берган аризасига асосан ҳаракат маҳаллий (худудий) бўлмининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи ёки бошланғич ташкилотининг карори билан ўзайтирилиши мумкин.

Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари таркибига сайланган шахслар ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Ҳаракат аъзолигига якка тартибда қабул қилиш бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши, бошланғич ташкилотларнинг Кенгаши йиғилиши томонидан амалга оширилади. Ҳаракатга аъзо бўлиб кирувчилар тегишли мазмундаги ариза берадилар.

Уставида белгиланган мақсад ва вазифалари ҳаракатнинг Уставига зид бўлмаган юридик шахслар ўз хошиига кўра шахсий аризаси асосида; нодавлат, нотижорат ташкилотлари (аъзолари болалар ва ўшлардан иборат бўлган ёки фаолият обьекти болалар ва ўшлардан иборат) ҳаракатнинг жамоа тарзидағи аъзолари бўлишлари мумкин. Ҳаракатнинг жамоа тарзидағи аъзолари аъзоликка ҳаракат маҳаллий (худудий) бўлнимлари томонидан қабул қилинади.

**“Ёшлар Иттифоқи” ҳаракатга аъзолик қуидаги ҳолларда тўхтатилади:**

- ўз хошиига кўра шахсий аризаси асосида;
- ҳаракат аъзосининг ёши аъзолик ёшидан ўтганда.
- ҳаракатнинг жамоа тарзидағи аъзоси раҳбар органининг қарорини такдим этиш орқали ҳаракатдаги аъзолигини тўхтатиши мумкин.

**“Ёшлар Иттифоқи” ҳаракатнинг барча аъзолари қуидаги тенг ҳуқуқларга эгадирлар:** умумий йиғилишлар, Конференциялар, қурултой, ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари мажлислари ва ҳаракатнинг матбуот нашрларида ҳар қандай масалаларни муҳокама қилишда ўз фикрини эркин билдириш;

- ўзи ёки ўзи сайлаган вакил орқали ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган органлари қарорларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

- ҳаракатнинг хўмояси ва қуллаб-куватлашидан фойдаланиш;
- ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар ва назорат-тафтиш органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;
- ҳаракат органлари фаолияти туғрисида ахборот олиш, ўзига таалуқли масалалар муҳокамасида иштирок этиш ва ўз фикрини билдириш;
- ҳаракатнинг ҳар қандай органи ва аъзосини танқид қилиш;
- ҳаракатнинг Устави ва Дастури доирасидаги фаолиятида иштирок этиш, ҳар қандай органига ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш;
- ҳаракатнинг Устави ва дастурий вазифаларга зид бўлмаган ҳолларда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

**“Ёшлар Иттифоқи” ҳаракат аъзоларииинг бурчлари қўйидагилардан иборат:**

- ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
- ҳаракатнинг ёшлар ўртасида ва жамиятда таъсир кучи ҳамда обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш;
- ҳаракатнинг органлари, бошланғич ташкилоти йиғилишлари қарорларини бажариш;
- ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ишида фаол қатнашиш.

Ҳаракатнинг ташкилий негизи бошланғич ташкилотdir. Бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий - худудий бўлинишига мувофик ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимларига бирлашадилар.

Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг махалий, идоравий, туман, вилоят ва Республика даражасидаги Кенгашлари тўзилиши мумкин. Бошланғич ташкилотлар етакчилари Кенгаши ўз фаолиятини Марказий Кенгаш томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади.

Ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзолари ёшларнинг иш, ўқиш ва хизмат жойларида тузиладиган Бошланғич ташкилотига бирлашадилар.

Бошланғич ташкилот камида беш нафар ҳаракат аъзосининг хохишига асосан, уларнинг йиғилиши қарори билан тўзилади.

“Ёшлар Иттифоқи” ҳаракат Ижроия қўмитасининг қарори билан бошланғич ташкилотларга юридик шахс мақоми берилипш мумкин. Ушбу масалани кўриб чиқиша биринчи навбатда бошланғич ташкилотнинг молиявий имкониятлари ҳисобга олинади. Бошланғич ташкилотдаги ҳаракат аъзоларининг умумий йиғилиши унинг раҳбар организидир. Умумий йиғилиш бир йилда камида икки марта, хисбот-сайлов йиғилиши бир йилда бир марта ўтказилади. Умумий йиғилиш Бошланғич ташкилот фаолиятига тегишли барча масалаларни кўриб чиқиш хуқуқига эга.

Бошланғич ташкилот хисбот-сайлов йиғилишининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:

Етакчининг хисботини тинглайди ва баҳолайди;

Бошланғич ташкилотнинг кейинги йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Бошлағич ташкилот етакчисини, Кенгаши таркибини сайлайди;

Ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади. Аъзолар сони юз нафардан ортганда камида етти кишидан иборат бошланғич ташкилот Кенгаш сайланади. Кенгаш ўз йиғилишларини икки ойда камида бир марта ўтказади.

1. Бошланғич ташкилот Кенгашининг ваколат ва вазифалари қўйидагилардир;
2. Ўз йиғилишларида ваколат доирасидаги масалаларни муҳокама этиш;
3. Иш режаларни белгилаш, масъулларнинг ҳисботларини эшитиш;
4. Кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
5. Аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни кўриб чикиш;
6. Бошланғич ташкилот таркибидаги ёшлар гурухлари ўртасида танловлар, мусобакалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

7. Ўқув муассасаси (ташкилот, корхона) худудини ободонлаштириш тадбирларини ташкил этиш.

Етакчи бошланғич ташкилотнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласи, унинг умумий йиғилишини чақиради, умумий йиғилиш ва Кенгашни бошқаради, ўқув юрти, корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, касаба уюшма ташкилотлари, бошқа жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ўзвий муносабатларда бошланғич ташкилот номидан иш юритади.

Юридик шахс мақомини олган бошланғич ташкилотнинг етакчиси қуйидаги хуқуқларга эга бўлади:

- бошланғич ташкилот номидан ишончномасиз иш юритади;
- бошланғич ташкилотнинг мол-мулкини ваколати доирасида бошқаради;
- шартномалар, шу жумладан хўжалик шартномалари ва меҳнат битимлари тўзади;
- ишончнома беради;
- банкларда ҳисоб-китоб варакалари ва бошқа варакларини очади, барча банк, молия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш хуқуқига эга бўлади;
- бошланғич ташкилотнинг штатидаги барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойишлар қабул қиласи ва кўрсатмалар беради;
- ўзига берилган ваколотлар доирасида Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид келмайдиган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

Ҳаракат маҳаллий (худудий) бўлими Конференциясининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- кенгашнинг ўтган давр учун ҳисботини тинглайди ва баҳолайди;
- бўлимнинг кейинги даврдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- бўлим Кенгashi раиси ва унинг ўринбосарларини назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисботини тинглайди ва тасдиқланди.

**“Ёшлар Иттифоқи” юзасидан педагогик иш юритиши:** Марказий бошқарманинг “Ёшлар Иттифоқи раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида” ги қарорида ёшлар ташаббускорлиги ва ҳаваскорлигини, ижтимоий фаоллигини ривожлантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларни ғоявийлик ва Ватанига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатамиз болалари ва ўсмирларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллионлаб кишилар орасида ёшлар ташкилоти ролини ошириш зарур.

**Ёшлар Иттифоқи” йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишида етакчиларга педагогик ёрдам бериш:** Ёшлар Иттифоқи йиғилишлари-бўлинмаларда ўз-ўзини бошқаришнинг олий органлариидир. Йиғилишларда ёшлар жамоасининг барча муҳим ишлари ҳал этилади, кундалик ишлар учун ўз-ўзини бошқариш органлари сайланади. Бўлинмаларнинг йиғилишларида ташкилотга янги аъзолар қабул қилинади. Йиғилиш барча камолатларни жамоага раҳбарлик қилишга жалб этади. Ёшлар ташкилоти хаёти ва фаолиятининг асосий масалалари юзасидан ягона фикрни шакллантиради, ҳар бир камолатчига барча масалаларни ҳал этишида иштирок этиш бўлим бошлиғи ёки кенгаш аъзолигига сайлаш ва сайланиш тенг хуқуқини таъминлайди. Йиғилишда иш режаси муҳокама қилинади ва тасдиқланади, сайлаб қуйиладиган органларнинг ва ҳар бир ёшларнинг фаолиятига баҳо берилади.

Ёшлар Иттифоқи йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишининг педагогик жиҳатдан асосланган методикаси унинг билимлар фаолиятига, жамоанинг умумий ишларида ёшларнинг фаол йўлини шакллантиришга таъсир кўрсатиш самарадорлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам етакчиларга ва фаолларга педагогик ёрдам кўрсатиш йиғилиш мавзуни аниқлашга, уни тайёрлаш ва ўтказиш режасини ишлаб чиқишига, бу ишга имкони борича кўпроқ ёшларни жалб этишига, йиғилишда муҳокама қилинган муҳим маълумотлар хусусида ёшларнинг маҳалла фикрини шакллантиришга, йиғилишнинг катъий ифодаланган қарорини ёки иш режасини тайёрлашга қаратилади.

**5. “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти фаоллиги ва ҳаваскорлигини рағбатлантириши:** Мактаб ва синф Ёшлар иттифоқи ташкилотлари ижтимоий фаоллигини ва ҳаваскорлигини рағбатлантиришни агар мактаб раҳбарлари ва педагоглар жамоаси Ёшлар иттифоқи ташкилотининг ижтимоий-сиёсий ва фаоллик хусусиятини чуқур англаб етшган бўлишса; мактаб ёшлари ҳуқуқларини хурмат қилишса; Ёшлар иттифоқи ташкилотида ўқувчилар жамоасини жипслаштириш ва мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришнинг таъсирчан чорасини кўришса; Ёшлар иттифоқи ташкилоти ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви сайлаб қўйиладиган органларининг мактаб ўқитувчилари ва синф раҳбарлари, мактаб ота-оналар комитети билан аниқ ташкилий ҳамкорлигини таъминлашса, у Ёшлар иттифоқи активлиги ва ҳаваскорлигини ривожлантиришнинг самарали омили бўлади.

Талабанинг таълим-тарбия жараёнидаги муносабат билан мактаб дирекгори, таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ищлар ташкилотчиси ишни режалаштиришда, ўқитувчилар ва ота-оналарни, маҳаллани хилма-хил ўқувчилар ишларига жалб этишда Ёшлар иттифоқи ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларига ёрдам берадилар. Улар ўқувчиларнинг фойдали ташаббускорлик асосидаги ишларини қўллаб-куватлайдилар. Ёшлар ташкилоти ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликдаги ишларини йўлга кўйишда кўмаклашадилар. Синф раҳбарлари, ўқитувчиларнинг аниқ ишларни тайёрлаш ва ўтказишда, синфларнинг жамоаларида принципиал маҳалла фикрини шакллантиришда кўрсатадиган педагогик ёрдами каттадир.

**“Ёшлар иттифоқи”фаолларига педагогик ёрдам кўрсатиши:** Мактаб ва синф мажлисларида аниқ қундалик иш мазмуни ва шаклларига доир масалаларни муҳокама қилишда гоявий-тарбиявий ишга, ўқувчиларни юксак гоявийлик, ўқишга, меҳнатга, жамоат мулкига онгли муносабат, ўз ўқиши ва меҳнати сифати учун юксак масъулият, сўз ва иш бирлиги руҳида тарбиялашга, давлат ёш фукаросининг жамоачилик, инсонпарвар, фаол ва амалий ахлоқини шакллантиришга катта ўрин берилади.

Мактаб Ёшлар иттифоқи кенгаши, синф ташкилоти мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, уни тайёрлаш режасини тўзади. Шу пайтда бериладиган педагогик маслаҳат мажлис кун тартиби мавзуи ва таърифини, маъruzachi ва бир қанча сўзга чиқувчиларни, мажлисни ўтказиш вақти ва жойини ташкилий масалалар эълон, меҳмонларни таклиф этиш, рўйхатга олиш, навбатчилик, зални безатиш учун масъул кишиларни аниқ белгилашга қараталгандир. Бундай режани мактаб раҳбарлари билан келишиб олиш, бўлажак мажлис ҳақида туман, шаҳар ёшлар бўлимини хабардор қилиш керак.

Синф раҳбарларининг Ёшлар иттифоқи фаолларига педагогик ёрдам кўрсатиши айниқса муҳимдир, чунки улар мактаб ўқувчиларининг ўзига хос ва ёш хусусиятларини, ўз синф жамоасининг ўзига хослигини, фаолларнинг ҳақиқий имкониятларини, ҳар бир муайян ўқув йили давомида синф ва умуман мактаб олдида турган таълим-тарбия вазифалари мазмунини яхши биладилар.

Ўз вақтида педагогик маслаҳат ўтказиш шахсий комплекс режаларида «ўз савиясини ошириш» «ўқишини кучайтириш», «ўз феъли-атворини яхшилаб бориш», «меҳнатни хурмат қилиш», ишда фаол қатнашиш» каби умумий тарифлардан қочиш, ўз-ўзини тарбиялашнинг батафсил ва якка тартибдаги аниқ шахсий программасига манбаатдорлик ва масъулият билан муносабатда бўлиш ўрнига режалар «бир хил нусхада», баъзан эса айтиб туриб ёзилишидек расмиятчиликни бартараф этиш имконини беради. Синф раҳбари “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти аъзолари билан биргаликда ўқувчиларга ўз режалари ва мажбуриятларини мактаб Ёшлар иттифоқи ташкилоти у ёки бу ўқув йилида амалга ошираётган вазифалар билан, синф Ёшлар иттифоқи жамоаси ҳаёти ва фаолияти, истиқболлари билан қандай мувофиқлаштириш кераклигини айтиб беради.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳақида маълумот. Ўзбекистонда “Ўзбекистон” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017-йил 30-июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирок этган ИВ қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 18-июндангаги ПҚ-3138 сонли қарори, Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида ПФ-5106 сонли фармони имзоланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жисмонан солом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташки таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг заарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама қўмаклашиш ва шартшароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилийхуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигитқизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашишдан иборат.

Иттифоқнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позитсияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, уларнинг сиёсий маданияти, хуқуқий саводхонлиги ва хуқуқий онгини юксалтириш;
- ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни маънавий-ахлоқий жихатдан ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, миллий ғурур ва ўзликни англаш, рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат туйғуларини шакллантириш;
- ёшларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий касбларни эгаллашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;
- истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда илмий фаолиятга жалб қилиш;
- ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида солом турмуш тарзи, экологик маданиятни шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш;
- ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни диний-экстремистик ва бошқа бузғунчи ташкилотлар таъсиридан, четдан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш, ёшлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жинояччиликни профилактика қилиш ва олдини олишга қўмаклашиш ва бошқалар.

Иттифоқга юридик ва жисмоний шахслар Уставда белгиланган тартибга асосан аъзо бўлиш мумкин. Яъни, Иттифоқнинг мақсадини қўллаб-қувватлаш истагини билдирган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида мунтазам яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслар Иттифоқнинг аъзоси бўлиши мумкин. Шу билан бирга ёшлар соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ёшлар соҳасига оид корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда таъсис хужжатлари Иттифоқнинг Устав мақсадлари, вазифалари ва дастурий хужжатларига зид бўлмаган бошқа юридик шахслар ҳам Иттифоқга аъзо бўлиши мумкин.

### **Иттифоқнинг раҳбар органлариға қуидагилар киради:**

- Қурултой; – Марказий Кенгаш; – Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси;
- Марказий назорат-тафтиш комиссияси.

### **Иттифоқнинг тузилмасига қуидагилар киради:**

- Иттифоқнинг Марказий аппарати; – Иттифоқнинг ҳудудий тузилмалари;
- Иттифоқнинг маҳаллий тузилмалари; – Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари;
- Иттифоқнинг тўлиқ муассислигидаги ёки қошидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари.

## **2. Тарбиявий ишларни ташкил этишда синф раҳбарининг ўрни.**

Ўкувчи хали зиммасидаги масулиятни тўлиқ ҳис этмаслиги, илм олишнинг аҳамиятию ўзининг қандай қобилиятга эгалигини билмаслиги мумкин. Шу боис ўғил-қизларимиз мустақил ҳаёт йўлини танлагунча катталар кўмагига, ғамхўрлигига муҳтоҷ. Уларнинг асосий вақти мактабда ўтишни эътиборга олсақ, бу борада синф раҳбари зиммасидаги вазифалар кўлами накадар кенглиги ойдинлашади. Таълим-тарбия жараёнини бошқариш, синфда аҳил жамоани шакллантириш, қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун ўқувчиларга зарур шароит яратишда синф раҳбарининг ўрни катта. Чунки у ёшлар тақдирига даҳлдор халқлар, ота-оналар, фан ўқитувчилари, мактаб психологи, умуман, ҳар бир масул одамнинг таълим-тарбия мақсадларини бирлаштирувчи асосий воситачиидир. Ёшларда борликни англаш, фан сирларини эгаллаш, келажакда етук шахс бўлиш иштиёқи кучли. Аммо мақсадга қай йўл билан эришиш лозимлиги хусусида етарли тажрибага эга бўлмаганлари боис уларни тўғри йўлга бошлаш лозим. Бунинг учун аввало, синф раҳбари ўқувчиларга шахсий намуна бўлсин. Чунки бола муаллимнинг хатти-ҳаракатларини доимо кузатиб юради, шахсий ҳаётига қизиқади. Кийиниш ва муомала маданияти билан, маҳалла-кўйда, оиласда ўқувчиларга ўрнак бўлган, шахсий фазилатлари билан ажralиб турган педагог ўқувчилар ишончи ва хурматини қозонади.

Масалан, ўтмишда саховатпеша ва донишмандликда машҳур олим бўлган экан. “Кун келиб, оламдан ўтар чоғи ўғилларини ёнига чорлаб, уларга кутубхона ва ундаги нодир адабиётлар ҳамда бир дунё бойликни мерос қолдирибди. Ота ҳаётдан кўз юмгач, катта ўғил мол-дунёни танлаб, бойлигига бойлик қўшиш мақсадида савдо карvonлари билан сафарга отланибди, кичиги эса умрини илмга баҳшида этибди.

Орадан йиллар ўтиб, катта ўғилнинг карvonини қароқчилар ту nab, ўзи уларнинг чангалидан базур қочиб кутилибди. Билимли, камолга етган кичик ўғил эса, ўз ақлзаковати илиа фаровон ҳаёт кечираверибди. Чунки илмни қароқчи ҳам, ўғри ҳам тортиб ололмайди-да. Бойлик сарфланган сари камаяди, билим эса, аксинча, ортиб бораверади”.

Бу каби ривоятлар ўқувчиларнинг мактабдаги энг муҳим вазифаси фақат ўқиб ўрганиш эканини тушунтиришда аскотади. Бошқарувчилик қобилияти бор ўқувчиларни синф сардори, ободонлаштириш ишлари нозири, “Камалак” ва “Ёшлар Иттифоқи” сардори, қаторбоши, ўғил болалар клуби етакчisi, ораста қизлар маликаси этиб тайинлаш ҳам яхши самара беради.

Ободонлаштириш ишлари нозири синфнинг доимо ораста ва тартибли сақланишини таъминласа, қаторбошилар болаларни дарсларда фаол иштирок этишга ундейди. Клуб етакчisi ва қизлар маликаси эса тенгдошларининг мактаб формасида бўлиши ва хулқини жамоатчилик асосида назоратга олади. Уларнинг бошқа болалар билан муносабати хукмронликка эмас, аксинча, дўстона мулоқотга, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка асосланишини таъминлаш синф раҳбаридан ўта хушёрликни талаб этади. Чунки синфда соғлом рақобат муҳитни яратиш жуда муҳим.

Театр, музейда тарихий обидалар бўйлаб саёҳатлар уюштириш болаларнинг тасаввур доирасини, дунёқарашини кенгайтиради, аҳил гурухни шакллантиришда қўл келади. Умуман, моҳир раҳбар қандай йўл билан бўлмасин, жамоани мисоли иноқ оиласа айлантиради. Соғлом муҳит хукмрон синфда ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бола дарсларда сусткашликка йўл қўя бошласа, демак, оиласда, ўртоқлари орасида бирор

муаммо юзага келган ёки соғлиги ёмонлашган бўлиши мумкин. Бундай вазиятда синф раҳбари ота-оналар билан ишлиши зарур. Ота-она ҳамда ўқувчиларнинг маънавий-маданий, иқтисодий қизиқишилари бўйича сўровномалар ўтказиб, флкларини ўрганиш керак. Шундай экан, синфларнинг зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис эта оладиган ҳар жиҳатдан муносиб педагогларга бириктириш таълим-тарбия самадорлигини оширувчи муҳим омиллардан десак, муболаға бўлмайди.

**Синф раҳбари назоратчи** - ўқув-тарбиявий жараёнда ўқувчиларнинг иштирокини таъминлайди (давоматни назорат қиласи, ўқувчилар учун керакли шароитни яратишига кўмаклашади, ўқувчиларнинг ота-оналарга бўлган муносабатларини аниқлайди, ўқув-тарбия жараёнига эътиборсизлик, масъулиятсизлик, синфдошлари ва ўқитувчиларга эса хурматсизлик, манманлик қилаётган ўқувчилар билан якка ҳолда иш олиб боради).

**Синф раҳбари илм мамлакатига бошловчи** - ўқишга бўлган қизиқиш ва хоҳиши ташкиллаштиради (ўқувчиларга қўйилган талаблар билан ота-оналар ва ўқувчиларни таништиради, тарбиявий тадбирларни ташкил қиласи, мустақил ишлашда ўқувчиларга ёрдам кўрсатади).

**Синф раҳбари ахлоқли, намунали, маънавий устоз** - ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳал этишда, ўқув-тарбия жараёнида ички тартиб-қоидаларга риоя қилишиликда, уларни керакли меъёрда бажаришларига кўмаклашади (ўзини тута билиш, муомала қилиш маданиятига ўргатади, одоб-ахлоқ мавзуларида сұхбатлар, якка ҳолда ишлар олиб боради, ахлоқий нормаларни ва ички тартиб-қоидаларни бузган ёки бузадиган ўқувчилар билан уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва вазифалари тўғрисида якка, жамоавий сұхбатлар ўтказади, уларнинг тартиб-интизомига баҳо беради, ахлоқий, ижтимоий, хуқуқий мавзуларда турли тадбирлар ташкил этади ва бошқалар).

**Синф раҳбари маданият соҳиби** — умуминсоний ва маданий қадриятлар асосида ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қиласи (экскурсия ташкил қиласи, театр, музей ва кўргазмаларга жамоа бўлиб боради, маданият мавзусида кечакида сұхбатлар ўтказади, мактабда тарбиявий тадбирлар, баҳс-мунозаралар ўтказади).

**Синф раҳбари ижтимоий педагог** — ўқувчиларнинг ҳар хил ижтимоий муаммоларини ечишга кўмаклашади, (уй ва мактабда ўзаро мулоқот учун шароит яратади, ўқувчи хукуқларини ҳимоя қиласи, Ўқувчиларда ижтимоий ҳаёт кўнинкасини шакллантиради).

**Синф раҳбари ўқувчиларнинг яқин дўсти** - ўқувчиларни турли хил фаолиятларга киришишларига кўмаклашади, ўқувчиларга бўлган ғамхўрликнинг бир қисмини ўзига олади (гурухда жамоавий ижодий фаолиятни ташкил қилишини шакллантиради, ўқувчиларга ўзини-ўзи тушунишида, ўзига-ўзи баҳо беришида, бирор-бир фаолиятга ўз имконияти ва эътиборини қаратишига ёрдамлашади (сұхбат, тренинг, ўйинлар ўтказиб, ўқувчилар билан якка ишлайди),

**Синф раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти.** Ташкилотчилик қобилияти:

Бу шахс индивидуал хусусиятларининг шундай бирикувики, кишига у ёки бу ишни тез, ишончли, ўзига ишонган ҳолда ташкил этишга имкон беради. Ташкилотчининг умумий шахсий сифатларига қўйидагилар киради:

- Чуқур билимга эгалик — талаб этилаётган ишни ташкил этишни билиш;
- Фаоллик — амалий вазифаларни бажаришда ғайрат-шижоат билан ҳаракат қила олиш;
- Ташаббускорлик — алоҳида ижодий фаоллик кўрсатиш, гоя ва таклифлар киритиш;
- Киришимлилик — ўзгаларга ошкоралик, мулоқотга тайёр кишилар билан алоқага киришиш эҳтиёжи;
- Зийраклик — ходисаларнинг моҳиятига қадар этиш қобилияти, уларнинг сабаб ва оқибатларини кўра олиш, асосийсини белгилаш;
- Қатъият — ирода кучи, тиришқоқлик кўрсатиш, ишни охирига етказиш маҳорати;

- Ўзини тута билиш — мураккаб вазиятларда ўз хиссиётини, ўз хулқини назорат қила олиш қобилияти;
- Ишчанлик — чидамлилик, жиддий ишларни бажариш қобилияти узок муддат чарчамаслик;
- Кузатувчанлик — кўра олиш маҳорати, йўл-йўлакай диққатга сазовор жойларини белгилаш, хотирада тафсилотларни сақлай олиш;
- Мустақиллик — мустақил ҳал этиш, вазифани ўзи томонидан бажариш йўлларини топиш маҳорати, жавобгарликни ўз устига ола билиш;
- Ҳамжиҳатлик (уюшқоқлик) — ўзини ишнинг зарур тартибига бўйсундира олиш қобилияти, ўз фаолиятини режалаштириш, изчиллик, ихчамликни намоён этиш.

Ташкилотчиликнинг ўзига хос хусусиятлари:

**Ташкилотчилик** — бошқа кишини тушуниш қобилияти, бунинг учун гўё унинг ички дунёсига кира олиш, унинг кайфияти ва руҳий ҳолатини сезгирилик билан англай олиши.

**Фаол руҳий таъсир этиши қобилияти** — бошқа кишиларга истеҳзоли кулгидан қатъий буйруқгача бўлган воситалардан фойдаланган ҳолда таъсир кўрсата олиш.

**Ташкилотчилик ишларига бўлган қобилият** — бу ўз устига ихтиёрий равишда ташкилотчилик мажбуриятларини юклаш бўлиб, атрофни ўраб турганларнинг ихтиёридан қатъи назар, ташкилотчилик ишларига мустақил кириша олиш.

**Ташкилотчи шахсининг йўналғанлиги** — бу ташкилотчининг ахлоқий киёфаси, унинг фуқаролик етуклиги, ғоявий эътиқоди.

**Ташкилотчининг индивидуаллиги.** Ташкилотчиларнинг (шартли равишда) “ташкилотчи-санъаткорлар”, “ташкилотчи-мутафаккирлар”, “ташкилотчи-амалиётчилар” типлари мавжуд. “Ташкилотчи-санъаткорлар” бошқаларга жўшқин нутқи ва имо-ишоралар, “қалб ҳарорати”, истиқбол ютуқларининг образли суратлари билан таъсир кўрсатади. Унда орзулар, хаёллар, ҳиссий кўтаринкилик ниҳоятда кўп.

“Ташкилотчи-мутафаккирлар” исбот этиш мантиқига, тафаккурдаги изчиликка таянган ҳолда ҳаракат қиласидар, ишдаги қонуниятларни топишга интиладилар. Ҳодисанинг ташқи томони иккинчи даражага суреб қўйилади. Муҳими - мазмун, мақсадга мувофиқлик топиш, ишнинг оқилона моҳиятини кўра олиш.

“Ташкилотчи-амалиётчилар” ўзларининг намуналари билан иштиёқ уйғотишга, қандай ишлашни исботлаш ва гапиришдан кўра, уни амалда кўрсатишга интиладилар. Уларни амалий тиришқоқлик, асослилик кўпроқ характеристайди.

Синф раҳбарининг иш фаолияти:

**Ўқув йили бошида:** Синф рўйхатини тузади ва журнални расмийлаштиради (ўқув ҳафтасининг биринчи ярмида);

— ўқувчилар билан ҳамкорликда гуруҳнинг иш режасини тузади ва мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари билан мувофиқлаштиради (сентабр ойи ичida).

• **Ҳар куни:**

— синф журналида қатнашмаётган ўқувчиларни белгилайди, уларнинг дарсларга қатнашишлари билан қизиқади;

— синф ўқувчиларини ўзини-ўзи бошқариш органларига педагогик ёрдам кўрсатади;

— ўқувчиларнинг ташқи кўринишини назорат қиласди;

— синфда навбатчиликни жорий этади ва уни назорат қиласди.

• **Ҳар хафтада:**

— фан ўқитувчилари томонидан синф журналининг олиб борилишини назоратдан ўтказади;

— тарбиявий соат ҳакида мулокот ўтказади.

• **Ҳар ойда:**

— синф жамоасининг турли тадбирлар ва ишларда иштирок этишини ташкил этади;

— мактабда синф жамоаси учун ажратилган худудни тозалашни ташкил этади.

- **Йил давомида:**

- Синфда уч ойда бир маротаба ота-оналар йигилишини ўтказади;
- зарурият бўлса, ҳар ойда бир маротаба;
- синфда ота-оналар қўмитаси ишини ташкил этади.

- **Йил охирида:**

- синфнинг ўтган бир йил давомида ўқув натижалари ва фаолиятини якуний таҳлил қиласиди;
- маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарига бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот беради;
- синф фаолиятининг якуний натижаларини эълон қилишни ташкил этади;
- ўқув хоналарини таъмирлашни ташкил этади.

### **3. Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга қўйган талаблари.**

Синф раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги, болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбарига турли хил манбалар ёрдам беради. Ўқувчиларнинг айрим хатти-ҳаракатларига бу хатти-ҳаракатлар намоён бўлишининг ташкил этиши тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин:

1. Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйснайдирмоғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг янада самарали усул ва методларни танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майилари ҳамда қизиқишиларини қайд қилиб бориш билангина чекланиб қолиш нотўғри. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб, улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишни ташкил этиш муҳимдир. Ўз ўқувчиларини яхши ўрганиш, демак, ташқи томонига эмас, балки уларнинг хулқ-атвор сабабларини ўрганишга эътибор бермоқ даркор.

2. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш. Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали меҳнатга ва жамоа ишига ўрганиши лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва теварак-атрофдаги кишилар билан бўладиган муносабатларини ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахснинг қирралари янада тўла очилади. Ўқувчиларни табий иш ва кундалик хатти-ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

#### **Синф раҳбари қўйидаги вазифаларни бажаради:**

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараётганда у ёлғиз эмас, шу синфда дарс бераётган турли фан ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда ва уларга суюнган ҳолда ўқувчиларда миллий дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантиради. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари тадбирларини ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши ва қобилятини ўстириш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал руҳий хусусиятларини хисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда у ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг дикқат марказида ўқувчиларнинг дарсни юқори ўзлаштиришларини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўқувчининг кундалик ўзлаштиришидан воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётганларга ўз вақтида, кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларига йўналтиради, улар иштирокида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишларидаги иштирокини таъмин этади, мактаб миқёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда ўз синфининг фаол қатнашишини таъминлайди.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўқув куни ўзлаштирилган гурухларнинг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, тураг жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билим тарқатиб, оила билан мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ниҳоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда муҳимдир. Ана шундагина у тарбиявий таъсирга эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўниқмаларга эга бўлишининг ўзи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўtkазади. Чунки тарбиячилик қобилияти жуда кўп сифатларни чўқур билим, кенг фикрлилик, ишга жондилдан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз муҳаббат, муомала, назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ, оқил ва адолатлилик намунаси, алоҳида назокат, сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини такозо қиласди. Тарбиячилик техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир. Синф раҳбари педагоглар, ота-оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларнинг нуқтайи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларини бир марказга бирлаштириши, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиши ва айни вақтда ўзининг гоясини аниқ ифода эта олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятини таъминлашга ёрдам бўлади.

Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларнинг фикрлаш қобилятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириши юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиши ва муҳаббатни ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат қилиш зарур. Ўқиши жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

#### **4. Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбари ишини такомиллаштириш.**

Синфда асосий ишларни йўлга қўядиган, ўқувчиларнинг биринчи тарбиячиси ва мураббийси синф раҳбаридир. Мактабда синф раҳбар тажрибали ва обрўли ўқитувчилардан тайинлайди. Унга болалар ҳаётини йўлга қўйиш, жамоани уюштириш ва уни тарбиялаш масъулияти, синфда ўқув-тарбия ишларига жавобгарлик юкланди. Тарбиячи сифатида ўқувчиларни ҳар томонлама камол топиши тўғрисида, уларни меҳнатсеварлик, руҳида тарбиялаш, ўқувчилар билимини ошириш ва синфда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қиласди. Синф раҳбари бу ишларнинг ҳаммасини ҳаваскор киши сифатида эмас, балки расмий масул шахс сифатида бажаради. У мактаб раҳбарлари олдида, халқ маорифи ташкилотлари олдида ўзига топширилган синфда гоявий-сиёсий ишларнинг ахволи учун, тарбиявий ишларнинг мазмуни ва йўлга қўйилиши учун жавобгардир. Синф раҳбарининг асосий вазифаси ўқувчиларга тарбия бериш ва уларни дўстона бир жамоа қилиб жисплаштиришдан иборат. У ўз синфида дарс бераётган ўқитувчилар олиб бораётган ўқув тарбия ишларининг хусусиятларини, уларнинг ўқувчиларга қўядиган талаблари ҳамда ўқувчилар билан ўзаро алоқаларини ўрганади, айрим ўқувчилар хулқ-атвори ҳақида уларга таъсир кўрсатиш методлари ҳақида ўқитувчилар билан фикрлашиб туради.

Синф раҳбари мактаб педагогик жамоаси ва педагогик кенгашининг аъзосидир. Мактабдаги тарбиявий ишлар услубини ўрганадиган ҳар бир ўқувчи, аввало, қуидагиларни яхши ўргангандан пухта ўзлаштирган бўлмоғи лозим. Яъни тарбиявий ишлар услубида умуминсоний ғояларни, маълум мақсадга интилувчанликни, тарбиянинг турмуш билан, мустақиллигимизнинг моҳияти билан алоқаси, жамоада ва жамоа орқали тарбиялашни, тарбияланувчининг шахсига қўйиладиган талаблар ва уни хурмат қилиш бирлигини, тарбиявий таъсирнинг изчиллигини, тизимлилиги, узлуксизлиги, тарбия ўқувчиларининг ёшига ва индивидуал хусусиятларига мувофиқ бўлишини ўз ичига олади. Синф раҳбари қандай шароитда ишламасин, у қандай синфга раҳбарлик қилмасин, бутун эътиборни ўқувчи шахсига, уни ҳар торнонлама камол топтиришга қаратмоғи лозим.

Синф раҳбари олиб борадиган асосий тарбиявий ишлар қуидаги қисмларга бўлинади:

1. Ўқувчиларни ўрганиш, синфга раҳбарлик қилиш, синфнинг ҳар қайси ўқувчисини ўрганишдан бошланади. Бунинг натижасида ўқувчиларга индивидуал ёндошишни амалга ошириш учун зарур бўлган шароит юзага келади.

2. Синф ўқувчилар жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш синф раҳбари ишининг асосий вазифалариданdir. Синф раҳбари ўқувчиларни иноқ ва маълум мақсадни кўзлаб жамоага жипслаштирас экан, ўқув-тарбиявий вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун замин яратади.

Синф бирданига жамоа бўлиб шаклланиб қўя қолмайди. Синф раҳбари билан биргаликда фаолият қўрсатиш тажрибаси тўплланган тақдирда, фаол, ижобий анъаналар барпо этилган тақдирда, ўртоқлик алоқалари ривожланиб мустаҳкамланган, умуммактаб жамоа билан тўғри муносабатлар ўрнатилган тақдирдагина синф жамоа бўлиб шаклланади.

3. Ўқувчилар билим сифатини ошириш ҳамда уларнинг тартиб-интизомини мустаҳкамлаш. Билимларнинг юксак даражада бўлиши ва онгли интизом синфда таълим-тарбия ишини тўғри йўлга қўйишнинг энг мухим қўрсаткичларидандир. Ўқувчиларни онгли интизомлилик руҳида тарбиялаш, уларни демократик жамият, турмуш қоидаларини ихтиёрий бажаришга ўргатиш синф раҳбари фаолиятида катта ўрин тутади.

4. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш.  
5. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси ташкилотларига ёрдам қўрсатиш, улар билан яқиндан алоқада бўлиш.

6. Ўқувчилар ота-оналари билан иш олиб бориш.

Мактаб тажрибасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг турли усуллари таркиб топиб, муваффақиятли кўлланиб келинмоқда. Ўқувчилар билан ялписига, якка-якка ва гуруҳларга бўлиб ҳам иш олиб борилади. Фаол ўқувчилар билан иш олиб бориш, ўз синфида дарс ўтаётган ўқитувчилар билан, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ва корхоналар билан алоқа боғлаб туриш синф раҳбарининг тарбиявий иш фаолиятида катта ўрин тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, синф раҳбарининг олиб борадиган ишларини қуидагича белгилаш мумкин: синф билан ялписига иш олиб бориш. Унинг ўзига хос хусусияти - синфдаги ҳамма ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида тарбиявий тадбирларга жалб этишдан иборатдир. Синф билан ялписига иш олиб бориладиган тадбирлар одатда ойига икки-уч марта, бальзан эса, ҳар ҳафтада бир марта ўтказилади.

**Синф раҳбари фаолиятида синф бурчаги.** Мактабда ўқувчиларнинг ўқиши ва ўқишдан ташқари иш фаолиятлари ўтадиган асосий жой шу синфга бириктирилган синф хонасидир. Бу синф хонасидаги синф бурчагини синф раҳбари синф фаоллари билан биргаликда тузади. Унда синф жамоасининг асосий хужжатлари ва ишини акс эттирувчи материаллар қўйилади. Синф бурчаги синфнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг ютуқ ва камчиликларини акс эттирувчи кўзгудир.

**Синф раҳбари малакасини ошириши.** Энди иш бошлаган синф раҳбарларигина эмас, балки мактабда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали синф раҳбарлари ҳам ўз малакаларини оширишга муҳтождирлар. Синф раҳбари педагогика ва психология асослари назариясини яхши ўрганиши ва ўзлаштириши, ҳозирги педагогик технологияларни ва методларни, компьютер технологиясини мукаммал билмоғи зарур. Тарбия масалаларига оид адабиётларни мунтазам ўқиб бориши керак.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.“Ёшлар иттифоқи” ижтимоий ҳаракати туғрисида нималарни биласиз?
2. “Ёшлар иттифоқи” ижтимоий-сиёсий фаолияти нимадан иборат?
3. “Ёшлар иттифоқи” га неча ёшдан аъзо бўлинади?
4. Синф раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти нималардан иборат?
5. Синф раҳбари қандай вазифаларни бажаради?
6. Синф раҳбарининг асосий вазифаси нимадан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

### **6-мавзу: Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолияти.**

**Р Е Ж А:**

1. Синф раҳбари тўғрисидаги низом.
2. Синф раҳбари ўқувчиларнинг биринчи тарбиячиси ва мураббийси.

**Таянч сўзлар:** Синф раҳбари, тарбиячи, мураббий, ўқитувчи, ота-она, ҳамкорлик, жамоат ишлари, ташаббускорлик.

#### **1.Синф раҳбари тўғрисидаги низом.**

**I.Синф раҳбари тўғрисидаги низомга тўхталар эканмиз,** синфда тарбиявий ишларни асосий йўлга қўйувчи, ўқувчиларнинг биринчи тарбиячиси ва мураббийси синф раҳбари. Синф раҳбарининг асосий вазифаси ва мажбуриятлари нималардан иборат? Ушбу саҳифада Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлигининг 2001-йил 9-ноябрдаги 163-сонли буйруғига илова этиб тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим мактабларининг синф раҳбарлари тўғрисида»ги низом келтирилади. Умумий ўрта таълим муассасаларида синф раҳбари фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Президент фармонлари, Хукумат қарорлари, халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тегишли меъёрий хужжатлари талаблари ва ушбу низом асосида ташкил этилади.

Синф раҳбари мактабнинг тарбиявий тизимидағи таянч педагогларидан бири бўлиб, ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг амалда белгиланган таълим ва тарбия олишларини ташкил этади. Синф ўқувчиларининг маънавий ва маърифий тарбиясини

ташкил этишда ўқитувчилар, болалар етакчиси, психолог, ота-оналар, шунингдек, мактаб раҳбарияти орқали вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, маҳалла, хукуқтарни идоралари, ҳомийлик ва васийлик комиссиялари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда иш ташкил этади. Синф раҳбари мактабда ва кенг жамоатчилик орасида синф ўқувчиларининг (ота-оналари билан биргаликда) тарбияланганлик даражасига жавобгар шахс ҳисобланади.

Унинг мақсади ҳар томонлама етук, баркамол-маънавий, ақлий, жисмоний ривожланган шахс тарбиясини амалга ошириш, синф ўқувчиларининг қобилиятларини тўлиқ намоён этишлари учун етарли педагогик шароит яратишdir. Бу борада мактаб педагогик ва ўқувчилар жамоаси ҳамкорлигида тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларига қараб ёндошишни йўлга қўяди.

Бошланич синф ўқитувчилари ўзига бириктирилган синфга раҳбар ҳисобланадилар. Синф раҳбарлари тажрибали ўқитувчилар орасидан мактаб маъмурияти томонидан танлаб олиниб, тайинланади. Бир ўқитувчига фақат битта синф раҳбарлиги топширилади. Синф раҳбари фаолиятини маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари назорат этади ва мувофиқлаштиради.

**II. Синф раҳбарининг вазифалари.** Синф раҳбарининг асосий вазифаси – ўқувчиларнинг ахил гурӯхларини, аниқ мақсадга йўналтирилган ишchan жамоани ташкил қила олиш ва уларни таълим-тарбияли шахслар, келажаги буюк давлатнинг ҳақиқий эгалари, комил инсонлар этиб вояга етказишdir. Синф раҳбарлари ўқувчиларига меҳрибон бўлиши, уларнинг ўсиб-улғайишларини педагогик кузатувлар асосида назорат этиши, ёрдамга муҳтож ўқувчиларга якка ҳолда ёндоша олиши лозим. Шу асосда улар қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳр-муруват, масъуллият, ташаббускорлик, ишбилармөнлик каби хислатларини уйғотади. Синф раҳбари ишини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва умумий ривожланиш даражаларини, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, кенг қамровли тарбиявий ишлар ва аниқ мезонлар асосида ташкил этади.

Жумладан:

- Ўқувчиларни Миллий ғоя ва маънавият асослари руҳида тарбиялаш йўналишида;
- Ўқувчиларни Ватанга, Ўзбекистон Республикаси Президентига муҳаббат ва фидоийлик, Давлат рамзларига садоқат, Миллий ғоя руҳида тарбиялаш;
- Ўқувчилар онгига ўзи туғилиб улғайган юртига, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш, юртимизда бунёд этилаётган иншоотларга, маърифат масканлари билан таништириб бориш;
- Синфда ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳитини яратиш, тарбия жараёнинг бой маданий меросимиз, миллий одоб-ахлоқ меъёрларини тадбиқ этиш, меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш;
- Ўқувчиларни ўзбек ва бошқа халқларнинг маданий, тарихий, миллий анъаналарига хурмат руҳида тарбиялаш;

**III. Ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорликда:** Баркамол авлодни тарбиялашда «Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, аниқ белгиланган режа асосида синф ота-оналар мажлисларини ўтказиб бориш;

Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш, жумладан, кам таъминланган оиласлар фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, ота-онасиз болаларнинг, ҳомийлик ва васийликка берилган вояга етмаганларнинг ижтимоий хукуқларини ҳимоялаш;

Ўқувчиларнинг мактабга белгиланган либосда келишларини назоратга олиш;

Ўқувчилар кундаликларининг юритилишини назорат ва таҳлил қилиш, уларнинг ўқув қуролларини мавжудлиги ва саклашларини кузатиб бориш;

Ўқувчиларнинг турар жойлари, уй шароитлари билан танишиш. Уларнинг соғлиги, майший ҳолатларини ўрганиш, яхшилашга ёрдам бориш. Уйда ва мактабда маданий дам олишларига ва мустакил ишлашларига шароит яратишга ҳаракат қилиш;

Ўқувчиларни турли салбий диний оқимлар таъсирига тушиб қолишиларини олдини олиш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

Синф ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорликда умуммактаб ота-оналар мажлислари, конференциялар, давра сұхбатлари, мулоқотлар уюштириш. Синфда ўтказилган тарбиявий ишлар юзасидан педагогик кенгашларда ҳисобот бериш;

Дарсларга мунтазам келмайдиган, тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда уларнинг ота-оналари, хукуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўқувчиларда ота-оналар ва катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, камтарлик, саҳиийлик ва саховатпарварлик, инсонларга ёрдам беришга тайёр туриш, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик хислатларини сингдириб бориш.

**IV. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари фаолиятга жалб этиш бўйича:** Ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтириш, уларни қизиқиши, имконият ва қобилиятларига қараб фан тўғараклари, спорт секциялари, бадиий-эстетик, техник, экологик, сайёхлик ва ўлкашунослик йўналишидаги тўғаракларга, клубларга жалб этиш;

Қобилияти ва истеъододли ўқувчиларни работлантириш, иқтидорли болалар ижодий имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўқувчилар дунёқарашини миллый маданиятнинг асоси бўлган мусиқа ва қўшиқ, рақс, кино, адабиёт, ҳалқ оғзаки ижоди, театр, наққошлиқ ва меъморчилик каби ҳалқ амалий санъати турлари воситасида кенгайтириш мақсадида уларни маданият масканларига жалб этиш;

Ўқувчиларни ёзги соломлаштириш оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш, шунингдек кузги, қишки ва баҳорги таътилларини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратиш;

Ўқувчиларнинг маданий дам олишлари, саёҳатларини уюштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

Мактабда ўтказиладиган турли тадбирлар (байрамлар, кўрик танловлар, спорт мусобақалари, учрашувлар, кечалар ва бошқалар)да ўз синфининг фаол иштирокини таъминлашdir.

**V. Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:** Синф жамоаси билан биргаликда синф фаолларини сайлаш ва синф ишларини режалаштириш, тарбиявий соатларни белгилаш, ўқувчилар давоматини мунтазам кузатиб бориш;

Синфда ўқувчиларни аҳил жамоага жипслаштириш ва ташаббускор ўқувчиларни кўллаб-қувватлаш, синф жамоасининг эҳтиёж ва қизиқишиларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш;

Ҳар бир ўқувчининг ўзи учун кун тартибини тузишларни ташкил этиш, бу тартибнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўқувчиларнинг ўзини - ўзи бошқариш тузилмаларини, жумладан, Ўзбекистонда Ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти, болалар етакчиси, ўқувчилар ижодий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, «Камалак» болалар ташкилотининг фаолияти, асосий мазмун-моҳияти ва жамиятдаги мавқенини таркиб топтириш;

«Ўзбекистон» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамда «Камалак» болалар ташкилотларининг ҳисобот сайлов йиғилишларини белгиланган тартибда ўтказилишида сардорликга амалий ёрдам бериш;

Ўқувчилар хуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаро, шахс ва мактаблар томонидан бажарилиши шарт бўлган қонун ҳужжатлари ҳақида тушунчалар бериб бориш, қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

Болалар ва ўсмиirlар учун чоп этиладиган газета ва журналларни эътироф этиш, обунани ташкил қилиш, синф деворий газетасини чиқарилишига кўмаклашиш.

**VI. Мактаб педагогик жамоаси билан биргаликда:** Синф ўқувчиларининг мактаб (уставида белгиланган) ички тартиб-қоидаларини бажаришларини таъминлаш;

Синф журналларининг ва бошқа зарурий хужжатларнинг тўғри юритилишини таъминлаш;

Ўқувчилар ўзлаштиришини юқори даражага кўтариш, тартиб-интизомни сақлаш мақсадида синф мажлисларини ўтказиб бориш;

Ўқувчиларнинг ўқишида эришган ютуқлари, умумий фойдали меҳнатда, мактаб ҳаёти ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашганликларини эътиборга олиб тақдирлаш ҳақида таклиф бериш;

Соғлом турмуш тарзи, оилавий ҳаёт гигиенаси ҳамда жисмоний тарбия, заарли одатлардан сакланиш каби масалаларга эътибор бериш;

Ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун фан ўқитувчилари билан биргаликда ёрдам бериш;

Педагогик жамоа, психологлар билан ҳамкорликда битирувчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш;

Мактаб тиббиёт ходимлари, ўқитувчилари, психолог, ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, маънавий, маърифий, жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланиш мувофиқлигини назорат қилиш;

Мактабда техника хавфсизлиги қоидаларига, санитария-гигиена тартибига, ўқувчиларни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилишни таъминлаш;

Шунингдек, ўз малакасини ошириб туриш, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган турли миёсдаги семинарларда иштирок этиш каби вазифалардан иборат.

**VII. Синф раҳбарининг ҳуқуқлари:** Ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг дарс ва имтиҳонларида иштирок этади. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қўшимча дарслар ташкил этилиши бўйича таклифлар беради. Ўқувчилар тарбиясига оид илғор иш тажрибаларини амалга ошириш бўйича мактаб маъмуриятига ташаббус билан чиқади. Тарбиявий соатларни режалаштиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, мактабнинг умумий режасига қўшимча ёки ўзгаришлар бўйича таклиф киритиши мумкин. Синф фаоллари ишини назорат қиласди. Ўқувчиларнинг синф йиғилишларини уюштиради ва синф фаоллари (кенгаши) билан биргаликда йиғилиш кун тартибини белгилайди.

Ўқувчиларнинг ўқишида эришган ютуқлари, умумий фойдали меҳнатда, мактаб ҳаёти ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашганликларини эътиборга олиб тақдирлашга тавсия этиш ҳақида таклифлар беради. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан таълим-тарбия масалалари юзасидан сухбатлашади, ҳамкорлик қиласди, педагогик маслаҳатлар беради, ўқувчилар хулқини баҳолайди.

**VIII. Синф раҳбари иш режалари ва уларни ташкил этиш:** Синф раҳбарининг иши режа асосида олиб борилади. Унинг иш режасини мактабнинг умумий режаси асосида директорнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Синф раҳбарининг йиллик ишларини режалаштириш, синфда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишга ёрдам бериш, улар самарадорлигини ошириш, синф раҳбарлари ишларини мувофиқлаштириш, иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида мактабда синф раҳбарлари услубий бирлашмалари ташкил этилади. Синф раҳбарлари услубий бирлашмаларига мактабдаги барча синф раҳбарлари аъзо бўладилар. Синф раҳбарларида ойлик, (ўкув йили бўйича) чораклик ва йиллик режалари, умумхалқ байрамларини ўтказиш бўйича тадбирлар режалари ва сценарийлари, тарбиявий соатлар учун намунавий машғулот ишланмалари, ўқувчиларни қизиқишилари асосида ижодий бирлашмалар (тўғараклар, спорт секциялари, клублар ва бошқалар)га жалб этиш дафтари, тарбияси оғир (мунтазам дарс қолдирадиган) ўқувчилар ҳамда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш режалари, ота-оналар мажлиси баённомалари, ота-оналар билан сухбат дафтари, ўқувчиларнинг тураг жойлари, уларнинг ота-оналари ҳақида батафсил маълумотлар каби иш хужжатлари юритилиши лозим.

Шунингдек, синф раҳбари ўқувчилар шахсига оид маълумотлар (шахсий дело) ни шакллантиради ва саклайди. Ўқув йили чораклари ва якуни бўйича хисоботлар беради.

Синф раҳбарлари фаолият йўналишлари бўйича хисоботларини маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарига топширади.

## **2. Синф раҳбари ўқувчиларнинг биринчи тарбиячиси ва мураббийси.**

Ҳозирги вақтда мактаб ва уйдаги ўқув-тарбия ишларини амалга ошираётган педагогик жамоа олдига катта ваизфалар қўймоқда. Мактаб ёш авлоднинг дунёқарашини таркиб топтириш, ғоявий, сиесий жиҳатдан чиниқтириш, юксак ахлоқий фазилатларга эга қилиш, меҳнатга ва онгли касб танлашга тайёрлаш лозим. Бу вазифлаарни ҳал қилишда синф раҳбари мухим рол ўйнайди. Чунки, у бир синф шароитида тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади ва бошқаради.

### **Синф раҳбари қўйидаги вазифаларни бажаради:**

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараётганда у ёлғиз эмас, шу синфда дарс бераётган турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ва уларга суюнган ҳолда ўқувчиларда миллий дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантериади. Ўқувчиларни дарсдан ташқари тадбирларни ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиш ва қобилиятини ўстириш ҳар бир ўқувчининг индивидуал-психик хусусиятлаирни хисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг диққат марказида ўқувчиларнинг юқори даражада ўзлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўқувчининг кундалик ўзлаштиришидан воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётган ўқувчиларга ўз вақтидан кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини йўналтиради, улар иштироқида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштироқини таъмин этади, мактаб миқёсида уюштирилаётган мухим тадбирларда ўз синфининг фаол қатнашишини таъминлади.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўқув куни узайтирилган гуруҳларининг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, турар жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билимлар тарқатиб, оила билан мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

7. Синф раҳбари ўз синфида турли ҳужжатларини, синф журнали, ўқувчиларнинг кундаликлари, табелар, шахсий маълмуотлари, турли хил режа ва хисоботларни юритади.

Кўриниб турибдики, вазифа кенг ва мураккаб, уларни муваффақиятли ҳал қилиш синф раҳбарининг шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир. Синф раҳбарининг шахсий сифатларига қўйиладиган талаблари ўқитувчига қўйиладиган талаблардан фарқ қilmайди. Лекин, синф раҳбари асосий тарбиячи, болалар маънавий жиҳатдан андоза оладиган шахс бўлганлиги учун ҳам, бу талаблар унинг шахсий фазилатига айланиб кетиши билан тарбияда алоҳида роль ўйнайди.

Тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, аввало тарбиячининг ғоявий ишончига ва сиёсийлигининг даражасига боғлиқ. Бунинг учун синф раҳбари фан янгиликларини мунтазам, эгаллаб бориши билан ўзининг билимини, онгини оширади.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ғоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда мухимдир. Синф раҳбари ана шундагина тарбиявий таъсир кўрсатишга эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг ва хулқининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўникумаларга эга бўлишни ўзи етраги эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий

сифатлари билан ҳам таъсир ўтказади. Чунки, тарбиячилик қобилияти жуда кўп сифатларни: чуқур билим, кенг фикрлилик, ишга жон жахти билан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз муҳаббат, муомала назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ темперамент, оқил ваadolатлилик намунаси, алоҳида назокат сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қиласди. Бунга яна тарбиячилик техникаси қўшимча ишда муваффакият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир.

Синф раҳбарларидан маданият даражасининг кенглиги, педагогик одоб талабларига риоя қилиш, ҳар бир бола шахсини инсон сифатида хурмат қилиш билан унга нисбатан талабчанликни унутмаслик, ташкилотчилик малакаларига эга бўлиш, ўз муомаласини тинимсиз ошириб бориш билан ижодий ёндашиш талаб қилинади. Муҳими шундаки, синф раҳбарининг ўзи болаларни тарбияламоқчи бўлган ғоявий–ахлоқий баркамолликка мос бўлиши керак. Тарбиядаги хатоларнинг кўпчилигига асосий сабаб, боланинг олдига қўйилаётган талаблар тарбиячи характеристида ҳамиша ҳам намоён бўлавермаслигидадир.

Синф раҳбарининг фаол жамоатчи сифатида ҳамиша намуна кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда у коммуникатив қобилиятга эга бўлиши, рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни фақат педагогик қоидаларга боғлаб баҳолашгина эмас, балки рўй беришни сабабига қараб ҳукм ҳам чиқаришни, ижод қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Синф раҳбари мактабдаги энг етук педагог ҳисобланиб, у бажарадиган меҳнатнинг ўлчови, чегарси йўқ. Унинг билмаган иши уддасидан чиқа олмайдиган соҳаси бўлмайди. Шу билан бир қаторда, у беғараз, холис шахс бўлиб, жамоатчилик асосида ишлайди. Синф раҳбари педагоглар ота–оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларининг нуқтаи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларини бир марказга бирлаштириш, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиш ва айни вақтда ўзининг ўрнини аниқ таъминлай олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффакиятини таъминлашга гаров бўлади. Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларни фикрлаш қобилиятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириш юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиши ва муҳаббатни ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат қилиш зарур.

Айрим мактабларда юқори ўзлаштиришга эришишда ўқув-дидактик масала сифатида мактабда таълим–тарбияни тўғри йўлга қўйишга болиқ бўлади. Ўқиши жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффакияли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар системаси тўғри ва бевосита синфда ўзлаштиришни кўтаришга таъсир этади. Синф раҳбари ўқитувчилар билан ҳамкорликда болаларни ўқишига онгли муносабатда бўлишга ўргатади. Ўқувчиларнинг ўқишлирини назорат қиласди, дарсларга киради, кузатади ва ўз синфдаги ўқувчилар билан биргаликда синфда ўқув ишларининг сифатини ошириш чора–тадбирларини белгилайди. Юқори синфларда юқори ўзлаштириш учун кураш сусаймайди, аксинча у яна кўпроқ аҳамият касб этиб боради.

1. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда ва унга маълумот билан ёндашиш ҳиссини тарбиялаш билимнинг сифатли бўлиши боланинг ўқишига бўлган интилишига, қизиқишига уларнинг ҳаракатчанлигига, дикқатига, фаолиятига, ташаббускорлигига, мустақиллигига боғлиқдир. Бундай сифатларни ўқувчиларда шакллантиришни уларга ўқув меҳнатининг ижодий аҳамияти тушунтириш ва ўқув машғулотларига масъулият билан ёндашиш ўқувчилардан талаб этиш синф раҳбарининг фаолиятига муҳим ўрин эгаллайди. Синф раҳбари улар олдида ўқиши болаларни очиб беришга ижтимоий фойдали меҳнат билан боғланиш ўқиши билан ҳаёт ўртасидаги меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқани кўрсатиш, ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини тарбиялаш орқали эришилади.

2. Ҳар нарсани билимнига қизиқиши ва билимга муҳаббат уйғотиши.

Бола билимга қизиқмай туриб, ўқишига интилмай туриб, муваффакиятли ўқий олмайды. Биринчи навбатда қийинчилек билан ўзлаштирилган фанларига нисбатан боланинг қизиқишини уйғотиш керак. Боладаги ўқиши, меҳнатга нисбатан ҳавас ва қизиқишидаги қийинчилекларни енгишга. Билим фоалиятини оширишга қизиқувчанлик ва мустақиллигини камол топишига олиб келади.

**3. Ўқув меҳнати маданиятини ошириш.**

Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият, ўқув меҳнатини системали ва режали олиб бориша, иқтидорли болаларнинг кам бўлиши, етарли имконият шаклланмаганлигидан келиб чиқади. Синф раҳбарининг ва ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фикрлашга ўргатишдан иборатdir. Айниқса болаларда ўқиши қийинчилекларини енгиш, тушуниб ўқиши ва китоб билан мустақил ишлаш уй вазифаларини бажаришда риоя қилиши, олган билимларини амалда қўллаш каби, билим олиш учун зарур бўлган сифатларини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний тараққий этишга маданиятли бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамиша бу ҳақда ғамхўрлик қилиш лозим.

**4. Ўқувчиларни ўқув меҳнатида муайян режага итоат этишга ўргатиш.**

Ўқув меҳнати билан дам олишни тўғри ташкил этиш, ташкилий равища уй вазифаларини бажариш, таълим самарадорлигини оширади. Ўқувчилар режимга итоат этишларини ўқитувчи, синф раҳбари ва ота–оналар мунтазам равища назорат қилиб боришилари керак. Шу йўл билан уларни муваффакиятли ўқишига, ўқув меҳнатида сарамжонликка ўргатиш мумкин.

**5. Ўқув жараёнида ўртоқларига ёрдам беришни уюштириш.**

Ўртоқларига ўзаро ёрдам, синфда улгурмовчиликни, иккичилликни ва мактабни ташлаб кетиш ҳолларининг олдини олишга ёрдам беради. Шу билан бирга синфда ўртоқлик, дўстлик ва бир жамоа бўлиб шаклланшига олиб келади.

**6. Синф ўқувчилари билан бирга бўлиши ва яхши ҳамкорлик.**

Синф раҳбари таълим–тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синflарда дарс берувчи бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этади. Ўқув ишларида синф раҳбарининг ва шу синфда ишлайдиган бошқа ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, ўқувчиларга нисбатан ягона талабни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг бир–бирига ўзаро ёрдамлари таълим–тарбия сифатини оширади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Дарсдан ташқари тарбиявий ишлар нима?
2. Тарбиявий соатларни қандай қисмларга бўлиб олиб бориш мумкин?
- 3.Байрам тадбирларини ўтказиш болада нимани шакллантиради?
4. Таълим-тарбияда юқори самарадорликга эришишда қандай тарбиявий ишлар олиб борилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов X.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **7-мавзу: Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.**

### **Р Е Ж А:**

1. Ўқувчиларни ўрганиш усуллари.
  2. Ўқувчиларга тарбиявий таъсир этиш йўллари.
  3. Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.
- Таянч сўзлар:** Тарбия, таълим, билим, малака, кўникма, метод, синф, фалоият.

### **1. Ўқувчиларни ўрганиш усуллари.**

Синф раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбари турли хил манбалар ёрдам беради.

Тарбияга комплекс ёндошиши бирор ўқувчини ҳам эътибордан четда қочирмаслик синф раҳбари учун алоҳида масаладир. Тарбиялаш учун синф раҳбари тарбия обьекти бўлган болани яхши билиш, уни яхлит идрок этиши керак. Кўпчилик синф раҳбарлари болани дарсда ўқувчи, мусобақада спортчи сифатида, яъни ҳар бир аниқ иш шароитида келиб чиқиб идрок этади ва шунга кўра муомала қиласди, бола шахсининг бошқа томонлари эса ҳозирча ҳисобга олинмайди. Аммо ҳар бир боланинг ўз тажрибаси, ўз эмоционал маданият даражаси, қадрлайдиган нарсалар, эҳтиётлари, талаблари, умидлари, алоқалар, муносабатлари каби бутун бир дунёси бор. Тарбияда ана шулар ҳисобга олиниши керак. Синф раҳбари ўз ўқувчисининг ички дунёсини, кечинмаларини, хулқида вужудга келаётган ҳолатларининг сабабини, иродасини яхши билсагина унинг қалбига йўл топа олади ва болага таъсир этишнинг тўғри йўлини аниқлайди. Ана шундай сифатларга эътибор берган синф раҳбари тарбияда етакчи ўринни эгаллайди.

Шуни ҳам унумаслик керакки, болага тарбиявий таъсир этувчи омиллар ҳозирги даврда ғоят даражада кўпайди: оила, кенг жамоатчилик, радио, телевидение кино, театр, китоб, журнал, мусика ва бошқалар.

Синф раҳбарининг болага тарбиявий таъсир этишда етакчилик, бирдамлик ролни тарбиявий таъсирини, сақлаб қолиш ғоят қийинлашиб боряпти. Баъзан болага тарбиячидан кўра ўртоғи, қўшниси, кўчадаги дўстлари кучлироқ таъсир этиш ҳолларига дуч келамиз. Чунки, ҳар бир болада маълум куртаклар: яхшилик ва поклик билан бир қаторда салбий, активлик ва пассивлик сифатлари мавжуд. У муносабатларга эътибори жихатидан ҳам ҳар хил сифатларга эга. Агар тарбиячи унга оптимистик нуқтаи назардан ёндашса, бола яхшиликка интилиб, унинг умидини оқлайди ва аксинча болага олдиндан ношуд, ялқов, тартибсиз деб қаралса ҳамда ўжарлик ва терслик боланинг сифати хукм чиқарилса, у ҳолда тарбияланувчи ўзининг худди шундай қилиб кўрсатади. Натижада у бу борада ҳам тарбиячининг умидини оқлайди.

Синф раҳбари болаларни яхши билиши учун уларни ўрганиш дарсда, дарсдан ташқари вақтларда умуман боланинг ҳаёти ўтадиган барча шароитларда амалга оширилади. Болани ўрганиш билан синф раҳбари унинг индивидуал хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади. Боланинг индивидуал хусусияти унинг хулқига, ўзлаштиришига муносабатларига жамоадаги ўрнига таъсир этади. Шу боисдан ҳам жамоадаги индивидлар тарбиялананаётганда алоҳида ўқувчини унтиш ярамайди. Чунки синф раҳбари кўпгина ташкилий ишларни уюштиришда кимга суюниш, кимга қандай вазифа юклаш, кимга мустақиллик бериш ва кимга мунтазам ёрдам бериш кераклигини фақат уларнинг индивидуал хусусиятларини яхши билиш туфайлигина бехато аниқлайди.

Демак, индивидуал муносабат болага тарбиявий таъсир этишнинг энг самарали йўлини топиш имкониятини беради.

Тарбиявий ишлар жараёнида синф раҳбари бутун синф жамоасини ҳам ўрганиши керак. Синф раҳбари ўзига берилган синфни қабул қилиб олиш билан болалар ҳақида кўпгина маълумотларни аниқлади. Бу маълумотлар боланинг оиласидан, ўқитувчилардан, ўртоқларидан олинади ва тарбияда ягона таъсир бирлиги ҳам шу асосда вужудга келади. Мана шу ўринда болалар ота–оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу учлик марказида бола, яъни ўқувчи туради, мактаб ва оила эса унга икки томондан таъсир этади. Айни вақтда бола мактаб билан оиласидаги алоқани таъминловчи восита ролини ҳам бажаради. Лекин унинг мактаб ҳақида оиласига етказадиган маълумотлари ҳамиша ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди ва у ҳатто кундалик орқали бериладиган ахборотларни ҳам ўзига талқин этиб боради.

Кўпинча оила билан мактаб ўртасида вужудга келадиган англашинмовчилик ҳам мана шу туфайли рўй беради. Ўқувчи катталарнинг ўзи билан муомала қилаётган вақтдаги позициясини солиштириб кўриш орқали маълум хulosага келади ва ўзига хукм чиқаради. Худди шу ҳол унинг хулқида ўз аксини топади ва у бир гал ўқитувчининг, бошқа вақт ота–онасининг тарбиясини олади. Ҳатто энг вижданли болада ҳам бу ҳолни рўй бериши табиийдир.

Ана шу ҳолатнинг вужудга келмаслиги учун ота–онага ёрдам бериш, ўқитувчи билан ота–она ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри бўлишида оила тарбиясига раҳбарлик қилиш зарур. Бунинг учун у ҳар бир оилани гурух ва ҳар томонлама ўрганиш керак. Синф раҳбарининг оилавий шароитни индивидуал муносабат учун у қуидагиларни ўз исигига олган дастурга эга бўлиши керак:

1. Оила ҳақида умумий маълумот, оила таркиби, катталарнинг иш жойи, касби, оиланинг моддий жиҳатдан фойдалланганлик даражаси, уй жой шароити.
2. Оиланинг маданий даражаси, оила аъзоларининг маълумоти, оилавий кутубхона бор йўқлиги, қандай матбуотга ёзилиши. Анъаналари ва оилавий байрамлар.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари, ота–онанинг болага ва боланинг ота–онага муносабати, уларнинг инсоний етуклиги ва қиёфаси болаларнинг ўз ота–оналарининг касби ҳақида тушунчалари, оилада салбий таъсирнинг бор йўлиги.
4. Болага оиладан ташқарида кўрсатилаётган, таъсирлар ва ота–оналарнинг уларда муносабати, ўртоқлари, ҳовли, кўча, қўшнилар, ота–онанинг танишлари, қариндошлар ва бошқалар.

Синф раҳбари тарбиявий ишнинг муваффакияти кўп жиҳатдан унинг болалар ички дунёсига чуқур сингиб киришига, уларнинг кечинмалари ҳамда хулқ–атворини тушунишига болиқдир. Ўқувчининг нима билан яшаётганлигини, унинг қизиқиши ва майиллари қандайлпгини, иродасининг ўзига хослиги, ҳамда характеристи хусусиятларини ўрганиш деганимиз, унинг қаблига мумкин қадар ишончли йўл топиш, унга тарбиявий таъсир этишнинг ҳамда мақбул методларидан фойдаланиш демакдир.

Тарбиячи ўқувчининг индивидуал хусусиятларини яхши ўргангач ва тушунган тақдирдагина, бу ўқувчи шахсини муваффакиятли тарбиялаб етиштира олади. Ўқувчиларни ўрганиш ўқитувчининг, айниқса синф раҳбарининг вазифасидир. У ўқувчиларни фақат дарсдагина эмас, балки синфдан ташки вақтдан уларга тарбия бериш вақтида ҳам, ўқувчилар уйларига борганда ҳам, ҳар хил экскурсиялар вақтида ҳам ўрганади.

Синф раҳбари синфни қабул қилиб олгандан кейин, унинг биринчи иши, одатда, ўқувчиларни ўрганиши билан боғлиқ бўлади. Бу иш унинг ўзига беркитилган синфдаги бутун иш фаолияти мобайнида давом этади ва унинг тарбиявий иш системасида муҳим бир томонни ташкил этади. Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг хулқлари ва

майлларини. Улар олган тарбия даражасини билган ҳолда, маълум мақсадга қаратилган ва таъсирчан режа тузиш осон бўлади.

Маълумки, ўқувчи шахсининг таркиб топиши ва ривожланиши бир текис бормайди. Синф раҳбарининг мазкур ўқувчи тўғрисида билганлари бугунга келиб етарли бўлмай қолиши мумкин.

Тўғри, ўқувчиларни ўрганиш кўп вақт ва кўп қуч талаб этади. Аммо кейинчалик булар ҳаммаси катта натижалар беради. Синф раҳбари ўқувчиларни, уларнинг хусусиятларини билган ҳолда, улар бу жараёнини мувваффақиятли тарзда йўлга солиб, ютуқларга эришиш мумкин бўлади. Ўқувчиларни ўрганишга бошқа ўқувчилар, етакчилар ва ота–оналар жалб этилади.

Бунда ўқитувчилар ҳамда синф раҳбарлари ишидаги ўзаро муносабат қоидаларига риоя қилиш жуда муҳимdir. Ўқувчиларни ўрганиш натижалари билан барча ўқитувчиларни таништириб бориш зарур. Шу билан бирга уларнинг ҳар қайси ўқувчи тўғрисида билганларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Булар ўқувчиларга тарбия бериш жараёнида уларга бир хилда талаблар қўйиш ва уларга бир хил муомала қилишга эришишга ёрдам беради. Ўқувчиларни ўрганиш уларга индивидуал ёндашишни зарур шартидир. Ўқувчиларни уларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ҳар қайси ўқувчига индивидуал ёндашишга эришиш мақсадида ўрганмоқ лозим. Ўқувчилар ўз характеристига қизиқиши ва майлига кўра бир хил эмас. Улардан бир хиллари бир мунча чаққон, бошқа бир хиллари эса сусткаш, укувсиз, баъзи ўқувчилар жасур ва шиҷоаткор, бошқа бирлари эса уятчан ва тортинчоқ бўлишади. Баъзи бир ўқувчилар ўз ташкилотчилиги ва қатъийлиги билан ажralиб турса, бошқа бирларида эса бу хусусиятлар мавжуд эмас. Хуллас, синф бир бирига ўхшамаган, турли хусусиятдаги болалардан ташкил топган бир группадир. Синфда ташки кўриниш жиҳатидан бир–бирига ўхшаш болалар бўлмаган сингари, ўз ички хусусиятлари жиҳатидан бир бирига ўхшайдиган болалар ҳам бўлмайди. Уларнинг характеристи, қизиқишилари, кайфиятлари ва хоҳишилари, уларнинг хулқ–атворлари сабаблари, қўнишка ва малакалари, одатда, турлича бўлади. ҳар қайси ўқувчи ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган хусусиятга эга бўлади. У алоҳида шахс сифатида камол топиб боради.

Одатда синф раҳбари синфдаги барча ўқувчиларга нисбатан ягона тарбиявий вазифалар қўяди ва ҳал этади. Масалан, у ўзининг барча ўқувчиларни меҳнатсеварликка, бир жон, бир тан бўлишига, ҳаққонийликка ўргатишга ҳаракат қиласди. Аммо бу вазифаларнинг ҳал этиш йўллари, восита ва методлари ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг баъзиларини ўз вақтида рағбатлантириш, баъзиларига буюриш хулқ–атвор қоидаларини бузган ўқувчиларни жазолаш даркор. Бинобарин, ўқувчиларга тўғри тарбия бермоқ учун тарбия жараёнида уларга индивидуал ёндашишни амалга оширмоқ керак. Бунинг учун эса уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмоқ зарур. Синф раҳбари ўз ўқувчиларини билмаса, у ўқувчиларга ёндашишда, педагогик таъсир кўрсатиш методларини танлашда катта хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Тарбиячи ўқувчилар жамоасини тарбиялар экан, ҳеч қайси ўқувчини назардан четда қолдирмаслиги даркор. Ўқувчиларнинг хулқ–атвори тартиб интизоми, ўзлаштириши кўп жиҳатдан уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Баъзи бир ўқувчи ўзининг ўқишига бардошсизлиги туфайли дарсларга улгурмайди, иккинчи бирининг дарсда яхши жавоб беришга ўз журъатсизлиги, тортинчоқлиги ҳалақит беради, яна бирининг яхши ўқишига ўзлаштирилмаганлигининг сабабларини билган тақдирдагина, унинг олдини олиш борасида, реал ва таъсирчан тадбирлар қўллаш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳамиша ва ҳамма ҳолда ҳисобга олмоқ зарур. Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш бу ҳар қайси ўқувчининг хусусиятларига фаол тарзда мослашиш эмас. Бу энг аввало ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хислатларини, унинг психологик тараққиёти хусусиятларини, унинг шахсий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг янада самарали йўлларини

фаол равишида қидириб топишдир. Бундай ёндашишга фақат тарбиялаш ва ўқитиш қийин бўлган ўқувчиларгина эмас, балки истисносиз ҳамма ўқувчилар муҳтождир, ўқитувчининг вазифаси фақат қолоқларни ва интизомсизларни илғорлар ва интизомлилар қаторига етказиб олишдангина иборат эмас, балки шу билан барча ўқувчиларнинг жумладан энг яхши интизомли, билимли санъатга ҳавасманд болаларнинг ҳам ақлий, ҳам қувватларини ва ташкилотчилик қобилиятларини хар томонлама ривожлантиришдан иборатdir.

Ўқувчиларга тарбия бериш жараёнида уларга индивидуал тарзда ёндашиш ҳар қайси ўқувчини ўз назар-эъитборида тутишдан, унинг хусусиятларини билишдан, унинг ижобий хислатларига таянишдан, унга оғир пайтларда мунтазам ёрдам кўрсатиб боришдан ва уни яхши хатти-ҳаракати учун рағбатлантириб туришдан иборатdir.

Ўқувчиларни ўрганиб, уларга тарбияай таъсир кўрсатии. Ўқувчи шахсини ўрганиш ҳам пираворд мақсад эмас, балки уларга таълим-тарбия бериш учун зарурий шарт-шароитdir. Одатда тажрибали синф раҳбарлари ўрганаётиб тарбия бериш, тарбиялаётиб ўрганиб бориш қоидасига амал қиласидилар. Ўқувчиларни ўрганиши бу тарбиячилар учун муваффакиятли тарбиялашнинг зарурий шарт-шароити бўлиб хизмат қиласиди, тарбиялаш эса ўз навбатида ўқувчиларни камол топтириш жараёнида уларни ўрганишнинг асосий йўлларидан бири сифатида фойдаланилади. Ўқувчиларни ўрганиш борасидаги ишлар шахсни камол топтиришнинг табиий тарзда фаол иштирок этиш билан, ўқувчиларда зарурий маънавий хислатлари ва характер хусусиятларини таркиб топиш билан қўшилиб кетади. Синф раҳбари ўқувчилар хулқ-авторидаги ижобий хислатларини ривожлантириш, салбий хусусиятларга барҳам беришни лойиҳалаштиради.

Ўқувчиларни ўрганишини режали тарзда ва мунтазам олиб бориши даркор. Ўқувчи хулқ-авторидаги якка-ярим учрайдиган ва тасодифий воқеаларни эмас, балки унинг шахсида жуда кўп учрайдиган типик хусусиятларини ўрганмоқ керак. Шуни ҳисобга олиш керакки ўқувчилар ҳамма вақт ўсиб камол топиб борадилар. Уларнинг қизиқишлиари доим ўзгариб боради, уларнинг ички дунёлари доимо бойиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни фақат ривожланишига ўргатмоқ ва бу ривожланишни фаол бошқариб бориш зарур. Ўқувчиларни янада яхши, ҳар томонлама ўргатмоқ учун қилинадиган муоммоларнинг барча имкониятларида фойдаланмоқ лозим. Фақат ўқувчиларнинг айрим хатти-ҳаракатларига бу хатти ҳаракатлар намоён бўлишларини ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин.

Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйсиндирмоғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошлангич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг янада самарали усул ва методларини танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майллари ҳамда қизиқишлиарини қайд қилиб бориш билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, булар билан олиб бориладиган тарбиявий ишини ташкил этиш мухимdir. Ўз ўқувчиларини яхши ўрганиш демак, ташқи томонига эмас, балки улар хулқ-автор сабабларини ўрганишга эътибор бермоқ даркор.

Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиши. Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали маслаҳатга ва жамоат ишига жалб қилиш лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-оналар ва теварак-атрофдаги кишилар билан киришадиган муносабатларини ўргатиш жуда мухим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахс янада тўлароқ ўрганилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик хатти-ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

Ўқувчиларни хилма хил методлар ва усуллар билан ўрганиши. Ўрганиш методлари қанчалик турли туман бўлса, ўқувчиларни шунчалик тўла ва асосли ўрганиши мумкин

бўлади. Ўқувчи шахсини ўрганишининг асосий методларидан бири унинг иш фаолияти ва хатти-харакатларини ўрганишдан иборатдир. Айни бир вақтда қўшимча методлар сифатида ўқувчилар билан, мазмун сифатида иш олиб борадиган ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг ота-оналари билан сұхбатлардан фойдаланилади. Ўқувчилар инсонларни таҳлил қилиш ва улар иш фаолиятлари натижалари таҳлил қилиш сингари методлар ҳам қўлланади. Ўқувчиларни ўрганиш методи таъсирчан бўлмоғи керак. Ўқувчини ўрганиш асосида унинг характери ва хулқ-авторидги салбий хусусиятларининг олдини олиш ҳам ижобий хислатларни мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

*Ўқувчиларни ўрганиб, улар ҳаёти ва турмуши шароитлари билан танишиши.* Ўқувчиларнинг ахлоқий хислатари, унинг ютуқлар ва камчиликлари, энг аввало унинг таълим ва тарбия олиш жараёнида ижтимоий уй шароити, теварак-атрофи ҳам аҳамият касб этмайди. Ўқувчиларни ўрганиш дастури уларни фақат мактабдагина эмас, балки шу билан бирга уй шароитида, оиласда ҳам ўрганишни назарда тутмоғи даркор.

*Шахснинг алоҳида хусусиятларини эмас, балки бутун шахсни ўрганмоқ даркор.* Синф раҳбари тарбиявий ишнинг турли босқичларида ўқувчи хулқ-авторининг айрим томонларини ўргатишга эътиборини қаратиши мумкин. Ўқувчини ҳар томонлама ўргатишга эришмоқ учун дастурни олдиндан яхши ўйлаб тузиш, ўқувчиларни ўрганиш режасини, сұхбат саволларини, иншолар мавзуларини тайёрлаб олиш зарур.

I – Оила; –Маҳалла жамоатчилиги; –Мактаб жамоатчилиги; –Телевидение; –Ҳозирги давр янгиликлари; –Ўзаро муомала	II – Ўзининг тажрибаси; –Кадрлайдиган нарсалари ; –Шахсий талаблари ; –Ниятлари ва умидлари; –Ўзаро алоқалари; –Муносабатлари
III –Алоҳида эътибор бериш; –Ҳар бир харакатини кузатиш; –Рағбатлантириш; –Сұхбат ўтказиш; –Эркин мулокотга ўргатиш; –Яқиндан сирлашиш	IV –Мавзуни түғри танлаш; –Тарбиявий аҳамиятини кўрсата билиш; –Қизиқарли ўтказиш; –Ўқувчилар ижросини эшитиш ва кўриш; –Мазмунли ташкил этиш

## 2. Ўқувчиларга тарбиявий таъсир этиш йўллари.

Синф раҳбари болаларни одобли қилиб тарбиялашни, уларга андиша билан гапиришни, мақбул ҳракат қилишни ўргатиши лозим.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-кулуб» асарида таълим-тарбия жараёнларини, воситаларини, ахлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар ва таълим бераётган фанини ва тарбия жараёнини севиши керак дейди. Ўзига хос ўқувчи жамиятда обрўли ва ҳурматга лойик инсондир, деб ҳисоблайди. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Навоийнинг фикрича, баъзан бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қилади, муаллим синф жамоасига илму-адаб ўргатади. Бу жараёнда синф раҳбари кўп машаққатларга дуч келади. Шунинг учун шогирдлар устоз олдида умрбод қарздор эканликларини хис этишлари лозим. Шогирд подшолик мартабасига эришса ҳам муаллимга қуллуқ қилса арзийди дейди.

*Хақ йулида сенга бир ҳарф ўқитмии ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялар экан, у ўз фаолиятида қуйидаги талабларга риоя қилиши керак:

- синф раҳбари ўқувчи ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим.
- синф раҳбари болаларга аҳлоқий нормаларни ўргатиши керак.
- гердайиши, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи аҳлоқига ёд сифатлардир.
- халқ назарида олим ҳисобланадиган ўқитувчилар ёмон ишлардан, фиску-фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан тўғри муомила қила олиши мураккаб, нозик иш. Чунки ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги ўрта ёки олий маълумотли кишилар, улар вақтли матбуот, телевидиние, радио орқали кўпгина педагогик ахборотларни билиб оладилар. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўғил ёки қиз бола мактабда ўзбошимчалик қиласи, лекин оилада хушёр ва гапга қулоқ солади, ёки аксинча. Оилада муомаласи кўпол, ўзбошимча, мактабда эса ўзини хушмуамола, интизомли тутади. Бунинг сабаби нимада? Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси учун бир хил сабаб ва тўғри жавобни топиш амри маҳол. Чунки ҳар бир ҳолатда унинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Демак, синф раҳбари ва ота-оналарнинг мақсадлари бир хил бўлса ҳам, уларнинг ҳамкорлиги, бир-бирини тушуниши, муомала муносабатлари қарама-қаршиликлариз бўлмайди.

Синф раҳбарининг фаолияти камол топаётган киши шахсини таркиб топтиришга қаратилгандир. Бу фаолиятнинг натижалари тарбияланувчининг қиёфасида, унинг шахсидаги хусусиятларида, характер ва хулқ-авторида ўз аксини топади. Агар тарбиячи педагог нимага интилаётганини равshan ва аниқ тушунилмаган жойда тарбияланувчилар шахсини такомиллаштиришга астойдил интилиш бўлмайди, балки тарбияда ўтказиладиган иш тасодифий тусга эга бўлиб, бунинг учун ажратилган вақтни тўлдириш учунгина олиб борилади. Тарбия фаолиятининг мақсадларини аниқ билмаган ва бу мақсадларни ҳисобга олмаган ҳолда тўла қимматли тарбия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Маънавий-аҳлоқий тарбиянинг мақсади жамият талабларига боғлиқ бўлиб, бу талаблар ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва жамиятда ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларининг ҳаммаси ёш авлодда маънавий аҳлоқ ва эътиқодни шакллантиришга, уларни Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш тузимини такомиллаштиришда бошланғич мактаб мухим ўрин эгаллайди. Маънавий аҳлоқий тарбия-маънавий онгни бир мақсадни кўзлаб таркиб топтириш, аҳлоқий туйғуларни ривожлантириш ҳамда хулқ-автор кўникумлари ва одатларини ҳосил қилишдан иборат. Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг қуйидаги вазифаларини ҳал этиши керак.

1) Туғилиб ўсган жойига, Ўзбекистон Республикасига юксак муҳаббат туйғуларини, унинг табиати ва кишилар ҳақида, Ватаннинг ҳимоячилари ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида, ота-боболаримиз, уларни дунё цивилизициясига қўшган хиссалари тўғрисида кўпроқ билишга интилишни тарбиялаш.

2) Ўқувчиларда Ватанимизнинг бой тарихи, шунингдек бошқа мамлакатлар тўғрисида, тинчлик учун кураш ҳақида чет эллардаги болалар ташкилотлари ҳақида дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш.

3) Болаларда ўртоқлик туйғусини, бошқаларга ёрдам кўрсатиш иштиёқини, умумий фойда йўлида биргалиқда фаолият кўрсатишга интилишни таркиб топтириш. Ўғил ва қиз болалар ўртасида дўйстона муносабатларни рағбатлантириш, сохта ўртоқлик кўринишларига қарши кураш олиб бориш лозим.

4) Ўз сўзи ва ваъдаси учун, ўқитувчи ва жамоа топширикларининг бажарилиши учун масъулият туйгусини тарбиялаш.

5) Болаларда кишиларга тўғри муносабатни, кексалар, беморлар, ногиронларга нисбатан эътибор ва ғамхурликни, хушфеъл ва бетартиб, камтар ва ҳакгўй бўлишини тарбиялаш.

Ўқувчиларни барча кишиларнинг яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларини фарқлай олишга, ўз хатти-ҳаракатларига ва ўртоқларининг хатти-ҳаракатига адолатли баҳо беришга ўргатиши, ҳамда ўз куч ғайратини ўқувчиларда нопоклик, адолатсизлик, кишиларга раҳм-шафқатсиз бўлишга нисбатан салбий муносабатни таркиб топштиришга қаратмаслиги керак.

Ўқувчиларни тарбиялаш ўқитишга қараганда анча қийин деган фикрни ўқитувчилар орасида тез-тез эшиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбия таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда, ўзининг хусусиятларига эга. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни барча процессларини билим бериш ва ўргатиш билан бирга қамраб олади. Бундай иккита ўзаро боғланган томон: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш процесслари ажралиб туради. Ҳаётни билиш маълумот олишнинг асосий функцияси, унга бўлган муносабатни таркиб топтириш тарбиянинг асоси, вазифасини ташкил этади.

Синф раҳбари фақат таълим-тарбиянинг бирлигини эмас, балки уларнинг хусусиятларини ҳам кўра билиши мухимдир. Мактабдаги тарбия инсон шахсини таркиб топтириш юзасидан олиб бориладиган улкан ишининг бир қисми холос, у боланинг илгариги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, ундаги барча яхши сифатларни ўстириб, нотўғри тасаввурлар, одатларни тузатиб бориши ва бўлажак яхши сифатга замин тайёрлаши керак. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўқувчи мактабни тамомлагандан кейин ҳам тугалланмайди, у бутун умр бўйи давом этади.

Маънавий-аҳлоқий тарбия-таълим бериш билан боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз хусусиятларига, ўзига хос вазифалари, уни ташкил этишнинг форма ва методларига эга бўлиб, маҳсус равишда ўрганилиши лозим. Ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг мухим шарти сифатида уларнинг ўқув ва ўқишдан ташки хилма-хил фаолиятларининг бирлиги тўғрисидаги тушунчалар билан боғлиқдир.

Ўқув ва маънавий-аҳлоқий тарбия фаолияти бир-бирларини тўлдириш лозим: Синф раҳбари томонидан тарбиявий босқичга раҳбарлик қилинган тақдирдагина тарбияда бирор мақсадга қаратилганлик, маълум бир системанинг бўлиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбиялаш аввало тарбияланувчи шахсининг таркиб топиш процессига раҳбарлик қилишни такозо этади.

Бирор мақсадга қаратилган тарбия процессида тарбияланувчиларнинг жисмоний ҳамда маънавий-аҳлоқий етуклиги ўсиб боришига караб уларнинг мустақиллиги ва ижодий активлиги ортиб боради. Ўқувчилар жамоасининг онглилиги ортиб бориши билан тарбиячининг вазифалари ўзгаради. Тарбия давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи назари аста-секин таркиб топади.

### **3. Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш усуслари.**

Синф раҳбарининг ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин:

1. Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйсиндирмоғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг янада самарали усул ва методларни танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майилари ҳамда қизиқишлиарини қайд қилиб бориш билангина чекланиб қолиш нотўғри. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишни ташкил этиш мухимдир. Ўз

ўқувчиларини яхши ўрганиш, демак, ташқи томонига эмас, балки уларнинг хулқ-атвор сабабларини ўрганишга эътибор бермоқ даркор.

2. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш. Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали меҳнатга ва жамоа ишига ўрганиши лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва теварак-атрофдаги кишилар билан бўладиган муносабатларини ўрганиш жуда мухим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахснинг қирралари янада тўла очилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик хатти-харакат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

#### **Синф раҳбари қўйидаги вазифаларни бажаради:**

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараётган у ёлғиз эмас, шу синфда дарс бераётган турли фан ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда ва уларга суюнган ҳолда ўқувчиларда миллый дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантериади. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари тадбирларини ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши ва қобилятини ўстириш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда у ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг дикқат марказида ўқувчиларнинг дарсни юқори ўзлаштиришларини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўқувчининг кундалик ўзлаштиришидан воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётгандарга ўз вақтида, кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини йўналтиради, улар иштирокида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишларидаги иштирокини таъмин этади, мактаб миқёсида уюштирилаётган мухим тадбирларда ўз синфининг фаол катнашишини таъминлайди.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўқув куни ўзлаштирилган гурухларнинг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, тураг жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билим тарқатиб, оила билан мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ниҳоят даражада юқори бўлиши ҳам мухимдир. Ана шундагина у тарбиявий таъсирга эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўнкималарга эга бўлишининг ўзи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўтказади. Чунки тарбиячилек қобиляти жуда кўп сифатларни чуқур билим, кенг фикрлилик, ишга жондилдан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз мұхабbat, муомала, назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ, оқил ва адолатлилик намунаси, алоҳида назокат, сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қиласди. Тарбиячилек техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир. Синф раҳбари педагоглар, ота-оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларнинг нуқтайи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларини бир марказга бирлаштириши, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиши ва айни вақтда ўзининг ғоясини аниқ ифода эта олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффакиятини таъминлашга ёрдам бўлади.

Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларнинг фикрлаш қобилятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириши юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиш ва мұхабbatни ўстиришга, таълим

сифатини оширишга ҳаракат қилиш зарур. Ўқиш жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўқувчиларни тарбиялашда истедод ва қобилиятнинг ўрни?
2. Тарбияда ота-она ва жамоатчилик ҳамкорлиги?
3. Тарбияда интизомли бўлиш шартми? Сиз нима дейсиз?
4. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва қизиқишиларини назорат қилиш деганда нимани тушунасиз?
5. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши ва қобилитини ўстириш учун нима қилиш керак?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”. -Т.: Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
6. Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
7. Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.
8. Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

### **8-мавзу: Ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш ва синфда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш.**

#### **Р Е Ж А:**

1. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.
2. Синф раҳбарининг тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш усуллари.
3. Синф раҳбарининг ўз ўқувчиларини рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.
4. Синфда интизомни мустаҳкамлаш усуллари.

**Таянч сўзлар:** Ўқувчи, фаолият, билим, истеъодод, қобилият, тарбия, меъёр, рағбат, жазо, интизом, масъулият, бурч.

### **1. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.**

Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини тараққий эттиришда синф раҳбарининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Билимга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиши. Бола билимга қизиқмасдан туриб, ўқишга интилмайди, муваффақиятли ўқий олмайди. Болада ўз кучига ва қобилиятига ишонч хосил этиш, ўқишга жалб этиш, илк ютуқлари учун рағбатлантириш айниқса аҳамиятлидир. Боладаги ўқишга қизиқувчанлик қийинчиликларни енгишга, фаоллигини оширишга, ишонч уйғотишига ва мустақиллиги камол топишига олиб келади.

2. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлиш ва унга масъулият билан ёндашиш. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлишлик таълимнинг ижтимоий, ўқишнинг шахсий аҳамиятини тушуниш демакдир. Синф раҳбарлари ўқувчиларга уларнинг бош вазифаси – ўқиш эканлигини тушунтириши керак. Ўқишга масъулият ҳисси, фақат Ватан

олдидаги бурчгагина эмас, кенг ижтимоий қамровли – жамоа, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўз олдидаги масъулият, уларнинг фикрлари, маъқуллашларини эшитишга интилиш, синф, ўкув жамоасида муносиб ўринни эгаллашга ҳам тегишидир.

3. Ўқиши маданиятини ошириш. Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият ҳолларда, ўкувни тизимли ва режали олиб бориш иқтидори ва кўнимкасининг болаларда шаклланмаганлигидан келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва фан ўқитувчиларининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фаолиятини қуидаги шартлар асосига кўриш билан болғиқ:

1. Фаолиятни режа асосига кўриш.
2. Қунт билан ишлаш.
3. Пала-партишилкка йўл қўймаслик, сарамжомликка ўрганиш.
4. Билим сифатини ошириш.
5. Қийинчиликларни енгиш.
6. Ўқув меҳнатида муайян режимга итоат этиш.

Бу дегани ўқув меҳнатини ўқувчининг дам олиши билан тўғри алмаштириб борилишидир.

7. Ўқишида ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштириш.

Ўртоқларча ўзаро ёрдам синфда улгурмовчиликнинг олдини олади, синф жипслигини оширади, жамоатчилик руҳининг шаклланишига олиб келади.

8. Синф ўқитувчилари билан ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синфда дарс берувчи бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда олиб боради.

Энди бевосита ана шу ишлар мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Синф раҳбари тарбиявий ишларни амалга ошириш жараёнида ўқиши нафақат ҳар кимнинг шахсий иши, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш эканлигини ўқувчиларга тушунтириб боради. Мустақил давлатимиз, бутун халқимиз мактаб даргоҳидан чукур билимли, ҳаётга ҳар томонлама тайёрланган кишиларнинг етишиб чиқишини кутмоқда. Булар ҳақида синф мажлисларида, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ёки бир гурух ўқувчилар билан ўтказиладиган сухбатларда, турли тарбиявий тадбирларда синф раҳбари батафсил гапириб беради. Ўқиши бу жиддий меҳнат эканлитини ва бунга астойдил ёндашиш, катта масъулият билан қараш кераклиги болаларга тушунтириб борилади.

«Билим – такрорлаш мевасидир», – деган эди Абу Райҳон Беруний. Синфда ва уйда кўп ва жиддий ишлайдиган болалар, одатда ўқишида ва меҳнатда катта муваффақиятларга эришадилар. Ҳар қандай муваффақиятнинг замирида тинимсиз меҳнат ётади. Болаларни ўқишига масъулият билан қараш руҳида, кўчириб олишга қарши нафрат руҳида тарбиялаш керак.

Синф мажлисларида вақти-вақти билан мазкур масалалар бутун мазмун-моҳияти билан муҳокама қилиниши, шу орқали ўқув машғулотларига лоқайдлик билан қарайдиган ўқувчиларга сезиларли таъсир ўтказиш керак.

Синфнинг ўзлаштириш масаласи атрофида жамоатчилик фикрининг шаклланиши, бу борада синф деворий газетаси имкониятларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишиларини оширишда уларнинг назарий билимларини мустақил равишда қўллай билишларини хисобга олиш айниқса муҳимдир. Бу тажриба жуда кўп мактабларда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Ўқувчиларга бирор бир фан бўйича қўргазмали қурол ёки бирор жихоз ясад келиш буюрилади. Бунда «Агар тиришсанг, бу сенинг қўлингдан келади» деган гапни унинг қулогига қуйиш керак. Буни ўқувчи нафақат оддий топшириқ, балки ўқитувчининг ишончи сифатида ҳам қабул қиласи. Тўғрисини айтганда, бундай нарсаларни ясаш учун ўқувчи етарли назарий билимга эга бўлиши керак. Ўқувчи топшириқни пухта қилиб бажариши учун у ёки бу фан асосларини ўрганишга, ўз билимини чуқурлаштиришга ҳаракат қиласи, ўзи ясаётган ўкув қуролига, ушбу фанга ниҳоятда қизиқиб қолади. Шу билан биргаликда ҳар бир ясалган

нарса замирида меҳнат ётганлигини ҳис қиласи, синф ва мактаб жиҳозларини авайлашга ўрганади.

Мактаб ўқувчиларининг билимга қизиқиши уларнинг ҳаётий эҳтиёжларига бевосита боғлиқдир. Мактаб ҳовлисидаги токзор, иссиқхонада ўтказиладиган амалий жараён – дарахтларни буташ, уларга пайванд солиш, ток кесиш, дарахт ўтқазиш, иссиқхоналарда помидор, сабзавотлар етишириш қоидалари ўқувчиларда катта қизиқиши уйғотади. Бу ҳол уларни ботаника, геометрия, жўғрофия, меҳнат фанларига ҳавас, уларни севиб ўрганишга рағбат уйғотади. Ахир, юқоридаги фанлардан чукур билим ва малака ҳосил қилмай туриб, мазкур ишларнинг моҳир усталари бўлиб етишиш мумкинми? Болаларга ижтимоий фанларга қизиқиши орттириш учун уларни турли маданий-маърифий тадбирларга тортиш аҳамиятлидир. Ҳудди шунингдек, физика, химия, биология, тарих, меҳнат, астрономия, чет тили фанлари ҳам ўқувчиларда ҳавас ўйғотадиган жуда катта ҳаётий амалий имкониятларга эгадир. Билимга бўлган қизиқиши шакллантириш ва ўстиришда синфларни, ўқув хоналарини ва мактаб биносини жиҳозлаш ҳам катта аҳамият касб этади, ўқувчиларда турли қарашлар, дид, дунёқарашни шакллантиради, эстетик завқ уйғотади, тегишли маълум соҳаларга ҳавас уйғотади.

Бугунги кунда турли фанлар бўйича қизиқарли адабиётлар нашр қилинмоқда: «Машҳур кишилар ҳаётидан», «Қизиқарли математика», «Қизиқарли ботаника», «Қизиқарли жўғрофия», «Ўсимликлар ҳаёти», «Бизни ўраб турган олам», «Тарихимизга бир назар» ва ҳоказо илмий-оммабоп туркумдаги бу китоблар ўқувчилар қўлига берилса, улар ҳаётида албатта бурилиш ясами турган гап. Китобдан ҳам яқинроқ дўст, ундан ҳам курдатлироқ тарбия воситаси борми ўзи?

Ўқув жараёнида фанлар бўйича ўзаро боғланишга катта эътибор бериш керак. Бундан ўқитувчию ўқувчи ҳам ютади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Физика дарсида масалалар ечиш асосида математика формуулаларидан фойдаланилади. Математика дарсларида физик катталиклар ва ўлчов бирликлари қўлланилади. Булардан ташқари иккала фан биргалиқда ўрганадиган мавзуулар бўладики, уларда иккала фан ўқитувчиси ҳам бир дарсда ўз соҳалари бўйича тушунча берсалар нур устига нур бўлади. Адабиёт-тарих, меҳнат-ботаника, тарих-жўғрофия жуфтликлари фаолиятида ҳам бундай имкониятлар чексиздир. Боланинг муайян бир фанга қизиқишига суюниб туриб, унда бошқа фанларга ҳам онгли равишда ёндашиш ва фан асосларини ўрганишга ҳавас уйғотиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларни билиш фаоллигини такомиллаштириш учун тўгарак, факультатив машулотлари жараёнида кенгрок фойдаланиш лозим. Синф раҳбари ўз ўқувчиларининг қизиқиши, мойиллиги, уй шароити ҳақида маълумотлар билан фан ўқитувчиларини таништиради, болага қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар беради. Ҳатто, шундай ҳам бўладики, бирор фандан ўзлаштирмаётган ўқувчи билан синф раҳбарининг ўзи бевосита иш олиб боради. «Иккаламиз бу топшириқни бажармасдан кўймаймиз», деб далда беради шогирдига. Керак бўлгандан, аълочи ўқувчиларни ёки ушбу фан ўқитувчисини ҳам кўмакка чақиради. Бундан ўқувчини кўнгли тоғдек кўтарилади, ёлғиз эмас эканлигини тушунади, топшириқни ўзлаштиришга ҳаракат, ҳавас уйғонади.

Болаларда ўқув меҳнатига жавобгарлик ва масъуллик ҳиссини тарбиялаш жуда муҳимдир. Масъулликни сезмаган ўқувчи пала-партиш ўқийди. Масъуллик кишини сергак торттиради, ўқув фаолиятига алоҳида жавобгарлик ҳисси билан қарашга ундейди.

Маълумки, онгли интизом ва масъулият ҳиссини сезиш мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг самараси ҳисобланади.

Болаларнинг интизомли бўлишида синф раҳбарининг хизмати катта. У дарсда ва дарсдан ташқари вактларда турли тарбиявий усууллардан фойдаланиб, болаларда интизомни тарбиялаб боради, синфда аниқ режим ва ички тартиб ўрнатишга киришади; жиҳозлаш, тозалик ва тартибни жорий этиб боради.

Бу ишларни синф раҳбари бир ўзи эмас, балки ўқитувчилар, синф жамоаси, фаоллари ва ота-оналар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Синфда интизомни сақлаш ва жорий қилиш фақат синф раҳбарининг иши деб тушунувчилар ҳам учраб туради. Бу мутлақо нотўғри фикр. Интизом учун бутун синф, педагогик жамоа масъулдир. Интизомни тарбиялаш жуда қийин ва мураккаб тарбиявий жараёндир. Шуниси ҳам борки, кўп вақт қилинган меҳнатни бир пайтни ўзидаёқ йўққа чиқариш мумкин. Масалан, синф раҳбари ва айрим фан ўқитувчилари дарсларида болалар жим, интизомли ўтиришади, дарсларни берилиб тинглашади, ўқув юмушлари билан банд бўлишади; баъзи ўқитувчиларнинг дарсларида бунинг акси: болалар қий-чув қилишади, бир-бирига қозоғ отишади, партанинг остига кириб яширинишида, натижада ўқитувчи тажанглашади, ўқувчилар билан ихтилофга боради. Бундай аянчли манзара ҳар бир мактаб ҳаётида учраб туриши табиий.

Нега шундай бўлади? Бу ҳолатда ўша фан ўқитувчисининг ўзи айбдордир. Негаки у дастлабки машғулотларидаёқ ўз «сири»ни болаларга олдириб қўйган. Ута қўнгилчан, сўзлари, ҳаракатлари таъсирсиз, бўшанг, мулойим, болаларни ўзига жалб қилолмайди, ташкилотчилик қобилиятига эга эмас.

Хўш натижа нима бўлади? Ўқитувчи ўз кайфиятини бузади, жисмонан чарчайди, ўқувчиларни уради, дарс мақсадига эришиш у ёқда турсин, дарсни тўлиқ ўтолмайди, бундан ҳам ёмони ўқувчилар интизомни бузади, синфда тарқоқликни, бебошлиқни вужудга келтиради. Мана, сизга биргина бўшанг ўқитувчининг келтирган зиёни.

Ўқувчиларда интизомни тарбияламасдан туриб, уларни мактабга, атроф-муҳитга, кишиларга, дарсларга тўғри муносабатда бўлишга, уй вазифаларини бажаришга, сарамжонликка ўргатиш қийин. Онгли интизомни тарбиялаш – мактабнин асосий вазифаси ҳисобланади.

Синф раҳбарлари худди шундай ҳолатларга ўз эътиборларини қаратишлари лозим. Бутун синф ўқитувчилари олдига ягона педагогик талабларни, қаттиққўлликни, синфда интизомни сақлаш, ўқувчиларга бўлган талабчанликни оширишни алоҳида вазифа қилиб қўйиш лозим.

Шарқнинг файласуф шоири Шайх Саъдий:

*Агарда муаллим бўлса беозор,  
Болалар синфи қилишар бозор,*

деб бежиз айтмаган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, интизом деганда болаларнинг партада қимиirlамай ўтиришини эмас, балки онгли интизомни тушуниш керак. Кўпгина ўқитувчилар ўзича интизом ўрнатмоқчи бўладилар. Синфга қош-қовоғидан қор ёғдириб кирадилар, дағ-даға қилиб болаларни сиқувга оладилар, гоҳ деса қўлга қўнадиган қилмоқчи бўладилар. Бу билан мутлақо келишиб бўлмайди. Зўравонлик асосига курилган тартиб яхшиликка олиб бормайди. Бу мурғак қалбларга адоват уруғини сочади, уларни совуққон, кўрқоқ, журъатсиз, ёлғончи қилиб қўяди.

Дарслардаги тартиб-интизомни сақлашнинг энг яхши усули ўқувчилар ишончини қозонишdir. Дарсни қизгин, ижодий, кўргазмали қуроллар ёрдамида, улар ҳавасини ва ҳайратини уйғотиш, лол қолдириш, дарс ўтилгач бирорта ҳам ўқувчини ишсиз қолдирмаслик – ҳар бирига ўзига хос амалий топшириқлар бериш айни муддаодир. Интизомли бўлиш нафақат мактабда, балки ўқувчининг келгуси ҳаётида ҳам аскотиши турган гап. Чунки, инсон ҳаётининг чигал ва мураккаб сўқмоқларида ҳам тартиб-интизом муҳим аҳамиятга эга.

## **2. Синф раҳбарининг тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш усуллари.**

Ривожланишнинг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, қандай жамиятда, у энг ривожланган, фаровон иқтисодий ривожланган мамлакат бўладими, ёки ривожланаётган жамиятми, уларда ўзларига алоҳида эътибор талаб этадиган инсонлар бўлади. Бундай инсонлар бирор-бир жиҳатдан жисмоний, психик ёки ижтимоий ривожланишида нуқсони мавжуд инсонлардир. Бундай инсонлар жамият ва давлатда доимо алоҳида гурухга мансуб бўлиб ажralиб туради. Уларга доимо маҳсус алоҳида муносабатда бўлиб келинган. Бироқ

бу тоифадаги инсонларга жамиятнинг тарихий-маданий шароитига мувофиқ турли даврларда турлича муносабатда бўлиб келинган.

“Муаммоли инсон” тушунчаси АҚШда кенг қўлланилса Европа мамлакатларида “имконияти чекланган инсонлар” ибораси кўп ишлатилади.

Бугунги кунда имконияти чекланган инсонларга муносабатда, энг аввало солик масаласи энг долзарб масала хисобланади. Чунки бундай инсонлар сони дунё миқёсида ўсib бормоқда.

ЮНЕСКОнинг истиқбол бўйича маълумотларида яқин вақтда жаҳон ҳамжамияти бу кўрсаткични ўзгартира олмайди.

Соғлом муҳит доимо инсонлар онгидаги ўз чегарасига эга бўлиб, чегарадан ташқари бўлганлар “номеъёрий”, “потологик” деб белгиланади. Амалиётда инсон англаған ёки англамаган ҳолда ўзгаларни белгиларига мувофиқ лаёқатли ёки лаёқатсиз деб баҳолайди.

Меъёр тушунчаси тиббиётда, психология, педагогик, социология ва бошқа фанларда кенг қўлланилиб келинади. Бу тушунчага аниқ ва яхлит, ягона таъриф беришга бўлган интилиш муваффақиятсизлик билан якунланган. Масалан, фақатгина тиббиётда олимлар 200 га яқин таъриф берганлар. “Меъёр” тушунчасини ифодалаб беришнинг мураккаблиги шундаки, у нафақат терминологик, балки мазмун, моҳият жиҳатидан ҳам ягона ифодага эга эмас. Масалан, ахлоқий меъёрлар доимо бир хил, ҳамма учун деб белгилана олмайди.

Шуни унутмаслик лозимки, меъёр – бу шундай ғоявий ҳосилаки, унда объектив борлиқ (реаллик) шартли равишда, ўртача статистик кўрсаткич бўйича, реал ҳакиқат тавсифланади, бироқ унда мавжуд ҳолатлар ифодаланмайди.

Тиббиёт, психология, социологияда меъёрнинг ўз кўрсаткичлари, параметрлари (ўлчами), тавсифномалари мавжуд. Меъёрга мувофиқ бўлмаган ҳолатлар барчаси бошқа сўз “меъёрдан оғишлиқ” деб юритилади.

Ижтимоий педагогикада “меъёр” ва “меъёрдан оғишлиқ” тушунчалари жуда мухимдир. Улар боланинг ижтимоий хулқ-атвори ривожланиши жараёнини характерлаш учун кўлланилади.

Хулқий оғишлиқ негатив ва позитив характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, меъёрдан хулқий оғишлиқ ҳолати бола ривожланишида ҳам ақлий носоғлик ва қобилиятлилик бўлиб ифодаланиши мумкин.

Бола хулқ-атворидаги бундай негатив хулқий оғишлиқ жиноятчилик, алкоголизм, гиёхвандлик ва бошқалар сифатида инсоннинг балки жамиятнинг ҳам ижтимоий шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Хулқ-атворига позитив оғишиликка ижтимоий ижоднинг барча шакллари тааллуқли бўлиб, улар: иқтисодий тадбиркорлик, илмий ва бадиий ижодкорлик ва бошқалар, аксинча эски меъёрлар ўрнига алмашувчи ижтимоий тизим ривожига хизмат қилувчи омил хисобланади.

### Меъёрдан оғишганлик типлари

Меъёрдан оғишганликни шартли равишда тўрт гурухга бўлиш мумкин: жисмоний, психик, педагогик ва ижтимоий меъёрдан жисмоний оғишлиқ инсоннинг соғлиғи билан боғлиқ бўлиб, тиббий кўрсаткичлар орқали белгиланади. У болаларнинг ёш ва жинсий кўрсаткичлари билан (вазни, бўй узунлиги, кўқрак кенглиги ва бошқалар) ифодаланади. Улар боланинг соғлиғини характерлайди. Аслида булар идеал кўрсаткичлар бўлиб, бундай кўрсаткичларга тўла мувофиқ келадиган болани топиш қийин бўлса керак. Жисмоний жиҳатдан меъёрдан оғишган болаларни ижтимоийлаштириш алоҳида қийинчилик билан амалга оширилиб маҳсус ишларни талаб этади.

Хасталик – инсон соғлиғидаги ҳар қандай йўқотиш, психик ёки жисмоний функция анатомик тузилмаси элементлари, фаолиятдаги бирор-бир қийинчиликнинг аниқланишидир. Чекланган имконият – инсон учун меъёрдагидек ҳисобланадиган ҳар қандай чекланиш ёки ўз фаолиятининг йўқолиши (нуксоннинг кўплиги ёки асорати) ёки инсон фаолияти доирасидаги ҳар қандай чекланишлар.

Лаёқатсизлик (ногиронлик) – инсон соғлиғидаги нұқсонлар асорати ёки чекланган имконият, меъерий қайси дір ролнинг бажарилишига түсік бўлган, ёш кўрсаткичлари, жинсий ёки ижтимоий омиллардан келиб чиқадиган ҳолат.

Арбий давлатларда “Соғлиғида имконияти чекланган шахслар” тушунчаси қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам бу тушунча киритилиб, унга жисмоний (ёки) ва психик камчилиги бўлган болалар тааллуқлидир. Бундай болаларнинг соғлиғидаги нұқсонлари уларнинг стандартдаги таълим олишларида түсіклик қиласи, шу сабабли таълим олишда маҳсус шароитлар яратилишини талаб этади.

Шунингдек, “нұқсонли” тушунчаси ҳам киритилган бўлиб, улар жисмоний, психик оғир ва мураккаб каби турларга ажратилган.

Меъердан психик оғишлик энг аввал боланинг ақлий ривожланиши, унинг психик нұқсонлари билан боғлиқ.

Бу гурухга энг аввало психик ривожланишида тўхталиш бўлган болалар ва ақлий норасолар ёки олигофрения (юон тилидан, oligos – кичик ва phren - ақл) лар киради. Болаларда турли даражали руҳий хасталиклар учрайди: енгил – дебиллик, чукур – идиотия. Шунингдек, психик оғишга нутқдаги нұқсонлилар, хиссий (эмоционал) – иродавий мухитдаги нұқсонлилар ҳам киради. Бу психик оғишликнинг энг сўнгти шакли бўлиб, аутизм (Юон тилидан, autos- сам) – психиканинг ҳолати, мулоқотга эҳтиёжи йўқлиги, одамовилиги билан характерланади ва ўз-ўзини ўлдириш, суицитга мойил бўлади.

Педагогик меъердан оғишлик. Бу шундай тушунчаки, ҳозирча педагогика ва ижтимоий педагогикада жуда кам қўлланилади. Педагогик меъерларда энг аввало стандартлар кўзда тутилади. Улар таълим даражаларини белгилаб беради. Таълимни эгаллаганлик ёки эгаллай олмаганлик меъердан оғиш меъерлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Педагогик меъерлар бўлиб, мамлакатда қабул қилинган умумий таълим стандартлар ҳисобланади.

Ижтимоий меъердан оғишганлик тушунчаси “ижтимоий меъерлар” тушунчаси билан боғлиқ. Ижтимоий меъерлар – бу жамиятнинг у ёки бу даврида, босқичида маҳсус ўрнатилган ҳатти-харакат намуналари ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган (руҳсат этиладиган ёки мажбурий) қоидалардир.

Умумий қабул қилинган хулқ-атворга оид қоидалар ўз тарихий ривожланиш йўлига эга. Улар қадимги даврлардан маълумдир. Жамият доимо ўзини сақлаб қолишига ҳаракат қилган. Шу мақсадда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли ижтимоий чеклашлар: мифлар, анъаналар, диний ақидалар киритилган.

Инсоният жамияти доимо мураккаблашиб ва такомиллашиб борган. Вақт ўтиши билан янада мустаҳкамроқ ҳуқуқий, аҳлоқий меъерлар вужудга келиб, инсонлар хулқ-атворига бўлган муносабатда у ёки бу жамиятда қабул қилинган аҳлоқ ва ҳулқли меъердан оғиш ҳолатлари шаклланишига қарши меъёрлаш юзага келди.

Ижтимоий меъерлар икки катта гурухга бўлинади:

Универсал меъерлар, жамиятдан ҳар бир инсонга тааллуқли меъерлар.

Хусусий меъерлар, инсонларни алоҳида белгиланган қасбий фаолиятлари соҳалари ёки инсонлар ҳаётий фаолиятлари (масалан, шифокор, педагог, ақа, дўст ва бошқа) га тааллуқли меъерлар.

Ижтимоий меъерларга риоя қилиш инсоннинг эҳтиёжи ва одатларига айланиши зарур. Агар бола ижтимоий меъерларни ва жамият қадриятларини ўзлаштирган бўлса, уни ҳулқий оғишган бола деб атайдилар.

Хулқий оғишган болалар муаммоси социология, психология ва педагогикага оид адабиётларда асосан ишлаб чиқилган. Хулқий оғишганликнинг турларига болалар алкоголизми, гиёхвандлик, бузуклик, қаровсизлик, назоратсизлик, дайдилик, жинояччилик, ҳуқуқбузарлик ва бошқалар киради.

Илмий педагогик адабиётларда бу тоифадаги болаларни турлича атамалар билан берадилар: “Тарбияси оғир”, “оғир ҳулқли”, “девиант бола” ҳулқи оғишган, социал ҳулқли

бала. Ижтимоий ривожланишида хулқий оғишган болалар орасига яна шундай тоифадагилар: Ота-она қарамоисиз қолған болалар ҳам киради. Бундай болалар – етимлар ва “ижтимоий етимлар” дир. Улар биологик ота-оналари бўла туриб, турли вазият сабабли бирга яшамайдилар. “Ижтимоий майдондан четлатилган” болаларни жамиятга қайтариш учун уларга ёрдам бериш зарур. Шу сабабли ижтимоий педагогнинг бундай болалар билан олиб борадиган ишлари, бир томондан, хулқий оғишликнинг олдини олиш, профилактика ишлари, жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидалар ҳолатларида огоҳлантириш, бошқа томондан, хулқий оғишган болаларни реабилитация қилиш ишларини бажариш лозим.

**Девиация типлари.** Ўсмилик даврини ўтиш босқичи деб атайдилар. Болалар ёш кўрсаткичлари даврида ўтиш босқичи энг қийин ва мураккаб даврdir. Бу даврни яна шу сабабли ҳам ўтиш даври деб ҳисоблайдиларки, бу ўсиш босқичида инсон болаликдан катталик даврига, бола характеристидан, етук инсон бўлиб шаклланадиган бир, ўзига хос жараёнлар даврига ўтилади.

**Девиация типлари:** Меъёрдан оғиш, жамиятда қабул қилинган қоида ва хулқ-автор меъёrlаридан оғишган ўсмиirlar оғир тарбиялилар деб аталади. Оғир тарбияли ўсмиirlar жамиятда ўрнатилган қоида ва меъёrlарга риоя қилмайди. Бундай ҳолат илмда девиация дейилади (лотин тилида deviation - оғишлик). Масалан, физикада компас магнит стрелкасининг оғиши, биологияда организм ривожланишида оғишлик учрайди.

Девиация (оғишлик) – бир томондан уни ўраб турган инсон ва атроф-мухитга хос бўлган ўзгарувчанлик ҳодисасидир. Ўзгарувчанлик ижтимоий мухитда инсон хулқ-автори билан боғлиқ, илгари айтиб ўтилгандек, хулқ меъёrdагидек ёки оғишган бўлиши мумкин.

Меъёрий хулқ ўсмиirlning ривожланишидаги эҳтиёжлари ва имкониятлари, унинг ижтимоийлашувига тўла жавоб берувчи, унга адекватликга монанд келувчи микросоциум билан унинг ўзаро фаолиятидир.

Агар боланинг атрофидаги муҳит ўсмиirlning у ёки бу хусусиятлари, унинг хулқ-авторига доимо (ёки деярли доим) ўз вақтида ва адекват (монанд) бўлса, ўсмиirlда хулқ-автор меъёрий бўлади. Бу фикрдан хулқи оғишганликнинг тавсифи ҳам келиб чиқади, бироқ боланинг микросоциум билан ўзаро фаолияти сифатида унинг ривожланишини бузувчи ва ижтимоийлашувида ва юзага келувчи хулқи, жамиятда ўрнатилган ахлоқий ҳамда хукуқий оғишганлик ижтимоий дезадаптациянинг (бola учун ижтимоий муҳит шароитларига мослашишга тўсиқлик қиласидиган ҳодиса кўринишларидан биридир).

Болалик - ўсмилик дезадаптацияда қуйидаги патологиялар ўз тасдиfinи топган: Мактаб ёшидаги болалар, мактабга бормайдилар, етим-болалар, ижтимоий етимлар, гиёхвандлик ва заҳарли (токсинли) воситаларни қабул қилувчи ўсмиirlar; жинсий ахлоқиз ўсмиirlar, хукуқбузарлик фаолиятларига берилган ўсмиirlar.

Девиациянинг таркибида девиантлик, делинквент ва криминал хулқ-авторлилар киради.

Девиант хулқ-автор-хулқий оғишганликнинг бир тури бўлиб, ўсмиirlning ёшига мувофиқ бўлмаган ижтимоий хулқ-автор меъёр ва қоидаларининг бузилиши билан болиқ бўлган микросоциум муносабатлар (оилавий, мактабдаги) ва кичик жинсий ёш ижтимоий гурухлари учун характерли бўлади. Яъни хулқ-авторнинг бу типини интизомсизлик деб аташ мумкин. Девиант хулқ-автор кўринишларига ўсмиirlning намойишкорлик, агресивлик, ўзига эрк бериш, ўқиш ва меҳнат фаолиятидан тизимли оғишлик, уйдан кетиб қолиш, дайдилик, ичкиликбозликга берилиш, алкогольизмга берилиш, гиёхвандлик ва у билан боғлиқ ассоциал фаолиятлар, жинсий характердаги жамиятга қарши фаолиятлар, суицид<sup>4</sup>.

Делинквент хулқ-автори – девиантликдан фарқли равища болалар ва ўсмиirlarнинг ассоциал хулқ-автори билан характерланади. Бу хулқий ҳаракатларда хукуқий меъёrlарни бола бузиб ўтсада, бироқ хукуқий, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Сабаби чекланган ижтимоий хавфли ёки бола жиноий жавобгарликка тортилиш ёшига етмаган ҳисобланади.

<sup>4</sup> Суицид (инглиз тилидан suicide – ўз-ўзини ўлдириш – ўз-ўзини ўлдириш ҳаракати, кучли руҳий ҳолат)

Делинквент хулқ-атворда: асосан инсон шахсига қарши агрессив-зўравонлик хулқи, ҳақорат, жанжалкашлик, ўт қўйиш, садистлик харакатлари ажралиб туради.

Делинквент (лотин тилидан *delinqvenc*-хукуқбузар)-хулқий оғишган субъект, ўз харакатларида жиноий жазоланадиган фаолиятларни амалга оширади.

- ғаразли хулқ-атвор, ўзида майда ўғрилик, босқинчилик, талончилик, автотранспортни ғўирлаш ва бошқаларни амалга ошириб, моддий манфаат кўринишнинг илинжида мулкий тажовуз қилишдан иборат.

- Гиёхванд моддаларни тарқатиш ва сотиш.

Криминал (жиноий) хулқ-атвор (лотин тилидан, *criminalis*-жиноятчилик) хукуқбузарлик ҳаракати бўлиб, жиноий жавобгарлик ёшига етгунча, жиноий иш очишда асос бўлиб хизмат қилувчи ва жиноят кодексининг белгиланган моддалари билан асосланадиган хулқ-атвор.

**Ўсмирларда девиант хулқ-атвор сабаблари.** Инсон тараққиёти кўпгина омиллар ўзаро таъсири билан асосланади: Ирсий авлоддан-авлодга ўтувчи, муҳит, тарбия, инсоннинг шахсий амалий фаолияти кабиларга боғлиқ. Вояга етмаганларнинг девиант хулқ-атворини асословчи асосий омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Биологик омил. Бола организмини нокулай физиологик ёки анатомик хусусиятлари мавжуд бўлиб, уни ижтимоий мослашувини қийинлаштиради. Буларга: - генетик, авлоддан авлодга ўтувчи хусусиятлар..

- Физиологик, ўз таркибида нутқдаги нуксонли, ташқи киёфадаги нуксонлар, конституцион-соматик нуксонлар сабабли атрофдагилар билан муносабатда негатив ҳолатларни юзага келтиради ва шахслароро муносабатда боланинг ўз тенгдошлари, жамоа ўртасидаги чеккага чиқиш, туртилишга олиб келади.

2. Психик омил. Бола психопатологиясида ёки акцентуациясида (ҳаддан ташқари зўриқиши) характеристининг алоҳида хусусияти билан ифодаланади. Бу хулқий оғишганлик бола асаб-рухий касалликлар психопатия, невростения билан хасталанганлиги орқали вужудга келади. Акцентуирлашган ҳарактер хусусиятига эга бўлган болалар турли психологик таъсиrlарга ўта сезгир, психик меъёрнинг энг четки тури бўлиб, тиббий-ижтимоий реабилитацияга муҳтоҷ ва тарбия ҳарактеридаги чора-тадбирларнинг кўрилишини талаб этадиган болалардир.

3. Ижтимоий-педагогик омиллар. Оила, мактаб ва ижтимоий тарбия нуксонларида намоён бўлади. Бу омил болани эрта ижтимоийлашувдан оғишганликга, болалик давридаёқ мактабда ўзлаштирмовчилик туфайли мактаб билан алоқанинг узилиши (педагогик бўш қўйиш) олиб келади. Ўсмирда мактабга бўлган онгли равишда қизиқишининг шаклланмаслиги мотивига сабаб бўлади. Бундай болалар мактабга ёмон тайёрланган, уй вазифаларига негатив муносабатда бўлувчи, мактаб баҳоларига бефарқ бўладиган, ўқув дезадаптациясига учровчи бўладилар.

- ўқув дезадаптация – боланинг мактабга бўлган умумий қизиқишини сақланишида бир ёки икки фанни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келган ҳолатидир.

- мактаб дезадаптация – боланинг ўш хусусиятида таълим олишидаги қийинчиликлар билан бир қаторда хулқий бузилиш ҳолатлари ўқитувчилар, синфдошлари билан жанжалли вазиятлар кўринишида ўринга чиқади. Дарс қолдириш одатлари пайдо бўлади.

- ижтимоий дезадаптация – боланинг ўқишига бўлган қизиқиши, мактаб жамоасининг талабларига жавоб беришдан қочиш ҳолатлари, турли асоциал жамоаларга кириб кетиш, спиртли ичимликларга, гиёхвандлик моддаларига қизиқишининг ортиши билан намоён бўлади.

Боланинг ижтимоий ривожланишидаги оғишганлик омилларга ёмон оилалар сабаб бўлади. Шундай оилавий ўзаро муносабатлар усуллари мавжудки, улар вояга етмаганларнинг ассоциал хулқ-атворининг шаклланишига олиб боради:

1. Тарбиявий ва оиланинг ички муносабатларининг дисгармоник усули. Бу усул ўзида бир томондан, бола истакларига кўра бўлса, иккинчи томондан, боланинг жанжалли

вазиятларга ёки оилада икки хил ахлоқий қараш мавжудлиги: оила учун бошқа, жамият учун умуман бошқача бўлган тарбиявий ҳолатлар.

Барқарор бўлмаган, жанжалли усул нотўлиқ оиласларга тарбиявий таъсир этувчи, эр хотин ажралиши, ота-она ва болалар узоқ муддат алоҳида яшашлари сабабли юзага келади. Муносабатларнинг ассоциал усули ёмон ташкил этилган оиласларда, доимий спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандликка берилиш, ахлоқсизлик, ота-онанинг жиноятчилик хулқ-атвори, “оиласлар қаҳри қаттиқлик” ва зўравонлик каби иллатларда юзага келади.

Қаҳрли муносабатлар (ҳақорат, хўрлаш) деб болага ғамхўрлик қилувчи, қарамғоига олган одамлар томонидан зарар етказилишининг кўпгина ҳаракатларига айтилади. Бу ҳаракатларга болалар жисмоний зарар етказилувчи жисмоний, эмоционал (хиссий), жинсий қийноқлар билан азоблаш, кўп такрорланувчи ноўрин жазолар киради.

Қаҳрли муносабатларга болалар уйда, оиласла, кўчада, мактабда, болалар меҳрибонлик уйларида, касалхона ва бошқа болалар муассасаларида дуч келишлари мумкин.

Шундай ҳолатлардаги болалар, хавфсизлик ҳиссини сезмайдилар. Уларнинг меъёрий ривожланишида бу ҳиссиётнинг аҳамияти катта.

Бу эса болалага уни ўзи ҳақида, мен ёмонман, ҳеч кимга керакмасман, севимли эмасман деб ўйлашларига сабаб бўлади. Қаҳрли муносабатларнинг ҳар қандай тури бола соғлиига катта зарар етказади. Унинг ҳаёти ва ижтимоий мослашувчанлигига хавф туғдиради. Ижтимоий-иктисодий омиллар ижтимоий тенгсизликка сабаб бўлади. Жамиятни бой ва камбағаллар, жамият учун энг аҳамиятли аҳолининг камбағаллашуви, ишсизлик каби қатламларга ажратади. Ижтимоий қабул қилинган ҳалол иш ҳаққини (қонуний) олиш усулларининг чекланиши, инфляция ва ижтимоий тартиб бузарликка олиб келади.

Ахлоқий-маънавий омиллар. Ҳозирги даврнинг жамиятда бир томондан маънавий ахлоқий даражанинг пасайиши бўлса, қадриятли, биринч навбатда ахлоқий хулқнинг бузилиши, бошқа томондан, жамиятнинг нейтрал муносабатларида девиант хулқ-атвор муносабатларида юзага келишига олиб келади.

**Ўсмирларда девиант хулқ-атворнинг олдини олишнинг асосий йўналишлари.** Турли девиант хулқ-атворнинг узлуксиз равишда ўсиши жамият олдига ижтимоий меъёрлардан оғишган хулқли ўсмирлар ва ёшлар билан олиб бориладиган ишларнинг шакл ва усулларини, технологияларини топиш вазифасини кўйган. Шу сабабли девиант ва делинквент хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашнинг икки асосий технологиялари, профилактик ва реабилитацион ишлар фан ва амалиётда кенг тарқалган.

Профилактика (олдини олиш)-ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий хулқий оғишганликнинг турли кўринишларига асосий сабаб бўлувчи шароитлардан огоҳлантириш, бартараф қилиш ёки нейтраллашга йўналтирилган давлат, жамиятнинг ижтимоий-тиббий ва ташкилий-тарбиявий чора-тадбирларининг йигиндишидир. Ўсмирларда девиант хулқ-атворнинг олдини олишга қаратилган бир неча ёндашувлари мавжуд:

**1.Ахборотли ёндошув.** Бу ёндошув ижтимоий меъёрдан хулқий оғишганлик келиб чиқишида вояга етмаганлар (бу ижтимоий меъёрларни) билмасликлари туфайли уни ўз асосий йўналиши сифатида вояга етмаганларга бу меъёрларга риоя қилиш, ўз хукуқ ва бурчлари ҳақида ахборот беришдан иборат.

**2.Ижтимоий-профилактик ёндошув.** Бундай асосий мақсад – негатив ҳолатларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, нейтраллашдан иборат.

**3.Тиббий-биологик ёндошув.** Бу ёндошувнинг моҳияти ижтимоий меъёрлардан оғишганликнинг олдини олишда тиббий-профилактик характердаги турли психик носоғлом шахсларга муносабат-биологик даражада бўлиши лозим. Агар инсонда психик (рухий) ривожланиши, олдидан турли нуқсонлар бўлса, у ўз руҳий хусусиятларига асосан маънавий-ахлоқий меъёрларни бузиши мумкин. Бу ҳолатда инсонга уни ўзгаририб

бўлмайдигандек қаралади. Ўсмирда бундай психик носоғломликни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳимдир.

**4. Ижтимоий-педагогик ёндошув.** Бу ёндошув моҳияти ўсмирни девиантлик хулқатворидаги шахсий хусусиятларини қайта тиклаш ёки тўғрилашдан иборат. Айниқса, унинг ахлоқий-иродавий шахсий хусусиятларини қайта тарбиялаш шарт. Ўсмирларда, уларнинг иродавий хусусиятлари, хулқатворида қуидагиларни шакллантириш лозим:

- ўз сўзи ва ишининг эгаси бўлиш;
- ўсмирнинг жиноятга бошловчи, жамиятга зарар етказиш каби иллатларга бўлган қизиқиши ва ҳаракатларини тўхтатиш;
- ҳозирги даврда муҳим бўлган масалалар билан банд қилиш;
- ҳуқуқка қарши бўлмаган, пухта ўйлаб чиқилган мақсадларни қўйиш.

Эркин бўлмаган инсон флюгерга ўхшайди, шамол қай тарафга эсса ўша томонга ўгирилади. Бундай инсондан ижтимоий меъёрларни бузиш, жиноятчиликни кутиш мумкин. Уни енгиллик билан алдаш, ўзгаларнинг сўзларига қулоқ солиши, ўзга ахлоқий қараш ва баҳоларга оғдириш осон. Ўзга ахлоқий қарашларга эргашиб, у ҳуқуқбузарлик ва ахлоқсизлик хулқатворига эга бўлади. Бундай инсонларни тарбиялашда жамият томонидан унга эркинлик ва ҳуқуқларини бериб, уни ўз-ўзини бошқара олишга ўргатиш зарур.

**5. Сакнцияларни қўллаш.** Бу ёндошув моҳияти ҳуқуқбузарлик қилган инсонни жиноий қонунлар асосида жазолаш туради.

Бироқ, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу самара бермайдиган ҳолат бўлиб, жамият томонидан қаттиқ санкция бўлиб ҳисобланади, халос. Шу сабабли ижтимоий оғишганлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этишда бу фақатгина ёрдамчи восита бўлиб ҳисобланади.

#### **Девиант хулқатворли ўсмирларга нисбатан ижтимоий-педагогик реабилитация ишлари.**

Ижтимоий педагогнинг жамиятга мослашаган, хулқий оғишган ўсмирлар билан олиб борадиган иш технологияси уларни реабилитация қилишdir.

Реабилитацияни инсонни жамиятга мувофиқлаштиришга киритадиган чоратадбирлар тизими сифатида қаралиши мумкин. Реабилитация яна инсон шахси, унинг жисмоний алоҳида психикасининг функцияларига таъсир этишнинг натижаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. Адаптация (мослашувчанлик)дан фарқли равишда, реабилитация инсон фаолиятини қайта тиклаш деб тушунилади. Реабилитация – бу болани фаол ҳаётга, жамиятга ва ижтимоий фойдали меҳнатга қайтариш мақсадини кўзда тутувчи чоратадбирлар тизимиdir.

Реабилитациянинг қуидаги турлари белгиланган: тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий-иқтисодий, касбий, майший.

Тиббий реабилитация бола организмида ўз функциясини йўқотган у ёки бу жойнинг тўла ёки қисман қайта тикланиши ёки боладаги ривожланаётган касалликни секинлаштириш имкониятини яратишга йўналтирилган.

Психологик реабилитация ўсмир руҳиятига, онгига девиант хулқатворнинг керакмаслиги, уни шахс сифатида ҳеч ким ҳурмат қилмаслигини сингдиришни мақсад қилган.

Касбий реабилитация ўсмирни ўқитиш ёки унга тўғри келадиган меҳнат турига қайта ўқитиб тайёрлаш, енгаллаштирилган ва иш куни қисқартирилган меҳнат шароитлари бўлган иш жойи билан таъминлаш.

Майший реабилитация ўсмирнинг ҳаёти учун меъёрдагидек шароитнинг яратилишини кўзда тутади.

Ижтимоий реабилитация – бу ижтимоий муҳитда боланинг ҳаёт фаолиятини қайта тиклаш жараёнидир. Шунингдек, қандайдир сабаблар билан шахс ҳаёт фаолиятининг бузилиши, ижтимоий муҳитдаги чеклашларга йўл қуимаслиқдир.

Ижтимоий-иктисодий реабилитация – бу ўсмирнинг қонуний, хукукий манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган маблағларни таъминлашга қаратилган чоратадбирлар мажмуидир.

Ижтимоий-педагогик реабилитация – бу бола ҳаёт фаолияти учун аҳамиятли бўлган шахсий хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган характердаги тарбиявий чоратадбирлар тизими бўлиб, болани жамиятга мувофиқлаштирувчи фаол ҳаётий ҳолатга тортувчи, ўз-ўзига хизмат қилишда зарур бўлган кўникма ва малакаларни эгаллаши, жамиятда хулқ-автори билан ижобий ижтимоий ролларни бажариш, зарур таълимни олиш кабиларни ўз таркибига олади. Ўсмирларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишда бу ишларни реабилитацион марказ деб аталувчи ижтимоийлаштирилган муассасаларда амалга оширилади. Бу муассасаларнинг вазифаларига:

-қаровсиз қолган, дайди, жамиятга мослаша олмайдиган болалар ва ўсмирларда профилактик олдини олиш чораларини кўриш;

- ота-оанларининг айблари билан ёки кутилмаган вазиятлар сабабли (шунингдек, жисмоний, психологик зўравонлик, хавфли яшаш жойлари ва бошқалар) оғир ҳаётий вазиятларга тушган болаларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш;

- ижобий ижтимоий хулқ-автор тажрибаларини, атрофдаги инсонлар билан мулоқот кўнималарини шакллантириш;

- ота-она қарамоғи ёки воситалар, яшаш жойидан ажраб қолганларни ўз қарамоғига олиш функциясининг бажарилиши;

- фавқулодда вазиятларда психик ва педагогик қўллаб-қўватлаш;

- оиласа қайтишга ҳамкорлик қилиш;

- таълим олиш, меъёрдагидек ўсишга имконият билан таъминлаш;

- келгуси касбий ва майший фаолиятга ғамхўрлик қилиш.

Бундай муассасалар асосий фаолият мақсадлари – ёрдамга муҳтоҷ болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қўватлаш, уларни реабилитация орқали ҳаётларини тўғри йўлга кўйишда ёрдам бериш.

### **3. Синф раҳбарининг ўз ўқувчиларини рағбатлантириш ва жазолаш усуслари.**

**Рағбатлантириш ва жазолаш усуслари.** Ўқувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улгайиб, камол топиб бораётганидан хурсанд бўлганини сезиши керак. Шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини кўра билади, ўз кучига ишонади.

#### **Рағбатлантириш қўйидаги турларга бўлинади. (мактабларда)**

- 1) Ўқувчининг кучи этадиган, маъсулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш: бунда бола ўз қадр қиммати билан фаҳранади;
- 2) мактаб (мажлисларда) олқишлиш;
- 3) эсталик совғалар бериш;
- 4) мақтov ёслиги бериш;
- 5) хурмат тахтасига расмини осиш;
- 7) қўллаб - қувватлаш;
- 8) маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;
- 9) синфда биринчи ўринда туриш;
- 10) мусобақаларда байроқ кўтариш газета, радиода, телевизорда эълон ва х.

**Жазолаш** тарбияланувчининг хатти-харакати ва фаолиятига салбий баҳо беришdir. Жазо ҳам ўқувчининг индивидуал хатти-харакатлари ва умумжамоанинг фаолияти учун қўлланиладиган энг сўнгги тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш каби усуслардан фойдланиш мумкин эмас, ўқувчини қўрқитиш, ғазаблантириш ҳам ижобий натижага бермайди. Аксинча, ўқувчи қўрққанда ёлғон гапиришни ўрганади, икки юзламачи бўлиб қолади. Мактабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қўйидагилар киради:

**Танбех бериш** — энг мухим жазо чораси. Ўқитувчи ўқувчига юзма-юз туриб танбех беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

**Огоҳлантириш** — содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-харакатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Ҳайфсан бериш** - ўқувчининг маълум хатти-харакатларини қатъий чоралар асосида баҳолаш. Агар танбех ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, унинг айби қай даражада бўлиши ва интизомни қандай шароитда бузганлигини инобатга олиб унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

**Уялтириш** - ўқувчининг маълум хатти-харакатларига жамоа ёки унинг тарбияси учун масъул бўлган субектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар) олдида баҳо бериш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус ва шарм-ҳаёдир. Одамда инсонда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало, ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳистийғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳа деб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо пухта ўйлаб қўлланилиши лозим, аксинча, жаҳл устида жазолаш мумкин эмас. Жазолар якка характерда, яъни, биргина усулни қўллаш асосида бўлсин, ўқувчининг айбига мос, мувофиқ бўлиши, тез-тез қўлланилмаслиги, жазоланувчида жазонинг тўғри белгиланганлигига нисбатан шубҳа туғилмасин ва улар ўз айбларини сезсин. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи янада ошади. Барча ҳолатларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқибатларга солмаслиги, уни таҳқириламаслиги, шаънини ерга урмаслиги керак.

#### **4. Синфда интизомни мустаҳкамлаш усуллари.**

Синф раҳбари ўз ўқувчисини доимо ўрганиб борриши учун фақат ўқувчилар билангина эмас, балки ўқитувчилар билан, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам иш олиб бориши керак. Синф хонасининг жиҳози ва кўриниши ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Синф раҳбарининг кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни дарсдан бўш вактларидан фойдаланиш ва болалар ижодий қобилиятларини ўстиришда уларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам беради. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг жамоат топшириқларини бажаришни, тўгаракларда иштирок этишини назорат қилиш керак.

Болаларни севиш, уларни ҳурмат қилиш яхши хислатларга юзага келтириши мумкин. Агар ўқитувчи ўз ўқувчиларига нисбатан бефарқ, айниқса менсимасдан муносабатда бўлса, бундай ўқитувчини ўқувчилар ҳурмат қилмайди ва обрўси тушиб боради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишиларини топиб жорий этишга болиқ. Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолда келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсина қаратилиши, йиллар давомидан тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистонда ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгига умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий, ахлоқий қадриятларни сингидирши талаб этишидир.

Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда синф раҳбари ўз олдига қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўяди :

– ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишидир ;

– шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратиши;

– ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз–ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиши;

– ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриячтлар, ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб–бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

– ҳар бир ўқувчини билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб–қувватлаш учун шарт–шароитлар яратиши;

– инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш, бир–бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситилишларга тоқатсизлик, муомала одоби каби тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланилиши лозим;

– ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро мнуосабат–мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, байроғига, гербига, мадҳиясига, Президентга садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа ахлоқли ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидоийилик, экологик талим–тарбия бериш;

– мустақил Республикамиз Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холосона баҳо беришга ўргатиши, унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, очиқ ошкорга ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатни тўғри тушунтирумоги керак;

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларни шакллантириш;

– соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиши;

– баркамол авлодга хос одоблилик санъати ва мадиниятини ўргатиши;

– ўзбек халқининг миллий урф–одати, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш;

– инсоният тарихий тараққиёти жараённида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод–аждодларимиздан қолган одоб–ахлоқ ҳақидаги билимлардан боҳабар этиш;

– марказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарларидаги ҳикмат, ўгит ва насиҳатларни ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш;

– табиатга тўғри муносабатнинг моҳиятини, табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлигини, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимлар бериш;

– ота–она ва ватан олдидағи бурчни ва унга содиқлик нима эканлигини англаши;

– ўз–ўзини англаш, шарт–шароитларини, инсон қадри ва хўрлигини англаш, унинг табиатини, миллий ва умуминсоний маданиятини, она тилини саклаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тушунтириб бериш;

—юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англатиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини—ёмонни ажрата олиш билимига эга бўлишини тушунтириш;

—таълим—тарбия жараёнида бериладиган билимлар яхлит ва ижтимоий шарт—шароитлар, миллий ва тарихий, маънавий омиллар, умуминсоний қадриятлар моҳиятини тушунтириш;

—ўқувчиларни билим олиш билан биргаликда юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;

— дарсларда маънавий, маърифий, иқтисодий, хукукий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориши мухимдир;

—одоб—ахлоққа хос сифатларни ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжига айлантириш;

- ўқувчиларда меҳнат кўнмкмаларини, ижодий мустақил фикрлашни, касб танлашга ва атроф оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш ;

- ахлоқийликнинг оддий ҳаётий қоидалари бўлиши катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оиласда бир—бирини эъзозлаш, меҳмон кутиш ва бошқаларни кундалик турмушга сингдириб бориши. Болаларни тарбиялашда (ўқувчи) ўқитувчи қуидагиларни ҳисобга олиши керак;

- тарбиянинг ўқувчилар руҳияти ва ёш хусусиятига мослигини ҳисобга олиш;

- ўқувчиларнинг ақли—маънавий муносабатлари таъсири ўрганиш;

- ўқитувчи—тарбиясининг саводхонлик даражаси, санъат ва маҳорати;

- ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда дарсларни ижодий, ноанъанавий, сухбат, ўйин, табиатда, баҳс—мунозара, учрашув шаклида бўлиши мақсадга мувфиқдир.

Педагогик технологияларни кўллашда ўқитувчи қуидаги қоидаларга амал қилиши лозим.

1. Замонавийлик—таълим—тарбия амалиётга асосланган тажриба, синовдан ўтган дидактика соҳасидаги янгиликларни жорий этиш.

2. Тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориш.

3. Умумий ва миллий қадриятлар соҳасидаги янги—янги ижодларни ўрганиб бориш.

4. Тарбия жаарёнида ўқитувчи билан ўқувчи фаолиятини оптимальлаштириш, фаоллаштириш. Уларнинг ички руҳияти ва тарбия даражасини кенгайтириш.

5. Илмийлик—янги усул, восита муаммоси ҳолатларидан фойдаланиб, ўқувчилаирни мустақил фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиш.

6. Бунинг учун болаларни режадаги мавзулар асосида амалий фаолиятга жалб этиш мухимдир.

7. Илғор тажрибаларга суюниш.

8. Тарбиянинг мақсадини аниқлиги, мазмунининг замонавийлиги. Миллий маънавий қадриятлар билан бойитилиши, ўқувчининг ижодий мустақил фаолияти, тарбия жаарёнида мақол, матал, эртаклардан ўринлди фойдаланиш, ўйин тест саволлари, кўргазмали қуроллар, савол ва топшириклардан фойдаланиш.

9. Янги педагогик технологияни амалга ошириш учун ўқитувчи назарий чукур билимларга эга бўлиши керак.

1-2-3-4- синфларда дарсларни турли шаклларда ташкил этиш лозим:

1. Ўйин, сухбат, баҳс, учрашув, эрталиқ, оиласда, жамоат жойларда, маҳаллаларда ҳар бир дарс мақсадининг аниқлиги, тарихийлиги ва замонавийлиги билан одоб—ахлоқ тушунчаларини тарбиялашга қаратилиши.

2. Ўқув машғулотни ранг—баранг усуллари: аудио, видео, кўрагазмалик, жонли сўз таъсирида ташкил этилиши.

3. Ўқитувчини янги технологик маҳоратга эга бўлиши ва ижодкорлиги.

Тарбиявий соатларни мақсадига кўра хилма—хил шаклларида ташкил этиш:

1.Ижодий дарс. 2.Эрталиқ дарси. 3.Баҳс. 4.Сухбат. 5.Саёҳат дарслари. 6.Учрашувли дарс.

Янги ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириш мақсадида кино, телевидение, маънавий ўйинлар, мушоиралар кўлланилиши мумкин. Кишилик жамиятининг ҳар бир соҳаси ёки ижтимоий –сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини халқ оғзаки ижодиётида, ёзма ёдгорликларида, афсона, достон, қисса, ҳикоя, ривоятларда, ҳамда ҳурфиксали, доно, маърифатпарвар, мутафаккирларимизнинг асарларида атрофлича талқин этилган. Шу асарлардан ўқувчиларни маънавий–ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда бу асарлардан кенг фойдаланиш мумкин. Ҳар бир тарбиячининг дунёкараши, тарбияси, одоблиги, унинг муомаласида намоён бўлади.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Меъёрдан оғиш нима?
- 2.Ижтимоий-иктисодий реабилитация нима?
- 3.Рағбатлантири методи ҳақида тушунчангиз?
- 4.Жазолаш методини қандай турларини биласиз?
- 5.Педагогик технология нима ва у нима учун қўланилади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслер. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

#### **9-мавзу: Синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.**

##### **РЕЖА:**

1. Синф раҳбарининг иш фаолиятини ўрганиш усуллари.
2. Ўқувчи шахсини тарбиялаш усуллари.

**Таянч сўзлар:** Синф раҳбар, ўқувчи, мактаб, директор, маънавият, маърифат, жамоа, мажлис, сухбат, ота-она.

#### **1. Синф раҳбарининг иш фаолиятини ўрганиш усуллари.**

Ўқувчиларнинг бир хил савияда, бир хил ёшда, билими жиҳатидан ҳам тенг бўлган жамоасини бошқариб турувчи педагог синф раҳбари деб аталади. Синф раҳбарининг асосий мақсади ўқувчиларини тўғри тарбиялаш жараёнида ўқувчи ва синф раҳбари билан бир-бирини тушуни таъминлашдир.

Мактабда ўқувчиларга тарбия бериш синф раҳбарининг ишлари орқали берилади. Жумладан, тадбирлар, мушоиралар, ҳар хил кечалар, учрашувлар, танловлар ва бошқа ўйинлар орқали ўқувчиларга таълим-тарбия берилади. Шунга қараб ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ривожланиб боради.

Синф раҳбари мактаб маъмурияти билан биргаликда ва маҳалла жамоаси, ота-оналар билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни олиб боради. Мактаб маъмурияти синф раҳбари

ва унинг олиб бораётган ишларини доимо қўллаб-куватлашлари лозим. Чунки синф раҳбари ўз ўқувчиларини яхши билади ва уларни тарбиялаш учун нималар кераклигини ҳисобга олиб иш юритади. Синф раҳбари ишини маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринbosари бошқариб туради.

Синф раҳбарининг иш режасини мактаб директори ва директор ўринbosари тузади ва назорат қилиб боради.

Бошланич синф мактаб таълимининг дастлабки босқичидир. Болалар ўқитувчи раҳбарлигига биринчи қадам қўядилар, ўқув фаолиятида билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, ўқитувчи синф билан кўпинча ёлғиз ишлайди ва тарбиячи сифатида иш юритади. Ўқитувчиларнинг болаларга бўлган муносабати катта меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан характерланади. Булар эса талабчанлик билан олиб борилади. Ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ҳамда ўқувчиларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб уларни қайта таҳлил қилиш хусусияти ҳам синф раҳбари учун муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб уставида синф раҳбарининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Синф раҳбари барча ўқитувчилар билан биргаликда алоқада бўлиб, ўзининг синфи билан тарбиявий ишларни олиб боради. Ўқитувчилар тамонидан ўқувчиларга қўйиладиган педагогик талаблар бирлигига эришади. Ота-оналар, кун узайтирилган груп тарбиячилари, жамоатчилик билан доимо алоқада бўлиб туради. Зарур бўлган вақтда ўқишида ўқувчиларга ёрдам кўрсатишни ташкил этади. Синф раҳбари қиласиган ишлар ҳужжатларини юритади ва уни мактаб маъмуриятига тақдим этади. Ўқувчилар соғлгини мустаҳкамлашга доир ишларни ўтказади ва жисмоний ҳамда ақлий меҳнат қилишга ўргатиб боради.

Синф жамоасини ташкил этишида синф раҳбарининг роли каттадир. Синф мажлиси ўтказиш учун авало жамоа жипслаштирилади. Синф раҳбари мажлисда кўплаб масалалар кўтаради. Синф мажлисида 3-4 та масалалар кўрилиб, муаммоли томонлари таҳлил қилинади ва ўз ечимини топиши керак бўлади.

Синф раҳбари мажлис ўтказиш давомида яхши ўқийдиган болаларни синфда, яъни жамоа ичига рағбатлантириши керак. Болалар бир-бирига дўстона муносабатда бўлишади. Уларни бир-бирига қараб яхши ўқий бошлишига интилади. Ёмон ўқийдиган болалар ҳам яхши ўқийдиган болаларга интилиб, улар ҳам яхши ўқишига ҳаракат қиласи. Бундан ташқари синф раҳбари ўқувчиларнинг савияси ривожланиши учун ўзи синфда кутубхона қилиши керак. Бу кутубхонадаги китобларни ўқувчилар синфдан ташқари ўқиш вақтида ёки дарсдан сўнг бўш қолган пайларида ўқиб ўзларига фойдали томонларини олиши мумкин.

Оила жамиятнинг бир бўлاغи ҳисобланади. Оилада бола тарбиясини йўлга қўйиш жуда катта аҳамиятга эга. Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равища одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оиладаги тарбиянинг вазифаси улкан бўлиб, унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатиши, ўзига хослиги бииан ажралиб туради.

Ота-оналар билан ишлаш шаклларини одатда синф раҳбари ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, тажрибасини, ўқувчиларнинг оилаларида вужудга келган ўзига хос мухитни, ота-оналарнинг билим ва тажрибасини, болаларни тарбиялашда юқорида кўрсатиб ўтлиган хатолар ва қийинчиликларни, феъл-атвор хусусиятларини, мактаб педагоглар жамоасидаги имкониятни, ота-оналар билан иш олиб боришда таркиб топган анъаналарни ва ҳоказаларни ҳисобга олиб белгилайди.

Ота-оналарга педагогик билим беришни амалга оширишда фақат билим бериб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий малака ва кўникмалар билан куроллантириш, уларнинг педагогик фаолиятини уйғотиш, мустақил шуғулланшга ундаш, мақсадга мувофиқ оила ички муносабатларини йўлга қўйиш ғоят муҳимдир.

Ота-оналар йиғилишлари, ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шаклидир. Ҳал қилинаётган аниқ вазифаларга боғлиқ ҳолда синф йиғилишларини ташкилий, якуний, чорак йиғилишлари, мавзуга доир йиғилиш, баҳс, амалий йиғилиш, ота-оналарнинг умумий таълимий бўйича синф режасига кўра йиғилишлар ташкил этади.

Ташкилий йиғилишларда ота-оналар қўмитаси сайланади, иш режаси тасдиқланади. Мактаб атрофида педагогик муҳит ўрнатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилади, жамоат топшириқлари тақсимланади ва турли иш йўналишларига доир ташаббускор ота-оналар гурухлари тузилади, ота-оналар иштирокида умуммактаб тадбирларини ўтказиш режалари мувофиқлаштирилади.

Чоракдаги якунловчи синф мажлислари ота-оналарнинг эътиборини ўқувчиларнинг билимга доир қизиқишлиари, қобилиятини, ахлоқий-иродавий фазилатларини ривожлантиришдаги ютуқлар, камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятларга қаратиш мақсадини кўзда тутади.

Бирор мавзуга бағишлиланган йиғилишлар тарбиянинг энг долзарб муаммолари юзасидан ўтказилади, уларда ота-оналар қўмитаси ва синф раҳбарининг, ўқувчиларнинг уёки бу соҳадаги тарбияланганлик даражаси тўғрисида тўпланган материаллардан фойдаланилади.

Мажлис-мунозаралар ота-оналар эътиборини тарбиянинг бирор муаммосига жалб этиш мақсадида ўтказилади. Бундай мажлисларни ота-оналар қўмитаси аъзоларида ота-оналарнинг бир қисми ўз вазифаларига, мактабнинг тавсияномаларига нотўғри муносабатда бўлаётганликлари, ота-оналарнинг бир қисми тайёргарлик кайфиятида эканлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказиш тавсия этилади. Амалий йиғилиш ота-оналарнинг тарбиявий жараёнларда иштирок этишини фаоллаштириш, унга мақсадга йўналтирилган тарбияга бағишлиаш мақсадида ўтказилади.

Ота-оналарнинг синфдаги умумий таълимий режасига кўра мажлислар, аввалдан белгиланган режа, муайян тизимга мувофиқ, ота-оналарга педагогик билим беришнинг шакли ҳисобланади.

Якка тартибдаги педагогик сухбат - синф раҳбарининг ўқувчилар, ота-оналар билан олиб борадиган ишининг энг оммалашган, қулай ва самарали шакли ҳисобланади. Сухбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тартибдаги ривожланиши дастурини ва биргаликдаги педагогик ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқиши орқали ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишларини ва тарбияси қийин болалар хулқини тузатиш ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда вужудга келадиган келишмовчиликларни ҳал этиш каби қамровдаги таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинади.

Тарбиявий таъсир кўрсатиш самарадорлиги қўп жиҳатдан ўқитувчилар ва ота-оналарнинг мувофиқ ҳаракатлари билан белгиланиши назарда тутиб, боланинг ўзига хос психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг хулқ-авторидаги энг кичик четга чиқишиларга ҳам ўз вактда эътибор бериш керак, бунга синф раҳбари билан ота-оналарнинг ишончли муносабатларини ўрнатиш, ўқувчиларнинг оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарнинг ишончли ўзаро муносабатларини ўрнатиш орқалигина эришилади. Бундай муносабатларни ўргатиш ва чуқурлаштириш учун якка тартибдаги сухбатлардан фойдаланиш жуда муҳим. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради, шунинг учун улар ўз фарзандида ҳосил бўлган янги, ижтимоий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган биргаликдаги ҳаракатлари хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисобиайдиган синф раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар.

Синф раҳбарлари ота-оналар билан биргаликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психологик-педагогик тадқиқоталр маълумотларини эътиборга олишлари ҳам муҳимдир. Уларга мувофиқ ўсиб келаётган киши шахсини

шакллантиришга оиланинг қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгаради.

Бундай билимларнинг йўқлиги оилавий тарбияда кўплаб хатоларга олиб келади. Синф раҳбари ота-оналар билан ишлашда буни ҳисобга олмай иложи йўқ. Бу жиҳатдан ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги қўйидаги қийинчиликлари ва хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1.Ота-оналарнинг болалар билан тўғри муомиласининг етишмаслиги. Улар ўзлари, ишлари ҳақида кам сўзлаб берадилар. Мактаб болалари жамоасининг ҳаёти, ўз боласининг қизиқишилари, унинг жамоат ишлари билан, ишга муносабати ва бошқалар билан кам қизиқади.

2.Болаларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини ташкил қила билмаслик.

3.Ота-оналар турмушида салбий мисолларнинг мавжудлиги мактабнинг педагогик куч-гайратини йўққа чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирининг изчил эмаслиги: онда-сонда ўқишини текшириш, бирор ножӯя иш учун тергаш ахлоқий иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида таъқиқлашлар тизими ижтимоий намуна асосида тарбиялай билмаслик, бола ҳаётини у ҳар доим тўғри хатти-ҳаракатини машқ қиладиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир.

6. Ҳаракатларнинг мактаб билан мувофиқлаштирилмаганлиги ёки у билан келишмовчилигидадир.

7. Айрим ота-оналарнинг болалар улғайиб бориши билан тарбиявий фаоллигини сусайтириб юборишлари, бу эса болаларнинг ота-оналардан узоқлашувига, мактабга қизиқиши пасайишига олиб келади.

8. Қарорлар қабул қилишда кечикиш. Бола катта бўлгандан кейин ақли кириб, тузалади деб ўйлаш одатда ўзини оқламайди, кўпинча қайта тарбиялашни талаб этадиган педагогик жиҳатдан қаровсизлик ҳолатига олиб келади.

Педагогик маъруза педагогик билим беришнинг энг машҳур шаклларидан биридир. Кейинги пайтларда ота-оналарга педагогик билим бериш кенг миқёс касб этиб, корхоналардаги уюшмалар, маданият уйлари ҳузуридаги, тураг жойлардаги ва ота-оналар педагогика университетлари орқали турли шаклларда амалга оширилади.

Очиқ эшиклар куни ёки ота-оналар куни, одатда мактаб таътиллари пайтида ўтказилади. Уларни ташкил этиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин. Бу таркиб топган анъаналарга ва синф раҳбари ижодкорлигига боғлиқдир. Оиланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзига ҳос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрўилиги билан таъминланади. Ўз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йўргакдаги чоғидан биладиган, уларнинг қалбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган, унга таъсир этишни биладиган онадан ва отадан яхшироқ ким ҳам эзгуликка, меҳнатсеварликка, дўстликка, биродарликка, муҳаббатга ўргата боради?!

Синф раҳбари ҳар доим ўқувчиларидан хабардор бўлиб туриши керак. Масалан, бир ўқувчининг ўзлаштириши ёмон бўлса, уни яхшилаш учун ўқитувчи биринчи ўринда ота-онаси билан учрашиб, суриштирши керак. Нимага яхши ўқимаяпти, нима учун дарсларни ўз вақтида қўлмайди, шулар ҳақида ота-онаси билан сухбат олиб бориши керак. Агар боланинг оиласида ҳамма шароит бўлиб, бола ўзи яхши ўқишни хоҳласада, ўзи ўйлаган натижага эриша олмаётган бўлса, ўқитувчи болани яхши ўқийдиган ўртоғининг ёнига ўтқизиб қўйиши керак. Бундан ташқари ўшанг ўхшаган ўзлаштирувчи ўқувчиларни йиғиб ҳар хил фанлардан, масалан, математика, она тили, ўқиш ва бошқалардан қўшимча дарсларни ташкил этиб, болаларинг ўқишга бўлган қизиқишини янада оширишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол

ишлиши керак. Негаки, мактабда синфда бўлаётган ишлардан ота-оналар ҳам хабар топиб, қийналган вақтида ҳамроҳ бўлиши лозим. Бунинг учун ота-оналар билан ўқитувчининг ўртасида боғлаб туравчи алоқа дафтарчасини тутиши ва уни доим қолдирмасдан юритиб туриши даркор.

1. Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири ўқитувчи ва педагогика меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Чунки ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу педагогик ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти заминида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ; болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил эта билиш, ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларни олиб бориш ва ҳакозо. Буларни ҳаммаси ўқитувчилардан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган сана 1991-йил 31-август халқимиз хаётида улуғвор воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиш, тарғиб қилиш, ўзлигини таниш имкониятига эга бўлади. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчилар жамоалари олдига Ватан равнақи учун ҳормай-толмай хизмат қила оладиган, буюк ватани учун ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилади.

Бундай улкан вазифани амалга оширища синф раҳбари ҳам ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшади. Синф раҳбарининг асосий вазифаларидан бири бизнинг келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тўғри, инсонпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришларини ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят, энг муҳими, уларнинг ўқишидаги мўлжаллари нималардан иборатлиги, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади. Педагог синф билан ишлишнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин.

Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Педагог шахсни ҳар томонлама етук камол топтиришда катта рол ўйнайди. Ақлий тарбия шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда муҳим рол ўйнайди.

2. Ўқитувчилик касбига, шу жумладан синф раҳбари касбига хос бўлган муҳим фазилатлардан бири - болаларни севиши, уларинг ҳиссиёти билан қизиқиши, ҳар бир шахсни ҳурмат қилишдан иборат. Болани севган, бутун куч ва билимини болаларнинг келажаги буюк ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган одамгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Болага бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд одам ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

"Бошланич таълим консепсиясфда Бошланич синф ўқитувчиси киёфаси таърифланади: "...энг муҳими болаларда ўқиш, ўрганишга чинаккам ҳавас, иштиёқ ўйғотувчи, эътиқод ҳосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади". Ва яна шу консепсияда Бошланич синф ўқириувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. ўқитувчи: "...Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли бўлиши;

- болаларни ҳалқ педагогикаси дурданалари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбиялай олиши;

- нутқи равон, ҳалқ тили бойлиги, ифода усули ва тасвир воситаларини, адабий тил услуги ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши" зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатлар, педагогик одоб синф раҳбарининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчининг саводли бўлишига, ўз ҳиссиётини идора эта олишига, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрларни белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган синф раҳбаригина синфда мўтадил психологик иқлим ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади. Ўз хизмати хусусиятига кўра синф раҳбари ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи зарур. Ташаббускор ва ғайратли синф раҳбари болаларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ўқитувчининг саломатлигига ҳам мавхум талаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобиляти яхши бўлиши керак. Узоқ тикка туроғолни, кўп юриши, эпчиллик каби фазилатларга ҳам эга бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси олий таълим консепсиясида мутахассис вазифалари қуидагича белгиланган: "... мутахассис ўз фаолиятини соҳасидан қатий назар, ижодий жамоаларда ишлай олиш қобилятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликка эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишининг хўжалик ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак".

Ушбу фикрлар ўқитувчиларга ҳам, яъни моҳир синф раҳбарларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришимиз ўқитувчиларни нафақат касбий билимларини, балки иқтисодий, юридик, техникавий билимлардан ҳам хабардор бўлишини тақозо қилмоқда. Бу ўринда Бошланич синф ўқитувчилари, синф раҳбарларининг хизмати катта.

3. Бошланич синфлар жамоасини жисплаштирувчи омиллардан бири ўқув-тарбия мазмунидир. Давлат таълим стандарти асосида белгиланган фанларнинг мазмунни салоҳияти ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан бирга жамоага хос бўлган ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, адолатпарварлик, меҳр-у шавқат каби фазилатларнинг уйғўунлиги туфайли жисплашади. Шу туфайли давлатимиз дарсликларнинг янги авлодини тузиш консепсиясига эътибор қаратди, ҳамда таълим мазмунини миллӣ истиқлол ғояси асосий тамоиллари билан бойитишга эътибор кучайтирилди. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади. Чунки жамоа гултожи тарбиялашдир ва тарбиянинг етакчи вазифаларидан биридир. Тарбия методларини танлашда уларнинг жамоада ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади.

4. Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги - уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда бўлиши ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлилига боғлиқ.

Синф раҳбари шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири синф раҳбарининг ўз ишини яхши билишидир. У тарбия методикасини пухта ўзлаштирган бўлиши зарур. Ишни тўғри ташкил қилиш ва уни болалар билан тушунарли, қизиқарли ва масулиятни ҳис қилган ҳолда олиб бориш керак. Ўқувчилар ўқитувчининг билимини болаларга етказа олиш имкониятларини қадрлабгина қолмай, балки унинг шу предметга бўлган қизиқишини, унинг фидойилигини ҳам қадрлашади. Синф раҳбарининг юксак маданияти, унинг теран билим доираси, айниқса, Ўзбекистон мустақиликка эришгандан сўнг халқимизнинг ўз тарихини, маданиятини, урф-одатини ўрганишига, билишга бўлган қизиқиши ортиб бораётган даврда, таълим-тарбия ишларини муваффақиятли бўлишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса синф раҳбари миллӣ қадриятларимизни билибгина қолмай, кенг ота-оналар жамоатчилиги ичida, синфда унинг оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчилик касби жуда катта ва руҳий ва жисмоний куч талаб этади. Шунинг учун ўқитувчининг, айниқса синф раҳбарининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган умумий талаблар билан, бошланғич синф ўқитувчиси касбининг ўзига хослиги айрим махсус талабларни келтириб чиқаради. Чунончи, Бошланғич синф ўқитувчиси анатомия, физология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим (синф гигиеник талабга жавоб бериши, ўқувчилар режими, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини кузатиш ва тўғри йўналтириш); ўқитувчи ўз нутқини назорад қилиши; адабий нутқ нормаларига риоя қилиши; овознинг баланд-пастлигига аҳамият бериши, нутқининг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши; болаларни чарчатиб қўймаслик мақсадида иш турларини тез-тез ўзгартира олиши, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиши, улар билан яқиндан алоқа ўрната олиши (бу фаолият тури Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ҳолатини ўрганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир ўтказишга ёрдамлашиши керак.

Нихоят, у ўз устида тинмай ишлаши лозим. Айниқса қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат куриб бўлмайди. Шундай экан, Бошланғич синфдан бошлаб болалар Шарқона тарбия таъсирига ўтмоғи, ўз қадриятларини билмоғи лозим. Бу ўқитувчидан, қолаверса синф раҳбаридан чуқур билимли бўлишни талаб этади.

5. Устозлик - бу келажак, истиқбол учун мерос қилиб қолдириладиган бойликдир. Бу бойликнинг қадр-қиймати шу қадар буюкки, у одамни маънавий жиҳатдан бой қилиб, қалбини баҳтга, илоҳий нурга тўлдиради.

"Устоз" сўзига берилган таърифга эътибор беринг-а, унинг мазмуни накадар бой: Устоз - муайян фан, билим, гоҳида бетакрор олим, педагог мутахассис, ўз йўналиши бўйича барча янгликлардан боҳабар, ҳаётда ўз ўрнини топган, мавқеи, салоҳияти ва мактабига эга; олим фузало, оқил, комил, ўрнак бўладиган, ўзининг илғор тажрибасига эга ва келажакни илмий тасаввур қиласиган; илмли, билимли, ҳамма томондан тан олинган маслаҳатгўй инсон.

Дунёда бирон кимса йўқки, унинг устози бўлмаса. У ҳукумат раҳбарими, буюк алломами, вазир ёки иқтидорли шифокорми, ҳалқ меҳрини қозонган ёзувчими ёки қўли гул косибми, қарангки барча-барчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғон этиб турувчи йўлбошчиси бўлади. Сиз ўзингизни устозлик баҳт соҳиби ҳисобласангиз, қуидагиларни унутмаслик керак:

"Ўзбекистон келажаги буюк давлат" ғояси сизнинг ҳар қунги фаолиятингиз учун дастуруламал бўлсин ва шу буюк ҳалқ ва давлатга муносиб шогирдлар тайёрланг. Устознинг энг буюк бурчи - ҳалқга нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли ўқувчи-шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёриаш учун энг аввало унинг ўзи маънавий жиҳатдан баркамол, фикрлаш тарзи ноёб, дунёқарши соғлом, ўз юрти ва ҳалқининг ғояси ва илғор мағкуранинг байроқдори бўлиши керак.

## 2. Ўқувчи шахсини тарбиялаш усуллари.

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланришини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, бўйи бости ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний ҳусусиятларидир. Олий нерв фаолиятингин ҳусусиятлари ҳам тугма ўтади. Бу физиологик ҳусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павлов таълимотига кўра бола бир қатор түфма ҳусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлекс гурухини ташкил этади.

Булар орасида ошқозон рефлекси (сүлак ажратиш), муҳофаза рефлекси (иссиқдан қўлни тортиш, ёруғликдан қўзини қисиши) кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади.

Масалан, тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти – булар тугма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу руҳий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожлантирмай, рўёбга чиқмоғ учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараённида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга этади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшандা боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятларнинг рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодалайдиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у мудроқ ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши ривожланиши учун қулай муҳит керак. Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, акс ҳолда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогик лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла–тўкис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ.

Инсонга таъсир этадиган омиллардан яна бири бу ташқи муҳитдир Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуи тушунилари бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Табиий (географик) муҳит (иқлим, табиий шароит) сўзсиз инсоннинг ҳаёт тарзига, ҳаракетига ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан, тропик минтақада ҳаёт кечираётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узок шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади. Шу билан бирга, инсонга микромуҳит – оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота–онасини, қариндош–уругини кўради. Унинг интенсив–жисмоний ва психологик ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда қуш уясида кўрганини қиласи, деган нақл бекорга айтилмаган. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит мухим аҳамият касб этади.

Бола яшайдиган ижтимоий муҳит ҳам муҳимдир. Чунки ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун –қоидалар кишига алоҳида таъсир қиласи. Ижтимоий алоқа, яъни инсонлараро ўзаро муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда турлича бўлади, турли социал гурухларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳитга, унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига кирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири foят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисобланмайди. Аммо унинг таъсири ҳам рад этилмайди. Тарбия муҳит каби инсонга таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигига мунтазам амалга ошириб борилади. Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади. Инсон ирсият йўли билан ортирилган ва табиий лаёқатлар билан белгиланиб қолмай,

балки бутун ҳаёти даврида уни қуршаб олган воқелик таъсирида орттирган хусусият ва сифатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз, тарбия одамнинг кўзи, сочи, терисининг рангида, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди, лекин жисмоний тараққиётига таъсир этиши мумкин. Чунки маҳсус ташкил этилган жисмоний машқалар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниктирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш каби фазилат фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир.

Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўнималар, малакалар ҳам маҳсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тарбия туфайли түғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи роль ўйнайди. Инсон камол топишида мактабнинг аҳамияти катта. Болалар мактабга қадам қўяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўладилар. Болалар мактабда фан асосларини эгаллаш билан бирга, уларда секин–аста илмий дунёқараш шаклланиб боради. Ўқитувчи–тарбиячиларнинг раҳбарлигига инсонга хос бўлган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Тарбиявий ишларни режа асосида ташкил этиш, болани тарбиялашда оиласа ҳар вақт ёрдам кўрсатади. Тарбияси ўз тарбияланувчисининг оиласи шароитидан хабардор бўлиши, педагогик маслаҳатларга, ёрдамга муҳтоҷ бўлган оиласарга ёрдам бериши муҳим. Тарбиячи учун бола бўш вақтни кимлар билан ва нималар билан машғул бўлиб ўтказаётгани аҳамиятсиз эмас. Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола кўчанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсон фақат фаолият давомида ривожланади, ундан ташқарида ривожланиш йўқ. Бола жуда ёшлигидан бошлабоқ катталар ёрдамида ташқи муҳит билант турли хил алоқада бўлади. Мактаб ёшида бу алоқалар ўкиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан боғланади ва булар ривожланиш учун манба саналади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, бола улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверар экан.

Масалан, боғча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлса, мактаб ўқувчиси учун ўқиб, меҳнат қилиш асосий фаолият бўлиб қолади. Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахснинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий риожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бир ёқлама ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг илмий концепцияси инсонга таъсир этадиган омилларни таҳлил этиб, инсонни ва унинг шахсини шаклантиришини ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг фаолиятига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қилса, кутилган натижага эришилади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Синф раҳбарининг ота-она ва жамоатчилик билан ҳакорлик ишлари деганда нимани тушунасиз?
- 2.Давлат таълим стандарти нима?
- 3.Ўқитувчининг касбий фазилатлари деганда нимани тушунасиз?
- 4.Ўқитувчининг шахсий фазилатлари деганда нимани тушунасиз?
- 5.Кобилиятнинг турлари хақида фикрингиз?

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юқсан маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **10-мавзу: Синф раҳбари ишини режалаштириш усуллари РЕЖА:**

1. Синфдаги тарбиявий ишлар мазмунни, шакллари ва усуллари.
2. Синф раҳбари ишини режалаштириш.

**Таянч сўзлар:** Ўқув режа, тарбия, тарбияловчи, фаолият, истиқбол, режа, усул.

### **1. Синфдаги тарбиявий ишлар мазмунни, шакллари ва усуллари.**

Синф раҳбари ишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этадилар, бироқ унга синф раҳбари бошчилик қиласиди. Синф раҳбарлари олдида жуда қийин вазифа–тарбиявий максадларга ўйланган ҳар бир нарсани болалар ўзларининг шахсий фикр ва ғоялари сифатида қабул қилишларига эришиш вазифаси туради.

Ўқув режа–ўқувчиларга тарбия бериш жараёнини муваффақиятли ташкил этишнинг зарурӣ шартидир. Режасиз иш олиб бориш синфдаги тарбиявий ишлар мазмунни, шакллари ва услублари ўлда–жўлда, тарқоқ, ноаниқ, тасодифий холатларда бўлади ва кўр–кўрона ҳаракат қилишга олиб келади. Бундай тақдирда тарбиянинг асосий вазифаларни ҳал этиш қийинлашади, баъзан эса бутунлай самарасиз бўлади. Режа синф раҳбарининг тарбия бериш фаолиятини тўғри ташкил этиш учун жуда катта имкониятлар очиб беради.

Синф раҳбарининг тарбиявий фаолиятини режалаштиришга қўйиладиган асосий услубий талаблар нималардан иборат?

Синф раҳбари ўтказилаётган ишларни ҳамда уларнинг ўқувчилар тарбиясига кўрсатган таъсирини ҳар куни таҳлил қилишлари, ўзлари эришга ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сабабларини тушунишга ҳаракат қилишлари керак. Шундай қилиб, режалаштиришнинг ҳар бир бсоқичига тайёрланиш мунтазам олиб борилади. Жамоани ва айрим ўқувчиларни ўрганиш юзасидан олиб борилган барча ишлар якунида синфга педагогик тавсифнома ёзилади. Мазкур тавсифнома синф жамоасининг ўзига хос аниқ хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳар бир синф раҳбари ўз–ўзини бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ўқувчилар қўмитаси ҳамда болалар ва ёшлар ташкилотлари билан бирга ишлаш, синф жамоасига

раҳбарлик қилиш юзасидан олиб бориладиган амалий ишларда бу талабни рўёбга чиқаради.

Тажрибали синф раҳбарлари ўзининг кузатишлари ва хulosаларини алоҳида варакларга қисқача қилиб ёзиб боради. Булар маҳсус жилдларда сакланади, тўпланган маълумотлар ўқувчилар ҳаётини, унинг эришган ютуқлари ва камчиликларини кейинчалик таҳлил қилиш учун хизмат қиласди.

## **2. Синф раҳбари ишини режалаштириш.**

Синф раҳбари ўқув йили охирида синф жамоаси ишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор беради. Бунда режада белгиланган вазифаларни қандай ҳал этилганлигини, синф ижтимоий ҳаётида қандай иштирок этганлигини, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги воқеаларга қандай қараганлигини, амалга оширилган ишлардан қайсилари муваффакиятли бўлган ва анъанага айланиши кераклигини, ўқувчилар ўртасида қандай муносабатлар вужудга келганлигини, синф фаолларининг ташаббускорлиги, мустақиллиги, обрў-эътибори ва бошқа масалаларни атрофлича таҳлил қилиш мухимдир.

Синф раҳбари тажриба орттирган сари анча мураккаб масалалар билан қизиқа бошлади. Уни синфдаги ишлар қанчалик муваффакиятли ўтгани эмас, балки улар ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатгани, синфнинг ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиши эмас, балки иштирок этиш сабаблари қизиктиради. Шуни назарда тутиш керакки, синф раҳбари ўз синф жамоаси олдига қўядиган аниқ тарбиявий вазифлаари дастлабки вакътларда унча мураккаб бўлмаслиги мумкин.

Масалан, синф раҳбари синфга келгандан сўнг деярли ҳамма ўқувчилар яхши ишлашини, лекин уларнинг бир-бири билан алоқаси йўқлигини аниқлади. Бундай синфда шундай бир иш топиш керакки, бу иш ҳамма ўқувчиларни ягона мақсадга олиб борсин. Болаларга бу вазифа – мамлакатимиздаги ЎзДЭУ автомобиль заводи учун металлом йиғиш ва жўнатиш шаклида етказади. Ўз мазмунига қўра жуда оддий бўлган бу топширик ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, уларда темир-терсак йиғишида бир-бирлари билан мусобақалашиб, уни тезроқ бажариш иштиёқини ҳосил қиласди.

Бошқа бир синф раҳбари ўз ишларини таҳлил қилиб чиқиб, шундай хulosага келди: синфда кўп ишларни ўзи бажаради, ўқувчилар эса шахсий ҳаёт эгалари бўлиб эмас, балки кўпинча ишнинг ижроилари бўлиб қоладилар. Шунинг учун у ўқувчиларнинг ташаббус ва мустақиллигини ривожлантириш, барча ўқувчиларни синф ижтимоий фаолиятига жалб этиш ва ҳар бир ўқувчидаги ўзига ёқадиган иш бўлишга эришиш вазифасини қўйди. Шундай вазифа қўйгач, синф раҳбари ўқувчиларнинг кўпчилик қисмини зарур малака ва кўникмалар билан қуроллантириш учун ўз диққат-эътиборини синф фаолларини тарбиялашга қаратиш кераклигини тушунади. Ана шу тахлитда изчил иш олиб борилса, тарбиявий вазифлаар ўқувчилар учун қизиқарли, истиқболли вазифаларга айланади.

Синф раҳбари турли режалар тузиб олиши мумкин: келажакка мўлжалланган, яъни истиқболли (йиллик, бир неча йиллик) ва муваққат (ойлик, ҳафталик, кунлик).

Хўш режанинг асосий манбаи нималардан иборат бўлиши керак ?

Бош манба-ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари, президентимиз қатор рисолалари ҳамда ҳалқ таълими тизимнинг расмий йўл-йўриқлари, ҳужжатлари хисобланади.

Режанинг яна бир мухим манбаи – ўтган ўқув йилидаги тарбиявий тадбирларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилидир.

Режа қўйидаги бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

1. Режага Истиқлол ғояларини сингдириш.
2. Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг ҳамда истиқболли бўлиши.
3. Режа узлуксиз ва изчил бўлиши.
4. Режанинг аниқлиги.

Ушбу талабларнинг қисқача мазмуни билан танишиб чиқамиз.

**Режага мустақиллик ғояларининг сингдирилиши.** Барча тарбиявий вазифалар мактаб олдига қўйилган асосий мақсадни –ўқувчиларни ҳар томонлама, соғлом авлод учун дастури асосида маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳаётга, мустақил давлат қурилишига фаол қатнашишга тайёрлаш мақсадини амалга оширишга қаратилмоғи даркор.

Синф раҳбари ғоявий–сиёсий ишларни режалаштиришда болаларни фақат китобий билмлар билан эмас, балки амалий, ҳаётий тажрибалар билан қуроллантиришни назарда тутиши зарур. Бу маърузалар, сиёсий мактаблар, сиёсий клублар ва ҳоказоларни ташкил қилиш мўлжалланаётган вақтда ўқувчиларнинг ўз ғоявий эътиқодларини қай даражада эканлигини синаб кўришга имкон берадиган вазиятларни вужудга келтиришни назарда тутади. Бу ишларни мунозараларда, баҳсларда, оғзаки ва ёзма журналларда, меҳнат ҳаракатларида, байрамларда, болалар ва ёшлар ташкилотлари ишларида, табиатни, ҳайвонот дунёсини, тарихий ёдгорликларни қўриқлаш каби ранг–баранг тадбирларда амалга ошириш мумкин.

Ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияларга истиқлол руҳи том маъноси билан сингиб кетган бўлиши керак. Баъзан айрим синф раҳбарлари иш фаолиятида кўнгилочар ўйинларни кўпроқ ўтказиш анъанаси кўзга ташланади. Режалаштиришда шуни назарда тутиш керакки, у ўйинми, у ишми бирор мақсадга қаратилганлигига, унинг тарбиявий аҳамиятига эътибор бериш керак бўлади.

**Режанинг шакл ва йўналишлари ранг–баранг ҳамда истиқболли бўлиши.** Тарбиявий ишнинг хилма–хил шакл ва услублари бўйича иш олиб бориш тарбиявий ишларни ўқувчилар учун янада ранг–баранг ва қизиқарли тарзда олиб боришга ёрдам беради. Режада ўқувчилар билан фақат умумий ҳолда эмас, балки шу билан биргаликда болаларнинг қизиқишилари ва майлларини ҳисобга олган ҳолда ҳам иш юритишни назарда тутиш муҳимдир.

Режа узлуксиз ва изчил бўлиши. Режада белгиланадиган тарбиявий тадбирлар ягона тарбиявий жараённинг таркибий бўлакларидан иборат бўлмоғи керак. Ҳар бир тадбир ўзидан олдинги тадбирнинг давоми бўлиши ва эришилган тарбия натижаларига асосланиши лозим. Бу узлуксизлик ва изчилликни таъминлайди, эришилган ютуқлар, қимматли кўникмаларни йўқолиб кетишдан сақлайди.

**Режанинг аниқлиги.** Режага бажариб бўлмайдиган ишларни киритмаслик керак. Ишни режалаштиришда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиши лозим. Режада ҳамма нарса: иш вақти, жойи, масъуллар аниқ бўлсин.

Синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси – бу мажбурий педагогик ҳужжатдир. Уни амалга ошириш учун синф раҳбари шахсан масъулдир. Синф раҳбари ҳақидаги низомда: Синф раҳбарининг иши режа асосида олиб борилиши лозим деб белгилаб қўйилган.

Синф раҳбари умумактаб иш режалари, болалар етакчиси, Ўзбекистон жамғармаси котиби иш режалари билан танишиб, директор ўринбосарлари синф ўқитувчилари, синф фаоллари, ота–оналар билан фикрлашиб, уларнинг қимматли таклифларини ҳисобга олган ҳолда ишнинг истиқболли режасини тузади.

Ишнинг истиқболли режаси синф жамоаси томонидан тўпланган тажрибага қараб ва синф раҳбарининг ўз ваизфаларига мувофиқ равишида бир ёки бир неча йилга мўлжаллаб тузилиши мумкин. Низомда Синфнинг йиллик иш режаси тузилади. Уни тарбиявий ишлар бўйича директорлр ўринбосари тасдиқлайди дейилган.

Режанинг ифодалаш шакли жуда оддий бўлгани маъқул: ишнинг номи, бажариш муддати, масъул киши. Режа қисқа ва аниқ бўлиши керак. Бўлар–бўлмас ишлар рўйхатини қалаштириб, қаппайган режа тузишга берилиб кетмаслик керак. Режага фақат ҳаёт илгари сурган ва ўқув йили давомида муваффақиятли бажарилиши мумкин бўлган тадбирларнигина киритмоқ лозим. Киритилган тадбирлар ҳар бири боғдан, бири тоғдан

олиб ёзилмаслиги, балки улар тарбиявий ишлар тизимида бир–бири билан боғланган, бир–бирини тўлдирадиган ҳолда бўлиши зарур.

Режа бола шахсига таъсир кўрсатувчи турли тарбиявий омилларнинг нафақат умумий, балки хусусий аниқ тадбирларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Биз қуйида синф раҳбари иш режасининг асосий бўлимлари ва мазмунини берамиз:

**1. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш.** Ўқувчини ўрганиш (ўқувчи ҳақида маълумот тўплаш, унинг ақлий, жисмоний, руҳий ривожи, кўнишка ва малакалари даражасини, тарбияланганлик, жамоатчиликка интилиш даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ўрганиш (ўқувчилар сони, жинси, миллати, ёши, расмий ва норасмий лидерлар, қолоқлар, илғорлар, интизомсиз ва тарбияси қийин болалар, уларнинг синфга таъсири, синфнинг жамоатчилик топширикларига муносабати, синфнинг тарбияланганлик, жипслик, ривожланганлик даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ташкил этиш ва йўналтириш (ташкилий ишлар, синф фаоллари билан ишлаш, умумий ишлар устидан назорат, болаларни ўз–ўзини назорат қилишга ўргатиш, навбатчиликни ўзаро ёрдамни йўла қўйиш, газета таҳририяти билан ишлаш, касалманд ва ногирон болаларга ғамхўрлик, вақтли матбуот нашрларига ёзилиш, меҳнат ҳаракатларида қатнашиш, синф мулкини сақлаш, кундалик режимга бўйсуниш ва ҳоказаолар).

**II. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи) билан биргаликда олиб бориладиган ишлар.** Ушбу бўлимда болалар етакчисига, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жамғармаси котибига уларнинг тарбиявий иш фаолиятларида бериладиган ёрдамнинг аниқ шакллари кўрсатилади.

**III. Синф ўқитувчилари билан ишлаш.** Дарсларда ўқувчиларни ўрганиш (ўқувчининг дарсда ўзини тутиши, уларнинг ўзлаштирумаслиги, билимдаги нуқсонлар, хулқи), ўқувчилардаги билим кўнишкаларини аниқлаш (ўқувчилар кундаликлари, дафтарларини кўриб чиқиш, ўқитувчилар билан сұхбатлашиш, ўқувчиларнинг ўкув ишларини қузатиш, дарслерлар, маълумотномалар, жадваллар ва ҳоказолар билан таъминланиш аҳволини ўрганиш, нутқ маданияти, уйга вазифа, касб танлаш маслаалари билан қизиқиши), ўқувчи–ўқитувчи муносабати (ўқувчи билан ўқитувчининг чиқишишлиги, ўқитувчининг педагогик одобга, педагогик талабларнинг бир хиллигига эришиши масалалари), ўзаро ёрдамни ташкил этиш (қолоқ ўқувчиларни аниқлаш, фан ўқитувчиси билан биргаликда унинг сабабларини таҳлил қилиш ва тегишли тадбир белгилаш, аълочи ўқувчилардан ўзаро ёрдам ҳаракатини уюштириш), ўқитувчиларга ёрдам бериш (ўқувчилар ҳақида тегишли маълумотлар, маслаҳатлар бериш, фанга оид тадбирларни ўтказиша кўмаклашиш).

#### **IV. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш.**

Бунда ақлий, ахлоқий, ватанпарварлик, ҳуқуқий ва бошқа тарбиялар бўйича белгиланган ишлар ва тадбирлар, касб танлаш ишлари (каслар рўйхатини тузиб чиқиш, касб ҳақида бурчак ташкил қилиш, меҳнат аҳлилари билан учрашувлар, ўқувчиларга анкеталар тарқатиш, жавобларни таҳлил қилиш, қизиқишилар картасини тўлдириш, касб ҳақида иншо ёздириш, ўқувчиларнинг техник ижодиёти кўргазмасини ташкил қилиш, синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш), фан ўқитувчилари билан биргаликда адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, ўқилган асаллар юзасидан сұхбат уюштириш, синфда адабий кўргазма ташкил қилиш, кутубхона билан алоқа боғлаш ва ҳоказолар), синфда кўргазмали ташвиқот ишлари олиб бориш (синф бурчаги, деворий газеталар, варакалар чиқариш, синфни мазмунли безаш, экологик бурчак ташкил этиш ва ҳоказолар).

**V. Ота–оналар билан ишлаш.** Бу бўлимда ота–оналарни ўрганиш (оиланинг ижтимоий аҳволи, ўқувчига яратилган шарт–шароитлар, оиланинг тарбиявий имкониятларини ўрганиш), ота–оналар фаоллари билан ишлаш (улар ёрдамида ва иштироқида болалар тарбиясига оид турли–туман ишлар режасини тузиш, улар

томонидан баъзи оилаларга кўмак ва таъсир ўтказиш), ота—оналарнинг тарбияга оид билимларини ошириш (ота—оналар мажлислари, дорилфунунлари ташкил қилиш, яхши оилалар ташвиқоти билан шуғулланиш, ўзаро тажбира алмашиш).

Келтирилган режа тартибини мажбурий деб қарамаслик керак. Синф раҳбарлари иш режаси турлича тузилиши ва ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Бу синф раҳбарларининг иш савияси, тажрибаси, ўз қасбига қизиқиши, ҳар хил синфларда иш шароитларининг турличалигига боғлиқдир. Шуни назарда тутиш лозимки, иш режаси қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифлаари мазкур режанинг муҳим бўлимларидан бири бўлиши шарт.

Иш режасини тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш ишларига ўқувчилар ва ота—оналар фаолларини жалб қилиш керак. Аввало улар алоҳида топшириқларни, аста—секин эса режада кўрсатилган кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширади. Режага киритиладиган иш ва тадбирлар, уларнинг мазмуни —моҳияти, амалиётга тадбиқ қилиш ҳақида мазкур китобнинг тегишли бўлимларидан атрофлича фикр юритилган.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Синф раҳбарининг касбий ва шахсий фазилатлари ҳақида тушунчангиз?
2. Синф тарбиявий ишлари деганда нимани тушунасиз?
3. Синф раҳбарининг ҳамкорлик ишлари нима?
4. Синф раҳбарининг оиласи болалар ўрганиш ишларига нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси” -Т : Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **11-мавзу: Синф тарбиявий соатлари ҳақида умумий тушунча Р Е Ж А:**

1. Синф тарбиявий соатларининг таркибий қисмлари.
2. Синф тарбиявий соатларини ташкил этиш, уни ўтказишнинг тартиб ва услублари.

**Таянч сўзлар:** Тарбия, усул, шакл, экспурсия, учрашув, онг, ақл–идрок, тафаккур, муруват, саҳоват, раҳм-шавқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, илм, фан, адабиёт, санъат, маданият, миллий, умуминсоний, қадрият, садоқат, тарих, маданият, урф-одат, анъана.

### **1. Синф тарбиявий соатларининг таркибий қисмлари.**

Синф раҳбари томонидан ўтказиладиган барча тарбиявий тадбирлар, синф тарбиявий соатлари деб юритилади (йил давомида 30–34 соат дарс жадвалига киритилади), у соддалаштирилган, барча синфлар учун қулай қуийдаги андозага туширилиши мумкин. Аввалги адабиётларда берилган режалаштириш чизмасига Бажарилиш тури қўшимча сифатида киритилди. Мақсад, режалаштирилган мавзу масалан,

“Ота–онам суюнган тоғим” мавзу юзасидан сұхбат, кеча, конференция учрашув, экскурсия ва ҳоказолар үтказиш мүмкін. Албатта, бу тадбирларнинг барчасини бир үқув йилида үтказиб, синф раҳбарининг тарбиявий иш режасида бу мавзу ҳар йили такрорланиб, бажарилиш тури ўзгартириб борилади. Синф раҳбари меҳнатининг унумли бўлишида бу усул анча самара беради.

№	Тарбиявий тадбирлар номи	Бажариш тури	Вақти	Масъул киши	Ижроси ҳақида
1	“Ота–онам суюнган тоғим”	Учрашув	Март ойининг 1–хафтаси	Синф ота–оналар қўмитаси раиси	Тадбирга ота–оналар ва ўқувчилар иштирок этди.

Синф тарбиявий соатларининг мавзулари юқоридаги андозага тартиб билан жамланади.

## **2. Синф тарбиявий соатларини ташкил этиш, уни үтказишнинг тартиби ва услублари.**

Ҳар бир педагог ўз иш фаолиятидан келиб чиқиб, таълим-тарбия масканларида олиб бориладиган тарбиявий соатларни шундай ташкил этсинки, токи унинг мазмун ва моҳияти узоқ муддат эсдан чиқмасин. Уларни қуйидаги мавзуларга асосланиб олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **I. Маънавият ва бурч тарбияси.**

Маънавиятимизнинг қадимиyllиги, мазмун ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, асосий тамойиллари, унинг жамиятимиз тараққиётидаги роли ва аҳамияти, Президентимиз асарлари ва нутқларида инсонни жонли мавжудотлардан ажратиб турадиган онг ва тил, ақл–идрок ва тафаккур, одамгарчилик, муруват ва саховат, раҳм–шавқат, меҳр–оқибат, иймон–эътиқод, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, табиатни эъзозлаш, илм ва фанни, адабиёт ва санъатни, маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга миллат кишиларини, уларнинг тили, тарихи, маданияти, урф–одатлари ва анъаналарини хурмат қилиш ва қадрлаш хислатларини тарбиялаш асосий мақсад килиб олинади.

#### **Тарбиявий соат мавзулари:**

1. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур.
2. Инсонни ҳаётини безайдиган, гўзаллаштирадиган омил маънавиятдир.
3. Давлат ва миллат маънавияти билар кўркамдир..
4. Маънавий баркамол кишилар ҳаёти биз учун намуна.
5. Ҳалоллик ва ростгўйлик–инсон фазилати.
6. Бугун ният–эртанги ҳақиқат.
7. Чин ва ёлғон дўстлик.
8. Ҳақиқий ва қалбаки қаҳрамонлик.
9. Ёмон одатдан сақлан.
10. Иймонсизда Ватан туйғуси бўлмайди.
12. Куръони карим ва Ҳадис шарифдан парчаларни ўқиш ва муҳокама қилиш.

**Эслатма.** Юқоридаги ва қуйидаги тавсия қилинадиган мавзуларни синф ўқувчиларининг қабул қилиш даражасига қараб соддалаштириш, мураккаблаштириш мумкин.

### **II. Ватанни севмоқ иймондандир.**

Унинг баҳт–саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бин инсон учун баҳтдир. Ватандан ортиқ меҳригиё ва улуғ неъмат йўқлигини исботловчи мавзулар бу бўйимга киритилиши мумкин.

1. Ватан – сен сүйган одамлар манзили.
2. Ватан – бу туғилған жой.
3. Давлат, Ҳукумат, Халқ түшунчалари нима ?
4. Уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаймиз.
5. Галаба ва мустақиллик кунини шарафлаймиз.
6. Ҳарбий ўйинларда иштирок этиш.
7. Ватанинга хизмат қиласман.
8. Чин Ватанпарварлик ўз ўлкасини севишдан бошланади.
9. Ҳадисдан мавзуга оид парчаларни ўқиши ва муҳокама қилиш.
10. Республикамиз истиқлонини мустаҳкамлашда фаолмиз.
11. Менинг ватандошим – замондошим.
12. Биздан озод, обод ватан қолсин.
13. Мустақиллик учун курашган аждодларимиз–фаҳримиз.
14. Ўзбекистон–Ватаним маним.

### **III. Байналмилал тарбия.**

1. Байналмилал бирлик нима? Бу түшунча ҳақида батағсил маълумот бериш.
2. Сен ҳамдўстлик мамлакатлари ва уларнинг болалари ҳақида нимлаарни биласан?

Бу мавзуга тайёргарлик қуидаги ташкил этилиши мумкин. Ҳамдўстлик мамлакатларидан бири танланиб, унинг ташкил топган вақти, географик жиҳатдан жойлашиши, аҳолиси, табиий бойликлари, иқтисоди, адабиёти–санъати, чет мамлакатлар билан алоқаси каби саволлар ўқувчиларга бўлиб берилади. Навбатдаги тарбиявий соатга география, тарих ва адабиёт ўқитувчилари таклиф қилиниб, ўқувчилар тингланади. Фан ўқитувчиларининг сухбати билан машғулот якунланади.

3. Бизнинг маҳалла, қишлоқ ва туманда неча хил миллат вакиллари яшайди ва улар қандай алоқадалар ?
4. Туман ва вилоятлардаги қўшма корхона вакиллари билан учрашув уюштириш, экскурсия ташкил этиш.
5. Чет тилларни ўрганиш–иқтисодий мустақиллик пойдевори.
6. Чет тили ўқитувчиси билан хорижий тилда маълум темага аталган кечада ўтказиши.
7. Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда чет эллик ўқувчилар билан алоқа боғлаш.
8. Чет мамлакатларда таълим олаётган юртдошларимиз билан алоқа ўрнатиш, улар орқали у мамлакат ҳақида маълумот тўплаб, муҳокама қилиш.

### **IV. Эстетик (нафосат) таркиби.**

1. Мусиқани қандай тинглаш керак?
2. Бадиий асар қандай ўқилади ?

Ағсусли, ҳозирги кунда ўқувчиларимиз китоб мутолаасига қизиқмай қўйдилар. Зероки, машҳур татар олими Ризоуддин ибн Фаҳруддиннинг Насийҳат китобидан олинган ушбу парча ўқувчилар билан ишлаб чиқилса, ўқувчиларнинг бу касаллигига шифо бўлса ажаб эмас.

### **Китоб ва мутолаа.**

1. Гўзал китоблар ажиб нарсаларни кўрувчи-ку, авлоқда сирдош ёлғизлиқда дўст, ожизлик вақтларда ёрдмчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, у замон аҳволидан сўзловчи умматлар, воқиотини ҳикоя этувчи, ақлли кимсаларнинг ақлларини кўрсатувчи оз ҳақли – кўп фойдали нарсалардир. Шунинг учун китоб олмақда баҳиллик этмангиз, китоблардан айрилмангиз.

2. Лекин китоблар орасида йўқ, нарсалар ёзилмиш – маъносиз нарсалар ила тўлганлари ҳам бордир, бўларни ўқимоқ, қийматли умрни зойи этмақдир. Шунинг учун фикрларни нурлантиражак, хулқ покларга ёрдам беражак, ақлни ортиражак китобларни

ихтиёр этиб, бошқалардан йироқ бўлингиз. Фойдали китобларни ўқимақ кўнглига шодлик келтирур, фикрга озиқ бўлур, зеҳнга қувват берур ...

3. Баъзи кимсалар бўладики, китоби кўб деб халқ орасида ном чиқармоқ учунгина китоб йифиб, ўзлари ундан ҳеч фойда олмасалар. Бошқаларгода фойда олдирмаслар, ҳатто ичларида нималар борлигинида билмаслар. Булар йўқ ташувчилар мисолидадир. Шунинг учун сизлар ўзингиз фойда олажак бўлган китобларни ўзингиз фойда олмоқ учун ихтиёр этингиз.

4. Мутолаа инсоннинг юзига нур, кўнглига шодлик келтирур. Ушбу сабаб учун зеҳн хизмати или машғул бўлувчилар ҳарнақадар ориқ бўлсаларда, ақллари семиз ва ё муҳаббатли бўлур.

5. Мусиқанинг ажобий саҳифалари – мусиқали соат ўтказиш. Ўқувчиларга мумтоз ашуласардан бирининг номи айтилади. Топшириқ: шеър, муаллифи, бастакори ҳақида маълумот тўплаб келиш, грампалстинка ёки магнит тасмасига ёзилган қўшиқни топиш ва биргаликда эшитиб, муҳокама қилиш, болалар ўзларига топширилган вазифани мусиқа ўқитувчиси ёрдамди синф тарбиявий соатида муҳокама қилади.

6. Сен меҳмонни қандай кутасан, меҳмонда ўзингни қандай тутасан? (Меҳмон бўлиш ва кутиш адаби ҳақида)

7. Санъаткорлар дунёсида, улуғ рассом мавзуларида сухбат, учрашув, экспурсия ўтказиш, альбом ёки стенд тайёрлаш.

## **V. Билим олишда онгли муносабатни тарбиялаш.**

Бу тарбиявий тадбирни юқоридаги китобдан олинган қуйидаги парчаларни синф тарбияи соатида ишлаб чиқилса, мақсадга мувфоиқ бўлади.

1. Илм кўнгил кўзини очур, нодонлик коронғуликни келтирур, улуғ даражаларга еткуурур, душманларга қурол бўлур, тирикликни сақлар, дунё кутмақ саббаларини билдирур, юарт ичида ва умумхалқ или қандай суратда бўлмак керак эканини ўргатур.

2. Олимлар пайғамбарларнинг ворислари, дунёнинг нурлари бўлиб, нодонларда дунёда турғанлари ҳолда ўликлар ҳукмидадирлар, чунки улар Оллоҳ таолонинг ажиб нарсаларига керак вақтидагина кўз солурлар, лекин ибрат ола билмаслар. Керак вақтида сув ичадилар, аммо сувнинг нимадан хосил бўлгани, чашмаларнинг қайердан келиб, қайерга кетганларидан хабардор бўлмас.

3. Илми кўб кимсаларга қараганда оз илмли бўлмақдан уялмангиз, балки билмақ кўлингиздан келажак нарсаларни билмай қолишингиздан уялингиз, чунки буниси айбидир.

4. Илм ахлларига нафс ортидан йўрмақ ҳеч келишилган иш эмас, шунинг учун шарийат ўлчовидан ташқари мол севмангиз шаҳватларга асир бўлмангиз.

5. Ҳар вақт илмга муҳаббат қўйингиз, ўргатилмиш нарсаларни ихлос или тинглангиз. Кераклилардан даркорини ўрганингиз ва ҳар бир илмдан кўркам бўлишини билингиз, ҳеч вақт илмга такаббурлик кўрсатмангиз.

6. Илм ўрганмак ҳарнақадар гўзал иш бўлса-да, бузук ният или бўлганида гўзаллиги йўқ бўлур. Шунинг учун Биздан Оллоҳ таоло ризо бўлсин ҳам яхши ишларга сабаб бўлсин, дея яхши ният этингиз. Бу эса яхши ниятдир. Имом, муаззин, охунд, қозий ёки муаллим, мударрис ва нима бўлсада, бир маратага эришсак эди, деб ният этмангиз, кўнглингизда бу каби нарсаларни чиқарингиз, чунки бу яхши ният эмасдир. Зоро илмдан мақсад даражада эмас, балки фойдали одам бўлмақдир.

7. Хазинангизда бўлган илмдан ортиқни даъво этмангиз, ўз–ўзингизга улуғлик или ҳукм айламангиз. Билурсизми, донлару ва йирик бўлган бошқлар ҳар вақт бошларини қўйи солиб туурурлар. Донсиз ёки донли бошоқлар бошларини йўқори кўтариб туурурлар, озгина ҳаво силкинса, силкина бошлайдилар, ҳолбуки, ўзларининг ўтга ёндиримақдан бошқа фойдалари бўлмас.

## **Шундан сўнг:**

1. Сўнгги ахборот минути ўтказиш. Ўқувчиларга навбат билан ҳафта мобайнида Ватанимиз ва чет эл янгиликларидан тўплаб, муҳокама қилинади. Материаллар газета,

радио ва телевидениядан тўпланади. Бунинг учун ҳар тарбиявий соатда 3–4 минут вақт ажратилади, бу вақт давомида ҳар бир ўқувчи бу тадбирда бир марта қатнашади.

2. Ўқувчиларни мактабдаги фан тўгаракларни қатнашишини этиш ва кузатиш.

3. Ўйлаб кўр, баҳс, билиб кўйган яхши, янгиликлар мавзуларда синфнинг мунозара бурчagini ташкил этиши.

4. Газета ва журналларга обуна бўлишини таъминлаш.

5. Радио ва телевиденияларда ўтадиган ўқувчиларбоп эшиттириш кўрсатувларини эшлиши ва кўриш, уни муҳокома қилиш.

6. Фан ҳафталикларида иштирок этиши.

7. Фанга оида мактабда ташкил этиладиган кўргазма, кеча, бадиий ва фан олимпиадаларда қатнашиш.

## **VI. Экологик тарбия.**

Инсон самарали меҳнати, табиат ноз–неъматларидан оқилона фойдаланиши ва унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиши туфайли фаровон ҳаёт кечиради. Ўқувчиларда бу тушунчани шакллантиришда экологик тарбия муҳим ўрин тутади.

Экологик тарбия – бу ўқувчиларда атроф–муҳитга нисбатан бепарво бўлмаслик, табиат, инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини эъзозлашни шакллантириш демакдир. Бу жараён дарс ва синфдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

1. Яшаб турган туман, вилоят табиатини ўрганиш.

2. “Сувсиз ҳаёт бўлмас”, “Ер хазина”, “Сув олтин” мавзуларида тил адабиёт ўқитувчиси ҳамкорлигига иншо ўтказиш, муҳокама қилиш, намунали иншолар кўргазмасини ташкил этиши.

3. Табиат бойликлари деганда нимани тушунасиз, Табиатни асрараш учун нималар қилиш керак, Қандай дараҳт ва гулларни севасиз, мавзуларида мунозара ташкил этиши.

## **VII. Соғлиқни сақлаш. Соғлом авлодни тарбиялаш тадбирлари.**

1. Тиббиёт ходимларининг тозалик ва солиқ ҳақидаги сухбатларини уюштириш.

2. Соғлом танда–соғлом ақл, Соғлиқ туман бойлик мавзуларда мунозара ўтказиш.

3. Буюк алломаларнинг соғлиқ–саломатлик ҳақидаги ўғитларини муҳокама қилиш.

4. Газета, журнал ва бадиий асарлар қандай ўқилади мавзусида мунозара.

5. Жинсий тарбия борасида ўғил ва қиз болаларга алоҳида–маълумот бериш.

Шунингдек, китоблардан овқатланиш, исроф, ва шу каби одоблар ҳақида ибратли парчаларни тушунириш ва етказиб бериш ишлаб чиқилса мақсадга мувфоқ бўлади.

## **VII. Жисмоний тарбия.**

“Бадан тарбия билан мұтадил ва узоқ вақт шуғулланувчи киши табибларнинг давосига муҳтож бўлмайди”. **Абу Али ибн Сино**

Келажак авлодни ҳар жихатдан етук килиб тарбиялаш, ўқувчиларни жисмоний бақувват, ҳар қандай муҳитга, меҳнатга қодир ва чидамли қилиб тарбиялаш мақсадида синф тарбиявий соат дарслари ва бошқа тарбиявий тадбирлардан қуидагича фойдаланиши мақсаддага маолик.

1. Саломатликни сақлаш ва тиклаш учун жисмоний машқлардан фойдаланиш (Мактабдаги дарсдан олдинги бадан тарбия машқларига қатнашишларини таъминлаш).

2. Ўқувчиларни мактаб ва мактабдан ташқаридаги спорт мусобақаларига қатнашишларини таъминлаш.

3. Ёшлик – чаққонлик мавзусида сухбат.

4. Улар билан фаҳрланамиз мавзусида учрашув ўтказиш, альбом ёки стенд тайёрлаш (мактаб, туман ёки вилоятдан чиққан спортчилар ҳақида).

5. Агар юрсанг пиёда, умринг бўлар зиёда мавзусида таътил вақтларида экскурсияларга чиқиш.

6. Спорт мусобақаларига жалб қилиш.

7. Ватандош буюк алломаларимизнинг жисмоний тарбия ҳақидаги фикрларини муҳокама қилиш.

Тарбиянинг муҳим соҳаси саналмиш жисмоний тарбия ҳақидаги ўзбек мутафаккир олими, етук педагог Абдулла Авлонийнинг Туркий гулистон ёхуд ахлоқ китобидан олинган ушбу парчани ўрганиш ўринлидир.

“Баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки, ўқимоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ бўлмаган инсон амаларида, ишларида, ибодатларида камчилик қилурлар.

Бадан тарбиянинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила рух, иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қуюб, астарини ювуб, овороа бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт кирига урадур. Фикр тарбияси учун малхам ва соғлом бир вужуд керакдур”.

#### **IX. Сўнги янгиликлар ва тарихий саналарни нишонлаш табдирлари.**

Мустақиллик йилларидан бошлаб ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда. Албатта бунинг негизида ҳукуматизнинг фармон, буйруқ ва қўрсатмалари ётади. Буни биз шартли равишда режага энг янги янгиликлар деб киритдик. Бу бўлим режанинг энг охирги тадбирларидан ҳисобланади ва режанинг охирига киритилади. Тарихий саналардан сўнг қайд қилинади. Тарбиявий тадбирларда уларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур, яъни замон талабларига қўра чиқарилган янгиликлар режа тузилгандансўнг эълон қилинса, синф раҳбари белгилаган тарбиявий тадбирни ўкув йилнинг қайси ярим йиллигидан қатъий назар, тарихий саналардан кейин мавзуни қайд этади ва тегишли тадбир ўтказади. Мактаб раҳбарлари режани тасдиқлаётган вақтларида бу бўлимнинг қай тарзда акс этганлигини аҳамият беришлари зарур.

Тарбиявий папкада нималар бўлиши керак ?

Синф тарбиявий папкаси синф раҳбарининг тарбиявий соҳасида олиб бориладиган ишлар тўпламидир. Бунда фақат ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қаратилган тарбия борасида керак бўладиган материаллар бўлиши керак.

Юқоридаги тажбилардан келиб чиқиб, синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси бир катта дафтарда бўлиши мақсадага мувоғик, деб топган эдик. Синф раҳбари меҳнатини ихчамлаштириш, назоратни ва бошқарувчни илмий асосда ташкил этиш учун режа мундарижаси қуидагича бўлишини тавсия этамиз.

1. Синфга қисқача тавсифнома.

2. Тарбиявий вазифалар.

3. Ўқувчиларга тарбия беришнинг асосий турлари ва шакллари (Эслатма: мундариҷа мазмуни 1–3 бўлимларда тавсия этилганидек ёритилади ва дафтар бўлим ҳажмига қўра мундарижжаланади).

4. Ўқувчи, ўқитувчи, ота–оналар билан суҳбатлар алоҳида–алоҳида бетларда қайд этилади.

5. Тарбиявий соатларни ҳисобга олиш (Тарбиявий соатга бир соат дарсга қандай тайёрланса, бу тадбир учун ҳам худди шундай ҳозирлик кўриш талаб этилади).

Мундарижанинг бу қисмида ҳар ҳафта ўтказилган тарбиявий соатнинг мавзуси, бажарилиш тури, вақти, ким томонидан бажарилганлиги (ҳақидаги қисқача баённома) қайд этилади. Демак тарбиявий папкада :

–тарбиявий ишлар режаси ;

–режалаштирилган мавзуга оид мисолалар;

–йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғиндан сақланиш қоидалари юзасидан дастур ва қўрсатмалар ҳамда тарбия борасида керак бўладиган зарур материалларга бўлса бас.

Ҳафталик тарбиявий тадбирни режалаштиришда синф раҳбари мавсумни, тарихий санани, энг ягни янгиликларни ҳисобга олиш керак. Раҳбарнинг эса, тарбиявий соатни тўлақонлик ва қизиқарли ўтишида юқоридагилар унинг назаридан четда қолмаслиги зарур.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўқувчиларни китоб ўқиши ва табиатни асрарига ўргатишида синф раҳбари нима ишлар қилиши керак?
2. Эстетик тарбия деганда нимани тушунасиз?
3. Синф деб нимага айтилади?
4. Синф тарбиявий соати деганда нимани тушунасиз?

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **12-Мавзу: Синф раҳбарининг тарбияланувчилар билан муомала ва мулоқоти.**

### **Р Е Ж А:**

- 1.Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи.
- 2.Ўқитувчи - муомала субъекти сифатида.
- 3.Гапириш, тинглаш ва ҳамкорлик қилиш маҳорати.
- 4.Ўқувчилар фаолиятида ва уларни тарбиялашда муомаланинг роли.
- 5.Ўқувчиларнинг муомаласини ташкил этиш.

**Таянч сўзлар:** Муомала, ахборот, жараён, жамоа, фаолият, муносабат, тинглаш, гапириш, маъно, нутқ.

## **1.Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи:**

Маҳалла принципини амалга оширишда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати муаммосини энг долзарб муаммолар қаторига қўйди. Буюк педагоглар ўз педагогик фаолиятларининг дастлабки қадамларидан бошлабоқ тарбия муассасасида педагоглар билан тарбияланувчиларнинг биргаликда ишлашига ва болалар ҳаётининг ижтимоий томонига катта эътибор берганлар. У тадқиқотчи - педагоглардан биринчи бўлиб ўз асарларида тарбиячиларнинг тарбияланувчилар билан, болаларнинг бир-бирлари билан муомала қилишига доир кўплаб вазиятларни тасвирлаб ва таҳлил қилиб берди.

Педагогларнинг ўқувчилар билан бевосита муомаласини мақтаб ўқувчиларининг муомаласига педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзига хос воситаси деб қараш мумкин.

Муомала-ахборот жараёни. Ахборот икки йўналишда бошқариш субъектидан (педагогдан) бошқариш обьектига (ўқувчиларга) боради ва аксинча-объектдан субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман коллектив ҳакида, ундаги ички жараёнлар ҳакида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо. Ўз навбатида педагог муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига ҳам мақсадга қаратилган ахборотни, ҳам унинг ўқувчиларга мурожаатида кенг маъно тарзида кириб борадиган ахборотни маълум қиласи.

Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишини қараб чикар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бевосита муомала шахсни ғоят хилма-хил шароитларда ва кўринишларда ўрганишга имкон беради. У факат шахснинг хулқ – авторида намоён бўладиган ёрқин ва энг таъсирчан ташқи белгиларнигина қайд этиш имконини бериб қолмайди. Педагог ўқувчилар билан муомала қилас экан, жуда майда деталларни ҳам англаб олишга қодир бўлади, бу деталлар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмай, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатлари бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳол шахсни чуқур тушуниш имконини бериб, ташқи қатлам остида бошқа усувлар билан аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни топиш имконини беради.

Болалар билан бевосита муомала педагогга жамоадаги ёки айрим ўқувчилардаги бирон – бир воқеани ривожланиш жараёнида ўрганиш зарур бўлганда, рўй бераётган ҳодисалар ва жараёнларнинг сабаб – оқибат алоқаларини пайқаб олишда, уларнинг туғилиши, пайдо бўлиши ва ривожланишини кўзатиш, бундан ташқари, бу ҳодисалар ва жараёнларнинг янада ривожланиши тўғрилигини маълум даражада олдиндан айтиб бериш керак бўлганда ҳам зарурдир. Бироқ муомала усувларида “ахборот шовқини” анча кўп бўлиб, у кўп ёки оз даражада ахборот ташувчи бўлиши мумкин. Бу ҳол биринчи навбатда педагог билан ўқувчилар ўртасида қарор топган муносабатларга боғлиқ бўлади. Лекин бу ерда педагогнинг шахси ҳам катта роль ўйнайди.

Айни бир хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан зуҳур қилинишидаги фарқ унинг шахснинг ўтмишдаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади, бу тажрибанинг уч жихати бор: умуман ҳаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, муайян ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси, бу тажрибанинг бойлиги ва мунтазамлик даражаси, педагогнинг ўзи шахс сифатида қай даражада шаклланганлиги унинг воқеликни қай даражада идрок этишга ва олинган ахборотга баҳо беришга қодирлигини аниқлаб беради.

Иккинчи томондан, педагоглик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ҳодисаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитилади. Бу эса унинг ўз шериклари аҳволини фаҳмлаб олиш ва улар ҳақида хукм юритиш қобилиятини оширади.

Нихоят, педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муюмаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг ҳатти – ҳаракатларида чуқур маъно ва ҳақиқий сабабни турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида у ўзи тез – тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ – автор усувларидан фойдаланади. Бу нарса педагоглик фаолиятида айниқса сезилиб туради. Бу қонуний бир ҳолдир, чунки биз кундалик ҳаётда одамлар билан муюмалада бўлар эканмиз, уларнинг хулқ – авторини билиб оламиз, чунки биз уни гўё “ўқигандай” бўламиз, яъни хулқ – авторнинг ташқи кўрининишилари аҳамиятини тушуниб оламиз ва шу тариқа ўзининг ички психологик режага эга бўлган текстнинг маъносини очиб берамиз. Бу ўқиш йўл – йўлакай бўлади, чунки атрофдагилар билан муюмала жараёнида бизда уларнинг хулқига доир маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик том маъно ҳосил бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муюмаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи- ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Шу муносабат билан тарбия дискрет (ўзлукли) жараён эканлигини назарда тутиш керак. Болалар кирадиган турли жамоалар, унга таъсир қилувчи теварак— атрофдаги воқеликнинг кўпдан—кўп омиллари бир— бири билан етарли даражада аниқ ва пухта ишлаб чиқилган алоқа системасига эга эмас. Ҳар бир ўқувчига ҳар хил таъсирлар оқими етиб боради, улар бир— бирлари билан унчалик мос келмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид келиши мумкин. Бундай шароитларда педагогнинг ўқувчилар билан муюмаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида шу нарса намоён бўладики, у маълум даражада бу таъсирни бирлаштиради, уларнинг занжиридаги етишмовчи ҳалқаларнинг ўрнини тўлдиради, бу

таъсирнинг зиддиятли таркибий қисмларига тўзатиш киритади. Шубҳасиз, муомала чекланган тарзда бўлади. Лекин педагогнинг ўз тарбияланувчиларига кўрсатиладиган турли—туман таъсирларнинг хусусиятидан хабардорлиги, унинг ана шу таъсирни бирлаштириш, ўрнини тўлдириш ва унга тўзатиш киритишга интилиши, унинг шахсий сифатлари, ўқувчиларга муносабати ва педагогик маҳоратига қараб, бошқариш воситаси бўлган муомаланинг самарадорлиги кўп ёки оз даражада бўлиши мумкин.

Бошқариш воситаси бўлган муомала вазифасини амалга ошириш жамоадаги фаолият — муомала — муносабатлар системаси доирасида содир бўлади. Бунга сабаб шуки, муомала педагогларининг ўқувчилар фаолиятини ташкил этиши жараёнида ҳам ва улар билан бевосита муомала қилишда ҳам амалга оширилади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин бўлади, педагоглар бу фаолиятга ўқувчиларни жалб қиладилар. Бундай ҳолда муомала орқали ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан муайян йўл — йўриқ берилади ва уни амалга ошириш жараёнида муносабат нормалари киритилади. Бошқариш воситаси бўлган муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қиласи. У орқали педагог фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш усусларига тўзатишлар киритади, айрим ўқувчиларнинг, умуман жамоанинг куч-ғайратини, фаолият иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни мувофиқлаштиради. Ниҳоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан кейин боради. Бу - фаолиятга якун ясаш, уни амалга ошириш, унда айрим ўқувчиларнинг иштирок этиши, фаолият жараёнидаги муносабатларни, фаолият ва муносабатларни тартибга солувчи нормаларни таҳлил қилиш, қўшимча нормаларни ишлаб чиқариш тарзида содир бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, муомаланинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча вазифаларини қулай тарзда амалга ошириш уни педагогик муомала, таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган муомаланинг юқори даражаси деб таърифлаш имконини беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси худди шундай даражага эришмоғи лозим.

## **2.Ўқитувчи - муомала субъекти сифатида.**

Ўқитувчининг болалар билан муомаласи муваффакиятли бўлиши кўп жихатдан унда педагогик қобилиягнинг мавжудлигига ва педагоглик назокати (одоби) ни эгаллаганига боғлиқ бўлади.

Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва болаларга таълим беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шарти ҳисобланади.

Маълумки, шахснинг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи роль ўйнаса, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди. Педагогик фаолиятда шахснинг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари етакчи роль ўйнайди. Биринчи навбатда перцетив, яъни идрок қилиш соҳасига тааллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳимроғи кўзатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди, ўқитувчига ўқувчининг психологиясини, унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш, муайян ҳолда умуман синф колективининг аҳволига ва хусусан мазкур педагогик вазиятдаги аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради.

Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисми сифатида эмпатияга, яъни ўқувчиларнинг психик ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шарти болаларга бўлган муҳаббатdir. Ниҳоят, ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятларининг учинчи таркибий қисми деб ижтимоий ўзаро ҳаракатга бўлган юксак ривожланган ихтиёжни ҳисоблаш мумкин, у билимларни бошқаларга беришга, болалар билан муомала қилишга интилишда, болалар жамоасини ташкил этиш истагида намоён бўлади.

Ташкил этиш қобилияти ҳам педагогик қобилиятларнинг таркибий қисмидир. У барча ўқувчиларнинг ҳар хил фаолият турларига жалб қилинишида, жамоанинг ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиш қуролига айланишида, ҳар бир ўқувчига фаол вазиятни таъминлаб беришда намоён бўлади. Ўқитувчидаги ижтимоий ўзаро ҳаракатга бўлган эҳтиёжни муваффақиятли амалга оширишнинг шарти бўлиб, унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади.

Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлардан айримларини караб чиқамиз. Бу аввало, ақл-идрокнинг муайян хислатлари: хозиржавоблик, танқид кўз билан қараш, сабитқадамлик ва бошқа бир қатор хислатлардир. Ўқитувчининг нутқи: нотиқлик қобилиятининг мавжудлиги, сўз бойлиги ва ҳоказолар ҳам муҳим роль ўйнайди. Табиатида бир қадар артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл, фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль ўйнайди.

Педагогик қобилиятлар - факат педагогик фаолият самарали бўлишининг шартигина эмас, балки кўп жиҳатдан ўқитувчининг муваффақиятли ишлашининг натижаси ҳамдир. Шу муносабат билан ўқитувчининг ўзида педагогик қобилиятларнинг аниқ мақсадини кўзлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль ўйнайди. Тажриба ва маҳсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шахс перцептив хусусиятларининг энг муҳим элементи бўлган кўзатувчанлик ўқитувчининг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг маҳсус куч-ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг социал-психологик кўзатувчанлигини, яъни ўқувчиларда турли ҳарактер хусусиятлари ва майлларни пайқаб олиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш сабабларини билиб олиш, уларга бу сабабларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофик баҳо бериш маҳоратини ва ҳоказоларни ривожлантиришга қодирдир.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларини, улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни, ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлса, худди шундай идрок этиш ва кўриш маҳоратини, яъни таълим - тарбия жараёнида рўй берадиган нарсаларни ичдан идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим. Бу эса осонликча қўлга киритилмайди. Гап шундаки, педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кўзатувчининг идрок этишига ўхшайди, чунки педагог ҳамиша ўқувчиларга нисбатан ташқи вазиятда туради, ҳамиша маълум даражада улардан, улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам) ўзоклашган бўлади. Шу сабабли педагог ўзи кўраётган нарсаларга ўзининг ижтимоий ривожланиш жараёнида идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгизз равища кўшиб боради. Бу нарса шунга олиб келиши мумкинки, педагог учун янги бўлган ҳодисалар унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари, педагогнинг муайян масалага жавоб излашга интилиши унда аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил қиласди. Лекин бу йўналишнинг ўзи айрим холларда олдиндан янгилиш фикрга олиб келиши ва кўрган нарсаларини ўзи кутган нарсалар руҳида талқин этишга мажбур қилиши мумкин.

Педагогик вазиятлар тез-тез ўзгариб турадиган шароитда ўқитувчининг вазифаси рўй берган вазиятда тез мўлжал олиб, унга тўғри баҳо бера билиш, зарур тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тўғри қарорга келишдан иборатдир. Агар ўқитувчи болаларнинг ҳатти - ҳаракатларини факат тўғри идрок этиб, баҳо бера билса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина, шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабртоқат, сезгирилик каби феъл-атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина, юқоридаги вазифага эришиш мумкин. Бу педагогик назокатга риоя қилишининг зарур шартидир.

Ўқитувчининг ўз ўқувчиларини: уларнинг феъл-атвори, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини, турли воеаларга, муаммоларга ва ҳоказоларга муносабатларини доимо ўрганиб ва билиб боришига интилиши ҳамдир. Ўқитувчи болаларни қанчалик яхши билиб олса, унда болалар билан муносабатларда хушмуомала бўлиш имкониятлари шу

қадар күпрок бўлади. Лекин ўқитувчи ўз ўқувчилари билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилар экан, баъзан тегишли дақиқаларда ўзи эшитмаслиги лозим бўлган нарсаларни эшитмасдан ўтиб кетишни билиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик бўлиши мумкинлиги, ёки вазият ноаниқ бўлиб турганда эшитиш дархол аниқлик киритиш зарурлигини тақозо қилишидир. Ўқувчилар билан ўз муомаласини бақириқ ва майдачуда нарсаларга аралашибга айлантириб юбормаслик учун кундалик ишларда ниманидир сезмай қолишни ўрганиш муҳимдир. Нихоят, баъзан бирор нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдали бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувига ёрдам беради.

Энди ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомаласи соҳасида намоён бўладиган айrim бир қолипдаги фикрларни қараб чиқамиз. Бир қолипдаги фикрлар умуман педагогик фаолиятда ва хусусан ўқувчилар билан муносабатлар соҳасида ижобий роль ўйнаши мумкин. Улар педагогнинг файратини тежайди, анча тез педагогик таъсир этишга ёрдамлашади ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ўқитувчидаги тегишли бир қолипдаги фикрларнинг муайян системаси бўлиши муҳимдир, шу туфайли у кўп ҳолларда деярли автоматик равишда таъсирларга жавоб бера олади. Гап биринчи навбатда ўқитувчидаги ҳосил бўлган шундай фикрлар, чунончи ўқувчилар билан албатта хушмуомалада бўлиш, ўқувчи шахсига изчил ёндошувнинг юқори даражасини ўзининг бирорта ҳам ўқувчиси ёмон бўлиши, бунинг устига ишончсиз бўлиши мумкин эмаслигига ишонч билан қўшилиб кетиши ва ҳоказолар ҳақида беради.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари тўғрисидаги бир хил тасаввур ҳам ўқитувчига ҳалақит бериши мумкин. Ўқувчи фалон ёшда факат фалон тарзда бўлади ва ўзини фалон тарзда тутади, деб ҳисоблаб, ўқитувчи болаларнинг кўпгина индивидуал хусусиятларини нормадан чекиниш деб ҳисоблаши ва уларни ана шу нормага келтиришга ҳаракат қилиши мумкин. Табиийки, бу нотўғри ва заарли. Лекин бошқа шундай фикр ҳам учрайдики, бунда ўқитувчи ёш хусусиятларини инкор этиб, ҳақиқатда ўз ўқувчи хулқ - автори билан катталарга ўхшаган бўлишга ҳаракат қиласди. Айни вақтда шу нарса аниқки, ҳар бир ёшда ўқитувчининг нуқтаи назаридан у вояга етказиши лозим бўлган шахс қиёфаси учун яроқсиз бўлган, лекин бу ёш учун мутлако табий кўринишлар ҳам бўлади. Бу кўринишларнинг жуда кўплари кейинчалик ўқитувчининг аралашувисиз йўқ бўлиб кетади.

Агар ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина (бу ҳолат уларнинг ёшига қараб турлича бўлади) педагогик таъсир кўрсатишни муваффақиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан иборат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларига монанд бўлади. Тарбиянинг мавжуд тажрибасини таҳлил қилиш, тажриба синов иши ўқувчиларнинг ёшига мувофиқ равишда ўқитувчи ҳолати (тутган йўли) нинг ўзгариш мезонини аниқлашга имкон беради.

### **3.Гапириш, тинглаш ва ҳамкорлик қилиш маҳорати.**

Ўқувчилар билан муомала қилиш педагогнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо этади. Бунинг учун эса у гапиришни билиши лозим. Гапиришни, мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориш керак. Бу ўринда икки савол тугилади: «Нимани ўрганиш керак?» ва «Қандай ўрганиш керак?»

Педагог жамоа билан, болалар гурухлари айrim ўқувчилар билан гаплаша олиши керак. У дарсни самарали олиб бориш учун гапиришни билиши, сухбат, маърӯза, хикоя қилиш каби усуслардан фойдаланиши, умуман бутун таълим - тарбия жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўя олиши лозим. Ўқувчилар билан гаплаша олиши (ҳар қандай шаклда) муайян қоидаларни билишни ва бу қоидаларни амалга оширишнинг муайян усусларини эгаллашни назарда тутади. Уларни қараб чиқамиз.

Үқувчилар жамоаси билан муомала күпинча сұхбат, маърӯза, ахборот ва ҳоказолар шаклида бўлади. Хўш, бу муомала самарали бўлиши учун нималар зарур?

Биринчи навбатда сұхбатни қандай бошлаш, қандай қилиб дарҳол ўқитувчининг гапларига болаларнинг дикқатини тортиш, уларни қизиқтириш мумкинлиги ҳақида гапириб ўтамиз. Бунинг учун бир неча усууллар бор. Гапни масаланинг қўйилишидан бошлаш мумкин, бу масалада бўлажак сұхбатнинг маъноси мужассамлашган бўлади. Мавзуга дикқатни тортишга уриниб кўриш ҳам мумкин, бунда гапни ёрқин, қизиқарли фактларни маълум қилишдан бошласа бўлади, кейин уни тушунтириш ва таҳлил қилиш эса муомаланинг мазмунини ташкил этади. Тегишли мақола ёки ҳавола келтириш ҳам муваффақиятли бўлиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, дарҳол болаларга бўлажак сұхбат уларнинг қизиқишлари билан (жамоанинг ёши, хусусиятлари асосида) боғлиқ эканлигини айтиб ўтса ҳам бўлади.

Сұхбатни қандай тугаллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. У турлича бўлиши мумкин. Асосий ғояларни яна бир марта қисқача баён қилиб бериш мумкин. Уни шеърий сатрлар билан тугалласа ҳам бўлади. Агар педагог болаларнинг ўзлари эшитган нарсалари ҳақида фикр юритишларини хоҳласа, жавобсиз савол билан ҳам тугаллаш мумкин. Сұхбатнинг якуни барча кўрсатиб ўтилган таркибий қисмларни ўз ичига оладиган вариан트 ҳам бўлади. Бундан ташқари, педагог эски фикр учун янги сўзлар излаши ва топиши даркор, яъни айни бир фикрни турлича баён қилишни билиши зарур. Агар бу ҳол рўй бермаса, шундай вазият ҳосил бўладики, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: яхши граммофон ёзувини биринчи бор эшитиб кўрганда кутилмаган бир ҳодиса бўлади, иккинчи марта тинглаганда, насиҳат, кейинги эшитиб кўришда эса ички, баъзан эса ташқи қаршилик келтириб чиқарувчи зўрлик бўлади.

Хозирга қадар гап педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан муомаласи ҳақида борган эди, энди ўқувчиларнинг ҳар бири билан муомалани қандай қилиб мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳақида бир– икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз.

Биринчи навбатда қуйидагиларни эсда тутиш керак: сұхбат самарали бўлиши учун дастлаб сұхбатдошни мойил қилдириб олиш зарур. Агар педагогнинг ўзи бунга мойил бўлса ва бундан ташқари, сұхбатдошига ўзининг мойиллигини яққол кўрсатсагина бунга эришиш мумкин.

Ўзаро мойилликка эришиш учун бир қатор мураккаб бўлмаган усууллардан фойдаланиш мумкин. Биринчи навбатда ўқитувчи ўқувчи билан ўзини шундай тутиши керакки, унда мен педагог учун аҳамиятліман деган ҳиссиёт пайдо бўлиши керак. Шундай ҳиссиёт уйғотиш учун ҳар бир ўқувчида афзал томонларни, бошқалардан фарқини топиши мухимдир, фақат топишгина эмас, балки шу билан бирга унга буни айтиш ҳам керак. Бундан ташқари, сұхбатдош ўқувчига, унинг ишларига, ҳиссиётларига, кайфиятига, кечинмаларига самимий қизиқишни ҳис қилиши лозим ва ҳоказо.

Сұхбат ҳар иккала сұхбатдош учун қизиқарли бўлиши учун у мулокот тарзида бўлиши зарур. Шу мақсадда биринчи навбатда сұхбатдошнинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олиши ва шунга мувофиқ равишда сұхбатни бошлаши керак. Масалан, агар ўқувчи ҳаяжонланиб турган бўлса, яхиси у билан ўзи учун ёқимли бўлган нарса ҳақида гаплашишдан бошлаш ёки унинг кечинмалари сабабига ва сұхбат мавзуига алоқадор бўлмаган бегона бир нарса ҳақида гаплашиш керак. Агар, аксинча, ўқувчи хафа кўринса, олдинига унинг дикқатини унинг кайфиятини бўзган нарсадан чалғитишга уриниш ва ҳатто қандайdir мароқли нарса ҳақида гап бошлаб, уни бирмунча овутишга ҳаракат қилиш мухимдир. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчининг кайфияти асосан очилгандагина сұхбат мавзуини муҳокама қилишга киришган маъкул.

Шуни назарда тутиш керакки, агар педагог ҳамма вақт гапириб, сўраверса, ўқувчи фақат эшитиб, бир хилдаги жавобларни бераверса, мулокот вужудга келмайди. Бунга турлича, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига қараб, барҳам бериш мумкин. Масалан, агар у экстраверт-невротик бўлса, (улар ҳақида психология дарслигида нималар ёзилганини эсга олинг), гап қовушиб кетиши учун унга атайн қизиқарли бўлган (унинг

қизиқишилари билан боғлиқ ва ҳоказо) саволни бериш керак, демак, шундай қилинса, у жавоб беришда қийналмайди. Педагог эса кейинги саволларни бериб, уни секин-аста зарур мавзудаги мулоқотга тортади. Агар ўқувчи жўшқин, барқарор экстраверт бўлса, у билан сұхбат муваффақиятли бориши мумкин, агар сұхбат ахборот, сұхбат мавзуига доир ғоялар билан алмашинишдан иборат бўлса, бунга мазкур ўқувчи дарҳол жавоб берishi мумкин.

Агар интроверт ўқувчи билан сұхбат қилишга тугри келса, уни бирор аҳамиятсиз нарсадан бошлаган маъқул, бунда ўқувчига саволлар (мазмуни ва шаклига кўра етарли даражада одобли саволлар) системасини таклиф этиш керак, бу саволлар унга ўзи ҳақида ёки бошқа муаммо ҳақида гапириш, муҳокамани беихтиёр равишида чуқурлаштириб, ўзининг одамови ва жиддийлигини секин-аста енгиш имконини беради.

Умуман ўқувчилар билан ҳам, синф билан ҳам, гурухлар билан ҳам, айрим болалар билан ҳам муомала қилганда баъзи умумий усулларни эсда тутиш ва улардан фойдаланиш фойдалидир, улар муомалани диалогли, самарали, кам ихтилофли қилишга имкон беради, биринчидан, педагогнинг бошқа кишилар томонидан қилинган у ёки бу мурожаатни (унинг ўзи буни қанчалик идрок этмасин) тасаввур этиш фойдалидир. Шунда ўқувчилар билан сұхбатларда буйруқ бериш хуқуқини сустеъмол қилиш керак эмаслиги, яхшиси кўпроқ илтимос шаклидан фойдаланиш кераклиги маълум бўлиб қолади, чунки ҳар қандай кишининг буйруқдан кўра илтимосни бажариши осон ва ёқимлироқ бўлади. Шунда ўқувчилар билан сұхбатлар тез-тез «марҳамат», «раҳмат», «барака топинг» деган сўзлардан фойдаланиш, кўпинча уларга шарт феъли билан: «сен мана бундай қилсанг бўлмасмикин...», «сизнингча, бундай қилсанк яхширок бўлмасмикин...» деб мурожаат қилиш фойдали эканлиги маълум бўлади ва ҳоказо. Ниҳоят, болаларга! бирор нарса деганда, улардан бирор нарса талаб қилганда, уларга бирор нарса таклиф қилганда, педагогнинг ўз-ўзига: «нима учун?», «нега?», «бунинг боиси нима?» деган саволларни бериши («Буни нима қилиш керак?», «Нега ўқувчи шундай йўл тутди?», «У ёки бу ҳаракат зарурлигининг боиси нима?») ниҳоятда фойдали бўлади.

Ўқувчилар педагогнинг ўзлари билан бўлаётган бутун муомаласи ҳатто жаҳл билан айтилса-да, дўстона бўлаётганини кўриб туришлари лозим. Жаҳл-ўткир, ниҳоятда ўткир курол. У шифобаҳш бўлиши ҳам, жавоб тариқасида жаҳл уйготиши ҳам, ғазабни қўзғаб, асоссиз жанжалга олиб келиши ҳам мумкин. Лекин педагогнинг ўқувчилар билан муомаласида жаҳлга ўрин бўлмаслиги керак, деб ўйлаш қийин. Бу жаҳлнинг қандай намоён бўлиши-бошқа масала. Жаҳлни чиқарган сабабни ўқувчининг шахсий сифатлари билан асло боғламаслик керак. Бундай жаҳл муносабатни бўзади, ўқувчини ғазабга келтиради. Баъзан жаҳл катта ва кичик ёшдаги кишиларнинг муомаласи учун осойишта, лекин ўзининг ёқимсизлиги билан кишини ғазаблантирувчи: «Наҳотки, мен сенга айтган гапларни эшитмаган бўлсанг?» ёки «Шундай қилишга қандай ҳаддинг сиғди?», «Сенга неча марта тақрорлаш керак?» ва шу каби мулоҳазалардан кўра фойдалироқ бўлади.

Саволлар беришни-асосий, аниқлик киритувчи, йўлга солувчи саволларни беришни билиш жуда муҳимдир. Лекин бу саволларни шундай бериш керакки, улар ўқувчини рағбатлантиrsин. Саволлар уни ўзи ҳақида, қандайдир воеалар тўғрисида, ўз фикр-мулоҳазалари, ҳиссиётлари, кечинмалари ва ҳоказолар ҳақида гапириб беришга ундаши лозим, яъни ўқитувчининг саволлари ортида сұхбатлашишга бўлган чинакам қизиқиши туриши керак. Бу ниҳоятда муҳимдир, чунки педагог ўқувчи учун қизиқарли сұхбатдош бўлиб қолиши учун у ана шу ўқувчининг ҳаёти билан жуда қизиқадиган киши бўлиши лозим.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишда тарбиявий самарага эришмоқ учун ўқувчи улар билан ҳамкорлик қила олиши болаларни ҳамкорлик жараёнига тортиши зарурки, бу жараён улар фаолиятининг турли соҳаларида билимда, буюмли-амалий ва маънавий—амалий фаолиятда, спортда, ўйинда амалга оширилади. Ҳамкорлик муваффақиятли бўлишиучун ўқитувчи муайян йўл-йўриқларга эга бўлиши: болалар билан ҳамкорликни муайян натижага эришишнинг зарур шарти деб билиши, ҳамкорликка барча

ўқувчиларни тортишга, уни мулоқот сифатида фикрлашга ҳаракат қилиши, ҳамкорлик жараёнига ўзининг ҳиссий жалб қилинганлиги зарур эканлигини англаб этиши лозим.

#### **4. Ўқувчилар фаолиятида ва уларни тарбиялашда муомаланинг роли.**

Ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнида муомаланинг ролини қараб чиқар эканмиз, бунда педагогларнинг методологик кўрсатмаларига таянамиз. Бунга куйидагиларни назарда тутиш мухимдир. Маълумки, ижтимоий-тарихий жараёнда инсон ривожланишининг асосий омили меҳнат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Лекин ҳар бир муайян индивиднинг мустақил ҳаётга киришига қадар бўлган болалик босқичидаги онтогенетик ривожида атрофдаги кишилар билан муомала қилиши етакчи омил бўлиб қолади, бу муомала турли бирликларда кечади ва турли буюмли-амалий мазмун билан тўлиб боради. Шу билан бирга муомала ижтимоий жараён бўлиб, у жамиятда ёш авлоднинг шаклланиши ва тарбиясига таъсир кўрсатувчи барча соҳаларга кириб боради.

Муомала мақсадини бу хилда таърифлаш ўқувчилар муомаласининг асосий икктири: ролларо ва шахсларо муомаланинг нисбий мустақиллиги шароитида унинг диалектик бирлигини кўрсатиб беради.

Ролларо (амалий муомала) ташкилий фаолиятнинг ҳар хил турлари жараёнида амалга оширилади.Faoliyat қатнашчиларининг мақсадига, бир-бирига муносабати ҳарактерига қараб улар ўртасида шериклик ёки ўртоқлик муомаласи вужудга келади. Ўртоқлик муомаласи факат фаолият қатнашчиларининг ўзлари эмас, балки ҳодимларининг фаолият мақсадига эришишдаги ўзаро ёрдами, ҳайриҳоҳлиги ва манфаатдорлигини назарда тутади.

Шахсларо (эркин) муомала ташкилий фаолиятдан ташқари амалга оширилади. Муомала қилувчиларнинг ҳиссий кўнгил боғлашувига қараб танишув, ошна-оғайнигарчилик, дўстликни фарқлаш мумкин.

Муомаланинг асосий ғояси ва мазмуни билан боғлиқ равишда муомала даражаларини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир, улар ўқувчилар муомаласи объектив мазмунининг чуқурлигини акс эттиради. Муомаланинг тўртта даражасини ажратиб кўрсатиши мумкин: фактик, ахборот, мунозаравий ва ошкоравий.

Муомаланинг фактик даражаси-бу сұхбатни кўллаб - қувватлаш учун нутқ айрбошлашдир, бунинг натижасида сұхбатдош билан алоқа ўрнатиш мумкин бўлади. У индивид (ўқувчи)нинг атрофидагилар билан муносабатда ўзини қулай ҳис қилишини кўллаб- қувватлашдан иборат мұхим вазифани бажаради.

Муомаланинг ахборот даражаси ўқувчилар ўртасида ҳам ролларо, ҳам шахсларо муомалада рўй берадиган ғоят турли-туман хоссага эга бўлган ахборот билан доимо алмашиниб туришдир. Бунда болаларнинг ақлий қизиқишлиари доирасига жуда хилма-хил ахборотлар жалб қилинадики, уларни болалар таълим-тарбия жараёнида, ўқитувчилардан, бошқа турли-туман манбалардан оладилар.

Муомаланинг мунозаравий даражаси шу сабабдан вужудга келадики, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир қанча бирлашмаларга кирадилар ва ўзига хос шахс бўлиб, факат шахсий ахборот ташувчилар ва у ёки бу фактларга шахсий тарзда изоҳ берувчиларгина эмас, балки нормалар ва қадриятларга ҳам изоҳ берувчилар ҳисобланадилар. Натижада ўқувчиларнинг ўзаро муомаласида турли нуқтаи назарлар тўқнаш келади. Бу тўқнашувда у ёки бу фактларга, воқеаларга ва ҳоказоларга изоҳ бериш имконияти аниқланади. Мунозаравий фаолиятнинг ҳар хил кўринишлари ўқувчиларнинг муомаласида катта роль ўйнайди, чунки фаолият мақсадига эришиш одатда шерикларнинг шахсий куч-ғайратларини келишиб олишни талаб қиласди, бу эса одатда мунозара жараёнида содир бўлади.

Ўқувчиларнинг атрофдагилар билан муомаласи жадаллик ва ишончлилик даражаси билан турлича бўлиши мумкин. Энг ишончли даражада дўстлар билан муомала бўлиб, уни ошкоравий даражада деб аташ мумкин, чунки унда ўқувчилар анча дилкаш бўладилар, дўстлар билан ўз хиссийларини, кечинмаларини барҳам беришга интиладилар.

Муомала билиш жараёнидир. Билиш ўқувчининг миқдорлар (маънолар) системасини ўзлаштириш ва хосилқилиш тарзида намоён бўлади, у ўқувчига оламни ва унда ўзини адекват (ўхаш) тарзда тушуниш имконини беради. Жамиятда муомалада бўладиган миқдорлар (ўқувчилар уларни билиб боришига қараб) фақат идрок қилиш андазаларини шакллантириб қолмай, шу билан бирга, энг муҳими— ижтимоий маданиятни ўзлаштириш жараёнида воқеликни билиш механизмини ҳам ҳосил қилади. Билиш ва муомаланинг алоқаси ўқувчининг билиш фаолияти доирасида намоён бўлади. Билиш фаолияти ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. У билиш фаолиятининг мақсадлари системаси сифатида, билиш буюмларининг ўзи сифатида ва ниҳоят, билиш фаолияти жараёнида кишиларнинг ўзаро ҳаракати сифатида, яъни билиш жараёнидаги муомала сифатида майдонга чиқади.

Муомала ҳар қандай ахборотни идрок этишга ва уларнинг ўқувчилар томонидан талқин қилинишига ҳам катта таъсир ўтказади. Бунга сабаб одамнинг ахборотни идрок этиши ва ўзлаштиришининг танланувчанлигидир. Танланувчанлик ўқувчининг шахсий хусусиятлари билан, шунингдек, у муомалада бўладиган энг яқин доирасининг таъсири билан ҳам белгиланади. Ўқувчи муомалада бўладиган гуруҳлар ўз хуқук доираларида тарқаладиган бутун ахборотни ўzlари учун анча аҳамиятли бўлган нормалар ва қадрияtlар нуқтаи назаридан идрок этиб, баҳо берадилар ва танлаб оладилар. Натижада ҳатто манбаи таълим-тарбия жараёни ва оммавий ахборот воситалари ҳисобланган ахборот ҳам соф ҳолда эмас, балки кўп ёки оз даражада бузилган ҳолда идрок этилади ва ўзлаштирилади.

Шундай қилиб, ўқувчилар шахсини шакллантириш жараёнида муомаланинг ролини қараб чиқар эканмиз, у билиш ва норматив жараёндан иборат бўлиб, ўқувчиларни ижтимоий маданиятга жалб этишга ва уларда шахснинг ижтимоий йўналиш шаклланишига жиддий таъсир кўрсатишини, ижтимоий қарор топиш воситаси ва усули, билиш жараёни бўлган муомала ўқувчилар ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга таъсир қилишини кўрамиз.

Шу муносабат билан жамоада ўқувчиларнинг муомаласи ижобий тусда бўлиши, уларнинг ўzlари эса унда муваффақиятли иштирок эта олишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

## 5. Ўқувчиларнинг муомаласини ташкил этиш.

Меъёрий жараён бўлган муомала ўқувчиларнинг фаолияти жараёнида уларнинг ўзаро ҳаракатини тартибга солиб туради, уни кўп ёки оз даражада самарали ҳаракатга айлантиради, бу эса муомалада ҳосил бўладиган ва муомала орқали тарқаладиган ўзаро ҳаракат нормалари мажмуига боғлиқ бўлади. Ўқувчиларни фаолиятга жалб қилишнинг маҳсус педагогик воситаси уларнинг муомаласига қўшимча нормалар киритишни назарда тутади, бу нормалар ҳам мақсадга мувофиқ ва анъанавий бўлиб қолади, ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилади.

Шахснинг ижтимоий қарор топиш шакли ва воситаси бўлган муомала ўқувчиларга жамоа фаолият жараёнида ўzlарини намоён қилиш ва қарор топтириш учун кўп ёки оз имконият яратади. Ўқувчиларнинг ўз жинсидаги ёки бошқа жинсдаги тенгдошлари билан муомаласи ҳам ўртоқларча, ҳам ошна-оғайниларча ҳам дўстларча муомаласи мазмuni болалар тарбиявий жамоаларда жалб қилинган фаолият мазмuni билан яққол боғлиқдир. Ўқувчиларнинг муомаласини ташкил этиш педагогик таъсир кўрсатишнинг шундай гурухига кирадики, у факата лоҳида бир ўқувчига қаратилиб қолмасдан, балки ўқувчиларнинг муайян бирлигига мактаб жамоасидан тортиб, ошна- оғайнилар гурухига ҳам мўлжалланган. Шу муносабат билан муомалани ташкил этиш усуллар системасини ўз ичига олади, улар ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг мазмuni ўқувчилар муомаласининг мазмuni асосига айланади: ўқувчиларнинг муомаласини назарда тутадиган таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг қулай шакллари муомала учун яхши шароит яратади, муомаланинг ва умуман тарбиявий иш системасининг тарбиявий самарадорлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Бир қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, ўқувчи жамоа фаолиятининг субъектига айланади. Бу шарт-шароитлардан энг муҳимларинигина айтиб ўтамиз: биринчидан, жамоанинг фаолияти ўз мазмунига кўра хилма-хил бўлса: иккинчидан, бу фаолият уни педагоглар бошқариб бориши билан бирга қўшиб олиб бориш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини кенг ривожлантириш ва жамоада ўз-ўзини ташкил этиш жараёнларини ҳисобга олиш асосида уюштирилса; учинчидан, ўқувчилар жалб этиладиган фаолият уларнинг ижодкорлигига (жамоа, гурӯҳ ва индивидуал ижодкорликка) катта имкониятлар яратиб берса; тўртинчидан, бу фаолиятда ўқувчилар жамоасини уюштиришнинг хилма-хил шакллари (масалан, ўқувчиларнинг бир хил ва ҳар хил ёшдаги уюшмалари) бирга қўшиб олиб борилса.

Ўқувчилар жамоа фаолиятининг субъеклари бўлиб қолиши, бу фаолият ўз навбатида улар муомаласи мазмунининг асоси бўлиб қолиши учун ўқувчилардан ҳар бири ундан фаол қатнашиш имконига ва истагига эга бўлиши зарур. Бунинг учун болаларнинг жамоа ҳаёти шундай ташкил этилиши керакки, бунда ҳар бир ўқувчи унинг мақсадлари, мазмuni, ташкил этилиш шакларини аниқлашда режалаштириш ва якун чиқаришда бевосита иштирок этади.

Жамоада ўқувчиларнинг муомаласини ташкил этиш учун синф ўз-ўзини бошқариш органларининг структураси ва уларнинг умуммактаб органларига айланиши катта аҳамиятга эгадир. Ўз-ўзини бошқариш органларининг кенг тармоқланган структураси муомала учун анча қулай шароитлар яратади, бу структура ҳам доимий органларни: шунингдек, кўп сонли муваққат органларни: турли ижодий гуруҳларни улар айрим тадбирларни ўтказиш учун тузишади), у ёки бу ишларни ташкил этадиган иш кенгашларини ўз ичига олади (улар ўртасидаги фарқ мазмунга тааллуқлидир: ижодий гуруҳнинг ўзи ишни тайёрлайди, кенгаш уни тайёрлашни йўлга қўяди). Табийки, улар ичидаги ва улар аъзоларининг бошқа жамоалар билан муомаласи мазмун жиҳатидан ҳам, жадаллиги жиҳатидан ҳам, шакли бўйича ҳам фарқ қиласди.

Натижада, жамоа фаолиятидаги муомала ўқувчилар ўртасида ҳам, улар билан педагоглар ўртасида ҳам самарали бўлиб боради. Муомала жараёнида муайян нормалар вужудга келади ва қарор топади, улар жамоадаги роллараро муомалани ҳам, шахслараро муомалани ҳам тартибга солиб туради.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги ва фаолиятчанлиги улар муомаласининг мазмунига муҳим таъсир кўрсатади, у етарли даражада ахборотга бой бўлади; ўқувчиларнинг ёшига мос келадиган ижтимоий-сиёсий, илмий-техник, фалсафий-ахлоқий ва бошқа ўзига хос ахборотлар уларнинг диққат марказида бўлади. Ҳамкорлик ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланиш, фаолиятчанлик ва ҳоказолар шунга олиб келадики, жамоадаги муомаланинг мазмунни муаммоли, ҳар бир ёш босқичидаги шахснинг камолга этишидаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқадиган масалаларга бой бўлади. Муомалада ўқувчиларнинг ёшига мос келадиган шаклда дунёқараш муаммолари мавжуд бўлади.

Жамоада муомалани ташкил этганда, ўқувчилар муҳитида мавжуд бўлган ҳақиқий гуруҳларни назарда тутиш, бир-бирига меҳр билан қарайдиган ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гуруҳларнинг хусусиятларини, уларнинг йўналиши, қизиқишилари, малакасини ва ҳоказоларни билиши, ҳисобга олиши ва улардан фойдаланиши керак. Жамоа ишни ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вақтида мазкур хусусиятларни ҳисобга олиш ишининг самарадорлигини оширади. Иккинчи томондан, бу ҳол гуруҳдаги муомалани жамоанинг қизиқишилари соҳасига ва жамоанинг қизиқишиларни гуруҳдаги муомала соҳасига олиб киради. Масалан, жамоа етарли даражада обрў қозонган, жамоачилик йўналишига эга бўлган гуруҳга муайян бир тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга бошчилик қилишни топширса бўлади. Қандайдир ўзига хос қизиқишилари бор гуруҳга бутун жамоа учун бу қизиқишиларга мос келадиган ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиш таклиф этилади ва ҳоказо. Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларнинг шахслараро реал

мавжуд бўлган алокаларини хисобга олиш икки хил мақсадга эришиш: гуруҳ аъзоларининг жамоа хаётига жалб қилиш ва улар ўртасидаги муомалага таъсир кўрсатиш имконини беради.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Муомала маданияти ҳақида тушунчангиз?
- 2.Педагогик фаолиятда ўқитувчининг муомала маданияти қандай бўлиши керак?
- 3.Тарбиявий ишларни ташкил этишда муомаланинг аҳамияти қандай?
- 4.Тинглаш ва гапириш маданияти нима?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

### **13-Мавзу: Педагогик техника, педагогик маҳоратнинг таркибий қисми**

#### **Р Е Ж А:**

- 1.Педагогик техника тузилиши.
- 2.Педагогик маҳорат ва техника.
- 3.Педагогик техникани эгаллаш йўллари.

**Таянч сўзлар:** Педагогика, техника, ўқитувч, нутқ, малака, савод, фикр, оҳанг, мимика, пантамимика, вазият, фикр, қобилияти, ҳаракат, метод, восита.

#### **1. Педагогик техника тузилиши.**

Педагогик техника ўқитувчига ўқув фаолиятида ҳам, ўқишидан ташқари фаолиятида ҳам зарур бўлган умумий педагогик кўнишка ва малакалар мажмуидан ташкил топади.

Хўш, ўқитувчининг педагогик техникаси қандай кўнишка ва малакаларни ўз ичига олади? Уларнинг педагогик таъсир кўрсатишидаги роли қандай?

Энг аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва хис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш жоиз.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалилиги. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътиroz билдиришга қараганда анча самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда ўқитувчининг ўз ҳиссий (психик) ҳолатини бошқариш, ўзида энг кулай ҳиссий (ижодий) жиiddийлик даражасини ва умидбахшилик, ҳайриҳоҳлик кайфиятини сақлаш, ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил этиш маҳорати муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилишини таъминлайди, кўп йиллар давомида соғлом асаб системасини саклаб қолиш, асабий бўзилишлардан, ҳиссий ва ақлий зўриқишидан ўзини тийишига ёрдам беради.

Самарали педагогик ўзаро таъсир кўрсатиши ташкил этиш учун ўқитувчи актёрлик ва режиссёрлик маҳоратининг таркибий қисмларини эгаллаши зарур, улар ўқитувчига болалар билан муомала қилишда тарбияланувчиларнинг ақл-идрокигагина

эмас, балки уларнинг ҳис- туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиш, уларнинг оламга бўлган ҳиссий қадриятларини анча тўлиқ бера билишига ёрдамлашади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг педагогик техникаси-бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогкага тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва қалбини етказиши имконини беради. Болалар билан бевосита муомала қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари (ёки уларнинг йўқлиги) унинг хулқ-авторида намоён бўлади.

Педагогик вазиятларнинг ҳаддан ташқари хилма-хиллиги педагогдан ижодий хулқ-авторни талаб қиласди. Педагогик техника ўқитувчи малакаларининг ҳудди шундай йиғиндисидирки, у ўқувчининг энг яхши ижодий хулқ-авторига, бошқача айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларга самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўзини педагогик фаолиятда чуқурроқ ва яққолрок кўрсатиш, болалар билан муомала қилганда ўз шахсиятидаги касбий жиҳатдан барча яхши, аҳамиятли нарсаларини очиб беришга ёрдамлашади. Мукаммал педагогик техника педагогнинг вақти ва кучларини ижодий иш учун бўшатиб беради, педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида болалар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффақиятли чиқмаган гапоҳангани тушунтиришга ўз фикрини чалғитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган ўқитувчи овози бўғилганидан ёки ўзининг иш билан боғлиқ бўлмаган қандайдир кечинмаларини унутишни билмаслигидан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш ўқитувчининг ўз касбий фаолиятидан қаноатланиш даражасининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Педагогик техника малакаларини бир бутун тарзда қараб чиқиш зарур. Хўш, бу малакаларнинг бирлигини таъминловчи умумий хусусиятлар нималардан иборат?

Аввало, педагогик техниканинг ҳамма учун умумий бўлган малакаларини татбиқ этиш соҳасини педагогнинг болалар билан бевосита муомаласини қайд қилиб ўтамиш. Худди шу нарса педагогик техника малакаларининг намоён бўлишини маълум даражада вазият такозоси билан ички сабаб натижасида вужудга келадиган нарсага айтиш мумкинки, бу тўсатдан бўлган нарсага айлантиради.

Ривожланган педагогик техника ўқитувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гапоҳангি, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўтқир ва кутилмаган педагогик вазиятларда осойишталиктини ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари, хақиқий педагогик таъсир кўрсатишлар ўқитувчининг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир вақтда намоён бўлади. Нутқ имо-ишора, мимика, харакат билан бирга содир бўлади, ўзлуксиз ўзини тута билиш таъсирчан воситаларни танлашга, муваффақиятли равишда тўзатиш киритиб бориш имконини беради ва ҳоказо.

Педагогик техника малакаларнинг бошқа муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси аниқ ифодаланган индивидуал-шахсий тусда бўлади, яъни педагогнинг индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-автори, сихат-саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига анча боғлиқ бўлади.

Педагогик техника малакалари ўқитувчининг индивидуал-шахсий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлиги фақат бу малакаларнинг индивидуал тусда бўлишигина эмас, балки уларнинг ривожланиши педагог шахсига таъсир кўрсатишида ҳам намоён бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик техника малакалари вазиятга боғлиқ равишида, педагогнинг хулқ-авторида айни бир дакиқада намоён бўлади. Шу маънода гапиргандা, бу малакаларни эгаллаш ўқитувчининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ хулқ-авторини ташкил этиш воситаларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Педагогик техника шаклланиши шахснинг унчалик пайқаб бўлмас сифатларига ҳам ривожлантирувчи таъсир кўрсатади. Чунончи, нутқнинг ифодали, соғ, саводли бўлиши устида ишлаш

фикрлашнинг равон бўлишига таъсир қиласи. Психик фаолиятни мустақил тартибга солиш усулларини эгаллаш феъл-автор белгиси бўлган ҳиссий вазминликнинг ривожланишига олиб келади. Педагогик техниканинг учинчи муҳим хусусияти шуки, педагогик таъсир кўрсатишдаги худди ана шу малакалар орқали педагогнинг маънавий ва эстетик нуқтаи назарлари тарбияланувчиларга янада тўлароқ очиб берилади. Педагогик техника малакаларининг шакланиш даражаси маълум даражада педагогнинг умумий маданият даражасини, яъни шахснинг педагогик имкониятларини акс эттиради десак, тўғри бўлади. Агар педагогнинг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, агар у бўлар - бўлмас сабаблар билан ўз ҳиссиётларига эрк берса, диди паст, эстетик жиҳатдан паст бўлса, у ҳолда «энг тўғри» сўзлар ҳам, энг «керакли» тадбирлар ҳам тарбияланувчиларнинг на ақл идрокига, на ҳиссиётига таъсир қиласи.

Педагогик техника тўғрисида айтилганларнинг ҳаммаси ҳар бир педагог учун бу техникини ташкил этувчи малакаларни эгаллаш ниҳоятда зарурлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

## **2.Педагогик маҳорат ва техника.**

Педагогик санъат вазият билан боғлиқ. Бу ерда ҳар гал ҳамма нарса янгидан содир бўлгандай туюлади. Бинобарин, киши ўзининг ҳар бир қадамини олдиндан кўриши, режалаштириши амалда мумкин бўлмайди. Педагогнинг меҳнати-бу беҳад изланиш ва азоб-укубатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор изланиш, кўпдан кўп кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиш ва болалар билан биргаликда бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил килишдир. Педагогик санъат, бу қандайдир қўл билан тутиб бўлмайдиган, фаҳм-фаросат билан амалга ошириладиган нарсадир, деган таассурот туғилади.

Ҳар қандай ижодкорлик, бунинг устига педагогик ижодкорлик куруқ жойда, факат ҳиссий реакциялар асосида бошланиши мумкин эмас. Тарбия санъатида ўзининг педагогик техникаси, ўзининг «бир қолипдаги» меҳнат маданияти борки, уларни билиб олиш зарур. Педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг бутун системаси ана шуни билиб олишга қаратилиши керак. Бироқ хали хеч ким олий ўкув юртида ўқиб ёки ўқитувчилар малакасини ошириш курсини тамомлагандан кейин уста педагог бўлиб қолмаган. Педагогик меҳнат усуллари мактабда вужудга келади, болалар билан муомалада тарбияланади.

Хўш, педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топади?

Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг, чинакам илмий, тарбиядаги кийинчиликларни ёнгишга қодир бўлган раҳбарликнинг, болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассам. Педагогик маҳоратга педагогик билимлар фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам кирадики, улар тарбияяга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради. Албатта, педагогнинг маҳорати эришилган нарсалар чегарасидан ташқарига чиқишига доимо интилишни ҳам назарда тутади.

Педагогик маҳорат назарияси ва методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги шунга олиб келадики, педагогларнинг ҳар бири ўзича, пайпаслаб ижодий изланиш олиб боради, айни бир ҳил саволларни: болалар билан, педагоглар жамоаси билан қандай қилиб тил топиш мумкин? Қандай қилиб қисқа муддат ичида болалар ўртасидаги муносабатларнинг хаққоний манзарасига эришмок керак? Болаларни педагогик талабларни бажаришга қандай қилиб мажбур этиш мумкин? Қандай қилиб яхши педагогик рухиятни сақлаб қолиш ва ўз куч-қувватини оқилона сарфлаш мумкин, деган саволларни муттасил такрорлайди ва ҳоказо. Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар бир моҳир педагогнинг ишида зарур бўлган умумий педагогик малакаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, мазкур масалаларни ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч – ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боришга интилишни, янги вазиятга, янги жамоага киришиш қобилиятини, самимиятни, тўғрилик ва ҳалолликни, ўткир ақл - идрокни, бир

воситани бошқаси билан текшириб кўриш малакасини, ўз топилмаларининг қимматини аниқлаш талаб қиласи. Педагогика фани билан тарбия санъатининг ўзвий алоқадорлиги зарурки, у юксак касб маҳоратини таъминлайди.

Лекин айрим педагогик ҳақиқатларни эслаб қолишиниг ўзи етарли эмас, уларни ижодий мушоҳада қилиш, амалда татбиқ эта билиш зарур. Тарбия назариясида тайёр андозалар йўқ, педагогика ҳаётнинг барча ҳодисалари учун тайёр ечимларни таклиф қилмайди, деган қоида сийқаси чиқкан қоида бўлиб қолди. Педагогика фикрлашга ўргатади, мураккаб педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун тӯғри йўл-йўрик ва илмий асосланган йўлларни кўрсатади, ўқитувчини педагогик таъсир кўрсатиш методикаси ва техникаси билан қуроллантиради.

Биз педагогик ҳодисанинг энг умумий, энг муҳим, яъни доимо тақрорланиб турадиган томонлари билан иш кўрган жойимизда аниқ тавсия бўлиши мумкин. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тақрорланмас ўзига ҳослиги билан иш кўрган жойимизда, чамаси қатъий белгиланган тавсиялар, «андозалар» бўлмаслиги ҳам мумкин. Биз илмий педагогика нуқтаи назаридан мутлақо аниқ ва қатъий айта оламизки, ўз - ўзини бошқариш, ўйин, ижтимоий таъсир кўрсатиш, ижодий меҳнат ва ҳоказо воситаларсиз демократик тарбияни амалга ошириш мумкин эмас.

Педагогик воситаларни танлаш уларнинг тарбиявий мақсадларига мувофиқлиги билан белгиланиши тушунарли. Мақсад ўзига хос ички йўл кўрсаткич ҳисобланади. У бутун педагогик жамоанинг, ҳар бир айрим педагогнинг фаолиятини йуналтириб туради.

Кўпинча амалда ўқитувчилар бир қатор сабабларга кўра, фақат энг яқин ҳусусий мақсадлар билангина чекланиб қолади, яъни тарбиячига керакли нарсаларни бажаришга мажбур қиладилар. Энг яхши деганда, биринчи ўринга болалар ҳаётини қизиқарли қилиш мақсади қўйилади. Албатта, тактик ниятларни рад қилиб бўлмайди, уларсиз иш битмайди. Лекин улар тарбиянинг стратегик мақсадларига бўйсундирилиши лозим, уларда тарбиянинг асосийси, баҳтиёр кишини шакллантиришдир, яъни шундай кишини шакллантириш керакки, унинг учун Ватанга хизмат қилиш, мамлакатнинг энг яхши келажаги учун кўрашиш, жамият, ўз олдидаги, ота-оналар олдидаги бурчини бажариш қувонч келтирсин. Чинакам баҳтни бирорнинг қайғуси, ахлоқсиз хатти - ҳаракати, алдаши асосида кўриб бўлмайди. Демак, биз баҳтиёр одамни тарбиялар эканмиз, ёмонлик қилишга қобилиятсиз шахсни тарбиялаймиз, биз хаётга шундай одамни тарбиялаймизки, унинг учун яхшилик қилиш қоида ҳисобланади. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, тактик вазифалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш воситалари, педагогик тафаккур мантиқи белгиланади. Албатта, буларнинг ҳаммаси уқадар осон эмас, чунки мақсадни ҳамиша ҳам воситадан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун кўп ҳолларда аксарият амалиётчи ходимлар худди айрим воситаларни мақсадлар даражасига кўтарадилар.

Тарбиянинг мақсадлари, воситалари ва натижалари ўртасида, шунингдек, тарбияланувчи ва тарбиячи тафаккури, мотивлари ўртасида мураккаб боғлиқлик бор. Катталарнинг мақсади, одатда, болаларнинг мақсадлари билан тўқнаш келиб қолади. Ахир, боланинг ҳам ўз мақсадлари бор. Ўқувчининг ривожланиш мантиқи, унинг тафаккури, ҳаракатлари битта нуқтаи назарда, тарбиячининг мантиқи бошқа нуқтаи назарда туриши мумкин. Бундай вариантда ҳеч қандай тарбиявий таъсир кўрсатиб бўлмайди. Ўқитувчи билан ўқувчининг мақсадлари бир-бiriга мос келса, навбатдаги «тўсиқлар»ни енгиш учун биргалиқда воситалар изланса, демократик педагогиканинг тамойилларига мос келадиган чинакам тарбия жараёни содир бўлади. Бу жараён болаларни ҳам, катталарни ҳам ўзига жалб қиласи, уларга ҳам, буларга ҳам қувонч бағишлийди. Тарбиячилар билан тарбияланувчиларнинг теварак-атрофдаги воқеликни ва айни вактда ўз-ўзларини ўзгартиришга қаратилган биргалиқдаги фаолияти, катталар билан болалар қарашларининг бирлиги-тарбиялаш санъати асосида ана шулар туради.

Бутун педагогик иш қўйилган мақсад сари фаол интилишдан иборат бўлиши лозим. Педагогик воситалар тизими педагогик мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласи. Бу тизим абадий белгиланган бўлиши мумкин эмас, у ўзгариб ва ривожланиб боради.

Ҳозирги замон педагоги ўз ишларини чуқур таҳлил қилишга, педагогик воситалар табиатини, уларнинг зиддиятли эканлигини, ички мантиқни ҳар томонлама билишга муҳтождир.

Мақсадни кўкка кўтариш билан ҳар қандай воситаларни оқлаш йўлига ўтиш мумкин. Маълум мустақилликка эга бўлиб олган воситалар белгиланган мақсадга бориш йўлидаги ҳаракат жараёнини ўзгартириб юбориши мумкин. Ижодий иш олиб борувчи педагоглар орасида шундайлар учрайдики, улар педагогик воситалардан бирини яхши эгаллаб олгач, уни бутун педагогик жараённинг боши ва охири, барча иллатлардан кутулиш йўли деб ҳисоблайдилар. Бирорлар ўз-ўзини бошқаришга, бошқалар ўйинга, учинчилар-мехнат фаолиятини ташкил этишга, тўртингилар гурӯҳ машғулотларининг турли шаклларига маҳлиё бўладилар ва ҳоказо. Чинакам маҳорат эса, турли-туман воситалардан, баъзан эса бутунлай бир-бирига қарама-қарши воситалардан фойдалана билишда ифодаланади. Агар бундай маҳорат йўқ бўлса, ўқитувчи бир воситанинг бошқаларидан устун бўлишига барҳам бериши жуда қийин бўлади.

Педагогик фаолиятда воситалар, мақсадлар ва натижаларнинг нисбатини доимо таҳлил қилиб бориш зарур. Улар ўзвий бирликни ташкил этади, бир-бирига боғлиқ бўлади ва алоҳида тарзда амалга оширилмайди. Мақсадни амалга ошириш усули-бўлажак натижа. Натижа янги воситаларни танлаш, янги мақсадларни қўйиш учун амалий асос ҳисобланади. Тажрибада маълум даражада қўлланилган ҳар қандай восита натижа беради, ҳатто бирор сабабга кўра мадсад аниқ ифодаланмаган бўлса ҳам натижа бераверади. Лекин мақсади аниқ ифодаланган педагогик воситагина самаралидир. Ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатишининг ҳар бир аниқ ҳолатида, умуман тарбияда биз нимага эришмоқчи эканлигимизни аниқ билиб олмасак, самарали педагогик воситаларни танлаш муваффақиятли бўлишини тасавур қилиш қийин.

Тажрибада мавжуд бўлган ҳаддан ташқари кўп педагогик воситаларни санаб чиқиши бизнинг вазифамизга кирмайди. Шу муносабат билан фақат иккита мулоҳаза билан кифояланамиз.

Биринчи мулоҳаза: ҳар қандай педагогик восита ҳамиша бир қатор бошқа воситалар, усуллар, шартлар билан боғлиқ бўлади, улар педагогик жараённинг муайян босқичида таъсир кўрсатиши натижасини белгилаб беради. Масалан, рағбатлантириш бир ҳил жараёнларни тезлаштириши ва бошқаришга тўскинлик қилиши, турли салбий ва ижобий ҳусусиятларнинг турли-туман кўринишларини вужудга келтириши мумкин. Баъзан бу ҳол педагогни бир методнинг бошқаларига таъсирини мувозанатлаш зарурлигига олиб келади.

Иккинчи мулоҳаза: айрим воситаларни қўлланиши педагогнинг улар таъсирини, мумкин бўлган ўзгаришини англаш қобилиятларига бутунлай боғлиқ бўлади. Жамоавий муомала шароитида воситаларни қўллаш минут сайн ўзгариб турадиган вазиятни ҳисобга олиш зарурлигини тақозо қилади.

Ҳозирча биз кўпроқ мавхум категориялардан фойдаланамиз. Амалий фаолиятда эса воситалар, мақсадлар ва натижалар диалектикаси овозлар шовқини, ғоят турли-туман эҳтиёжлар ва даъволарнинг авж олиши билан тўла бўладики, бу барча жонли манзара доимо бир кишининг-педагог тарбиячининг дикқат-марказида бўлиши лозим.

Хўш, унинг маҳорати нималарда ифодаланиши мумкин? Аввало шошилинч таҳлил қилишда ва тезда ишга киришишда ифодаланиши мумкин. Агар бу шошилинч таҳлил ноаниқ бўлса, воситалар ҳам албатта нотўғри танланади, унда олинган натижани ўзгартириш учун янги воситани излаш талаб қилинади. Қўлланиладиган восита ва маънавият педагог амал қиласидиган қадриятлар системаси ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Педагогик воситаларга тор амалиётчилик нуқтаи назаридан принципсизларча ёндашув (улардан фойдаланиши билган тақдирда) тезда айрим муҳим натижаларга ташқи тартибга, ташкилий аниқликка эришиш имконини беради, мактаб хаётининг мураккаблиги ва ўзига хос ҳусусиятларидан беҳабар киши буларни педагогик маҳоратнинг намоён бўлиши деб қабул қилиши мумкин. Чинакам маҳорат эса ўқитувчига

ушбу қоидани юклайди: барча воситалар бирон кишини ҳайрон қолдириш, педагогнинг шахсидан фаҳрланиш учун эмас, балки демократик тарбияни жуда мураккаб ва улкан вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Шу сабабли ҳақиқий педагог фақат фавқулотда ҳоллардагина ўзига педагогик марказ тусини беришларини эп қўриши мумкин, одатда эса унинг иш услубида ташқи оддийлик, воситаларга доноларча, жуда синчиклаб муносабатда бўлиш, уларнинг таъсир доираси ва даражасини аниқ билиш, анъанавий усусларни янги усуслар билан мохирона бирга қўшиб олиб бориш ажralиб туради. Кўпинча ҳақиқий педагогнинг новаторлиги илгаридан маълум, текширилган ва ўрганилган воситалардан айнан янгича фойдаланишдан иборат бўлади.

Педагогикада универсал воситалар йўқ, лекин ҳар бир педагог восита ўзининг бевосита қарама-карши томонига айланиши: меҳрибонлик бағритошлиқка, ўз-ўзини бошқариш болаларнинг фаоллигини, жипслигини ривожлантириш ва демократия билан ошно қилишдан ташаббусни бўғиши ва қаттиқ иерархик тарқоқликни қарор топтириш усулига айланиши мумкин. Воситалар ва усусларнинг бундай ўзгариши ўз-ўзича содир бўлмайди, улар ёмон бўлгани учун содир бўлмайди, гапшундаки, улар ўқитувчи амалга оширадиган мақсад йўналишининг, аҳлоқнинг истакларнинг оқибати ҳисобланади.

Турли тарбиявий воситаларни қўлланишлиги ўз йўналишига кўра демократик тамойилларга асосланиши, уларни қарор топтириши керак. Агар педагог тарбиявий воситаларни болаларнинг иқтидор ва қобилиятларини, болалар жамоасидаги ижодий, яратувчанлик кучларини ривожлантириш учун эмас, балки ўзининг шахсий натижаларини намойиш қилиш учун моҳирлик билан қўлласа, у мана шу иши билан болаларнинг фаоллигини бўғиб қўяди, тарбия мақсадларига муқаррар зид иш қилган бўлади, педагогик маҳоратнинг аҳлоқий негизини барҳам топтиради. Аҳлоққа зид воситалар демократик тарбия методлари бўла олмайди, тарбия ва таълим методлари демократик аҳлоқ талабларига мос келган шароитдагина педагогик воситаларни танлашдаги эркинликка амал қиласди.

Агар педагогик санъат ҳақида гапирганда, чамаси, унинг асосий кўринишлари болаларга умидбағш фараз билан ёндашиш, талаф ва ишончнинг бирлиги, унинг шахсига авайлаб муносабатда бўлиш, уни хурмат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Мехнатсеварлик, ирова, ғайрат, дилкашлик, маҳорат, фидокорлик каби барча хислатларни бир-бири билан алмаштириб бўлмайди. Тўғри, улар ҳали аҳлоқий хатти-харакатларга кафолат бермайди, лекин бу энди бошқа масала. Энг муҳими шуки, бу хислатлар мавжуд, шу боисдан ҳар бир ақлли тарбиячи уларга таяниши керак. Л.Н.Толстойнинг: «Болалар- яхшилик, уйғунлик ва гўзалликнинг биринчи тимсоли» деган иборасини инкор этиб бўлмайди, бунга сабаб шуки, болалар тошбағр ҳам, раҳмсиз ҳам, баджаҳл ҳам бўлади. Ҳа, ҳақиқатан, ҳеч қандай бошланғич яхшилик йўқ. Лекин яхшилик аҳлоқий соҳа сифатида ижтимоий шарт- шароитларга боғлиқ бўлади. У ҳамиша инсонга ва бошқаларга бўлган муносабатdir. Шунинг учун ҳам чеҳрасида инсоният зотига хос бўлган гўзаллик акс этиб турмайдиган бола бўлмайди. Бола феъл-атворининг хусусияти шундан иборатки, у ҳаддан ташқари кўнгилчандир. Энг тошбағр бола ҳам ҳамиша қизиқарли ишнинг ортидан боради: унинг кўзлари порлаб иш ортидан боради.

Шундай қилиб, тарбияси қийин бола ўзида шу қадар қимматли инсоний материалга эга бўладики, бу материал инсон қалбининг чинакам гавҳарига айланиши учун куч-ғайрат сарфламаслик кечириб бўлмайдиган ишдир.

Ҳозирги замон педагогикаси, унинг тарбия назарияси болага қўйиладиган ва билдириладиган талаб ва ишонч бирлигига асосланади. Шу бирлик асосида педагогнинг муросасиз аҳлоқий йўналиши айни вақтнинг ўзида ҳам талабчан, ҳам саҳий инсон, болалар билан муомалада чинакам инсонпарварликни қарор топтирувчи киши бўлиши такозо этилади. Дарвоқе, саҳийлик билан талаб ўртасида кескин фарқ йўқлилигигина эмас, балки аксинча ўзвий алоқадорлик борлигини айтиб ўтмоқчимиз. Ҳақиқатан ҳам, биз тарбиявий ишда қандай масалага ёндашмайлик, маълум даражада аҳлоқий талабларга

мурожаат қиласыз. Ҳаёт, умумий иш, дүстлар, эътиқодлар, тамойиллар шуни талаң қиласы даюнды.

Зотан, инсоннинг баҳти ҳам бурч талабарининг бажарилиши унга қувонч келтиришидан иборатдир. Чинакам маҳорат инсонни юксалтириш учун қандай ҳаракатни қўллаш яхшироқ бўлади, деган саволга зўр бериб жавоб излаётган жойда обрўталаб киши масалани оддий ва тез ҳал қилиб қўя қолади. Агар чинакам маҳоратли педагог ҳамма вақт муносабатлар тизими болаларнинг ижодий камолотига ёрдам бериши лозимлигини ўйласа, обрўталаб педагог уларнинг мустақил фаолиятини ниҳоятда торайтириб, уларнинг сўзсиз қулоқ солишларини ёқтиради ва бу билан болалар муҳитидаги тарқоқликка кўмаклашади. Ўз сўзини ўтказишга интилиш чинакам масъулиятга, ташаббусга, ўзаро ёрдам кўрсатишга барҳам беради. Педагоглар жамоасидаги ўзаро муносабатларга ва кўпроқ даражада тарбияни тарбияланувчилар орасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, мослашувчанлик ва иккиюзламачиликни вужудга келтиради.

Обрўталабликка барҳам бериш-илмий, чинакам обрўли педагогик раҳбарликнинг асосий шартларидан биридир. Педагогик обрўнинг кучига аввало умумий ва касб маданияти билан, шахсий тажриба билан эришилади.

Маданият олами ҳар қандай касб-корлик ҳаракатини бойитиши лозим. Шахснинг касбий ривожланиши умумий ривожланишнинг бир қисмидир, чунки касб-корлик сифатлари ижодкорликнинг умумий қонунларига асосланади ва фақат ўз соҳасидан эмас, балки бир-бирига яқин соҳалардан, билимлардан, баъзан эса бутунлай қарама-қарши фаолият турларидан озиқ олади. Умумий маданият билан мутахассислик ўртасида бевосита боғлиқлик бор, чинакам маҳорат даражаси шахснинг умумий ривожланиши билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлади.

Педагогик маҳорат ўзига болалар ҳақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, мактаб ҳақидаги, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, усуслари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади, ўқитувчи, тарбиячи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, ёмон маънодаги эски усулдан, бир қолипдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди.

Бироқ замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди, маҳсус билимлар ва малакалар: болаларни қўзатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, бу муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, уларни ривожлантириш йўллари ва усусларини аниқлаш, турли воситалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш усусларининг ўзаро бир-бирига ўтиши диалектикасини чукур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жихаттан бир тизимга солиш малакалари зарур бўлади.

Ишни эндиғина бошлаётган ўқитувчи ва тарбиячи учун иложи борича кўпроқ моҳир педагоглар иш тажрибаси билан кенг танишиб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Энг яхши намуналар асосида ўқиб ўрганиш ҳамиша муваффақиятлироқ бўлади. Шу сабабли анча тажрибали ўқитувчилар ва тарбиячилар ташкил этадиган дарсларга, тўғарак ва гуруҳ машғулотларига, меҳнат ишларига кириб туриш вақтни аямаслик керак.

Ўқитувчи янги илмий асарларни ўрганар экан, ўзининг ҳаётий билимини, ҳис этган ва англаган нарсаларини, ўз тажрибасини асло камситмаслиги керак. Ўқитувчиларни кенг ва дадил тажрибачилик ишларига йўллаш зарур.

Нима учун киши ўзига ва ўзининг ўқитувчилик имкониятларига дадил муносабатда бўлиши керак? Чунки бундан бошқа йўл йўқ: мактабда, болалар билан муомала муносабатидагина педагогик меҳнат усталари бўлиб етишиш мумкин. Шу сабабдан педагоглар жамоаси ёки ўқитувчи қандай муаммо устида ишламасинлар, улар қандай усуслардан фойдаланмасинлар бола диққат марказида турмоғи керак. Шогирдларнинг маънавий билим бойлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, таълим психологиясини ва ўқитувчи психологиясини билиб олишга интилиш, болаларни янгичасига қўзатиш, ўз малакаларининг ривожланишини кўзатиш истаги, ўз билим доирасини кенгайтиришга,

адабиётни ўрганишга интилиш керак-ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик ишига ёндашиш жараёни шу қадар кўп қиррал ва индивидуалdir.

### **3.Педагогик техникани қандай эгаллаш керак?**

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар (педагогик техникани ўрганиш) ва мустақил ишлаш (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш) дир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчи шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди деб айтиш мумкин. Касбий идеал сари бу ҳаракатда ҳам педагогик техникани эгаллаш муҳим роль ўйнамоғи лозим.

Ташкилий - методик жиҳатдан педагогик техника машғулотлари индивидуал, гурухни ёки кетма-кетлиқда ўтказилиши мумкин. Масалан, зарур билимлар маърӯзаларда ёки тегишли адабиётни (хусусан мазкур қўлланмани) мустақил ўқишида эгалланиши мумкин. Автоматлаш-тиришга доир айрим оддий ҳаракатлар (тўғри артикуляция, фонацион нафас олиш усуллари, релаксация усуллари ва шу кабилар) кетма-кет кўрсатилиши мумкин. Тегишли кўнкималарни ишлаб чиқиши индивидуал ишлашни дастлаб ўқитувчининг назорати раҳбарлигига, кейин эса мустақил ишлашни талаб қиласди.

Педагогик техника малакаларини шакллантиришда гурухли иш олиб бориши алоҳида роль ўйнайди. Педагогик техника машғулотларининг бу шаклини анча батафсилоқ, очиб бериш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳозирга қадар ўқитувчилар учун мўлжалланган ўкув ва методик адабиётларда лозим даражада кўрсатиб берилмаган. Худди шундай ишда педагог олдида ўзини бошқа кишилар кўзи билан кўриш, ҳулқ-атвор ва муомаланинг янги шаклларини излаш ва синаб кўриш, ўзининг одамлар билан бирга қиласиган иши хусусиятларини англаш ва касби фаолиятининг индивидуал услубини онгли равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Гурух шахснинг ўз-ўзини билиш ва тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг янги усуллари текшириб кўриласиган, назарий масалалар муҳокама қилинадиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.

Психологларнинг педагогик техникани гурух бўлиб ўргатиш раҳбарларининг тажриба ишида бундай гурухларнинг энг қулай миқдори 10-14 кишидан иборат бўлиши белгилаб берилган. Қатнашчиларнинг худди шундай миқдори улардан ҳар бирига бошқа кишилар билан бирга ишлашни индивидуал психологик муаммоларини жуда тўлиқ равишда аниқлаб, ҳал этиш рефлексия ва эмпатия даражасини жиддий ошириш, педагогик фаҳм-фаросатни ривожлалтириш, бошқаларга таъсир этиш воситаларини кенгайтириш имконини беради.

Шу нарса муҳимки, гурух қатнашчилари, бўлажак педагоглар касбий жиҳатдан бирга ишлаш малакаларини эгаллашга фаол интилишлари, ўз-ўзини билиш ва касбий жиҳатдан ўзини тарбиялаш бўйича чуқур иш олиб боришига психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Барча ҳолларда ҳам индивидуал, ҳам гурухий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани эгаллашнинг индивидуал дастури тўзиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало, педагогик техника малакалари шаклланшининг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур. Бироқ, тажрибанинг кўрсатишича, одатда, мазкур босқичда фақат малакалар ҳақидагина эмас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган (таълимни бошлаш вақтига келиб) кўнкималар ҳақида ҳам бориши мумкин экан. Булар масалан, нафас олиш ва овознинг табиий йўлга қўйилиши, тўғри талаффуз, бундан олдинги тарбиянинг натижаси бўлган саводли, ифодали нутқ, мимик ва пантомимик аниқлик ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай кўнкималарнинг мавжудлиги педагогик техника малакаларини шакллантиришни анча осонлаштиради. Шунга қарамасдан, барча ҳолларда ана шу кўнкималарни тегишли малакалар таркибига киритиш юзасидан муайян

иш олиб борилиши зарур. Педагогик техника малакаларини шакллантиришнинг бошланғич даражасига қараб, уни эгаллашнинг индивидуал дастури етишмайдиган малакаларни шакллантиришга қаратилган айрим машқларни ёки машқларнинг тўлиқ мажмуини ўз ичига олади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ишни энди бошлаётган педагоглар дуч келадиган қийинчиликларнинг асосийси айни шу педагогик бирга ишлаш соҳасида бўлади. Педагогик техника, тўғрисида юқорида айтиб ўтилган нарсалар малакаларнинг бу гурухга эътибор қилмаслик, педагогик фаолиятда уларнинг ролига етарли баҳо бермаслик ва бунинг оқибати сифатида индивидуал педагогик техникани танқидий таҳлил қилишни ва уни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ишнинг йўқлиги мазкур қийинчиликларнинг асосий сабаблардан бирилигини тушунишга имкон беради.

Олий ўкув ютидаги касбий тайёргарлик жараёнида педагогик техникани эгаллаш ўқитувчига ўзининг касб йўналишининг бошланишидаёк кўпгина хатолардан ҳоли бўлишда, ўкувчиларга таълим-тарбия беришнинг юксак самарадорлигига эришишда ёрдам беради.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Педагогик техника деганда нимани тушунасиз?
- 2.Мимика ўқитувчи фаолиятида қандай ўйнайди?
- 3.Пантамимика нима?
- 4.Педагогик маҳорат эриш йўллари ҳақида фикрингиз?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

#### **14-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг назарий асослари.**

##### **Р Е Ж А:**

1. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг илмий ва назарий асослари.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг форма ва методлари.
3. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсияси.

**Таянч сўзлар:** Педагог, ўкувчи, муносабат, дарс, табия, фан, спорт, дурадгорлик, санъат, бадиий ижод.

#### **1. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг илмий ва назарий асослари.**

Мактабнинг ўкувчилар билан олиб борадиган ўкув машғулотларидан ташқари хилма хил таълим-тарбия ишлари синфан ташқари ишлар номини олган. Синфдан ташқари ишлар мактаб таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини йўлга қўйиш, тарбия формаларидан биридир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар шахсни ҳар томонлама камол топтириш ва уни ҳаётга, актив фаолиятга тайёрлаш учун кенг имкониятга эга. Бу ишлар болаларнинг қизиқишиларига мувофиқ тарзда кўнгиллилик асосида ташкил қилинади. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўзларини қизиктирадиган машғулотларни танлаб олишади уларда мустақил ташаббускорона иштирок этишади.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий ишларини, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қуидагилар бўлиши лозим:

- педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро хурмат муносабатларини шаклланганликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқукини эътиборда тутиш зарур.

Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- а) фан тўгараклари;
- б) моҳир кўллар тўгараклари;
- в) дурадгорлик тўгараклари;
- г) спорт тўгараги;
- д) бадиий хаваскорлик тўгараги.

Умумурта таълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради. Синф раҳбари тўгарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишилари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўгаракка аъзо бўлишга чорлайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларни дунё қарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қуидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат килиш;
- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари ёрдамида йўлга кўйиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш;
- умумурта таълим мактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш;

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади.

Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

- тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчликларни таҳлил қилиш;
- тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

– тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усусларини аниқлаш;

– синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гурухлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирасдан унинг мазмуни, шакл ва усусларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин.

Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўкув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўкувчилар жамоачининг хилма-хил ишларни қандай йўлга қўйишга боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлари ҳар хил ўкувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиктиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб киради.

Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Бу фаолият илмий жамоа, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конферентцияси ва мунозаралар, сиёсий, ахлоқий, илмий-оммабоп ва меҳнат мавзуларидаги маҳруза ва сухбатлар, ижтимоий-фойдали меҳнат, сиёсий ахборот, байрам кечлари ва эрталиклари, тўгарак машғулотларини ўз ичига олади.

Ўкувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Ўкувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатга киришади, турли вазифатларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўкувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма - хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўкувчилар жамоада ишлашни ўрганадилар ижтимоий меҳнат қувончини хис қиласидар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиласидар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу жараёнга улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади. Гарчанд мамлакатимиздаги барча мактабларнинг вазифалари бир бўлсада, ўша мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва бу хусусиятлар маданий ва миллий шароитларда яққол кўринади. Тарбиячилар, синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тарбиявий ишларида куйидаги иш усусларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

1. **Оғзаки иш усуслари.** Турли ахборотлар, мажлислр, эрталабки йигинлар, маърузалар, китобхонлар конферентциялари, мунозаралар, учрашувлар, журнал ва газеталар, радиожурналлар.

2. **Амалий иш олиб бориш усуслари.** Турли жойларга сайёҳтлар, спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фаолияти, ёш табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар.

3. **Кўргазмали иш усуслари.** Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хонаси, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қолибилиятини ишга солишини, тинмай изланишини тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, ахил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлишлари лозим.

## **2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг форма ва методлари.**

Жамоат ташкилотлари ва ўкувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган хилма - хил машғулотларни ўқитувчилар ёрдамида ташкил қиласидар. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил: ижтимоий-сиёсий, илмий, ижтимоий фойдали,

бадан тарбия-соғломлаштириш ишлари бўлади. Синфдан ташқари ишлар уч хил формада: оммавий, тўгарак ва индивидуал формаларда ташкил қилинади.

**Оммавий формалар:** Эрталиклар, мактаб кечалари, болалар байрамлари, кўриклар, кувноклар ва топқирлар тўгараги, сайд, синф мактаб музейлари, болалар ишларининг кўргазмалари в ҳоказолар.

**Тўгарак ишлари:** Мактабдаги ҳар бир тўгарак ўзининг доимий иш кунлари ва соатларига эга бўлиши лозим. Тўгаракда қатъий интизом бўлиши: тўгарак аъзолари машғулотларига кечикмасдан келишлари, тўгарак топшириқларини батртиб бажаришлари, тўгаракнинг моддий бойликларини эҳтиёт қилишлари керак.

**Синфдан ташқари индивидуал иш:** Ҳар бир ўқувчи ўз майл ва қобилиятларининг ривожланишига ёрдам беради. Бу ишда синфдан ташқари ўқиш катта аҳамиятга эга. Мактабда ҳар бир синф учун синфдан ташқари ўқиш дастури бор. Ўқувчининг нима ўқиётгани ва ўқиган нрсаларини қандай идрок қилаётганини ўқитувчи билиши жуда муҳим. Шунинг учун ўқитувчининг синфдан ташқари ўқишга раҳбарлиги энг яхши китобларни тарғиб қилиш ва ўқувчиларда ўқилган дарслекларни тўғри, чукур идрок этишни ривожлантиришдан иборат.

Индивидуал топшириқларнинг турлари жуда кўп бўлиб, ўсимликлар ўстириш, гуллар, сабзвотлар етиштириш ҳам ана шундай топшириқлар жумласига киради. Индивидуал топшириқларда ҳар бир ўқувчининг имконият ва қизикишлари ҳисобга олинса, улар болаларнинг қобилиятлари, истеъоддларини ўстиришга ёрдам беради.

Ўқитувчи таълим жараёнида болаларнинг маданий эҳтиёжлари ва билим даражаларини аниқлаш билан шуғулланади.

Уларга мувофиқ тарзда айрим ўқитувчилар, группа ёки бутун синф билан олиб бориладиган синфдан ташқари ишларни режалаштириш.

**Мактабдан ташқари ишлар:** Мактабдан ташқари ишлар болаларнинг ёши ва қизикишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни ихтиёрий равишда, актив ва мустақил қатнашишлари шароитида ташкил қилинади.

Район, шаҳар, ўлка ва Республика ҳамда мактаб ўқувчилари саройлари ва уйлари – анча кенг тарқалган мактабдан ташқари муассасалардир. Улар халқ маорифи органлари раҳбарлиги остида ишлайдилар.

Мактабдан ташқари муссаса болалар кутубхонасининг иши дикқатга сазовор. Болалар кутубхоналари мактабларнинг I-VIII синфлари ўқувчиларига, шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги китоб ўқий оладиган болаларга хизмат кўрсатади. Кутубхонанинг бутун иши болаларга яхши тарбия беришга, фан асосларини ўрганишда ўқувчиларга ёрдамлашишга, болаларда ўқиш маданиятини тарбиялашга, мустақил равишда билим олиш малакаларини ҳосил қилиш ва мустахкамлашга қаратилган.

Кўпгина мактабдан ташқари муассасаларнинг ишлари мисолида, мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишида мактаб ва оиласа жиддий ёрдам бермоқдалар деган холосага келиш мумкин. Ўқитувчи муайян аҳоли яшайдиган жойда мактабда қандай муассасалар борлигини билиб, улар билан ҳамкорликда қилинадиган ишни йўлга қўяди, ўқувчиларнинг қизикишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўгаракларга йўллайди. Мактаб болалалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишни режалаштиришда мактабдан ташқари муассасалардан олиши мумкин бўлган ёрдамни ҳам назарда тутади. Мактабнинг тарбиявий иш режасини болалар муассасаларининг режасига мослаштириш зарур. Мактаб тарбиявий иш режасини ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишларнинг форма ва методларини, уларни оқилона йўлга қўйишни ўз ичига олади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси, мактаб тарбиявий ишининг умумий режасини тузади ҳамда ўқувчиларга ҳар томонлама тарбия беришда мактаб ўқитувчилари, мактабдан ташқари муассасалар ҳамда мактабни оталиқقا олган ташкилотларнинг ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш мактабда ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда анжуманлар, кечалар, ўткир зеҳинлилар мушоираси ва экспурсиялар ўтказиш, кино ва театрларга жамоа бўлиб бориш, завод ва фабрикаларда ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилиш, деворий газеталар чиқаришни йўлга қўйиш каби ишлар белгиланади.

Умумурта таълим мактаблари ҳаётидаги бу кичик бўлимчанинг энг муҳим вазифаси умуммактаб тарбиявий ишлар жамоасини ташкил этиш системасини очиб беришдан иборатдир. Умуммактаб жамоаси синфларнинг шунчаки йиғиндинисидан иборат бўлмай, балки бу жамоа бир неча ўқув йиллари давомида бутун педагогик жамоанинг катта куч-ғайрат ишлатиши туфайли юзага келади. Мактабнинг иш режасидаги ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар, ўқитувчиларнинг ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг турли шакллари: ота-оналар мажлиси, ота-оналар билан гуруппа ва индивидуал тарзда сухбат ва консультатциялар, маҳалла ва аҳоли яшайдиган қишлоқларда, завод фабрика ва курилиш ташкилотларида олиб бориладиган турли тарбиявий мавзулардаги педагогик ташвиқот ва тарғибот ишлари ҳамда жамоатчилик ва ота-оналарнинг мактабга қачон ва қандай ёрдамини ташкил қилиш каби масалалар кўрсатилиди.

Мактабнинг оталиқ ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари бўлимида мактаб биносини ремонт қилиш, ўқув кабинетларини жиҳозлаш ишига оталиқ ташкилотининг эътиборини жалб этиш, оталиқ ташкилотидаги ишчи ва хизматчилар учун турли тарбиявий темаларда сухбатлар олиб бориш каби ишларни ўз ичига олади.

Шу жойнинг ўзида кенгаш йиғилишларининг ўтказиш муддати ва кун тартиби, кенгашнинг мактабдаги методик бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар билан алоқаси, бу бирлашмаларга раҳбарлик қилиш шаклларини кўрсатиш ўринли бўлади. Худди шунингдек, директор қошидаги йиғилишларнинг мавзуси, йиғилиш шакли, уни ўтказиш куни каби масалаларни ҳам мактаб директори мактаб иш режасининг шу бўлимида кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Иш режасининг-педагогик жараёни бошқариш ва назорат қилиш деб номланган бўлимида мактаб ишларини бошқариш ва педагогик жараёнда раҳбарлик қилишнинг асосий етакчи принципи демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш ақидаси асосида раҳбарлик қилиш тадбирлари белгиланади. Мактаб ички назоротини тўғри (аниқ мавзу ва мақсад асосида) амалга оширишга қаратилган ишлар, мактаб ички назоратининг шакл ва методлари, хусусан: ўқувчилар билимининг сифати ва ўқувчилар томонидан ўқув дастурларининг бажарилишини (дарсларга кириш ва таҳлил қилиш, лаборатория ва амалий ишлар, экспурсиялар: контролъ ва ёзма ишлар, ишлаб чиқариш меҳнати, мактаб участкасидаги тажриба ишлари натижаларини таҳлил қилиш: ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг аҳволини аниқлаш, дафтар тутиш, синф журнallарида ўқувчилар билан қайд этиш ва баҳолаш: ўқув фанлари бўйича ўқувчилар билими, уларнинг кўникма ва малакалар даражаси: мактаб маъмуриятининг назорат ишлари: дарслик ўқув жиҳозлари ва бошқаларнинг қандай ҳолатда эканлигини текшириш.

Факултатив ишларни назорат қилиш. Методик бирлашмалар, ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, синф раҳбари, кутубхоначилар, лаборантлар фаолиятини кузатиш. Мактаб хужжатларининг қай тартибда ёритилаётганлигини назорат қилиб бориш каби қатор масалаларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогик жараённи бошқаришнинг муҳим обьекти улгурмовчи ва икки йил бир синфда қолувчи ўқувчилар билан системали, аниқ мақсадга қаратилган иш олиб боришдир.

Режанинг мазкур бўлимида куйидаги масалаларни ҳам кўрсатиш мумкин:

- а) ўзлаштиришда орқада қолувчи, ёрдам талаб ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаб олиш:
- б) ана шундай ўқувчиларнинг тайёргарликларидағи камчилик ёки этишмовчиликларнинг характеристири ва сабабларини ўрганиш.

в) бўш ўзлаштирувчи ва ўзлаштиромайдиган ўқувчиларнинг барча ёзма ишларини, фанлар бўйича берилган топшириқларни бажарилиши ва мазкур ўқувчиларнинг оғзаки жавобларини текшириб боришни таъминлаш:

г) улурмовчи ва икки йил бир синфда қолувчи ўқувчилар билан гурух ёки яккама-якка шаклда узлуксиз равишда ишлашни таъминлаш:

д) ана шундай ўқувчиларни ўзлаштирувчи ўқувчилар қаторига қўшиб олиб бориш борасида ота-оналар ва улар ишлаб турган корхоналар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг самарали шакли ва методларини қидириб топиш каби қатор масалаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактабнинг иш режаси, молия-хўжалик ишлари деб аталган бўлимида мактабни шу ўқув йилида ва ундан кейинги даврда ўқув моддий базасини янада мустаҳкамлаш, давлат томонидан ва оталик ташкилоти томонидан ажратилган маблағларни тўғри, мақсадга мувофиқ ҳолда сарфлаш, молиявий ҳисоб-китобларни тартибга солиш тадбирлари белгиланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мактабнинг иш режаларида ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишларининг долзарб масалаларига қаратилган турли мавзуларда семинарлар, анжуманлар ўтказиш, мактаб ўқитувчиларининг педагогик ўқишиларини ташкил этиш каби масалаларни режалаштириш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан биридир.

### **3. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсияси.**

"Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсияси" Халқ таълими вазирлиги томонидан 1993-йили тасдиқланган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил IX сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни, улар асосида ишлаб чиқилган хукумат ва вазирлик қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида мазкур Консепсияни қайта ишлашга тўғри келди. Янги таҳрирдаги Консепсия Қори Ниёзий номидаги ЎПФИТИ олимлари гурухи, Республика Таълим маркази мутахассислари ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилди.

Шахс босқичларини белгилаб олишга йўналтирилган ушбу Консепсияни тайёрлашда Халқ таълими ходимлари ва кенг жамоатчилик фикрлари инобатга олинди.

**Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсиясининг зарурияти.** Ўзбекистон Республикасининг истиқтолга эришуви ҳамда ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлига эга бўлиши халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан халқ таълими тизимида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ жараённи қайта кўриб чиқишиңи тақозо этмоқда.

Ҳозирги пайтда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир. Айниқса ўсмирлар орасида ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тарбиявий ишларни кучайтириш муҳимдир. Зоро, ахлоқ йўқ экан, инсон онгли ижтимоий шахс бўла олмайди. Шунинг учун ҳам ахлоқий тарбия шахснинг ҳар томонлама ва эркин шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари тарбиячилари (ўқитувчилар, синф раҳбарлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарлари, болалар етакчилари ва бошқалар) жамоаси олдида ўқувчиларга умуминсоний ахлоқ қоидалари асосида ҳаёт кечиришни ўргатишдек муҳим вазифа туради.

Фанни ўрганишга муҳаббат уйготиш, билимга ташналик фазилатлари ахлоқий тарбиянинг ажралмас таркибий қисмидир. Болаларнинг ўқишидаги муваффакиятидан унинг гуруҳдаги ўрни аниқланади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, ўқишидаги муваффакият боланинг ахлоқий тарбиясини юқори даражага кўтаради.

Ўқувчилар қалбидаги юксак маънавиятлиликни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти бекиёслигини тушунтириш керак. Китоб ёшлилар учун ҳаёт мактабидир. Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни ўқиш ва кўз қорачиғидек сақлай билиш лозим, ўқиш учун уни танлай олиш ва ўқиш маданиятини билиш керак. Бу ишда устоз-у мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам берилшилар лозим.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар деганда нимани тушунасиз?
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга нималар киради?
3. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепсияси ҳақида тушунчангиз?
4. Спорт тўғаракларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдиринг?
5. Моҳир қўллар тўғарагининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”. -Т.: Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
6. Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
7. Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

### **15-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни амалга оширишда маънавият бўйича директор ўринбосарининг иш методикаси.**

#### **Р Е Ж А :**

1. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарининг иш олиб бориш методикаси.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда маънавият ишиари бўйича директор ўринбосари шахсига бўлган талаблар.
3. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш иш методикаси.

**Таянч сўзлар:** Бошқарув, назорат, мажлис, ўйинлар, маърузалар, кутубхоналар, конференсиялар, мунозаралар, учрашувлар, газета, радио, журнал, ота-оналар, фаоллар, раҳбарият, тадбирлар, эккурсиялар, шанбалиқ, жамоа.

### **1. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарининг иш методикаси.**

Ўқувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, уларда фаол ҳаётий мавқени шакллантириш, ўзлаштириш ва билим сифатини ошириш кўп жиҳатдан куни узайтирилган гурухларнинг самарали ишлашига боғлиқдир. Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараси тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларнинг амалиёт ишлаб чиқариши билан боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Уларга қуйидагилар киради:

1. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш.
2. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари қўпқиррали ишларини ўқувчилар ташкилотлари ва синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш.
3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш.
4. Умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш.
5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш. Бу борада директор ўринбоосари фаоллигининг учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурий томонлардир.

Булар қўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбоосариниг ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги бир қатор ишланмаларни ҳам киритиш мумкин: а) тарбиявий ишлар соҳасида эришган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш; б) тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш; в) тарбиявий, оммавий, сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усулларини аниқлаш; д) синфдан, мактабдан ташқари ишларни режалаштириш, гурухлаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усулларини аниқлаш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади. Шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб турли кишилар билан муайян муносабатга киришадилар. Турли вазиятга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари доираси шунчалик кенг ва маънавий ўсиши самарали юқори бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларни ўрганадилар. Ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласадилар. Ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар. Жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга отланадилар. Мактабдан ташқари фаолиятга қўйидагилар киради:

**1. Оғзаки иш усуллари:** мажлислар, ўйинлар, маъruzалар, кутубхоналар, конференциялар, мунозаралар, учрашувлар, газеталар, радио ва журнallар.

**2. Амалий иш олиб бориш усуллари:** турли жойларга сайёҳатлар, спорт мусобақалари, табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогикадан бутун қобилиятларни ишга солишини тақозо этади. Синф раҳбарлиги курси билан мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар методикаси курси бир-бирига боғлиқ ва унинг давомийлигидир.

Юқоридаги қайд этилган топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар турли қўлланмалар, асбоблар, аппаратлар, дидактик материаллардан фойдаланишини ўрганадилар, ўз-ўзини текшириш учун турли маълумот ва таянч материалларини жалб этиш кўнкимларини эгаллайдилар.

3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишни режалаштириш болаларнинг ёш хусусиятларини, мактабнинг жойлашган шарт-шароитларини, ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан ўзаро алоқаси каби ишларни инобатга олади.

Директор ўринбоосарининг фаолияти ўз ифодасини топадиган хужжатлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равищда бериб борилади.«Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» консепсияси Халқ таълими вазирлиги томонидан 1993-йилда тасдиқланган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан ишлаб чиқилади. Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқитувчининг йўналтирувчи таъсири остидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш асосига қурилган ва фан кабинетларида, кутубхонада ва уйда якка тартибдаги

режа асосида ўтказиладиган мустақил машғулотлар етакчи шаклга айланиши керак. Бунда синфдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: қўшимча ва маълумотнома адабиётлари, лаборатория ускуналари, кўргазмали қўланмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Улар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлашнинг хилма- хил шаклларини олган, назарий билимларни ўзлаштиришни таъминловчи;
- тажрибалар, ижодий тусдаги ишларни бажаришни, асбобларни лойиҳалашни, макетлар, моделлар ва ҳоказоларни тайёрлашни олган мустақил ишлаш учун топшириқлар тизими мақсадга мувофиқдир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар методикаси фани ва бўлимига синф раҳбарларининг ишлари, мактаб маъмуриятининг тарбиявий ишлари киритилади. Бунда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомиласи адолатли бўлиши, керакли таъсир кўрсата олиши керак.

- ўқувчи ёшларни ҳозирги замон маънавияти билан, уларни онгини суғориши, яъни керакли маълумотни сингдириши керак. Ўқувчиларни қадриятларимиз асосида, урфа-анъаналаримиз асосида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчининг вазифасидир.
- ўқувчи атрофини ўраб турган воситалар, яхши-ёмон одатлар, ўқитувчилар, мактабнинг муҳити, ўқувчилар тарбиясини тўғри, онгли равишда ўрганиши ва қабул қилиши лозим.

Бунда асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарур.

**Тарбиянинг бош мақсади** ёш авлодни маънавий, ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой, миллий маънавий анъаналарга, урф-одатилари ҳамда қадриятларига асосланган самарали ташкилий ишларни амалда ишлаб чиқишидир.

**Тарбиянинг асосий вазифаси** - шахсни ақлий-ахлоқий тарбиялашда эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилияtlарини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишидир.

Тарбиявий ишларни режалаштиришда бир қатор педагогик талаблар қўйилади. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғарак қатнашчилари онгода юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлиши керак. Тўғарак қатнашчиларини доимий равишида фан ва маданиятнинг сўнгги ютуқларидан хабардор килиб туриш, улар онгини ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш муҳим ўрин тутади. Тўғарак қатнашчиларида мустақиллик тушунчаси шаклланган бўлиши, улар давлатимиз рамзларини, мадхиясини, урф-одатларимизни яхши билиши керак. Мактабдан ташқари таълим ўқишлирага, хоҳишлирага асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларда ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради ва қўйидаги йўналишлар бўйича тўғарак қатнашчиларига талаблар қўйилиши керак:

1. Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси.
2. Эстетик таълим.
3. Сайёхлик йўналиши бўйича тўғаракларга қатнашиш.
4. Экологик таълим йўналиши бўйича тўғараклар.
5. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий йўналиши бўйича.
6. Хукукий таълимийўналиши бўйича.
7. Техник ижодкорлик йўналиши бўйича.
8. Истиқлол болалари ва истеъдодли ёшлар.
9. Иқтисодий таълим.

Ўқувчиларнинг мустақиллиги турли даражада бўлганида мустақил тайёргарлик амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олиш муҳимдир, бу эса улар шахсининг шаклланишига шубҳасиз таъсир кўрсатади. Айрим ўқувчиларнинг ишдаги фаол ва мустақил ҳолати тарбиячининг аралашувини талаб этмайди, чунки ўқувчиларнинг ўзлари олдиларида турган вазифаларини ва куламини ҳал этиш йўлларини анча яхши тушунадилар.

1. Болалар тарбиячи ёрдамисиз ишлайдилар. Бу ерда тарбиячининг аралашуви мақбул эмас. Чунки бундай ҳолат болаларнинг меҳнатсеварлигини, билиш эҳтиёжларини шакллантиришда энг катта имкониятга эгадир.

2. Ўқувчи мустақил ҳаракат қилиб, лекин ўз ишини тарбиялашнинг фикри ва баҳосига боғлиқ қилиб қўйган пайтда тобе ҳолат вужудга келади. Иш қизиқиши ва иштиёқ билан бажарилса ҳам, мустақил ишни бажараётган ҳаракатларида ишончсизлик жиҳатлари мавжуд бўлади.

3. Синф раҳбарининг раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат қиласиган ўқувчилар тоифасида мажбурий ижро этиш ҳолати пайдо бўлади. Бунда ўқувчилар ишга унчалик қизиқиши билдирамайдилар. Улар кўпинча синф раҳбарининг ёрдамини сўраб мурожаат қиласидилар, кучли ўқувчиларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланишга интиладилар, агар бундай қўллаб-қувватлаш бўлмаса, ишни давом эттиришда иродаларини ишга солмайдилар. Бундай ўқувчиларда ташқаридан мажбур қилиш вақтида ҳаракат қилиш одати мустаҳкамланади. Агар бундай ҳолат барқарор бўлиб қолса, у ўқувчининг фақат ақли эмас, шу билан бирга маънавий ривожланишига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин.

Мактабда ва синфдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларнинг бир-бирига ҳурмати, ахлоқий сифатлари жамоа орасида шаклланиб боради. Бунда ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган муомала маданияти ҳам шаклланади. Ўқувчи ўқитувчига тақлид асосида ёки дўстлари орасида ўрганган тарбияси муомиласига таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчилар орасида муомала маданиятини шакллантириш учун авваламбор ўқувчининг ўзига бўлган муомаласини, эътиборини ўрганиши керак.

Ўқувчи мактаб қоидаларига риоя қилиш билан бирга, ўқитувчи талабига ҳам жавоб бериши лозим. Ўқитувчи талабларига куйидагилар киради:

1. Дарсларга тўлиқ қатнашиш;
2. Ўқув қуроллари билан таъминланганлиги;
3. Ўқитувчини диққат билан эшитиш;
4. Топшириқларни ўз вақтида бажариш;
5. Ташкилий ишларга фаол қатнашиш;
6. Синф интизомига риоя қилиш;
7. Тозаликка риоя қилиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни назоратсиз ижро этиш ҳолати расмий ижрочилик, иштиёқ ва ҳавас билан меҳнат қилишини истамаслигини яширишга интилаётган ўқувчиларда кузатилади. Бундай ҳолатнинг узоқ вақт мавжуд бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда ўқувчиларда ишига нисбатан расмий муносабат жиҳатлари пайдо бўлади, бу эса уларнинг меҳнатдаги ташқи фаоллигини йўқка чиқаради.

Синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари олдиндан жуда қаттиқ тартибга солиб қўйилганлиги хусусида эътиrozлар билдирилмоқда. Мустақилликни тарбиялаш вазифаси қўйилмаган, боланинг ҳар бир қадами педагогнинг иродасига бўйсунган жойларда ана шундай ҳолат мавжуд. Шунинг учун мустақил тайёргарлик самарадорлиги, ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласиган ўқитувчи, синф раҳбари ўқувчиларга таъсир кўрсатиш воситаларини пухта ўйлаб танлайдилар, уларнинг ишлаши учун оқилона шарт-шароит яратишга интиладилар.

Мактаб ўқувчиларининг мустақил тайёргарлигига педагогик раҳбарлик шундай қурилиши керакки, ўқувчиларни чарчатиб қўймасин, доим бир хил тусда бўлмасин, ёки ҳаддан ташқари осон, ақлий ва иродавий куч-тайратини сарфлашни талаб қилмайдиган бўлмасин.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиша тарбиячининг энг муҳим вазифаси ўқувчиларни ўқув вазифаларини ҳал этишга ўргатиш, бунинг учун ҳаракат усулларини тўғри танлаш, ўз хатти-ҳаракатларини, раҳбарлик фаолиятини назорат қила билиш, мустақил иш кўникмаларини бошқа муҳим хаётий вазиятларга

ұтказа олиш эканлигини назарда тутиш лозим. Бунда мустақиллик мазмунига фикрлаш фаолияттінің мустақиллігі, интизом, үюшқоқлық ва ўз-ўзини назорат қилиш каби түрт таркибий қисми киришини ҳисобға олиш мүхимдір.

Мазкур жиһатларни шакллантириш устидан назоратни амалға ошириш синфдан ташқари ишларга раҳбарлік қилаётган ўқитувчининг мүхим ва мураккаб вазифаларидан биридір. Бунинг учун ўқувчи фаолияти натижаларини ҳисобға олишни ва бу жараённи таҳлил этишни үюштириш зарар. Ўқитувчи синф-дарс фаолияти учун хос бўлган шаклларни истисно этиб, назорат қилишнинг бир қанча усуулларини қўллаши мумкин. Энг кучли ва қобилятли ўқувчиларга хомаки ёзув билан ишлаш ҳуқуқи берилади. Унда коида кўрсатилади, бу қоидани тасдиқловчи мисоллар келтирилади, ўқув вазифаси қайд этилади. Ёзув жуда қисқа бўлади, лекин у ўқувчининг фикрлаши қандай бўлганлигини кўрсатади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўқувчиларни айрим қўнималарга ўргатишни назорат воситаси деб ҳисоблаш керак. Ўз-ўзини текшириш, ўзаро текшириш усуулларига ўргатиш ўқитувчининг ўқувчилар билан шундай алоқасини талаб этадики, бунда уларнинг фикрлаш жараёни равshan бўлади. Ўқувчиларнинг ўzlари ҳаракатни таклиф этадилар ва шу билан педагогга муаян маълумот берадилар.

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш тарбиянинг етакчи тамойилидир. Болалар жамоасини шакллантириш методикаси янги педагогикада тўла ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсларида баён этилган жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қўйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув-меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва қўпайтириш. Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятн тўлдиради. Уларнинг дунёкараши тўғри шаклланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлаб чиқариши билан боғланишига замин яратади. Шулар асосида янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда катнашиб, турли кишилар билан муаян муносабатга киришадилар. Турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой бўлади. Мактабдан ташқаридаги ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларни ўрганадилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини ҳам назорат қилиб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларнинг иш режаласида мактабнинг умумий режаси, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, етакчи ота-оналар қўмитаси иш режалари ҳам эътиборга олиниши керак.

Иш режа мактаб директори томонидан тасдиқланади. Иш режасида болаларнинг ёш хусусиятлари, мактабнинг жойлашган шарт-шароити, ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан ўзаро тарқалган алоқаси каби ишлар инобатга олиниади. Директор ўринбосарининг фаолияти ўз ифодасини топган ҳужжатлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда бериб борилади. А.Жўраевнинг "Тарбиявий дарсларни ўтиш" рисоласида мустақиллик ғояси билан боғланган тарбиявий тадбирлар, қонунларга асосланган қоидалар берилган. Ижодкор раҳбар ҳамда илғор ўқитувчи, тарбиячилар ўз фаолиятлари жараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги тамойилларни асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирларни ўтказиши;

- маънавиятни ёш авлод онгига сингдириш, эътиқодга айлантиришдан иборат эканлиги;
  - тарбия жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаб, бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
  - тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоасини жипслаштирувчи омиллар билан бойитиб, тарбиянинг таълим билан узвийлигини таъминлаш;
  - тарбиявий жараёнда болаларни тарбиялаш даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
  - бола шахсига ҳурмат ва талабчанлик;
  - болаларнинг ёш ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларни ташкил қилиш томонлари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имкониятларга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш синф раҳбари ва тарбиячининг педагогик моҳоратига боғлиқ.

## **2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари шахсигабўлган талаблар**

Директор ўринбосари ўқувчиларга нисбатан меҳр ва муҳаббат, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан бўлган ҳолда иш тутиб, мунтазам ўз устида ишлаб, сабр-бардошли бўлиб, ўз фикрларини пухта баён қилиб, ўзгаларни ўзига жалб қила оладиган хислатларни ўзига мужассамлайди.

Давлат ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар моҳиятини, Президент асаларини яхши билиши, уни ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб эта олиши, халқ педагогикаси анъаналарини, ўзбек халқи миллий урф-одатлари, қадриятларини, алломалар ўғитларини яхши билишлари лозим. Шунингдек, у:

- мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиши ва доимо уни ўз фаолиятида ҳисобга олиши, тарбиявий ишларни ташкил этишининг илмий асослари ҳамда янгича усул ва методларини яхши билиши;
- радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали берилган энг сўнгги янгиликлардан боҳабар бўлиши ҳамда уларнинг моҳиятини ўқувчиларга етказа олиши;
- синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаш ва ўтказа билиши; - туман, шаҳар, вилоят, Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;
- мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;
- мунтазам равишда ўз малакасини ошириб туриши, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган семинарларда иштирок этиши лозим.

**Директор ўринбосарининг ҳуқуқлари.** Низомда белгиланган вазифалар билан боғлиқ равишда тегишли педагогик ходимларга кўрсатма беради.

Хизмат вазифаси доирасидан келиб чиқсан ҳолда синфдан ва мактабдан ташқари ишлари ташкил этиш ва янги тўгаракларни очиш масалаларини ҳал қиласи. Директор ўринбосари:

- синф раҳбарининг таълим-тарбия ишлари бўйича эришган ютуқларини ҳисобга олиб, уни тақдирлаш учун директорга таклиф киритиш;
- синф раҳбарларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлиги ёки уни сунистехнологияни қилганлиги учун директор билан келишилган ҳолда танбех бериш;
- болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган маҳалла фаолларини тақдирлаш учун директорга таклиф бериш ҳуқуқига эга.

Директор ўринбосари билан қўйидаги ишлар келишилиши керак:

- синф раҳбарлари иш режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;
- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;
- турили хилдаги тўгарак ишлари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш.

- мактабнинг жамоат ташкилотлари, оталиқ қилувчи корхоналар билан алоқасини мустаҳкамлаш;
  - болалар назоратсизлиги ва қонун бузилишининг олдини олиш;
  - яшаш жойи бўйича болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг оиласларига бориш ва болаларни тарбиялашда уларга ёрдам бериш;
- ёш авлоднинг Ватанга, жамиятга ва меҳнатга, ўзига ва одамларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларини тарбиялаш.

Тарбиявий ишлар болаларнинг кундалик ҳаётидан олинган аниқ далиллар ва воқеаларни, бадиий адабиёт, вақтли матбуот, кинофильмлардан олинган мисолларни таҳлил этиш ҳамда муҳокама қилиш асосида ўтказилади. Бу ишларнинг хусусияти шундаки, бу болаларни ўзининг ахлоқий хатти-харакатлари ҳақида мулоҳаза юритишига ва уларга тўғри баҳо беришга ўргатади. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидағи ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларига, ижобий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишига имконият яратади. Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Синф жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга инг ҳажми, асосий йўналишлари, мазмуни ҳар бир ёш босқичида ўқувчиларнинг психик ривожланиши даражасига мос келиши лозим. Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, аҳил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлиши керак. Мактабда башланғич синфларда тарбиявий ишларни олиб бориш, уни йўлга қўйиш синф раҳбари ёки тарбиявий ишлар ташкилотчилари томонидан уюштирилади. Тарбиявий ишнинг асосий йўналишлари: ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш; уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш; ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этиш; ўқувчиларда ахлоқ маданиятини, уларнинг ўз хуқуқ ва бурчларига нисбатан онгли муносабатини тарбиялаш; ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш малакаларини шакллантиришдан иборат. Бошланғич синф ўқувчиси ва синф раҳбари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг аҳил тарбиявий жамоасини ташкил этишdir. Бошланғич жамоа иши шундай қуриладики, унда синфнинг бошқа жамоалар билан алоқаси доимий равишда амалга оширилади, умуммактаб анъаналари сақланади. Бошланғич жамоа ўқитувчи-тарбиячи ва синф раҳбари, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлигига умуммактаб ижтимоий-фойдали ишлари фаолиятида иштирок этади.

Ўқитувчи ва синф раҳбари соғлом, аҳил болалар жамоасини шакллантириш билан бирга доимий болалар қизикишларини қўилаб-куватлайдилар, уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини йўналтириб борадилар. Кичик ёшли ўқувчилар жуда фаол ва харакатчан бўладилар. Фаолликка интилиш бу ёшдаги болаларнинг органик эҳтиёжи. Бироқ бунда болалар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмайди ва кундалик педагогик раҳбарликка эҳтиёж сезади. Бошланғич синф ўқитувчиси боланинг ilk мактабдаги қадамиданоқ тарбиявий ишнинг чинакам жамоатчилик муносабатларини яратишга зўр имконият берадиган, болаларда бир-бирларига ғамхўр муносабатда бўлишни тарбияиайдиган, индивидуал қобилиятларни ривожланитириш учун қулай имкониятлар яратадиган усусларни танлайди.

Ўқитувчи бошланғич синфларда болаларга ўзларини қизиқтирувчи фаолият турини танлашга ёрдам беради. Бироқ кўпинча кичик ёшдаги ўқувчилар, ёш хусусиятларига кўра, ўз хусусиятларини тўғри баҳолай олмайдилар.

Болаларнинг ўсиши, уларда жамоатчилик малака ва кўникмаларининг шаклланиб бориши ўқитувчи-тарбиячининг болалар жамоасига раҳбарлик қилишидаги жараёнини ўзгартириб боради. Ўқитувчи бошланғич синфларда ёқ аҳил болалар жамоасини яратиш асосида соғлом жамоатчилик фикрини яратади.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг болалар тарбиявий жамоасини яратиш соҳасидаги ишини юқори синфларнинг синф раҳбарлари давом эттирадилар. Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни таълим ва тарбиянинг табиий шароитида, уларнинг жамоа фаолияти жараёнида ўрганадилар.

Синфдан ташқари иш ўқувчиларга бирор мақсадга қаратилган педагогик таъсир вактини узайтиради, у ўқитувчига ўқувчиларнинг дарсларда эгаллаган билимларини кенгайтириш ва чукурлаштириш, болаларнинг қобилятини ривожлантириш, уларнинг хилма-хил қизиқишиларини қондириш, маданий дам олишларини уюштириш имконини беради. Синфдан ташқари иш болаларни жамият ҳаётига жалб қилишнинг катта имкониятларига эга.

### **3. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш иш методикаси.**

Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий хужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанига, ҳалқига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қиласи.

Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилятили, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойик бўлганлар туман (шахар) Халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкуруни шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга татбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мағкураси мустаҳкам боғланган шахсларни шакллантириш директор ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

Ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳалқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳр-шафқатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялайди.

Директор ўринбосари тарбиявий ишларини режалаштиришда синф раҳбарларининг қизиқишилари, топшириқларни қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари фаолиятида қатнашуви уларнинг ижтимоий фаоллик сифатларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Бу болалар ва ўсмирларнинг фуқаролик, демократия борасидаги тушунчаларини кенгайтиради.

Ўз-ўзини идора қилиш - ташаббускорлик ва мустақиллик мактабидир. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви ўқувчилар томонидан фан ва машғулотларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига, бирор касб ўрганишига, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишига, Ватан ҳимоячиси бўлишига, мактабдан ташқари тарбиявий ишларда, давлат, жамоат мулқини кўз қорачиғидай асрашга, табиатни муҳофаза этишга қўмаклашади.

Ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларни мустақил ҳаётга, турмуш ва жамиятга мос қилиб тарбиялашда, таълим муассасасида маънавий муҳитни сақлашда, маъмуриятга қўшимча таълим олиш учун ўқувчилар талабномасини шакллантиришда қўмаклашади.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви аъзолари мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўтказилаётган барча тадбирларда, танловларда, хоналарни жиҳозлашда фаол иштирок этадилар. Мазкур бошқарув ташкилотчилик иши кўникмаларини тарбиялайди, умумий ғоялари билан ахил, жипслашган ўқувчилар жамоасини тузади. Ўқувчилар ўз-ўзини идора қилиш тизими мактаб ўқувчилари (жамоаси) томонидан ўзининг фаолиятида демократик фаолият тарзларини чукур ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратади. Бу тўғри тақсимлаш, ижро устидан ҳисобот ва назоратни йўлга кўйиш, ҳаракатлар, ташаббускорликнинг уйғуналигини таъминлаш, мусобақалар уюштириш, ўз зиммасига масъулият олиш каби кўникмалардан иборат. Тарбияланувчилар давримиз кишиси учун зарур бўлган қатор ахлоқий сифатларни, чунончи, жамоат ишига ва унга қўшадиган улуши учун шахсий масъулият, жамоа манфаатларига содиқлик, ўзаро муносабатларда қатиийлик, талабчанлик, жамоат ташаббусини қўллаб-қувватлаш каби сифатларни эгаллади.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, барча педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чукур хурмат, хайриҳоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил этилиши мумкин. Ҳеч қандай сохталик ва сунъийлик бўлмаслиги керак. Барча ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз ва иш бирлиги сақланиши, ҳар ким хуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак. Бунда, албатта, болаларнинг Республика болалар ва ўсмирлар уюшмалари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мақсад, вазифаси нималардан иборат?
2. Мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг вазифалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ва синф раҳбарининг фаолияти ҳақида фикрингиз?
4. Тўгарак ишларининг вазифаларига нималар киради?
5. Мактабларда қандай тўгараклар фаолият кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов X.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

## **16-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш методикаси.**

**Р Е Ж А:**

1. Истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш.
2. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш методикаси
3. Умумурта таълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг бир йилга мўлжалланган иш режаси.

**Таянч сўзлар:** Истеъдод, қобилият, шоир, ёзувчи, рассом, санъат, маънавият, маърифат, маданият, режа, тадбир.

### **1. Истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш.**

Истеъдоднинг ўз вақтида намоён бўлиши тарбияга ва қўллаб-куватлашга боғлиқдир. Ҳар қандай жамиятга истеъдодли шахслар зарур. Шу нуктаи назардан истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитиш Республикасининг бўлажак ақл-заковатли ва ижодий фикрловчи кучларини тайёрлашнинг ягона манбаидир. Ижодий қобилияtlар ривожини самарали амалга ошириш учун ўқувчилар истеъдодини аниқ таҳлил этиш, болаларнинг ўзига хос психологик жиҳатларини ва фазилатларини ҳисобга олиш зарур.

Турли ёщдаги истеъдодли ўқувчиларни намоён этишда ҳозирги кунда, аввало мактаб педагогика жамоаси руҳий-диагностика тажрибалардан унумли фойдаланишлари зарур.

Бунда "Республика Истеъдод Маркази" ходимлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Истеъдод маркази ходимларининг фаолияти тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг истеъдодни аниқлашга мўлжалланган психологик тадбирларини педагогик тажрибалар билан ҳамоҳанг ишлаб чиқиш лозим.

Ёшлар истеъдодининг намоён бўлишида қобилияtlарни аниқ таҳлил этиш, боланинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш ижодий қобилияtlар ривожини самарали амалга ошириш учун зарур. Қобилияtlарни ривожлантириш даража ва босқичлари янгича муносабатлар билан боғлиқ бўлади.

Қобилият маълум бир даражада исталган ўқувчида шаклланган бўлиши мумкин. Бу эса ташкил этилган тарбия ва ўкув жараёни шароитларида ривожлантирилади.

Ўқувчи ёшлар қобилияtinи ривожлантириш мақсадида истедод ва иқтидорни онгли рағбатлатириш, уларнинг ижодий қизиқишилари ранг-баранглигини ошириш, турли кўргазмали тадбирларда иштирок эттириш, олимпиадалар, танловлар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Истеъдодли болаларнинг таниқли олимлар лабораторияларида шуғулланиши, шоир, ёзувчи, рассом каби санъат намоёндалари билан ҳамкорлик қилишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Болалар ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда оила ва муҳитнинг аҳамияти юксак. Айниқса Республикасининг қишлоқ жойларида иқтидорли болаларни излаш, топиш ва уларнинг таълим ва тарбиясини мунтазам равишдатўғри йўлга қўйиш муҳимдир.

Истеъдодли болаларни жойларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий камол топтиришда диагностик услубияtlар, ўкув режалари ва ўқув-услубий, тарбия ва таълим дастурлари билан таъминлаш лозим. Шунингдек, иқтидорли болаларни излаш, топиш ва тарбиялаш учун замонавий моддий-техник ва молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминот зарур.

Истедодли болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун уларни руҳий зарбалардан асраш йўлларини аниқлаш, раҳан ёрдам кўрсатиш, руҳий ҳаяжонланиш ҳолатларини ўрганиш - уларнинг ижодий қобилияtlари ривожи учун шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш даркор.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахасислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар, тўғарак раҳбарларидан иборат, Республика методик кенгаши тузулиши лозим.

Турли ёшдаги гурухларда истеъдодларни қидиришнинг умумий дастури зарур. Оммавий ўқув юртларида бўлганидек, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бу борада ўқув дастури режаларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Истедодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитишини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ: ушбу аниқлашнинг ижтимоий аҳамияти Республиканинг заковати, ижодкорлиги, куч-кудратини тайёрлашнинг истиқболи билан боғлиқлигини тушунишга;

- руҳий диагностик услубият, услубий материаллари бўлгани ҳолда турли ёшдаги гураҳларда аниқлашнинг умумий дастурлари яратилишига;

- истеъдодли болалар (маҳсус тайёрланган режалар, дастурлар ва илмий асосланган услубият ва ҳоказо бўйича) билан ишлаш учун ихтисослашган муассасаларнинг ягона тармойилини тарғиб этишига;

- оммавий ўқув юртларида истеъдодли болалар билан ишлаш учун зарур ўқув-дастурий қўлланмаларини ишлаб чиқишга;

- жойларда маҳсус гурухлар томонидан ишлаб чиқилган халқ таълими, давлат ва жамоат муассасалари, ижодий уюшмалар томонидан тасдиқланган дастурларга (бу дастурларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг истиқболлари ва босқичлари, ўз худудида бундай фаолият ва кўпгина бошқа тадбирлар учун маблағ ажратиш, уларни таъминлашга);

- қўйилган вазифаларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик диққатини жалб қилишга, Республика методик кенгашининг тузилишига (бу кенгаш таркибига Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, халқ таълим бошқарув органлари ходимлари, етакчи олимлари ва мутахассислари, ижодий уюшмалар, амалиётчи ўқитувчи, мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғарак раҳбарлари кирадилар);

- илмий тадқиқотлар мактаблар учун меъёрий ҳужжатлар, синф ишланмалари мажмууга, истеъдодли ўқувчилар ҳақида маълумотлар манбанинни яратишга, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг (табақалаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш) ягона услубий асосини яратишга боғлиқ.

Истеъдодли ва иқтидорли болаларнинг ўқитувчи ҳамда тарбиячилари алоҳида истеъдодлар учун турлича ўқув режа ва дастурларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитларини яратиш, маҳсус ўқув дастурлари ва тизимли педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган событқадам фаолиятни амалга ошириш керак. Академик литеяларнинг ўқувчилари, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилияtlарини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш лозим.

## **2. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш иш методикаси.**

Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конститутсиаси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президент фармонлари, хукумат қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанига, халқига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эътиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қилади.

Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига камидаги 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилиятли, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойик бўлганлар туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкуруни шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умумисоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга татбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

Ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умумисоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳр-шафқатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялади.

Директор ўринбосари тарбиявий ишларини режалаштиришда синф раҳбарларининг қизиқишлари, топшириқларни қай даражада бажара олишларини хисобга олади.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари фаолиятида қатнашуви уларнинг ижтимоий фаоллик сифатларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Бу болалар ва ўсмирларнинг фуқаролик, демократия борасидаги тушунчаларини кенгайтиради.

Ўз-ўзини идора қилиш - ташаббускорлик ва мустақиллик мактабидир. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви ўқувчилар томонидан фан ва машғулотларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига, бирор қасб ўрганишига, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишига, Ватан ҳимоячиси бўлишига, мактабдан ташқари тарбиявий ишларда, давлат, жамоат мулкини кўз қорачиғидай асрашга, табиатни муҳофаза этишга кўмаклашади.

Ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларни мустақил ҳаётга, турмуш ва жамиятга мос қилиб тарбиялашда, таълим муассасасида маънавий муҳитни сақлашда, маъмуриятга қўшимча таълим олиш учун ўқувчилар талабномасини шакллантиришда кўмаклашади.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви аъзолари мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўтказилаётган барча тадбирларда, танловларда, хоналарни жиҳозлашда фаол иштирок этадилар. Мазкур бошқарув ташкилотчилик иши кўнкималарини тарбиялайди, умумий ғоялари билан аҳил, жипслашган ўқувчилар жамоасини тузади. Ўқувчилар ўз-ўзини идора қилиш тизими мактаб ўқувчилари (жамоаси) томонидан ўзининг фаолиятида демократик фаолият тарзларини чуқур ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратади. Бутүғри тақсимлаш, ижро устидан хисобот ва назоратни йўлга қўйиш, ҳаракатлар, ташаббускорликнинг уйғунылигини таъминлаш, мусобақалар уюштириш, ўз зиммасига масъулият олиш каби кўнкималардан иборат. Тарбияланувчилар давримиз кишиси учун зарур бўлган қатор ахлоқий сифатларни, чунончи, жамоат ишига ва унга кўшадиган улуши учун шахсий масъулият, жамоа манфаатларига содиқлик, ўзаро муносабатларда қатийлик, талабчанлик, жамоат ташаббусини қўллаб-куватлаш каби сифатларни эгаллади. Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, барча педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур ҳурмат, хайриҳоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил этилиши мумкин. Ҳеч қандай сохталик ва сунъийлик бўлмаслиги керак. Барча ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида хисобот бериб туриши, сўз ва иш бирлиги сакланиши, ҳар ким ҳукуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий

рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак. Бунда, албатта, болаларнинг Республика болалар ва ўсмирлар уюшмалари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир.

**3.Умум ўрта таълим мактабида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosарининг бир йиллик иш режаси:**

**1.Ташкилий ишлар бўйича:**

T/p	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Мактабнинг умумий иш режасини тузиш ва уни бажаришда қатнашиш	Август	Мактаб директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари
2	Мактаб атрофини, коридорларни, хоналарни таълим-тарбия фаолиятига жавоб берадиган ҳолатга келтириш	Йил давомида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
3	Биринчи ва сўнгти қўнғироқ тантаналарини ўtkазиш	Сентабр, май	Мактаб жамоаси
4	Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	Сентябр	Кутубхоначи, синф раҳбарлари
5	9-11 синфларни битириб кетган битирувчилар билан ишлаш	Июн, июл, август	Мактаб маъмурияти ва синф раҳбари
6	Мактаб ҳовлисини микроучасткачаларга бўлиш	Сентябр	Мактаб директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари
7	Мактабнинг педагогик кенгashi ишида мунтазам қатнашиш, унда ўз соҳасига оид долзарб масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш	Ҳар чорак сўнгида	Комиссия аъзолари, синф раҳбари., ота-оналар қўмитаси аъзолари, махалла фоаллари
8	Мактабнинг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси", "Касб-хунарга йўналтириш ишлари бўйича комиссияси", "Синф раҳбарлари метод бирлашмаси", "Ота-оналар қўмитаси" фаолиятини такомиллаштириш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, педагогик. Жамоа
9	Тарбиявий соатларни талаб даражасида ўтилишини назорат қилиш	Йил давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари

10	Мактаб, синф, ота-оналар мажлисларини ўз вақтида ўтказиш	Режа асосида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
11	Ўқувчиларни қизиқишлирга кўра тўгаракларга жалб қилиш ва улар фаолиятини мунтазам равишида назорат қилиб бориш	Йил давомида	Мактаб психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
12	"Менинг мактабим - менинг фаҳрим" кўрик-танловини мунтазам равишида низом асосида ўтказиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
13	"Ўз-ўзини" бошқариш кунларини ўтказиш	Ҳар ойда	Мактаб маънавий-Маърифийишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари, фан, ўқитувчилари
14	Мактаб ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиши ва улар ўз вақтида бажарилишини мунтазам равишида назорат қилиб бориш	Ўқувйили давомида	Мактаб маъмурияти синф раҳбари
15	Умумхалқ байрамлари, тарихий шахслар таваллудига бағишиланган тадбирларни кўтаринки руҳда нишонланишини ташкиллаштириш	Белгилан кунлар тақвимига кўра	Мактаб маънавий-маърииий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ташкилоти
16	Ўқувчиларни ўзлаштириш сифати, давомати, ўқув анжомларининг сақланиш аҳволини назорат қилиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўритибосари, синф раҳбарлари
17	Кам таъминланган, тарбияси оғир, жингоятчиликка мойил бўлган ўқувчиларни аниқлаш, ўқувчилар билан алоҳида режа асосида васийлик ва хомийликда иш олиб бориш	Ўқув йили давомида	ХТБ, мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психолог, синф раҳбар махалла фаоллари

18	Ташкилий диктантлар, иншолар кўрик-танловларини ўтказиш	Мунтазам	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
19	Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар билан ишлаш, уларнинг бажарилишини таъминлаш	Мунтазам равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
20	Ўқувчиларни йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш, ЙҲҲ дарсларини ўтилишини назорат қилиш	Мунтазам равища	ДАН ходимлари, мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ЙҲҲ фани ўқитувчилари
21	"Сардорлар кенгаши" фаолиятини такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш	Мунтазам равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, етакчи, синф раҳбарлари, сардорлар
22	Ўқувчилар орасида ҳукуқ-бузарлик, гиёхвандлик, ўз жонига қасд ва суиқасд, шунингдек, диний экстремизм олдини олишга қаратилган тадбирларни мунтазам равища ўтказиб бориш	Ўқув йили давомида	Туман ХТБ, ИИБ ходимлари, туман прокуратураси, туман ССБ ҳодимлари, диний идоралар, Давлат ҳавфсизлик қўмитаси, мактаб маъмурияти
23	Ёш ўқитувчилар, ижодкор ўқитувчилар билан ишлаш	Мунтазам равища	Мактаб маъмурияти
24	"Йилнинг энг яхши маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари" кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш	Апрель, май	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
25	Хомийлар ва шифокорлар давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш	Йил мобайнида	Мактаб маъмурияти
26	"Ахборот коммуникатсия технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти

	салохиятини ошириш" ўқув йилида мактабдаги педагогик жамоанинг билим савиясини тўлиқ оширишга эришиш		
27	Маънавий-маърифий йўналишдаги ютуқлар, амалга оширилаётган ишларни маҳаллий матбуотда ёритиб бориш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
28	Бажарилган ишлар ҳисоботини тайёрлаш ва таҳлил қилиш	Ҳар чоракда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўннбосари

## 2. Синфда тўғарак раҳбарлари билан ишлаш:

Т/р	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масул
1	Синф ва тўғарак раҳбарларининг йиллик иш режаларини тузишда ёрдам бериш ва йўналтириш	Август	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
2	Синф раҳбарлари метод бирлашмаси ишини ташкиллаштириш ва мунтазам назорат қилиб туриш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, методик кенгаш раиси
3	Ўқувчиларни қизиқишлидан келиб чиқкан ҳолда фан тўғаракларига, мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилиш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
4	Синф ва тўғарак раҳбарларининг иш режаларининг бажарилишини ва журналларни талаб даражасида юритилишини назорат қилиш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психолог, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари
5	Ўқувчиларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан тўлдиришда амалий ёрдам кўрсатиш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
6	Синф раҳбарларига ўқувчилар билан бирга ўтказиладиган тарбиявий ишлар самараодорлигини ошириш учун педагогик ва методик тавсиялар бериш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
7	Тажрибали синф ва тўғарак раҳбарларининг фаолиятини оммалаштириш ва уларни рағбатлантириш	Ўқу вийли мобайнида	Мактаб маъмурияти

8	Тарбиявий соатлар (тўғарак машғулотлари) режа асосида ва талаб даражасида ўтилишини назорат қилиш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маъмурияти
9	Ноанъанавий усулда тарбиявий соат (тўғарак машғулоти) ишланмаси кўрик танловини ўtkазиш	Март	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйичадиректор ўринбосари

### 3.Ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан ишлаш:

T/p	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
	Мактаб, синф ота-оналар қўмиталари фаолиятини Низом асосида ташкил этиш	-йил сентябр	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
2	Ота-оналар иш самарадорлигини ошириш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
3	Ота-оналар, маҳалла фаолиятини тарбиявий масалаларни ҳал этишга ўтказиши.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
4	"Очиқ эшиклар куни"ни ўтказиши.	Хар ойнинг биринчи пайшанбаси	Мактаб жамоаси
5	Мактаб ички назорат ишларига ота-оналар қўмитаси ва маҳалла фаолларини кенгроқ жалб қилиш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
6	Мактабнинг оммавий тадбирларини ўтказишига ота-оналар ва маҳалла фаолларини жалб этишни давом эттириш.	Доимий равища	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
7	Маҳалла ободончилиги ишларига кўмаклашиш.	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
8	"Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги" консепсиясини амалга ошириш.	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари

### 4.Қонун бузилишлари ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишлар:

T/p	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
-----	---------------------	-------	--------

<b>1</b>	Мактабда мавжуд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор ўқувчилар билан ишлаш режасини тузиш.	Сентабр	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>2</b>	Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бола ҳукуклари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самародорлигини ошириш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>3</b>	Ўқишдан бўйн товлаб юрган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни мактабга қайтариш юзасидан амалий ишлар олиб бориш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>4</b>	Нотинч, носоғлом оилаларни, фарзандларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган отоналар гиёҳвандликка, ичкилика ружу қўйган, турли диний оқимларга кириб қолган отоналарни аниқлаш, улар билан ишлаш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>5</b>	Диний экстермизмнинг асл моҳиятини кўрсатадиган маърузалар, ҳуқуқ-тарғибот ходимлари, дин арబоблари билан учрашув ўтказиш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>6</b>	Вояга етмаганламинг оилавий шароитини, ижтимоий аҳволини, таъминланганлик даражасини ўрганиш ва ушбу ишлар бўйича доимий назорат олиб бориш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>7</b>	Мактабда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ва қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларини мактаб педагогик кенгашида кўриб чиқиш.	Ҳар чоракда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, синф раҳбарлари
<b>8</b>	Ёшларни жиноятга ва ҳуқуқбузарликка жалб қилаётган шахсларни аниқлаш, уларга қонунда белгиланган чораларни кўриш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, ХТБ, ИИБ, прокуратура, Маҳалла фуқаролар

			йиғини
9	Туман прокуратурасы, ИИБ, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар комиссияси, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик үрнатиш.	Мунтазам равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
10	Тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор ўқувчилар билан алоҳида самимий сухбат ўтказиш, уларнинг хоҳиш-истак, қизиқишлигини, муаммоларини аниқлаш.	Мунтазам равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
11	Тарбияси оғир, жинғоятчиликка мойиллиги бор ўқувчиларни аниқлаган, қизиқишлигига кўра мактабдаги, мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларга 100% жалб қилиш, ҳунарманд усталарга бириктириш ва назоратда тутиш.	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
12	Тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор ўқувчилар билан ишловчи тарбиячи-ўқитувчиларни Патронаж усулида ишлашга жалб этиш.	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
13	Директор ҳузуридаги йиғилишда, тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор ўқувчиларга бириктирилган тарбиячи-ўқитувчиларнинг ҳисботларини тинглаш.	Ҳар чорак якунида	Мактаб маъмурияти
14	Ўқувчиларнинг ёзги таътили мавсумида вояга етмаганлар орасида хуқуқбузарликликнинг олдини олиш бўйича ишлар олиб бориш.	Июл-Август	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
15	Вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишларни маҳаллий матбуот саҳифаларида кенг ёритиб бориш.	ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

**5. Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар билан ишлаш:**

<b>T/p</b>	<b>Бажариладиган ишлар</b>	<b>Вақти</b>	<b>Масул</b>
1	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар рўйхатини тузиш ва улар билан ишлаш режасини аниqlаш	Сентабр	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
2	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларни мактаб фондидан дарслик ва ўқув жихозлари билан имкон даражасида таъминлаш	Сентабр	Мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари
3	Ҳукумат қарорларига асосан ушбу тоифадаги ўқувчиларга уст-бош, кийим-кечак тарқатилишини қатъий назорат қилиш	Октябрь, Ноябрь	Махсус комиссия
4	Туман ижтимоий таъминот бўлимини кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларнинг оиласларига қонунда белгилangan нафақаларни расмийлаштиришга ёрдам бериш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, отоналар қўмитаси раиси
5	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларни тўгаракларга ва маҳалланинг уста-хунармандларига бириткириш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф ва тўгарак раҳбарлари, маҳалла фаоллари
6	Ушбу ўқувчиларни газета-журналиарга обуна бўлиш, ўлкашунослик экскурсияларига қатнашишларига оталиқ ташкилотларининг ёрдамини ташкил этиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф ва тўгарак раҳбарлари, оталиқ ташкилотлари
7	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларнинг ўқиши ва хулқини назорат қилиш	Мунтазам равишда	Мактаб маъмурияти

**6. "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ва "Камалак" болалар ташкилоти билан ишлаш:**

T/p	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Мактабнинг "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ташкилоти ва "Камалак" болалар ташкилоти билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатини ўматиш	Сентабр	Мактаб маъмурияти, етакчи
2	"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ва "Камалак" ташкилотларининг мақсад ва вазифаларини мактаб ўқувчилари орасида кенг тарғиб этиш	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, етакчи сардорлар.
3	"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ва "Камалак" фаолларини мактабнинг таълимий, маънавий ва маърифий йўналишдаги тадбирларга кенгроқ жалб этиш.	Доимий равища	Мактаб маъмурияти
4	"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" фаолларига ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунни ва фойдали машғулотлар билан тўлдиришга амалий ёрдам бериш	Ўқув йили давомида	Мактаб мамурияти, етакчилари
5	"Ўзини-ўзи бошқариш" кунларини ўтказиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти
6	Синфларнинг "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ташкилоти сардорларидан ташкил топган "Сардорлар кенгаши"дан унумли фойдаланиш	Ўқув йили давомида	Мактаб мамурияти
7	"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ҳафталикларини ўтказиш давомида ташкилот фаолларига мустақил иш олиб боришиларига, ўзини-ўзи бошқариши учун имконият яратиш.	Мунтазам равища	Мактаб маъмурияти

**7. Спорт важисмоний тарбия ишлари:**

T/p	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
1	"Болалар спортини ривожлантириш" давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш	Доимий равища	Ота-оналар қўмитаси, мактаб пед. жамоаси, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи", маҳалла фаоллари
2	"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини Низом асосида (1-4, 5-7, 8-9) ташкиллаштиришни назорат қилиш, пухта тайёргарлик кўриш.	Март-Апрель	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари,

	Юқори натижаларга эришиш учун замин тайёрлаш.	Хар доим	Жисмоний тарбия ўқитувчилари
3	Кўшни мактаб ва қўшни маҳалла болалари билан оммавий спорт мусобақалари ўtkазиш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, жисмоний тарбия ўқитувчилари
4	Жисмоний тарбия дарсларини ва мактабда фаолият кўрсатган спорт тўғарак-сексиялари ишини қатий назорат қилиш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари
5	Спорт соҳасида эришилган ғалабаларни маҳалий матбуот саҳифаларида ёритиб бориш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари
6	Спортни тарғиб қилувчи стендлар, фотоальбомлар чиқариш.	Ўқув йили давомида	Жисмоний тарбия ўқитувчилари
7	Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик аҳволини мактаб пед кенгашида муҳокама қилиш.	IV чорақда	Жисмоний тарбия ўқитувчилари

#### 7. Экологик тарбия:

Т/р	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Экологик мавзуда очиқ тарбиявий тадбирлар ўtkазиш.	Ўқув йили давомида	Синф раҳбари, биология ўқитувчиси
2	Маҳалла худудидаги экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни имкон даражасида бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи", синф раҳбарлари
3	Атроф-муҳитни ободонлаштриш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган хайрия шанбаликлар.	Ўқув йили давомида	Мактаб пед. жамоаси
4	"Экосан" фондига маблағ ишлаб топиб ўtkазилишини ташкиллаштириш	Хар ярим йилликда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари
5	Мактабда экологик бурчак ташкил этиш	1-ярим йилликда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар

			бўйича директор ўринбосари
6	Экологик мавзуда махсус режа асосида тадбирлар, давра сухбатлари ўтказиш	Доимий равища	Жисмоний тарбия ўқитувчилари
7	«Экология болалар нигоҳида» расмлар кўргазмасини ташкил этиш	Апрель	Жисмоний тарбия ўқитувчилари

### 8.Хуқуқий тарбия ишлари:

T/r	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Ўқувчиларнинг хуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган турли беллашув, мусобака ва кўрик-танловлар ўтказиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи", фан ўқитувчилари
2	Ўқувчиларни қизиқтирган мавзулар бўйича давра сухбатлари ва учрашувлар ташкил этиш.	Ҳар чоракда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи", фан ўқитувчилари
3	Ўқувчилар орасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида хуқуқ-тарғибот органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.	Ҳар чоракда	Туман прократураси, ИИБ, ХТБ ходимлари, мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.
4	Хуқуқий тарбияга оид кўргазмалар, стендлар, албом ва буклетлар тайёрлаш.	Доимий равища	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи", фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари
5	Мактабда ижтимоий-хуқуқий фанлар ўтилишини назорат қилиш.	Доимий равища	Мактаб маъмурияти
6	Ўқувчиларнинг хуқуқий тарбия бўйича билимларини синаш мақсадида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловини ўтказиш.	Март- апрел	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Истеъодоли болаларни қандай аниқлаш ва уларни тарбиялаш лозим?
- Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари нима?

3. Умумтаълим мактабида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг бир йилга мўлжалланган иш режаси қандай тузилади?
4. "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи" ва "Камалак" болалар ташкилоти ҳақда тушунчангиз?
5. Экологик ва ҳуқуқий тарбия нима?
6. Тарбияси оғир болалар билан ишлаш усуллари?
7. Иқтидорли болалар билан ишлаш?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи», 1992.
2. И.А. Каримов. "Юксак маънавият – енгилмас куч" –Т.: Маънавият. 2008.
3. Ш.М. Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича "Харакатлар стратегияси". -Т.: Ўзбекистон, 2017 .
4. Ш.М. Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови" –Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Р. Мавлонова "Тарбиявий иш методикаси" дарслик. Т. 2014.
6. Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» Т., Ўқитувчи, 1997.
7. Абу Райхон Беруний "Ҳикматлар". Тошкент, «Ёш гвардия», 1973.
8. Худойқулов Х.Ж. "Тарбиявий ишлар методикаси". –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

### **3-Модул. Жамоа ва уни ташкил этиш.**

#### **17-мавзу: Жамоа ҳақида умумий тушунча.**

#### **Р Е Ж А:**

1. Жамоа ҳақида тушунча.
2. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш.
3. Болалар жамоасини шакллантириш методикаси.
4. Синф жамоасини тузиш ва жипслаштиришда синф раҳбарининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари.

**Таянч сўзлар:** Жамоа, йигилма, омма, мажлис, бирлашма, синф, ўқувчилар, дўстлик, ғамхўрлик, ёрдам, кўмак, инсонпарварлик.

#### **1. Жамоа ҳақида тушунча.**

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йигилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, груп) бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган груп демакдир. Замонавий талқинда «жамоа» тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда бир неча кишиларнинг муайян мақсад йўлида бирлашувидан иборат ташкилий групни тушунилади (масалан ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, ўқув юрти жамоаси, хўжалик жамоси ва ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган групни тушунилади. Чунончи, ўқувчилар жамоаси юқори даражада уюштирилган бирлашма ҳисобланади.

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш - тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи рол ўйнаши тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш даврларидаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланшини таъминлайди. Лекин ҳар қандай групни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай групдан ажратиб туради.

Ўқувчилар жамоаси ўзига хослик касб этувчи мухим белгиларга эгадир. Қуйида жамоа ва унинг хусусиятлари (белгилари) борасида сўз юритамиз. Жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми ҳисобланади, унда ижтимоий ҳаёт ва кишилик муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади. Зеро, жамоа жамиятдаги мавжуд муносабатлар тизимида намоён бўлар экан, жамоа ва ижтимоий жамият мақсади, интилишида ўзаро бирлик, узвийлик, алоқадорлик юзага келади. Шу боис жамоа ҳаётининг аниқ (ягона) мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий-ғоявий хусусият касб этиши унинг етакчи белгиси саналади.

Ҳар бир жамоа бошқа жамоалар билан узвий алоқадорликда мавжуд бўлади. Муайян жамоанинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўз жаомаси билан биргаликда иштирок этади. Жамоа аъзоларини интилишларини тушуниш, жамоа олдига қўйилган мақсад моҳиятини чуқур ҳис этиш ҳамда унинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш жамоа аъзоларининг умумий ва хусусий (шахсий) мақсад, қизиқиши, эҳтиёж ва фаолиятлари ўртасидаги бирликни намоён этади ҳамда жамоанинг бўлинишга йўл қўймайди.

Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умумий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. Ижтимоий жамият эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолият жамоанинг навбатдаги мухим хусусиятидир. Жамоа фаолиятининг ижтимоий-ғоявий йўналиши ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши мухим аҳамиятга эгадир.

Жамоа хусусиятини аниқлашда кишилар гурухининг ягона ижтимоий тизимини ўрната олишдаги усули, яъни, жамоани ташкил қилиш усули ҳам мухим ҳисобланди.

Педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этилган жамоа, хусусан, унинг аъзолари ўртасида ўзаро руҳий яқинлик, ишchanлик, бир-бири учун ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, жамоа манфаати учун қайғуриш, мазкур йўлда амалий ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда жавобгарлик ҳисси қарор топади.

## 2. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш.

Болалар жамоасини шакллантириш методикаси ҳозирги кунда анча тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогикада, жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари кўйидагилардан иборат: талаблар қўйиш; фаолларни аниқлаш, ўқув меҳнат, ижтимоий сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш; соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш, ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоа (мактаб, синф жамоаси, мактабдан ташқари болалар бирлашмаси ва ҳоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантириш учун кўлланма бўлиб ҳисобланади.

Болаларнинг жамоа турмуш, нормалари ва қоидаларининг интизомини бўзилишига муносабатларини кузатиб жамоанинг ташкилий тузулиши таъсирчанлиги ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичларида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун жамоада салбий ҳодисалар очиқ мухокама қилинмайди ва мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди. Агар жамоа ривожланишининг 2-чи босқичида бўлса, номигагина эмас балки ҳаракатларини кўллаб қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар кўйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган мухим белгилардан бири – ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлолом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат

синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқищдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларни, ўзларини дарсда қандай тутишларни, уй вазифаларни сидқидилдан бажаришларни ёки бажармасликларни аниқлайди. Ва ниҳоят энг муҳими – уларнинг ўқищдаги мулжаллари ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

8-«Б» синфда шпаргалкалар, айтиб туришлар кўчириб ёзишлар авж олган эди. Ўқувчилар буни тан олишдан ҳам уялишмас, бундай ҳолни ўзига хос дўстлик жамоатчилик деб ҳисоблашишар эди. Аксинча саволларга жавоб олишда «Сен шпаргалкага қандай муносабатдасан?» деган саволга факат бир ўқувчи – Наргиза бундай деб ёзди: «Айтиб туришни ва айтиб туришдан фойдаланишни ўзига эп кўрмайман». Анкета саволларига жавоб қайтариш натижаларини муҳокама қилиш чоғида кўпчилик Наргизанинг тутган йўлидан ғазабланишди: Қаранглар қандай мағурурланиб кетибди! Қадр-қиммат бизда ҳам бор, лекин у алгебра бўйича контрол ишга нисбатан анча муҳимроқ ишларда намоён бўлади. Синф раҳбарига бу синфда ишлаш жуда қийин эди. Бу ерда кўпгина қобилятли ва яхши ўзлаштирадиган айни пайтда қолоқ ўқувчилар ҳам бор эди. Дарсдан ташқари пайитларда турли тадбирлар-кечалар, учрашувлар, экспурсиялар ўтказилади. Лекин, буларнинг ҳаммаси энг муҳим нарсага – ўқувчиларнинг таълим жараёнига, муносабатига ва бу жараёндаги ўзаро муносабатига таъсир кўрсатмасди. Кўпчилик 8-синф ўқитувилари: ўқиш ҳар бир кишининг шахсий иши, деган принципга амал қиласидилар. Юқорида баён этилган синф жамоаси ривожланиш даражасининг пастлигидан далолат беради. Мана шундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун жамоанинг ривожланиш усулини аниқлаб олишимиз керак бунинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кўзатишдан иборатдир. Махсус диагностик усуllар. Масалан: анкета, тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш, бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, бу усуllар гурухни жуда эҳтиёткорлик билан катта педагоглик одоби билан қўллаш лозим. Ўқувчиларни ўрганишнинг ҳар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги ўқитувчилар учун қонун бўлиши керак.

### **3. Болалар жамоасини шакллантириш методикаси:**

Жамоада шахсни якка тартибда тарбиялашдан мақсад мактаб ўқитувчисини ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш, уни тегишли малака ва кўникмалар билан куроллантиришдан иборатдир. Замонавий синф раҳбар ўқувчидан ёмон хулқ авторининг, паст ўзлаштиришнинг сабабларини пухта ўрганади. Бунда ўқувчининг синфдошлари билан муносабатлари, бу муносабатларнинг маънавий асослари энг муҳим масалалардан биридир. Жамоа муносабатлари – даставвал муайян принципларга асосланган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлар йўналтириб турадиган ўзаро маъсулиятли муносабатлардир.

Синф ўқитувчилари қўп бўлган шароитда ҳар бир бола якка тартибда ёндашиш, ҳар бир бола қалбига тўғри йўл топиш жуда қийин. Агар ўқувчилар жамоаси қўллаб кувватласа, ҳар холда бундай йўлни топиш мумкин.

Жамоада шахсни тарбиялашда якка тартибдаги ёндашувнинг моҳияти алоҳида ўқувчини жамоа фаолиятига жалб этишдан жамоани эса мазкур ўқувчи билан қизиқтириб кўйишдан ҳам иборатдир. Ҳар қандай жамоада тарбияси қийин болалар бўлади, лекин «ажратиб кўйилган» болалар бўлмайди.

Ўқувчиларнинг хулқ автори, ўқувчининг мунтазам ўрганишни ўз олдига махсус мақсад қилиб кўймаса унинг учун сезилмаган тарзда ўзгариши мумкин. Бундай ўрганиш якка тартибда ишни ташкил этишнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади.

#### **4. Синф жамоасини тузиш ва жипслаштиришда синф раҳбарининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари.**

Ўқитувчи-синф раҳбари, меҳрибон тарбиячидир. Мактабнинг бошланғич синфларидағи мұхим хусусиятлардан бири-бирига қадрдан ўқитувчи раҳбарлигіда 4 йил ҳамкор, ҳамдарт бўладилар. Шу сабабдан бошланғич синф ўқувчиларнинг ота-оналар жамоаси билан ҳам ишлаш ўзига хос хусусиятга эга:

Биринчи фарзандларини мактабга кузатадиган ота-оналарнинг иш шакл ва услублари кўп тажрибали ота-оналардан фарқ қиласди.

Булар учун «1-синф ўқувчиси», «Ёш ота-оналарга эсталик»ларни тавсия этиш талабга мувофиқдир.

Бу иш шаклидан мақсад: Ота-онанинг – ўқувчи ота-онаси номига сазовор бўлиш ҳиссини уйғотиб, мактаб олдидағи бурчини англашиб.

Ота-онанинг педагогик, тарбиячилек фаолиятинн фаоллаштириш.

Ёш ота-оналар учун эсталик.

Ҳар бир инсон фарзанд кўриш ва уни вояга етиб боришини тўрт кўзлаб, кузатаётганидан Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, у буюк неъматни қадрига ета билиши лозим. Бу неъмат боланинг мактабга биринчи қадамидир.

Ота-она 1-синф ўқувчисининг илм даргоҳидан кўп билим ва тарбияга эга бўлиши учун нималар қилиши керак:

1. Ўқитувчи муқаддас сиймо у сизнинг маслаҳатчингиз, уни ардоқлаб обрў-эътиборига садоқатли бўлиш.

2. Синф ва мактаб жамоасининг таълим-тарбия тадбирларига фаол қатнашиб таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш.

3. Болангизда нима яхши, нима ёмон эканлигани уқтириб шарқона расм-руслам, удум анъаналаримиздан хабардор қилиш ўқитувчига кўмақдош бўлиш.

4. Болангизнинг ўқув ишларига ёрдам бериб бориш. Унга бериладиган топшириқларни бажаришда уларга ёрдамингизни бериш.

5. Болангизда мактаб, синф, ўқитувчи ва ўртоқларга нисбатан яхши фикр уйғотиши, чунки 1-синф ўқувчисининг мактаб шароитига мослаштириш анча мураккаб руҳий холатдир.

6. Фарзандингиздан кундалик иш фаолиятидаги муносабатини кузатиб, сўраб бориш. Бундай сухбатда яхши, жуда яхши, марҳамат, раҳмат, барака топ каби сеҳрли сўзларни, ножӯя ҳаракат содир бўлган бўлса, «чакки иш бўлибди», «мен кутмаган эдим» кабиларни ишлатиши.

7. Ота-она мактабнинг яқин ёрдамчиси бўлиши керак.

Ота-оналарнинг ман шу тариқа мактабга кўмақдош бўлиши ўз фарзандининг камоли юқори бўлишини таъминлаб беради

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Жамоа ҳақида тушунчангиз?
2. Жамоа сўзи қандай маънени англатади?
3. Синф раҳбари қандай қилиб ўқувчилар жамоасини шакллантиради?
4. Синф жамоасини тарбиялаш методларига нима киради?
5. Жамоани шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад нима?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юқсан маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.

- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТҶМИ. 2007 й.

## **18-мавзу: Синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш.**

### **РЕЖА :**

1. Синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси
2. Шахсга жамоавий-тарбиявий таъсир кўрсатиш.
3. Ўқувчи шахсини комил инсон қилиб тарбиялашда жамоанинг роли ва аҳамияти.

**Таянч сўзлар:** Жамоа, интизом, норма, меъёр, қоидалар, тарбия, шахс, жамоавий таъсир, мақсад, ўз-ўзини тарбиялаш.

### **1. Синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси.**

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш – тарбиянинг етакчи мақсадидир.

Болалар жамоасини шакллантириш методикаси ҳозирги кунда анча тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсида баён этилган, жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуидагилардан иборат: талаблар қўйиш; фаолларни аниқлаш, ўқув меҳнат, ижтимоий сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш; соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш, ва қўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоа (мактаб, синф жамоаси, мактабдан ташқари болалар бирлашмаси ва ҳоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма бўлиб ҳисобланади.

Болаларнинг жамоа турмуш, нормалари ва қоидаларининг интизомини бўзилишига муносабатларини кузатиб жамоанинг ташкилий тузулиши таъсирчанлиги ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичларида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун жамоада салбий ҳодисалар очиқ мухокама қилинмайди ва мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди. Агар жамоа ривожланишнинг 2-чи босқичида бўлса, номигагина эмас балки ҳаракатларини қўллаб қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири – ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлом тўплаш, кечага тайёргарлик қўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларни, ўзларини дарсда қандай тутишларни, уй вазифаларни сидқидилдан бажаришларни ёки бажармасликларни аниқлайди. Ва ниҳоят энг муҳими – уларнинг ўқишдаги мўлжаллари ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар рўй бермаслиги учун жамоанинг ривожланиш усулини аниқлаб олишимиз керак булинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан

дарсда, дарсдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кўзатишдан иборатдир. Махсус диагностик усувлар. Масалан: анкета, тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш, бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, бу усувлар гурухни жуда эҳтиёткорлик билан педагоглик одоби билан кўллаш лозим. Ўқувчиларни ўрганишнинг ҳар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги ўқитувчилар учун қонун бўлиши керак.

Жамоада шахсни якка тартибда тарбиялашда мактаб ўқувчисини ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш, уни тегишли малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдан иборатдир. Тарбиявий таъсир кўрсатишга бўйин бермайдиган тарбияси қийин болалар – бу албатта, ёмон ўзлаштирувчилар эмас, ҳолбуки улар орасида одатда улар кўпчилиги ана шундай болалардир. Замонавий синф раҳбар ўқувчида ёмон хулқ авторининг, паст ўзлаштиришнинг сабабларини пухта ўрганади. Бунда ўқувчининг синфдошлари билан муносабатлари, бу муносабатларнинг маънавий асослари энг муҳим масалалардан биридир. Жамоа муносабатлари – даставвал муайян мақсадларга асосланган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлар йўналтириб турадиган ўзаро маъсулиятли муносабатлардир.

Синф ўқувчилари кўп бўлган шароитда ҳар бир болага якка тартибда ёндашиш, ҳар бир бола қалбига тўғри йўл топиш жуда қийин. Агар ўқувчилар жамоаси қўллаб қувватласа, ҳар холда бундай йўлни топиш мумкин.

Жамоада шахсни тарбиялашда якка тартибдаги ёндашувнинг моҳияти алоҳида ўқувчини жамоа фаолиятига жалб этишдан жамоани эса мазкур ўқувчи билан қизиқтириб кўйишдан ҳам иборатдир. Ҳар қандай жамоада тарбияси қийин болалар бўлади, лекин «ажратиб қўйилган» болалар бўлмайди.

Ўқувчиларнинг хулқ автори, ўқувчининг мунтазам ўрганишни ўз олдига махсус мақсад қилиб қўймаса унинг учун сезилмаган тарзда ўзгариши мумкин. Бундай ўрганиш якка тартибда ишни ташкил этишининг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Жамоани шакллантириш, юзасидан олиб бориладиган иш албатта айрим ўқувчиларнинг ривожланишга таъсир этади ва шунинг учун ҳам бу жараён стихияли эмас, балки мақсадга қаратилган ва бошқариладиган бўлиши керак.

Синф раҳбари ўқувчиларни якка тартибда ва жамоа билан тарбиялашда ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликда бўлади. Ота-оналарга педагогик билим беришни уюштиришда синф раҳбарига муайян тарзда ёрдам берадиган асосий манба «Ота-оналарга педагогик билим беришнинг намунавий дастури»дир. Мазкур дастур ўқувчиларнинг ота-оналари билан хилма-хил машғулотларни бирга кўшиб олиб боришни кўзда тутади.

Дастурда ўкув йили мобайнида иккита умумтаълим машғулотни ва ҳар бир синф ота-оналари учун 6 тадан 9 тагача машғулот ўтказиш кўзда тутилган. Машғулотлар шундай тарзда куриладики, ота-оналар педагогика, психология ва физиология асослари изчил курсини ўзлаштириб, фарзандлари билан синфдан-синфга ўтгандек бўлишади. Курс болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ва таълим мининг ҳар бир йилдаги таълим-тарбия вазифаларини ҳисобга олиб қурилган.

Ота-оналарнинг юксак таълимий ва маданий даражаси педагогик ва психологик таъсир этиш сифатини ошириш учун улар билан бевосита мумалада, ўқитувчиларнинг бу йўналишидаги ижодий жамоа ишида ўрганиш мумкин.

Ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шакл бу ота-оналар ийғилишларидир. Ота-оналар мажлислари турли хил кўринишда бўлади:

1) Ташкилий йиғилишларда ота-оналар комитети сайланади. Бунда асосан жамоатчи ўқимишли кишилар (ҳисобланади) сайланади.

2) Чорақдаги якунловчи синф мажлислари ота-оналарнинг эътиборини ўқувчиларнинг билишга доир қизиқишилари, ахлоқий қобилятлари, иродали фазилатлари, ривожлантиришдаги ютуқлари, камчиликлари, фойдаланилмаган имкониятларга қаратиш мақсадини кўзда тутади. Агар ҳар бир ота-она мажлисдан кейин ўз боласига тарбиявий

таъсир кўрсатиши системасига тўзатишлар киритишнинг асосий йўлларини аниқ тасаввур этсагина, синф раҳбари ўтказилган мажлислардан қаноат ҳосил қилиши мумкин.

3) Бирор мавзуга бағишлиланган йиғилишлар, тарбиянинг энгдолзарб муаммоалари юзасидан ўтказилади. Агар мактаб синф раҳбарлари орқали ота-оналарга уларнинг педагогик билимини оширишда ёрдам берар экан ўз навбатида ота-оналар ҳам мактабга болаларни тарбиялашни ташкил этиш ишда ҳар томонлама ёрдам беришлари мумкин ва лозим. Синф раҳбарининг ота-оналар комитети билан моҳирона, яхши уюштирилган ва йўлга кўйилган иши, болалар билан олиб бориладиган бутун тарбиявий ишларнинг мувафақиятли бўлишига гаров ҳисобланади. Ташаббускор, ижодий ишлайдиган ота-оналар комитети синф раҳбари, синф жамоасини ташкил қилишдаги бебаҳо ёрдамчисидир.

Якка тартибдаги педагогик сухбат синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналари билан олиб бориладиган ишининг энг оммалашган қулай ва самарали шакли ҳисобланади.

Сухбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчилар оиласидан тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тартибдаги ривожланиш дастурини биргаликдаги педагогик ҳаракатлар системасини ишлаб чиқиши, ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишиларини ва тарбияси қийин бола хулқини тузатиш ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш, каби кенг кўламдаги таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинади.

Ўқитувчилар у ёки бу ўқитувчининг бирор ўқувчи унинг дарсида интизомни бузганлиги хусусидаги шикоятга жавобан ота-онани мактабга чақириладилар. Синф раҳбари ҳамма нарсани синчилаб ўрганиб чиқиши керак. Баъзан ўқувчиларнинг дарсда ёмон ишлашга, гап қайтаришга ва ҳакозоларга ўқитувчининг ўзлари айбор бўладилар. Бундай ҳолда ўқитувчида педагогик одобнинг йўқлиги ёки унинг дарсдан, синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ёмон ташкил этганлиги учун маъсулиятни ўқитувчи ва ота-оналарга ағдариш нотўғри бўлур эди. Агар ўқувчи бир мунча тарбиясиз интизомсиз бўлса ҳам синф раҳбари ота-оналарга фақат унинг камчиликлари ҳақида гапирмаслиги керак. Бу уларнинг ёқимсиз бўлиб, улар ва педагог ўртасида ишончли муносабатлар ўрнатишига ёрдам бермайди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши қўради, шунинг учун улар, ўз фарзандида ҳосил бўлган янги, ижобий куртаклар хусусида қувончни ўртоқлашадиган ва болаларнинг хулқидаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган, биргаликдаги ҳаракатлар хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисблайдиган синф раҳбари, самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар. Бундай шароитда ота ёки она жуда ҳайриҳоҳ бўлади ва синф раҳбари билан бажонидил алоқа боғлади.

Синф раҳбарининг ўқувчилар оиласидан бўлиши мактаб ва оила ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Оилада бўлишнинг мақсадини аниқ вазият белгилаб беради. Синф раҳбари нима мақсадда оиласидан боришидан тайёргарлик қўради (Ўқитувчилар билан маслаҳатлашади, ўқувчининг ўзлаштириши хулқини аниқлайди, аввалги бориши натижалари тўғрисидаги мавзуларни кўриб чиқади, сухбат мазмунини ва шаклини белгилайди, муҳокама қилиш ота-оналар билан келишиш учун масалаларни танлайди, яқин келажак учун ота-оналарнинг тарбиявий вазифаларни, тавсияномаларни ва ҳакозоларни белгилаб олади).

Оилада бўлганда фақат маслаҳатчи бўлиб қолмасдан, ўзи ҳам ота-оналарнинг фикри ва таклифларига қулоқ солишилари керак, чунки улар фарзандларининг мувофақиятидан бизга нисбатан кам манфатдор эмаслар. Юқори синф ўқитувчилари олдида касб танлаш муммоси туради, ота-оналар эса бунга ўз фарзандларининг у ёки бу фаолиятига қизиқиши ва қобилятини инкор этиб, ўз ҳаётий тажрибалари асосида ёндошадилар. Бу жиҳатдан синф раҳбари тамонидан одоб билан ёрдам бериши зарурдир.

Жамоа ташкил этишининг самарали шаклларидан бири гурухий ишдир бунда мазкур иш болаларнинг таркиб жиҳатдан (энг кўпич билан беш киши) гурухларда амалга

оширилади. Шундай кичик гурухларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомилада бўладилар ва бир-бирларига бевосита таъсир кўрсатадилар.

Ўқитувчилар гурухларда муаммоларнинг ўзига хос ҳусуягини ўрганиш унинг гурухларни ўқувчилар муомаласини ташкил этишнинг самарали шаклига айлантириладиган ҳусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Мактабларда гурухий ишларни ташкил этишнинг турли усуллари қўлланилади: бир хил ишлар: унда жамоани ташкил этган барча гурухлар бир хил топширикларни бажарадилар; табақалаштирилган гурухий ишлар; унда гурухлар индивидуал топшириқ оладилар. Ташкил этишнинг гурухий шакллари амалда ўқувчилар фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади. Масалан: синфдаги дарсдан ташқари билиш фаолиятида «топилган ва топилмаган сирлар кечаси» ўтказилади. Синф бир неча гурухга бўлинади, улардан ҳар бири ўз «сири»ни белгилаб ва уни синфга тақдим этади. Дарсда билиш фаолиятини масалан 8-синфдаги тарих дарсида ўқувчилар гурухларга бўлинадилар, уларнинг ҳар бири топшириқ олади. Гурухларнинг вакиллари топширикларнинг бажарилиш якунларини бутун синфга маълум қиладилар, синф муҳокама қилиб, тузатишлар киритади.

Жамоа ташкил этганда ўқувчилар муҳитида мавжуд бўлган ҳақиқий гурухларни тузиш, бир-бирига ва ўзаро дўйстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гурухларни ҳусусиятларини уларнинг йўналиши, қизиқишлиари, малакасини билишлари ҳисобга олиш ва фойдаланиш керак. Жамоа ишни ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вақтида мазкур ҳусиятларни ҳисобга олиш ишининг самародорлигини оширади. Иккинчи томондан бу ҳол гурухдаги муаммоларни жамоанинг қизиқишлиари соҳасига ва жамоанинг қизиқишлиарини гурухдаги муомила соҳасига олиб киради.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқитувчиларнинг шахслароро реал мавжуд бўлган алоқаларни ҳисобга олиш икки хил мақсадга эришиш: гурух аъзоларини жамоа хаётига жалб қилиш ва улар ўртасига муомалага таъсир кўрсатиш имконини беради.

## 2. Шахсга жамоавий-тарбиявий таъсир кўрсатиши.

Мавзунинг мақсади ва вазифаси шахснинг шаклланишида оила муҳити, колектив ва жамиятнинг таъсирини ифодалаш, шахснинг жамоага, жамиятга алоқадорлиги тушунчаларини шакллантириш.

Ўқитувчи уйга берилган икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки ўқувчидан сўрайди. Ўқувчилар аввало ота-оналаридан ёки опа-акасидан, кейин эса тарбиячилари, ўқитувчилари, маҳалла-куйдан миннатдор эканлигини айтадилар, ўқитувчи хулоса қиласи:

– Жавобингиздан маълум бўлдики, шахснинг камол топиши аввало оила муҳитига боғлиқдир. Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг қўйидаги шеърий парчасига эътибор беринг.

*Улча эрур тифлга шойиста иш,  
Билки кичикликда эрур парварии.  
Қатрага чун тарбият этди садаф,  
Эл бошига чиққунга тонди шараф.*

Тифл, яъни болани кичиклигида парваришлаш, яъни тарбиялаш керак, садаф қаторига кирган қатра, яъни дур одамларнинг бошида туриш шарафига мұяссар бўлди. Худди шунингдек, ота-она гўё садаф, болалар эса уларнинг бағридаги дурлардир.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жиҳозлар таъминоти, ўзаро муносабатлар: эр-хотин, бобо-буви қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки ҳамда бошка қариндошларнинг бир-бирига муомаласи оила аъзоларининг биргаликда ишлаш, дам

олиши, адабиёт, санъат, илм-фан ва спорт билан шуғулланиш, даромад, рухий-маънавий ҳолатлар, қўни-қўшничилик алоқалари, маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашиш ва ҳакозолар оила муҳитини ташкил этади. Оила муҳити ахлоқ-одоб, маданият қоидалари асосида ташкил топса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, бунда оиладаги болалар тўғри камол топади.

Ҳамқишлоқлар бир оиладек яшаб, бир-биридан хабардор, бир-бирларига меҳрибон бўладилар, қишлоқнинг, колективнинг иши ҳақида хисоб бераб турадилар, бир-бирларини ва шу аснода болаларини ҳам коллектив руҳида тарбиялайдилар.

Ибн Сино коллективдан, жамиятдан ажралиб тарбия топган боланинг баҳтсиз бўлиб қолишни таъкидлайди. Инсон оиласда дунёга келган билан жамиятга алоқадордир. Фаробийнинг фикрига «инсоннинг ва жамиятни кўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукаммалликка эришуви, инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир».

Жамиятнинг қанчалик ривожланганлиги оила фаровонлигига, шахснинг камолотида кўриш мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиланинг тўла-тўқислигига қараб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс-оила жамият муносабатлари ўзаро мустаҳкам боғланган. Шунинг учун шахс оила-жамият муҳитида шаклланади, камол топади.

Ўқитувчи фаолиятида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади. Жамоа назарияси қонунларига мувофиқ уни яратиш методикаси асослари куйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданият фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш методикаси. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги жамоа норматив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборатдир. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама событқадам фаолиятининг, ўзаро маъсулиятли муносабатларнинг мавжудлиги: ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва ҳ.к.

Болаларнинг жамоа туркум нормалари ва қоидаларининг, интизомнинг бузилишга муносабатларини кузатиб, жамоасининг ташкилий тузилиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ҳодисалар очиқ муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди ва ҳакозо.

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг факат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатиларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазфаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят, энг муҳими-уларнинг ўқишдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Педагог синф билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Синфа ҳақиқий жамоа муносабатлари бўлмаслиги мумкин, бунда ўқитувчи ишни бошидан бошлашга тўғри келади. Кўпинча бундай ҳолат янги шаклланган, «йиғма» синфларда, янги қурилган мактабларда бўлиши мумкин. Тўғри бошқа ҳолларда ҳам шундай бўлиши, аввалги синф раҳбарининг куч-ғайрати муваффакият келтирмаган бўлиши, таркиби ўзгармаган жамоа VII-VIII-синфларда ҳам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан синф раҳбари синф билан ишлар экан, ҳар доим жамоа ривожланишининг бошлангич даври билан иш кўради, деб мўлжаллаб бўлмайди.

Бошланғич мактабдаёқ (I-IV-синфларда) күпинча яхши синф жамоалари шаклланади. Ўқитувчи бундай ҳолда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини таҳлил этади ва унинг анча юкори ривожланиш даражасига мос келадиган тарбия методларини қўллади.

### **3.Ўқувчи шахсини комил инсон қилиб тарбиялашда жамоанинг роли ва аҳамияти.**

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирилик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиб шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди, чунончи,

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб яшнаши йўлида қилинаётган фидоий ишлар билан боғланиши;
- ўқувчини жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Куйида тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз:

**1.** Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги. Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади – ҳар томонлама камол топган-мукаммал инсон шахсини тарбиялашдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг, вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

**2.** Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги. Тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилиши доимо янгилаб туришни талаф этади. Тарбиячилар болалар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида иймон-эътиқодни тарбиялаш имконини берадилар. Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ, жалб қилинади, бу эса ўқувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради. Илғор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини фаол ўқувчиларга таянмоғи, ўқувчиларни турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, уларга жамоатчилик рухини сингириб бориши лозим.

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш-тарбиянинг етакчи тамойиллари ҳисобланади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш усули ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуйидагилардан иборат:

- 1.Талаблар кўйиш
- 2.Фаолларни тарбиялаш
- 3.Ўқув меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларини ташкил этиш
- 4.Соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш

## 5. Ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Юқорида таърифланган барча қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

Тарбия усулларини танлашда уларни жамоанинг ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдаги жамоа муваффақиятнинг муносабатларини ривожланиши даражасини аниқлашдан бошлайди.

Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим ўқувчилар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва умуман жамоани ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қиласди.

Синф раҳбари ва ўқувчилар жамоаси ўз ниятлари ва ишларида биргадирлар. Жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган барча ишлар жуда қизиқарли бўлиб, бу иш синф раҳбарининг асосий иши бўлиб ҳисобланади. Ўқувчиларни иноқ жамоага бирлаштирган мохир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам баҳтлидир. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларини таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбарининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал: болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлади. Ва ниҳоят, энг муҳими уларнинг ўқишдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу мўлжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашнинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида, мактабда, мактабдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш даражасида кузатишдан иборатдир. Ўқитувчи жамоанинг кучли ва заиф тамойилларини аниқлаш учун педагогик вазиятлар вужудга келтиришни қўллади. Лекин бунда шуни эсда тутиш керакки, ўқувчи камчиликларини ҳамма ўртасида ёрқин намойиш уни маънавий ҳалок этиши, қалбини жароҳатлаши мумкин.

Шундай вазиятларни вужудга келтириш керакки, улар салбий томонларни эмас, ҳар бир болада одатдаги шароитда бошқалардан яширинган ижобий томонларини ҳам очиб берсин. Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Бу хақда гапирмаса ҳам бўларди, чунки бу шарт педагогик тамойиллардан биридир. Шу билан бирга ишни энди бошлаган ўқитувчи, айниқса синф раҳбари тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда ўз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир ҳил усуллар талаблар, топшириқлар ва ҳоказолар турлича изоҳланади. Таълим жараёнида жамоа муносабатларини ривожлантириш истиқболлари синф раҳбарининг катта эътибор беришини талаб этади. Жамоа фаолиятида кўпроқ муомала қилишга бўлган эҳтиёж ётади. Дарсларда бу эҳтиёж кам қондирилади. Агар дарсдаги муомалага бўлган эҳтиёж тўғри тушунилса, унинг негизида ўқувчиларнинг ўзаро ёрдами, дарсларга биргаликда фойдали тайёргарлик кўриш, қизиқишлир буйича машғулотлар ташкил этилади. Таълим жараёнидаги жамоатчилик туйғуси ана шу, яъни биргаликдаги меҳнат болаларда катта қоникиш ҳосил қилиш ижобий кечинмадан бошланади. Шу тарика ўзаро ёрдам ташкил этиш синфдаги жамоа муносабатларини шакллантиришнинг йўлларидан биридир. Ўқитувчи яна ўқувчиларни ёш хусусиятларини, синф жамоасининг хусусиятларини, унинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олади, ўша талабларида жамоа фикрининг қўллаб қувватланишига таянади. Жамоа ривожланишининг ҳар қандай даражасида синф раҳбари муайян усуллардан фойдаланиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш тўғрисида маҳсус ғамхўрлик қиласди. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш жараёнини паст даражадан юқори даражага борадиган вақт давомидаги ҳаракат, ижтимоий талаблар аввал шахсан синф раҳбаридан,

ўқитувчидан фақат якка болалар, кейинчалик кўпчилик болалар идрок этадиган ва ниҳоят, барча учун ва ҳар бир бола учун ҳаёт қонуни бўлиб қоладиган тарзда жўн тушуниб бўлмайди. Ҳатто уюшган жамоада ҳам жамоатчилик хусусиятлари заиф ривожланган айрим ўқувчилар бўлади. Синф раҳбари жамоа ва ҳар бир алоҳида ўқувчининг тарбияси учун маъсулдир. Шунинг учун унинг жамоа тарзидағи ва якка тартибдаги шаклларини кўшиб олиб бориши тарбиявий ишдаги ўзига хос хусусиятларидан биридир. Жамоанинг шахсга нисбатан юксак талабчанлиги кузатилади.

Мактаблар тажрибасида фаолият одатда оммавий, жамоа, гурӯҳ ва индивидулал шаклларда ташкил этилади. Фаолиятни ташкил этишининг оммавий шакллари ҳам (яъни уларда ўқувчиларнинг муайян гуруҳлари иштирок этади) ўз моҳиятига кўра уни амалга ошириш жараёнида фаолият мақсадга (масалан, маъруза, концерт ва ҳоказо) эришиш учун катнашчилариинг ўзаро муомаласини назарда тутмайди. Бироқ, бундан олдинги ҳолда бўлгани каби, бу шаклларда бевосита тенгдошлар билан биргаликда қатнашиш баъзи ҳолларда уларнинг фаолиятидаги иштирокини фаоллаштиради, бошқа ҳолларда аксинча бўлади. Бу кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаолият мазмунига, муносабатига (ижобий, пассив ёки салбий) боғлиқ бўлади. Фаолиятни амалга ошириш жараёнида унинг мақсадига эришиш учун ўқувчиларнинг ўзаро муомалага киришишларини назарда тутувчи фаолият шакллари жамоа шакллари дейилади, бу муомала жараёнида ўқувчилар ўртасида жамоа алоқалар вужудга келади. Бу шакллар объектив жиҳатдан ўзида муомала учун муайян шарт-шароитларга эга бўлади. Улар ўқувчиларга ишнинг муваффакиятли амалга ошириш учун вазифаларни ўзаро тақсимлаб чиқиш имконини беради, катнашчилар ўртасида алоқа таъсирининг пайдо бўлишига олиб келади. Мисол тариқасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишининг жамоа шаклларидан бири-билимларнинг ижтимоий кўригини қараб чиқамиз. У бирор фан бўйича ўтказилади. Унда иккита параллел синф ёки бир синфдан иккита команда иштирок этиши мумкин. Кўрикнинг дастури ишларнинг ҳархил турларидан (ёзма, оғзаки, график масалалар ечиш, топшириқ учун топшириқларни бажариш ва шу кабилар) ташкил топади, уларни бажариш умуман олганда 40-60 дақиқадан ошмайди. Кўрик охирида ҳайъат аъзолари ҳар бир қатнашчига ва умуман командадаги ўртача баҳони эълон қиласди. Бу ўринда билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган муомала кўрикка ҳозирлик кўриш вақтидаёқ бошланади ва уни ўтказиш жараёнида жуда самарали давом этади. Бунга сабаб шуки, кўрикка доир дастлабки топшириқлар жамоадан тайёргарлик режасини муҳокама этишини, вазифаларни тақсимлаши ёки гурӯҳ бўлиб ишлашни талаб қиласди. Кўрик жараёнида муомала унинг ҳамма қатнашчилар ўртасида содир бўлади, чунки улардан ҳар бири муайян вазифага эга бўлиб, ўз харакатларини бошқа қатнашчилар билан мувофиқлаштиргандагина вазифани муваффакиятли бажариши мумкин. Жамоа муомалани ташкил этишининг самарали шаклларидан бири гуруҳий ишдир, бунда мазкур иш болаларшинг таркиб жиҳатидан учна катта бўлмаган (энг кўпи билан киши 5 та бўлиши керак) гуруҳларида амалга оширилади. Бундай кичик гуруҳларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомалада бўладилар ва бир-бирларига бевосита бирор таъсир кўрсатадилар.

Ўқувчилар гуруҳида муомаланинг ўзига хос хусусиятни ўрганиш унинг гуруҳларини ўқувчилар муомаласини ташкил этишининг самарали шаклига айлантирадиган хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Умумий тарзда улар куйидагича тасвирланиши керак: гуруҳий иш жараёнида ўқувчиларнинг муомаласи жуда самарали бўлади. Бунга сабаб шуки, биринчидан, гуруҳий муайян топшириқ олади, яъни ўзига хос йўл-йуриқ олади. У гуруҳ аъзолари учун мақбул бўлган мақсадларни маълум қиласди, лекин бунгача бу мақсадларни унинг ўзи илгари сурмаган бўлади. Йўл-йуриқ, муаммо, масала топишмокни ўз ичига олади. Бу ҳол жамоа аъзоларида тахминий-тадқиқодчилик жавобини ва иш мақсадига интилишни вужудга келтиради. Жамоадаги муомала мунозара тусига эга бўлади, бу ҳол қатнашчилардан илгари сурилган қоидаларни исботлашни талаб қиласди, жамоага муаммони нотўғри ҳал этишга интилишга тезда жавоб қилиш, бир-бирини тузатиш ва тўлдириш имконини беради.

Жамоада муомалани ташкил этганда, ўқувчилар мухитида мавжуд бўлган ҳақиқий гурухларни назарда тутиш, бир-бирига меҳр билан қарайдиган ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гурухларнинг хусусиятларини, уларнинг йўналиши, қизиқишлари, малакасини ва ҳоказоларини билиши, ҳисобга олиши ва улардан фойдаланиши керак.

Жамоа ишини ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вактида мазкур хусусиятларни ҳисобга олиш ишининг самарадорлигини оширади. Бу ҳол гурухдаги муомалани жамоанинг қизиқишлари соҳасига ва жамоанинг қизиқишларини гурухдаги муомала соҳасига олиб киради. Масалан, жамоа етарли даражада обрў қозонган, жамоатчилик йўналишига эга бўлган гурухга муайян бир тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга бошчилик қилишни топширса бўлади. Қандайдир ўзига хос қизиқишлари бор гурухга бутун жамоа учун бу қизиқишларга мос келадиган ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиш таклиф этилади ва ҳоказолар.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларнинг шахслароро реал, яъни аниқ мавжуд булган алоқаларини ҳисобга олиш икки хил мақсадга: гурух аъзоларини жамоа ҳаётига жалб қилиш ва улар ўртасидаги муомалага таъсир кўрсатиш бундан ташқари ўз олдиларига қўйган ҳар бир мақсадига эришиш имконини беради.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши, ўзгариши шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниклаш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри хал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг, табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-атвори шаклланишига қўйидаги омиллар таъсир этади: биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар.

Фаробий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йўллар дейди. Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришга ёрдам беради.

У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак. Агар оиласида тарбиянинг яхши усусларидан фойдаланилса оила баҳтли бўлади деган фикрни илгари суради.

Бола шахсининг ривожланишига, камол топишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни тақоррланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир болага ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, буйи-басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Буларнинг барчаси жисмоний хусусиятларга киради. Булардан ташқари

олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу эса физиологик хусусият ҳисобланади.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш нимадан иборат?
- 2.Шахсни якка тартибда тарбиялаш осонми ёки жамоада жамоада осонми?
- 3.Шахсга жамоавий таъсир кўрсатиш деганда нимани тушунасиз?
- 4.Комил инсон тарбиясида жамоанинг роли қандай аҳамият касб этади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

#### **19-мавзу: Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари.**

##### **РЕЖА:**

1. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари
2. Мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг методик ишларига раҳбарлиги.

**Таянч сўзлар:** Мактаб, директор, ўринбосар, ўқитувчи, ўқувчи, маънавият, марифат, маданият, тадбир, ахлоқ, хукуқ, эстетика, тарбияс.

#### **1. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари.**

Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари энг яхши ва тажрибали ўқитувчилардан тайинланади. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосар, мактабда таълим-тарбия ишиарининг барча соҳаларида раҳбарнинг ёрдамчисидир. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўз иши учун бевосита мактаб раҳбари олдида жавобгардир. У барча таълим-тарбия ишларининг тўғри олиб борилишини, ўқувчилар билимининг тўғри ҳисобга олинишини ва ўқитишнинг юқори сифатли бўлишини таъминлади. Шунингдек, мактабнинг умумий режасини ва мактаб раҳбари билан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўртасидаги иш тақсимотини қўзда тутиб, ўзининг амалий иш режасини тузиб чиқиши керак. Бу режада аниқ тадбирлар кўрсатилади. Раҳбар бу режани тасдиқлайди ва бажарилишини кузатиб боради. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ҳам раҳбар сингари “Ички тартиб- қоидалар”га биноан мактабнинг жавобгар ходими ҳисобланади.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўз мутахассислиги бўйича дарс беради. Лекин дарси кунига икки соатдан ошмаслиги керак. У ўқитувчиларга берилган барча хукуқ ва имтиёзлардан фойдаланади.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари мактабнинг таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қилишда қуидаги вазифаларни бажаради:

1. У давлат дастурларининг ўз вақтида ва аниқ бажарилишини кузатиб боради. Аммо бу кузатиш факат фактларни қайд қилишда, айрим фанларнинг ўқув материалини юзаки ўтиш ва кечикиб бажариш каби ҳолларни ёзиб боришдан иборат бўлмаслиги керак. Камчиллик ва нуқсонлар аниқланиши билан ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари дарҳол уларнинг сабабини ўрганиши ҳамда бу камчиликларни тугатиш ва ўқув курсининг тўла равишда ўтилиши учун зарур чоралар кўриши лозим.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўқитувчиларнинг дарсига кириб, ўқитиш сифатини кузатиб боради. У дарсларнинг юксак гоявий, сиёсий, назарий савияда ўтказилишига эришмоғи керак. Бу соҳада ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг роли жуда катта. У мактаб раҳбари сингари, ҳар куни камида иккита дарсни кириб кўриши зарур. Дарсларга кириш маълум мақсадга қаратилиши, муайян вазифаларни кўзда тутиши лозим. Масалан, дарсни кириб кўришда у маълум бир ўқитувчининг иш тизимини ўрганишни, ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашни мақсад қилиб олмоғи мумкин. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари кирган ҳар бир дарс ёзма таҳлил қилиб, алоҳида дафтарга ёзиб кўйилиши маъқул.

## **2. Мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг методик ишларига раҳбарлиги.**

Мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари методика ишларига қуидагича раҳбарлик қиласди:

1. Шу йилда мактаб олдига қўйилган вазифаларни назарда тутиб мактабдаги методика ишлари режасининг лойиҳасини тузиб чиқади.

2. Методик хужжатларнинг тўғри юритилишини кузатиб боради, педагоглар йиғилиши ва методик кенгашларга маърузалар тайёрлашда ёрдам беради.

3. Ўқитувчилар орасида тажриба алмашиш, ёш ва тажрибаси кам ўқитувчиларга ёрдам, бериш ишларини йўлга қўяди. Бу иш ўз касбини яхши билган ўқитувчиларнинг ёш, тажрибаси кам, ишга янги келган ўқитувчиларнинг дарсига кириши ва уларга ҳар хил кўрсатмалар бериши, методика жиҳатидан юксак савияда ўтказилган дарс намуналарини кўрсатиш мақсадда ёш ўқитувчиларни тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларига таклиф этиш, назорат ишларининг мавзуси ва мундарижаси масалаларида маслаҳатлар бериш каби шакллардан иборат бўлади.

Мактаб ҳаёти мураккаб ва кўп қиррали ҳаёт йўлидир. Бинобарин, мактаб раҳбарларининг вазифалари ҳам хилма-хил. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма ишларини тизимга солиш, аниқлаш ва режалашимириш мақсадида уларни ўқув йилининг асосий даврларига тақсимлаш яхши натижা беради. Маълумки бундай асосий даврлар учтадир:

1. Янги ўқув йилига тайёрғалик кўриш

2. Машғулотларнинг бошланиши ва бутун йил давомида таълим-тарбия ишларининг бориши.

3. Имтиҳонлар ва ўқув йилининг тугалланиши.

Янги ўқув йилига тайёрғарлик даврида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари мактабга тааллуқли барча буйруқлар билан, янги дарслар, ўқув қуроллари ва таълим-тарбия мавзуларида ва газеталарда босилган энг муҳим мақолалар билан яхши танишиб чиқиш керак. Ўқитувчи кадрларни тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш, ўқув дастурларини ўтиш учун тақвим-режаларни қандай тузиш ҳақида ўқитувчиларга йўл-йўриқлар бериши зарур, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари мактабнинг янги ўқув йилидаги таълим-тарбия ишлари режасининг асосий қоидаларини ишлаб чиқиши, ўзининг иш режасини

ҳамда мактабнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишлар режасини ишлаб чиқиши керак. У кузги яқунийларининг яхши ўтказилиши ва 1-4-синфда ёзги топширикларнинг бажарилиш тадбирларини кўради. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари билан биргаликда имтиҳонлар ҳақидаги қонун-қоидаларга тўла риоя қилишини қаттиқ ва пухта назорат қилиб туриши зарур. У ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимига ошириб баҳо қўйишига ҳам қарши курашиши керак. Шунингдек, ҳамма имтиҳонлар якунланиб бўлиб, натижалар чиқарилгач, мактабнинг йиллик ҳисоботини тузишда раҳбарга ёрдам беради.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари мактаб ишини чуқур ва ҳар торнонлама билган тақдирдагина ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ишларига аниқ ва амалий раҳбарлик қила олади. Бу раҳбарлик вазифасига кўтарилиган ўқитувчи бир ёки икки фаннинг мутахассисидир.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари қуйидагиларни билиши зарур:

1. Ўрта мактабда ўқитиладиган ҳамма фанларнинг дастурларини ва уларнинг ўқитилиши, хусусий методикаларини, дарсликларини, кўргазмали қуролларини.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг методларини.
3. Ўқувчилар ташкилотлари билан ишлаш методларини.
4. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар назарияси ва амалиётини.
5. Болалар адабиётини.
6. Мактаб гигиенаси ва таълим-тарбия психологияси масалаларини.
7. Раҳбарлик қилиш, назорат қилиш, ҳужжатлар юритиш ва ҳисобга олиш методларини.

Мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари буларни билмаса, раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун у ўз малакасини ҳормай-толмай, ҳар тарафлама ошириб бориши зарур. Унга бу соҳада ўқитувчилар малакасини ошириш институти, педагогика хоналари, ҳалқ маорифи бўлимлари, ҳар турли семинарлар, қисқа муддатли курслар ва тажриба алмашиш кабилар ёрдам беради.

Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ҳам раҳбар каби таълим-тарбия ишларига тўғри раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган мустақиллик назарияси билан қуролланган сиёсий билимдон киши бўлиши керак. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг ўқитувчи ва ўқувчилар олдидағи обрўси унинг ўз ишини қанчалик билишига боғлиқ. Ўқувчилар ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига фақат жадвалларни тузувчи ва мактабнинг ички тартиб-қоидаларини назорат қилувчи киши дебгина қарамасдан, балки таълим-тарбия ишлари соҳасидаги билимдон раҳбар, ҳурматли ва фойдаланилган мурожаатни оладиган методист ва ниҳоят моҳир педагог деб қарашлари лозим.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Мактаб директори ўринбосарининг вазифалари нимадан иборат?
2. Қандай киши директор ўринбосари бўлиши мумкин?
3. Ўринбосарлар мактабда нечата ва улар нима иш билан банд?
4. Тарбиявий ишлар билан банд бўлган киши нима билан шуғулланади?
5. Ҳамма ҳам деректор ўринбосари бўла оладими?
6. Деректор ўринбосарини ким тайинлайди?
7. Деректор ўринбосари ким билан ишлайди?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юқсан маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.

- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойкулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **20-мавзу: Ота-оналар билан ишлаш.**

**Р Е Ж А :**

1. Ота-оналар мажлисини ташкил қилиш.
2. Ота-оналарга педагогик билим бериш. Ота-оналар учун маърузалар ташкил этишнинг шакллари.

**Таянч сўзлар:** Ота-она, тарбиячи, йиғилиш, тадбир, ташкилотчилик, маҳалла, оила, мактаб, жамоат ташкилоти, тарбиячи, ҳамкорлик.

### **1.Ота-оналар мажлисини ташкил қилиш.**

Ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси ҳар бир ўкув йилининг бошида ўтказиладиган ота-оналарнинг синф мажлисини илмий, назарий, маънавий ва методик жиҳатдан мазмунан ташкил қила билиш ота-онанинг бундай мажлисларни орзиқиб кутиб доимий қатнашувчи бўлишига замин ҳозирлайди. Бунда мажлис ўқитувчидан кўп билим ва маҳорат талаф этади.

Дастлаб ундаги масалалар юзасидан тайёргарликни бир ой олдин бошлаш керак. Булар:

- ҳар бир оила аъзоси ва шарт-шароити ҳақидаги маълумотта эга булиш;
- оила ва атрофдаги ижтимоий муносабат мухитини яхши ёки ёмонлигини аниқлаш;
- ҳар бир ўқувчи шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга булиш;
- оиласа болани мактабга тайёрлаш тартиби кабилар.

Биринчи мажлисни ўтказишдан олдин ўқитувчининг тайёргарлиги:

1. Мажлис мавзуси ва мақсадини аниқлаш.
2. Мажлис ўтадиган жойни жиҳозлаш.
3. Мажлис ўтказиш методини танлаш; сухбат, тушунтириш.
4. Мактаб тарихи ва келажакдаги режалари ҳақида қисқа маълумот тайёрлаш.
5. Ота-оналар жамоаси низомини кўргазма тариқасида тайёрлаш (мактаб раҳбариятининг низом ҳақидаги чиқишини ҳозирлаш).
6. Синф ота-оналар кўмитасини сайлаш.

Биринчи ота-оналар мажлиси самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсига боғлиқдир. Унинг ўзини тутиши, муомаласи, ишбилармонлиги, ҳар бир ўқувчи ва оиласи ҳақида маълумотга эга бўлиши, ота-оналарга ижобий таассурот қолдиради.

Кузатишларимиз шуни курсатадики, мактабдаги ота-оналар мажлисини юқори савияда бўлмаслиги ота-оналарни мактабдан совитади. Тайёргарликсиз, бу сизни болангиз яхши, сизники ёмон дейиш ёки табелларни бериб кўл қўйдиришдир.

Айниқса «ёмон» ўқийдиган болаларнинг ота-оналарини жамоа орасида обрўсизлантиришга интилиш ҳолатлари, ота-оналарни мактабдан узоқлашиб кетишига сабаб бўлади. Бундай мажлислардан воз кечиш керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкурасини мустаҳкамловчи янгича муносабат мактаб – ота-оналар ёш авлоднинг тарбиясига зарурдир.

Ҳар бир ота-оналар мажлиси улкан мақсадга қаратилган, турли шаклларда ташкил қилиш, талабга мувофиқдир. Яъни:

- «Педагог маслаҳатига амал қиласиз» мавзусидаги мажлислар;

- «Учрашувчи мажлис», (олим, тиббий ходим, санъат маданият арбоблари);
- баҳс мажлислари: таълим-тарбияга доир муммолар юзасидан ёки педагогик адабиётлар юзасидан; «Меросга ихлос» мажлислари;
- бола тарбиясига доир Қуръони Карим, Ҳадис ва мутафаккирларнинг доно фикрларидан фойдаланиш;
- синф ота-оналар мажлисини ўтказиш тартиби;
- синф ўқитувчиси ва ота-оналар қўмитаси аъзоларининг олдинги мажлисларида қабул қилинган қарорларининг бажарилиши ҳақида ахборотлари эшитилади.

Мажлис мақсадига кўра мавзунинг эълон қилиниши (юқорида кўрсатилган мажлис турига кўра унинг мазмuni асослаб берилади).

Ота-оналар фикр ва мулоҳазалари эшитилади. Ўқув-тарбия ишларидан савол ва талабларни муҳокама этилади. Турли масалалар хал қилинади. Синф мажлиси қарори чиқарилиб, тасдиқланади. Ўқитувчи келгуси мажлис режаси билан таништиради. Мажлис ўтказиш тартиби мавзунинг ўзига хос хусусиятига кура ўзгариб боради.

## **2. Ота-оналарга педагогик билим бериш. Ота-оналар учун маърузалар ташкил этишнинг шакллари.**

### **Ота-оналарга педагогик билим бериш:**

Инсон камолоти шунчалик мураккабки унга хаётий тажриба етарли эмас унинг учун ўрганиш, билим, ўқиши ниҳоятда зарурдир. К.Д.Ушинский «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи» ҳамда «Педагогик адабиёт орасида»ги рисолаларида Ота-она учун педагогик билим дастлаб педагогик адабиётлар ўрганишдан бошланади. Бола тарбиясидаги билим халқ руҳи билан суғорилган-халқчилик гоясига асосланганда гина ота-она билимдон тарбиячилик санъатига эга бўла оладилар», – дейилган.

Педагогик билим ота-оналар учун ниҳоятда зарур. Бу билим мактабда, маҳаллада ва кундалик ахборот воситалари орқали бериб борилади. Лекин ҳаётимиздаги янги-янги муаммолар педагогик билимини янада кучайтиришни, чуқурлаштиришни талаб этади.

Мактабдаги педагогик билим турли шаклларда амалга оширилади:

Педагогик маъруза, илмий, методик кенгаш.

«Саволларингизга жавоб берамиз» (ота-оналар куни).

### **Ота-оналар учун маърузалар ташкил этишнинг шакллари:**

Маъруза ота-оналарга педагогик билим берадиган турлардан биридир. Ота-оналар учун мўлжалланган маъруза таълими-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ота-оналар учун педагогик билим берадиган маърузалар мавзулари:

- миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва баркамол инсон тарбиясида ота-оналар ўрни.
- оиласа иқтисодий тарбия.
- маънавий мерос ва оила.
- сиз ўтмиш авлодларингизни биласизми?

Оиласа тарбия масалалари.

- мутафаккирлар ижодиётида оила тарбияси.
- фарзанд тарбиясида халқимиз қўллаган усуллар.
- оиласидаги адолат-тўғри тарбия асосидир.
- фарзандингиз саҳий, муруватли бўлсин десангиз?
- оиласа иймон-эътиқод тарбияси.

Ота-оналар учун танланган мавзулар қуйидагича режалаштирилади.

Мавзу: «Маънавий мерос ва оила».

Мақсад: Ота-оналарга ўтмиш меросимиздан болани оиласа тарбиялаш ҳақидаги мутафаккир ва маърифапарварлар асаларида таълимотлар ҳақида билим бериш.

**Маърузани таъминловчи манбалар:**

а) Ўтмиш маърифатпарвар ва мутафаккирларнинг асарлари (Абу Али Ибн Синонинг «Тадбир ал-манозил», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқий Мухсиний» асарларидағи оила тарбиясидаги ғоялар.

б) Кўргазмалар-алломаларнинг расмлари ва китоб намуналари.

в) Дидактик материаллар, доно сўзлар ёзилган карточкалар, фактлар.

**Маърузанинг кириш қисми.** Мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ҳамда миллий мерос ҳақида тушунча. Бу борадаги Ўзбекистон раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати.

**Маърузанинг асосий қисми.** Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва Воиз Кошифийларнинг асарларидағи давомийлик ғояларининг бир-бири билан боғланганлиги, асарларнинг яратилиши ҳақида маълумот берилади. Сўнгра асардаги оила, ота-онанинг ҳурмат, вазифа, бурчлари ҳақидаги маълумотлар. Оиласда аёл ва эркак фазилатлари қандай қилиб фарзанд бурчини англатиши муаммолари. Ахлоқ-одоб тарбиясидаги доно фикрлар, ривоят, ҳикоя, танбеҳлар орқали асослаб, тушунтириб мактаб ҳаёти билан боғланади.

**Маърузанинг якуний қисми.** Миллий меросимиздан қандай фойдаланишга доир методик кўрсатма ва тавсиялар берилади.

Мактабда «Ота-оналар қунини» ташкил қилиш педагогик билим бериш турларидан биридир. Ота-оналарни мактабга маълум кунда таклиф этиб турли ўқув-тарбия ишларидан хабардор қилиш анъанавий аҳамиятга эга бўлиб, у «Мактабда ота-оналар қуни» ёки «Очиқ эшик»лар қуни дейилади.

Бу кундаги иш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогик маслаҳат бурчагани ташкил этиш.
2. Болалар ижодиётидан кургазмалар уюштириш.
3. Очик дарсларга ота-оналарни таклиф қилиш.
4. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.
5. Ота-оналар учун концерт дастурини намойиш этиш.

Юқоридаги ота-она ва мактаб ҳамкорлигидаги ишлар методик жиҳатдан тўғри ташкил этилса ижобий натижга беради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ота-оналар йиғилишини ташкил қилишнинг мақсад ва вазифалари?
3. Ота-оналарга тарбияя гоид билим бериш деганда нимани тушунасиз?
7. Ота-оналар мажлисда қандай масалалар кўрилади?
8. Ота-оналарнинг ўзаро муносабатининг тарбия жараёнидаги аҳамияти?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси”. –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

## **21-Мавзу: Соғлом турмуш тарзи - соғлом ҳаёт гарови.**

Р Е Ж А:

1. Юқумли касаллуклар ва уларнинг таснифи, юқиш йўллари.
2. Юқумли касаллуклар профилактикаси.
3. Ҳаракат фаоллиги ва инсон соғлиги.
4. Мослашиш ва изланиш касаллукларининг профилактикаси.
5. Алкогализм, ичкилиқбозлиқ, наркомания ва терроризм.

**Таянч сўзлар:** Эпидемия, юқумли касаллуклар, инфекция, профилактика, алкогализм, ичкилиқбозлиқ, наркомания ва терроризм, дизентерия, грипп, иммунитет, эмлаш, ҳолсизланиш, ҳаракат, спорт, гиёхвандлик.

### **1. Юқумли касаллуклар ва уларнинг таснифи, юқиш йўллари:**

Эпидемиялар. Юқумли касаллуклар ва уларнинг таснифи, ҳамда юқиш йўллари. Инсоният эволюцияси унинг доимий ва энг жонли ташки мухит билан микроорганизмлар ўртасида мунтазам курашиш давом этиб келмокда. Бундай ҳолларни баъзан эпидемия ҳам деб атаемиз.

Эпидемия деб ўткир юқумли касаллукларнинг инсонлар орасида тез ва доимий тарқалишга айтилади. Инсонларнинг юқумли касаллуклар - бу микроорганизмлар (микроблар) келтириб чиқарадиган оғриқ берувчи касаллуклардир.

Микробларнинг асосий хусусиятлари:

- бир одамдан иккинчи одамга ўтиш қобиляти ва шу йўл билан инсонлар орасида тарқалиб доимий касаллуклар келтириб чиқаришидир;
- яширин (инкубацион) ривожланиш даври борлиги;
- ташки мухит, уни аниқлаш қийинчилиги, касаллукнинг ташҳис қўйиш жараёнининг қийинчилиги ва узоқ давом этиши;
- баъзи бир микробларнинг озиқ -овқат, сув, тупроқ, кийим, турли хил жониворлар организмида ва ҳоказоларда узоқ вақт давомида сақланиб туриши. Мамлакат ёки қитъада ва ҳатто дунё бўйича касаллукларнинг тарқалиши эпидемияси ҳамиша мавжуддир.

Инсоният душманларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш бир минут ҳам тўхтамайди. Забт этилган (ютилган) микроорганизмлар ўрнига бошқалари, кўпинча улардан ҳам кучлилари пайдо бўлмоқда. Улар кўпайса, Ер шари аҳолисининг ярмини ўлдириши мумкин. Эпидемик жараёнларнинг фаоллиги табиий ва ижтимоий шароитларга боғлиқ.

Табиий шароитларга мухит, ер сиртининг тузилиши, ўсимликларнинг табиий ўчғи, фалокат ва бошқалар киради.

Ижтимоий шароитларга инсон ҳаёти шароитлари киради:

- аҳоли зичлиги, яшаш шароити, аҳоли манзилларининг санитар-гигиена қулайлиги, инсонларнинг маданият даражаси, қўчиш жараёнлари, соғлиқни сақлаш ҳолати ва бошқалар.

Эпидемик жараёнларнинг пайдо бўлиши ва кенгайиши 3 нарсага боғлиқ:

- инфекция манбаи, юқиш механизми, инсонга таъсири.

Инфекция манбаи деб потоген микроорганизмлар соғ одамларга юқадиган инфекция кўзгатувчиларни ўзи олиб юрган заарланган одамлар ва хайвонларга айтилади.

Касал ва соғ одамларнинг ўзаро муносабати 2 та занжир орқали амалга оширилади:

- касал кўзгатувчи - соғ, ёки бактерия ташувчи (вирус ташувчи) – кўзгатувчи соғ, бўлиши мумкин.

Бактерия (вирус) ташувчанлик касалланган одамларнинг тузалгандан кейин ҳам узоқ вақт мобайнида, ҳаттоқи йиллар мобайнида ўзларида вирус бўлиши давом этиши мумкин. Масалан: қорин тифи, дизентерия, дифтерия, полиомелит ва ҳ.к.

Касалга чалинувчанлик - инсон, ҳайвон, ўсимлик организмининг заарли (потоген) микроорганизмларнинг ўз организмидан кириши, кўпайиши, яшашига, унга ҳимоя кўниши реакцияси орқали жавоб бериси.

Касалга чалинувчанлик даражаси ҳар бир организмнинг ўз шахсий бақувватлигига, қобилиятига боғлиқ. Бу эса умумий, хос бўлмаган шахсий ва хос бўлган ҳимоя омиллари билан аниқланади.

Потоген микробларнинг узатиш механизми деб, эволюция натижасида пайдо бўлган касал қўзғатувчиларнинг заарланган организмдан соғ организмга ўтишига айтилади. Бу механизм касаллик қўзғатувчининг заарланган организмдан чиқиши ташки мухитда қандайдир муддат туриши ва инсон ёки ҳайвон организмига киришидир.

Инфекциянинг 6 та асосий узатиш механизми маълум:

1.Озиқ-овқат (элементлари) исталган овқат (яхши ювилмаган мева-сабзавотлар, заарланган гўшт, сут маҳсулотлари) фотоген микроблар билан заарланган бўлса, ичак касалликлари, микроблари ўтиши мумкин, ювуқсиз қўл орқали касаллик - қорин тифи, вабо, ичкетар, бруцелләз, бот касаллиги, сибир яраси ва ҳоказолар. Бу борада ботулизм алоҳида ўринда туради. Микроблар консерва, колбаса, замбруғ, шўrbалиқ маҳсулотлари нотўғри тайёрланганда тез кўпаяди.

2.Сув, сув таъминоти қонун ва нормалари бузилган ҳолда сувни ичса, идиш товок, мева сабзаводларни ювса, чўмилган пайтда вабо, қорин тифи, дизентерия, брюцелләз юкиши мумкин.

3.Ҳаво томчи. Йўтал, акси урилган, сухбат, нафас чиқариш, ўпишиш пайтлари грипп, ўпка сили, менингит, қизамиқ, дифтерия, кўк йўтал, чечак, қизилча ва бошқа касалликлар юқади.

4.Ҳаво чангли бўлганда балғам қуриган микроорганизмлар ҳавода қурийди ва ҳавода тўзиб учиб юради. Айниқса, узоқ вақт ноқулай ташки мухит шароитларида ҳам сақланадиган микроблар.

Нафас олганда чанг билан бирга чечак, ўпка сили, зотилжам, қоқшол, сибир яраси, ичак инфекциялари, глист тухумлари, ўта майда бит билан заарланиш мумкин.

5.Маишӣ. Беморга текканда ёки унинг чиқиндилари орқали (кам ҳолларда унинг буюмлари идиш, кийими, ўйинчоғи, китоби ва ҳ.к..) грипп, дезентерия, қорин тифи, пўстинли буюмлардан сибир яраси юкиши мумкин.

6.Ўтказувчилар. Бетга тошмалар, тиф, қайтма тиф, каналар- энцефолит, қайтма тиф, бурга, кемиравчилар (юмрон қозиқ, сичқон, каламуш, суварак) - вабо, пашша ошқозон-ичак касалликлари, чивин безгак, суварак қорин тифи ташувчиларидир. Инфекциянинг тарқалиши асосида касалларнинг ташхизи ишлаб чиқиласи.

Энг кўп учрайдиган юқумли касалликлар ва уларни қўзғатувчилар:

Ҳар бир юқумли касаллик ўзига хос қўзғатувчиларни чақиради. Юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар атроф мухитга чидамлилиги билан бир-биридан кескин фарқ қиласи: баъзилари жуда қисқа муддатда ўлади (бир неча соатдан сўнг), бошқалари эса бир неча кунлаб, ҳафталааб, ойлаб ва ҳатто йиллаб ўлмаслиги мумкин. Қорин тифи, дизентерия ва холеранинг келтириб чиқарувчи микроорганизмларнинг атроф-муҳитдаги яшовчанлиги бир неча кундан бир неча ойгачадир. Кўпчилик касаллик қўзғатувчиларининг яшаш мухити кўпроқ бўлиб, тупроқ, сув, ўсимлик, ёввойи ва уй ҳайвонлари бўлиши мумкин. Тупроқда ботулизм, қоқшол, газли гонгрена, баъзи замбуруғли касалларни қўзғатувчи микроблар бор. Тупроқдан заарланиш турли йўллар билан, ҳатто болалар кумда ўйнаганда ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, баданинг кесилган жойларидан тупроқ тушиши хавфлидир.

Ботулизм (ботулус-лотинча) оғир юқумли касаллик бўлиб, организмнинг умумий заарланиши билан кечади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ботилинус бактериялари билан заарланган бўлса касаллик келиб чиқади. Тезда ботулизмга қарши эмлаш талаб этилади.

Қоқшол-оғир юқумли касаллик бўлиб, қўзғатувчи ҳайвон ёки одам ичидан тупроқка тушиб, занжир шаклида сақланади. Одамнинг шиллик тери ёки яраси орқали

организмига киради. Қийнайдиган умумий қақшаш, нафас мускулларининг қақшаши билан кечади. Прафилактик ва экстремал эмлаш қўлланилади.

Атмосферадаги ёнгинлар тупроқ устидаги заарли микроорганизмларни ер ости сувларига ўтказади.

Пентоспероз (юононча — “лентос” тор, “спера”-ўрама) капиляр, жигар, буйракларни заҳарлайдиган ўткир касаллик қўзғатувчилар узоқ вақт сувда яшовчи, юпқа сперал шаклидаги пентоспер турига киравчи микроорганизмлардир.

Тиф - (грекча тутун, идрокнинг сўниши) алоҳида, идрокнинг сусайиши юрак-қон томирлари, марказий нерв тизимининг (тошма тиф) заарланиши, ичак (корин тифи) заарланиши билан кечадиган касалликларнинг умумий номи. Корин тифи А ва В паратифларини занжирлари қўзғатади. Бу бактериялар ташқи муҳитга етарлича чидамлидир. Инсон организмига тушиб, ингичка ичак шиллиқ пардасига қўзғатувчи микроблар ўтириб қолади ва кўпаяди, сўнгра қонга ўтади.

Дизинтерия - (дис-бузилиши, энтерон - ичак) ичаклилар оиласига мансуб бактериялар қўзғатадиган юқумли касалликлар бўлиб, йўгон ичакни заҳарлаб, заҳарланишини организм интаксикациясини келтириб чиқаради (мадорсизликка, бошоғриги, мажколсизликка, юқори ҳарорат, кўнгил айниши). Асосан заарланган овқат ва сув ҳамда ифлос қўллар орқали юқади. Санитар-гигиеник шароит ёмон ҳолларда дизинтерия эпидемияси тарқалиши мумкин.

А вирусли гепатити (боткин касаллиги) бу асосан жигарда заарлайдиган маҳсус вирус келтириб чиқарадиган инсонга хос юқумли касаллик.

А вирусли гепатити жигар фаолиятанинг бузилиши, сариқнинг ривожланиши, модда алмашинувининг ривожланиши каби умумий интаксикация синтомлари билан кечади. Инфекциянинг юқиши овқатланиш механизми ва санузелларнинг санитария нормаларининг бузилишидандир. Б турдаги вирус гепатити турли тиббий омилларни ўтказиш пайтида (қон қўйиш, инфекция ва ҳоказолар) юқади ва эпидемик хавфли касалликдир.

Ҳаво томчи инфекцияларни қўзғатувчилари (грипп, дифтерия ва бошқалар) касал одамдан соғ одамга асосан йўтал, акса уриш, сухбат пайтида ҳаво орқали ўтади.

Грипп - ўткир юқумли вирусли касаллик. Ҳароратни кўтарилиши, умумий интаксикация ва юқори нафас олиши йўли, айниқса, кекирдакнинг шиллиқ пардалари (катароль) шамоллаши билан тавсифланади. Ташқи қопламаларнинг (тери шилликлари) юқумли касалликлари касал одам ёки ҳайвонга бевосита тегиши ва нарсалари орқали юқади. Терининг замбуруғли касалланиши бунга мисол бўлади.

Тошматиф. Безгак, сариқ алаҳлаш микробларини ташувчилари, қон сўрувчи бит, чивин, бурга, кана ва бошқа бўғимоёқликлардир.

Сариқ алаҳлаш — кам табиий географик жойларга қараб тарқалган, фақат маълум бир турдаги чивинлар орқали юқадиган маҳсус вирус келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик. Организмнинг умумий интаксикацияси, икки тўлкинли алаҳлашлар билан таърифланади, сариқ касаллик ва жигар заарланишини келтириб чиқариши мумкин. Касаллик манбаи чивин бўлиб организмда касал одамдан ўтадиган вируслардир.

Безгак (малариа-ёмон ҳаво) содда паразит плазмалар келтириб чиқарадиган касалликдир. Алаҳлашлар, анемия билан ҳарактерланади.

Юқумли касалликлар уларнинг келтириб чиқарадиган қўзғатувчиларнинг инсон организими турли тизимларини заарлайдиган заҳарлар (токсин) ажратиши билан хавфлидир.

Холера - тананинг кескин сувсизланиши билан кечадиган ўта хавфли юқумли касаллик. Қўзғатувчиси - холера вируслари атроф- муҳитда узоқ вақт сақланади. Холера касаллиги тананинг сувсизланиши ва тузсизланишига олиб келадиган бирданига пайдо бўладиган кўп ичкетиш ва қусиши, сийдик ажралишини тўхтатиб қолиши, тана ҳароратининг пасайиши, титроқнинг пайдо бўлиши, модда алмашинувининг чуқур бузилиши ва бехушликкача олиб борадиган марказий асаб тизимининг фаолиятининг

бузилиши билан тавсифланади. Холера қўзғатувчиларининг табиий тарқалиш манбаи — холера вибрионларининг ташқи муҳитга асосан ахлати билан ва кам ҳолларда қайд билан тарқаладиган инсонларнинг ўзидағи вирусдир. Холера қўзғатувчисининг асосий тарқалиш йўли холера вибрионлари ташувчилари чириндилаидан заарланган сувдир.

Туляремия, вабо, кана ёки чивин энцефолити тошма тиф қўзғатувчилари яшайдиган касалликларнинг табиий ўчоғига тушиб колган инсон ёки уй ҳайвонлари бу касалликлар билан заарланиши мумкин. Бундай касалликларнинг хусусияти шундаки, уларни келтириб чиқарадиган микроорганизмлар инсон ёки уй ҳайвонларига боғлиқ бўлмаган табиатдаги маълум бир худудларда мавжуд бўлади. Улар ёввойи ҳайвонлар (кўпроқ кемиравчи ва қушлар) ҳужайралари организмда паразитлик қилиб айланиб юради. Ҳайвонлардан ҳайвонга (ёки одамга) бу касаллик қўзғатувчиларни асосан ҳашорат ва каналар орқали ўтади.

Туляремия лимфотик бўғимларнинг заарланиши ва алаҳлаш билан кечадиган юқумли касаллик. Қўзғатувчиси  $60^{\circ}\text{C}$  да 20 дақиқада, қайнатганда — бирданига ўладиган бактериядир.

Касалликнинг ўтиши ташувчисиз контакт йўли билан ҳайвон ҳужум қилганда ва тишлаган (кутириш), сув орқали, ёки ҳаво томчи йўли билан (вабо, орнитоз) бўладиган касалликлар ҳам бор.

Кутириш — титраш, фалаж ҳамда ютиш ва нафас олиш мушакларининг тортишиб қолиши билан кечадиган асаб тизимини заарлайдиган юқумли касаллик. Қўзғатувчиси - бу вирусдир. Олдини олиш: инсонни ўз вақтида тишлишдан кейинги эмлашдир.

Вабо - ўта хавфли юқумли касаллик. Вабо таёқчалари келтириб чиқаради. Белгилари: bemornинг умумий оғир ҳолати, мимфа бўғунлари, ўпка бошқа организм жараёни. Даволанмаса тезда ўлимга олиб келади. Асосий ташувчилари каламуш ва бургалардир. Касалликнинг ўтиши фақат бурга чаққанда эмас, бурга ахлати ёки шиллик пардага тушганда ҳам бўлади.

Орнитозлар — (юонча “орнитоз” - қуш) қушларни заарлайдиган ва инсонга ўтадиган юқумли вирус касалликлари гурухи. Инсонда иситма, бош ва мускул оғриклари, ўпка шамоллашлари билан кечади.

Бу касалликлар билан табиий заарланган жойларда илк бор келган одамлар, бу касаллик ўчоғи бор жойда дам олишга чиққанда юқади. Маҳаллий одамларда иммунитет пайдо бўлгани учун кам касалланадилар. Касал юқса ҳам касаллик енгил ўтади.

Ўрмон экотизимида жуда кўп кана турлари вирусларни ташувчи ва асрорчилари яшаб кана энцефолитини келтириб чиқаради.

Энцефолитлар (юонча “enkephalos” бошли) вируслар келтириб чиқарадиган бош миянинг шамоллаши.

Кана энцефолити - марказий асаб системасини ишдан чиқарувчи касаллик. Баҳорда қор эриши билан каналар ҳайвонларга ёпишади. Етилган каналар май, июнь ойларида фаоллашган ва кўп сонли бўлади. Аниқланишича вирус фақат каналар орқали эмас, эчки сути орқали ҳам ўтиши мумкин. Баъзи касаллик ўчоқларида болалар орасида бу касаллик кўп тарқалади. Сигир сути орқали ҳам инсонларнинг касалланганлари аниқланган.

Юқумли касаллик даврида кетма-кет келадиган даврлар аниқланган: яширин, бошланиши, касалликнинг фаол кўриниши, тузалиш. Яширин (инкубацион) давр деб, зарарли микробнинг танага кириб касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлишига айтилади. Даврийлиги турлича бир неча соатда хафта, ҳаттоқи ойларгача. Бу вақтда фақат микробнинг кўпайиши эмас, шу билан бирга инсон танасидаги ҳимоя механизмлари ҳам ишга тушади.

Бу даврдан сўнг иккинчи, касалликнинг илк белгилари кўринадиган даври келади. Касалликнинг махсус кўриниши бўлмайди. Касалликнинг характерли белгилари 3 даврдагина тўлиқ юзага чиқади. Бу даврда бошланғич қисмда, касаллик авж олишини ва барча патаолагик кўринишларининг сусайиш даврини кўрсатиш мумкин.

Тўртинчи давр тана фаолиятининг тикланиши билан ҳарактерланади.

Күпгина юқумли касаллуклар тақорий ривожланади, яńни ривожланиш, ўсиш ва касаллук симптомларининг камайиш аниқ кетма-кетлиги мавжуд. Юқумли касаллуклар турли беморларда турли шаклда кешиши мумкин. Яшин тезлигидаги, ўткир, ўткирдан кейинги ва давомли касаллук шаклларини фарқанади.

## **2.Юқумли касаллуклар профилактикаси:**

Профилактика - бу шундай жараёнга айтиладики, инсонларни ҳар хил юқумли касаллуклардан сақланиш мақсадида қилинадиган иш жараёнидир. Юқумли касаллуклар профилактикаси асосий уч босқичда олиб борилади:

Касаллик келтирувчи манбани йўқ қилиш, уларнинг тарқалишини олдини олиш, одам ва ҳайвонларни бу касалликка чалинмаслигини таъминлайди.

Юқумли касаллукларни келтириб чиқарувчи манбаларни йўқ қилиш қўйидаги босқичлардан иборат:

Дезинфекция - атроф мухитдаги бу касалликни келтириб чиқараётган жойлар, предметлар, кийимлар ва ҳайвон териси каби манбаларни йўқотиши.

Дезинфекция - атроф мухитни зарапли ҳашоратлардан тозалаш.

Дезинфекция - кемирувчи ҳайвонларни кириш. Юқумли касаллик тарқалган жой топилгач у ерда карантин ўрнатилади. Доимий карантинлар божхона бўлимлари атрофларида бўлади.

Обсерватция - бу агар тарқалган касаллик унча ўткир турга мансуб бўлмагандан ва касаллик тарқалган ҳудудга тегишли бўлмаган ҳудудларда ташкил етилади. Татқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, агар инсон бирор турдаги юқумли касалликка чалинса, иккинчи марта бу касалликка чалинмайдиган бўлиб қолади. Касалликка қайта чалинмаслик хусусиятини “иммунитет” атамаси билан номланади.

Иммунитет - бу инсон организмида ҳосил бўлувчи маҳсус ҳимоя воситаси бўлиб, унинг таъсирида одам организмида бегона моддалар билан курашади. Шу нарса маълум бўлдики, инсон организми нафақат микроблар балки бошқа моддалар билан тўқнашганда улар билан реакцияга киришади. Организм унинг бегона эканлигини аниқлагач, унга жавобан ҳимоя воситаси бўлмиш - иммунитетга қарши ҳосил қиласди.

Иммунитеттага қарши суний равишда моддалар ҳам юбориш мумкин. Бунинг учун бирор бир жонзотни иммунитетлаштиришади, масалан кўпинча отга юборишади.

Иммунитеттага қарши от организмида моддалар ривожланади. Кейинчалик иммунитетлаштирилган отнинг қони олинниб ундан ачитки таёrlанади, бу ачитки микробларга қарши самарали восита ҳисобланади.

Агар беморга бу ачитки юборилса, ачитки бемор қони таркибидаги микробларга кира бошлайди, бу ачиткини асосан касалнинг бошлангич даврида беморга юборилса организмда иммунитет юзага келтиради. Кейинчалик одам организмида иммунитет қарши ўз - ўзидан кўпая боради. Баъзи бир юқумли касаллукларда, масалан диозентерияда одам организмида бўлган ҳимоя қобигини сусайтира бошлайди.

Антигенлар нафақат микроблар бўлиши мумкин, балки организмга ёт бўлган моддалар, масалан, тухум оқсили, қон ачитқиси, ертут. Улар организмга ёт бўлиб, одам организмига кирганда улар аста - секин мослаша боради.

Иммунитетларнинг иккита асосий тури учрайди буларга:

- а) тұғма иммунитет;
- б) ўзлаштирилган иммунитет.

**Тұғма иммунитет** - бу бирор-бир жонзот дунёга келганды, у билан бирга туғилади ва у организмни баъзидә касаллукларга чалинтирмайды масалан: инсонга ит ёки шохдор буқанинг чума касаллиги юқмайди.

Шу билан бирга бази бир жониворларга инсонларда учрайдиган касаллукларга чалинмайди.

**Ўзлаштирилган иммунитет** - бу организмни ўз ҳаёти давомида ўзида юзага келтирган иммунитеттага айтилади.

**Кафолат** - бу аҳолининг заҳарланган ҳудуддан бутунлай олиб чиқиб кетиш. Каантин эълон қилинган жойларда асосан қўриқчилар қўйилиб, ҳеч ким киритилмайди, чиқарилмайди ва одамларга шахсий буюмларни олиб чиқиб кетиш таъкиқланади. Бу ҳудуддаги аҳоли маҳсус тиббий пунктларда жиддий қўрикдан ўтади.

Каантиннинг муддати - ўша ҳудудни тамомила хавфсизлантириб, касалларни қўрикдан ўтқазишга боғлиқ.

Каантин режими - асосан, чума, сарик касал тарқалган ҳолларда ўрнатилади. Ундан ташқари, каантин ўрнатилган жойларда транспортларнинг ҳаракат режими тўхтатилади.

Касалхонага қўриқчилар қўйилади ва аҳоли каантин жойдан узоқ сақланади. Заарланган жой билан алоқани - бошқарув назорат пункт (БНП) орқали амалга оширилади, бу пунктлар асосан оддий тозалик қоидалари: ҳожатхонада, транспортда кейин овқатланишда ундан олдин қўлни совунлаб ювиш керак, каантин ўрнатилган жойларда маҳсус кийимларда хизмат қилиш лозим. Чунки касаллик одам танасига таъсири этмаслиги керак.

Эмлаш натижасида касалликнинг олдини тезда олиш мумкин, бу энг қулай усул.

Кимёвий эмлаш - бу эмлашда ишлатиладиган модда кимёвий йўл билан олинган. Ҳозирда бундай препаратлар қўпгина касалликларга қарши чиқарилапди, ундан ташқари улар жуда ҳам самарали восита ҳисобланади.

Эндилиқда иммунитетнинг чидамлилигини ва узоқ муддатга хизмат қилиши учун уни қайта-қайта организмга юборилапди, бунда ҳар бир эмлаш орасида маълум вақт бўлиши керак, бундай эмлаш такрорланувчи эмлаш дейилади.

Эмлаш жараёни бир неча турда бўлади, масалан: тери ичига, тери ташқарисига ва баъзида оғиз бўшлиғи орқали ва бурун орқали ҳам юборилади.

Ҳар бир эмлаш тиббий муассасалар рўйхатидан ўтган ҳолда олиб борилади, ва улар аксарият ҳолларда бу маълум ҳудудга ўткир хасталикларни тарқатувчи вируслар пайдо бўлганда ёки доимий равишда такрорланувчи касалликлар олдини олишга (сил, қизамиқ) ва қўпгина ҳолларда ўпка касаллиги ва алергияга қарши амалга оширилади.

Таълим муассасаларида эмлаш одатда бош ҳамшира назорати асосида олиб борилади.

Эмлашдан сўнг организмда икки хил реакция бўлади.

1. Тиббий;
2. Алоҳида реакция натижасида.

Тиббий реакция - эмланган жойда қизаришлар ва шишлар бўлиши мумкин. Баъзиларда эмлаш натижасида температураси 37,6- 38,60 С гача кўтарилади ва холсизлик кузатилади.

Ундан ташқари, организмни юқумли касалликларни сақловчи яна бир маҳсус катаклар, бу - лимфоцитлар ва лейкоцитлар. Улар микробларни қиради. Бу жараён фагацитоз деб аталади.

Фагацитоз - ҳар хил жисмоний ва кимёвий воситалар ёрдамида кучайтирилади.

Эсада тутинг - организмнинг касалликларга чалиниш ёки чалинмаслиги бу овқатланишга, соғлиққа ва озодаликка боғлиқ. Яхши овқатланиш, тоза ҳаводан баҳра олиш, тана ва кийимларнинг озодалиги иммунитетнинг кучлилигини тамиллайди. Яхши овқатланиш доимий равишда жисмоний машқлар қилиб танани чиниқтиришга олиб келади ва шу билан бирга организмнинг юқумли касалликларга чалинмаслигини таъминлади.

Инсоннинг биологик ритми билан мувофиқ ўқиш ва дам олишни ташкил этиш зарурлиги соғлом турмуш тарзини мухим омиллариdir. Инсоннинг ҳаёт тартибининг асосий рационал режимлари бу биоритмлар хисобланиб, кун тартибига озми-кўпми доимий амал қилиш натижасида яхши, ўз-ўзини ҳис этиш ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиши сабаб бўлиши мумкин.

Ҳеч ким бизни қатиј график остида “кун тартиби” тузиб, унда бир секунд ҳам четга чиқиши талаб қилаётгани йўқ- фақат доимий эсда тутиш лозимки, сутка 24 соат. Бундан соғлом бўлиш учун 8,9 соат кечги уйқуга ажратиш, 5-6 соат мактаб машғулотларига ажратиш 3,4 соат дарсларни тайёрлашга 2 соат эса уй юмушларни тартибга (тозалаш, сотиб олиш) солишга кетади. Ва нихоят шахсий ишлар учун 6 соат вақт қолади.

Ушбу вақтларни телефонда беҳудага гапириш, телевизор олдида ўзундан-узок ўтириш, компьютерда ўйнаш билан ўтказмасликни эсда тутиш лозим.

Эслатма: уй вазифаларини тайёрлаш учун энг қулай вақт 16 дан 18 гача биринчи сменада ўқувчилар учун ва 10 дан 12 гача иккинчи сменадаги ўқувчилар учун. Шунингдек, бу вақт спорт машғулотлари билан шуғулланиш учун ҳам самарали ҳисобланади. Иш қобилиятининг индивидуал ритмини билиш ҳар бир киши учун фойдалидир. Ўз биоритмингизга боғлиқ равишда уйқуга кетиш вақтини аниқлашингиз шунингдек буни аниқ эсда тутиш мақсадга мувофиқ.

Кечки уйқу соат 10,11 дан кеч бўлмаган ҳолат, ухлашга ётиш учун қулай вақтдир ва камида 8,9 соат ухлаш зарурдир.

Уйқу организмнинг иш қобилиятини тиклашда ёрдам беради. Мустаҳкам, бўшашибтирувчи, тикловчи уйқу кучи сизнинг соғлиғингизни қўлловчи муҳим омилдир.

Хозирги қарашларга асосан уйқу бу нафақат дам олиш балки кун давомида йиғилган инфомацияларни қайта ишлашга қаратилган фаолият ҳам. Шунинг учун кечкурун ечилмаган масала эрталаб осонгина ечилади. Мақолларда айтилишича “Эрта - кечга нисбатан доно фикр”.

Агар сиз яхши ухлай олмасангиз тез асабийлашадиган, жizzаки бўлиб қоласиз мактабда ёмон ўзлаштирасиз, чунки ўз эътиборингизни бир жойга қарата олмайсиз.

Яхши ухлаш учун зарур:

- айнан бир хил вақтда ухлашга ётиш ва уйқу учун аниқ вақт ажратиш;
- уйқудан олдин хонани шамоллатиш;
- уйқуга кетиш олдиdan аниқ бир одатий маросим ишлаб чиқиш;
- тунга иссиқлик ёки илиқлик ичиш (масалан илиқ сувга бир қошиқ асални эритиш);
- қунлик муаммолардан холи бўлиб, уйқу олдидан кўп бўлмасада яхши китоб ўқиши ёки қўшиқ тинглаш.

-уйқу максимал фойда келтириши учун қуйидаги маслаҳатлардан фойдаланинг:

- сиз ётадиган кароват қаттиқ ва текис бўлиши, ўзингизга мос бўлиши. Агар тана текис ва қаттиқ нарса устида ётса оғирлик бир маромида тақсимланади. Мускуллар (мушаклар) максимал бўшашади. Кун бўйи юриш оқибатида қийшайган умуртқа осон тўғри бўлади;

- ёстиқ қаттиқ бўлмаслиги лозим. Энг яхши вариант ёстиқ баландлиги сизга қулай бўлиши, курагингиз ва бўйнингиз ўртасидаги бўшлиқни тўлдириши лозим, қоринни ташлаб ёхуд ёнга ётиш мумкин, аммо энг қулайи ён томонга қараб ётиш.

Кўрпа енгил бўлиши керак, тез қизимаслиги керак, уйқу вақтида барча ҳаётий жараёнлар секинлашган бўлади. Иссиқ кўрпа остида организм терморегуляция жараёни бузилиши мумкин ва натижада организм ишга тушиб кетиши мумкин, оқибатда сиз ёмон дам оласиз.

Тўғри ташкил этилган ўқиши ва дам олиш тартиби юқори иш унумдорликни ва қўтарингки кайфиятни узоқ вақт сақлайди. Кун тартиби инсон индивидуал хусусиятлари ҳисобига олиш билан бирга асосий фаолиятни амалга ошириш билан ишдан ташқари ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳолсизланиш - бу инсон меҳнат фаолиятининг вақтинчалик сусайиш ҳолатидир. У зўриқиши оқибатида ёки узоқ ақлий ёхуд жисмоний фаолият натижасида чарчоқ ҳиссидир. Ҳолсизланиш - бу организмнинг нормал ҳолати бўлиб у ҳимоя ролини ўйнайди. У меҳнат қилиш жараёнида вужудга келадиган функционал ўзгаришлар ҳақида сигнал бериб

қолмай, балки организмда бўладиган заарланишдан химоя қилиб, инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолиятини автоматик тарзда камайтиради.

Холсизланиш харакат мувофиқлигининг бузилиш, хатоларнинг пайдо бўлиш реакциянинг ритм ва тезкорлигини камайишида намаён бўлади. Холсизланишнинг умумий тасаввури ёқимсиз ҳатто оғриқли таъсиrlар ўз ҳолатини ёмонлашуви билан ҳарактерланади. Шунингдек, эзилганлик умумий чарчоқ, бошда ва мускулларда оғриқ хисси пайдо бўлиши мумкин.

Холсизланишнинг ривожланиши кўп жиҳатдан иш ва дам олиш тартибини бузилганлиги билан белгиланади.

Агар ўкув ва жисмоний зўриқиши кучлар тўлиқ тикланмаган бўлса, у пайтда холсизланиш тезда ўсади.

Агар дам олиш етарли бўлмаса, меҳнат қобилияти тикланмайди ва аста секин ўта холсизланиш вужудга келади.

Мактаб ёшида холсизланишни профилактика қилиш кўп жиҳатдан ўқувчининг ўзига боғлиқ бўлиб ўз ҳолатини тўғри баҳо бера олиши, дам олиш, ақлий ва жисмоний зўриқиши ва ўзини назорат қила олишига боғлиқ бўлади. Кун тартибини ташкил этаётганда ақлий ва жисмоний меҳнатнинг кетма-кетлигига эътибор бериш, меҳнат қобилиятини тиклаш учун фаол дам олишни ташкил этиш зарур.

Ўз-ўзини назорат қилиш кўрсаткичини нисбатан субъектив ва обектив ҳолатларга бўлиш мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилишнинг ўзи ҳис этиш, меҳнат қобилиятини баҳолаш бошлаган ишни давом эттириш, хоҳиш, уйқу, иштаха оғирлиги ва таҳликали ҳиссиётлар киради.

Ўзини ҳис этиш - бу ҳиссиётлардан (чарчоқ, оғриқ) умумий кўрсатилгандан ташкил топади. Уни яхши, қониқарли ёки ёмон деб аниклаш мумкин.

Меҳнат қобилияти организмнинг умумий ҳолатига, шунингдек, кайфиятдан, олдинги ишдан тикланиш даражасига боғлиқ бўлиб, юқори, ўрта ва паст баҳолаши мумкин.

Ишга киришмаслик ҳолати ўта холсизланиш ҳолати бўлиши мумкин. Нормал уйқу - меҳнат қобилиятини тиклайди кўтарикилиқ ва яхши кайфият бағишлиайди. Уйқусизлик, кўп ухлаш ва нотинч уйқу ўта холсизлик белгисидир.

Иштаханинг йуқлиги ёки ёмонлашуви холсизланишни ёки касаллик ҳолатини белгилайди.

Ўз - ўзини назорат қилишнинг объектив кўрсаткичи юрак қисқариш частотаси кўрсаткичига киради. Бу жисмоний зўриқиши назорат қилишда мухим ҳисобланади. Юрак қисқариши частотасининг teng вақтида нафасга нисбатан кўпайиши холсизланишидан дарак беради.

Ўз ҳолатини доимий равишда кузатиш ой, ҳафта ва кун давомида олинган зўриқишинарни режалаштиришга ёрдам беради. Ўз олдига кўйган вазифаларни ҳал этишда вақтдан яъни тежамкорлик билан фойдаланишини таъминлайди. Ўта холсизланиш жараёнида шуни эсда тутиш лозимки ҳар қандай ортиқча иш хоҳ у ақлий бўлсин, хоҳ жисмоний у доимий бўлиши лозим, индивидуал имкониятларга мувофиқ келиши керак. Агар инсонга берилган топшириқ имкониятидан баланд бўлса, у зўриқишини сезади. Бунинг учун икки йўл бор: бири зўриқиши камайтириш, иккинчиси машқлар ёрдамида ўз имкониятларини ошириш.

### **3.Ҳаракат фаоллиги ва инсон соғлиги.**

Кўпасрлик эволюция бизнинг организмимида жисмоний кучни қандай ишлатишга боғлиқ бўлган сурункали мослаштирилишdir.

Ватан нимадан бошланади. Бизни мамлалкатда кўп ҳалқлар ва миллатлар бор, лекин ҳамманинг ҳам битта онаси бор, унинг ватани ҳамбитта.

Керакли жойга етиб бориш учун инсон ҳаракат қилади, одам организмидаги ҳаракатнинг барчаси унинг кучи ҳисобига ишлайди. Одам организмида ҳаракат хизмати

жуда катта бўлиб, ёшлигига жисмоний тарбия билан шуғулланиши, киши мия қобиғини яхши ривожлантиради ва соғлом қилади. Кучни ривожланиши одам ҳаракатларига ҳам таъсир этади ва уни қобилияти ва равон гапиришга олиб келади. Ҳамма гап шундаки, одам озиқлангандан сўнг ҳаракат қилади ва энергия ҳосил бўлади. Ҳаракат одамни ҳар қандай вазиятда ўзини бошқаришга ўргатади ва бошқа инсонга ҳурматда бўлишини ўргатади. Ҳамма нарсага эътиборлик жисмоний таъсир организмни фойдали ишлашга ўргатади. Одам ҳам ҳайвонга ўхшаган ўзи кутмаган ҳолда ўзини кучига ишониб гаройиб ишларни қилиши мумкин. Шундай воқеалар ҳам кузатилганки, баҳтсиз воқеалар ёнғин, сув тошқинлари инсон ўзини оғирлигидан ҳам жуда оғир ишларни бажарган. Шу нарсани биламизки биологик нуқтаи назардан инсон ўзи ўйламаган ишларни қила олади. Шунинг ҳисобига инсон кучи организмда тез ўзгариши бўлади. Футбол, хоккей ўйинларини кузатаётган томошибинларни ҳис хаёжонини ўзи ҳам бунга жавоб бўла олади.

Ростдан ҳам ривожланган одам камроқ ўзини эҳтиёжига камроқ куч сарфлайди. Балки бу нарса яхшидир. Бир вақтлар шундай ҳисоблашган.

Бундан ташқари, жисмоний ҳаракатга кам эътибор берилган. Ҳамма нарса шундаки одам ривожланиши одамлар орасида жисмоний ҳаракатга қарама-қарши бўлиб қолди.

Лекин жисмоний кучсиз бўлган одам организми яхши ривожлана олмайди. Бу нарса эволюция вақтида бизга кириб келган. Табиатни ўзи одамга ҳаракат, куч ҳаракати эҳтиёжи соғлиқ учун зарур бўлади. Охирги ўн йил ичидаги ривожланган давлатларда ўлим суръати ошган. Буни энг катта сабаби одамларда юрак касалликлари қўпайганида. Улар орасида фақат иш билан машғул бўлган одамлар жисмоний ҳаракат қилмаган одамлардир.

Гиподинусони аломатлари:

1. Эътиборлик пасаяди;
2. Овқат ҳазм қилиши бузилади, одам массаси ортиб боради;
3. Ҳар хил машқлар учун куч етмайди;
4. Мияни ишлаш қобилиятини пасайтиради.

Булар одам организм мини чидамлилигини ва иш қобилиятини пасайтиради. Буни оқибатида шундай касалликлар пайдо бўлади. Гипортония, инфаркт, диобет. Бундай касалликлардан одамлар кўпроқ азият чекади.

Маслаҳатлар:

1. Ҳаракатланиш одамга хузур бағишлиши керак;
2. Спорт билан шуғулланиш, вақтни аниқ белгилаб олиш, спорт билан ҳар куни дарсдан олдин ёки уйга қайтганингизда шуғулланинг!
3. Дўйстларингиз билан бирга бўш вақтингизда жисмоний тарбия билан шуғулланинг!
4. Буларнинг ҳаммасидан эринмангиз;
5. Ўзингизни алоҳида юришга мажбур қилинг.
6. Лифт ёнига етганингизда шу нарсани эста тутингки, бу нарса ҳам эринчоқликнинг бир аломатидир.

Эрталабки бадан тарбия. Уйғонгандан эрталабки бадан тарбияни қилишга ўрганинг. Эрталабки бадан тарбия эрталабки уйқуни қочиришга ҳам ёрдам беради. Лекин бу нарса бирон бир спорт туридан тайёрланиш эмас.

Бадан тарбия тортилишдан бошланади. Бу тортилиш умуртқаларни чўзишга ёрдам беради. Ундан сўнг қўл ва оёқ машқларини қилиш керак.

Ҳаракатлар қийин бўлади, сўнг осонлашади. Ҳар доимгидек машқлар чуқур нафас олиш ва уни чиқариш билан тугатилади. Бу ҳаракатлар 5,6 дан, 8,10 тагача машқлар қилинади. Жойда туриб югуриш, қон айланишини яхшилади. Машқлардан сўнг ювениш маслаҳати берилади. Бу машқлар икки ҳафтадан сўнг ўз самараасини беради.

#### **4.Мослашиш ва изланиш касалликларининг профилактикаси.**

Агар ҳаётингизни соғлом бўлиши, камроқ шамоллашни хоҳласангиз, у ҳолда чиниқиши инсонни тетиклаштиради. Қуёш нури, тоза ҳаво ва сув инсон

организми учун фойдали. Чиниқишининг организмга зарари бўлмаган асосларини ўрганамиз.

Бу ўринда, энг аввало, сув туради. Сувда чиниқиши асосан ёзда бошлаш лозим. Буни оз-оздан артимишдан бошлаш керак. Нам сочиқ билан танани 2,3 минут артиш тавсия қилинади. Бу машғулотга кўниккач чайинишга ўтса ҳам бўлади. Бошланишида уй температурасига тент бўлган сув билан чайиниш тавсия этилади. Бу машғулот билан 2,3 ой 2 минутдан шуғуллангандан сўнг душ қабул қилишга ўтилади.

Душ бу одам учун энг фойдали машғулот, сув машғулотларини эрталаб олиб бориш мақулдир. Чиниқишининг яхши усули бу дарёда, кўлларда, анхорларда чўмилиш. Айниқса, денгиздаги машғулотлар жуда ҳам фойдали. Шу билан бирга ҳаммом ҳам жуда фойдали. Ҳаммом қилаётган пайтида одам териси тозаланиб, теридаги тешиклар очилиб тери нафас олади. Унинг давом этиши 1 соатдан ошмаслиги керак.

Ҳаво бу чиниқиши учун яна бир табиатнинг бизга берган неъматидир. Ҳеч нарса тоза ҳаво олдида тенг кела олмайди. Хоналарни тез шамоллатиб туриш керак. Айниқса, уйқудан олдин хонанинг ҳавосини алмаштириш фойдали. Бу уйқунинг яхши бўлишини таъминлайди. Эрталабки бадан тарбияни ҳам очиқ ҳавода қилиш тавсияланади. Ҳавода чиниқиши 20°C дан бошлаш тавсия этилади, ва бора-бора пастроқ температурага тушиш керак. Бундай саёҳатларга чиқиш, экскурсия қилиш фойдалидир.

Куёш нурлари бу организмга сув каби керак омил ҳисобланади. Лекин бу омилдан 3,5 дақиқадан кўпроқ фойдаланиш заарли. Кейинчалик аста-секин муддати оширилиб борилади ва 20,30 минут давомида чиниқади. Бу ҳолда ўпка учун бинафша нурлари фойдали. Агар сизга санаб ўтилган муҳим омилларнинг ҳатто бири билан шуғуллансангиз ҳам, сизнинг организмингиз соғлом бўлиб ўсади ва танангиз юқумли касалликларга чидамли бўлади.

Жисмоний тарбия дарси. Инсон учун зарур бўлган жисмоний тарбия дарслари ҳафтада икки марта ўтказилади. Жисмоний тарбияни керакли, тўғри ўқишига, юришда, сакрашда, учишда ва бошқа спорт машғулотлари билан шуғулланишда жуда катта ёрдам беради. Гап шундаки юқоридаги машқларни ҳар хил бажаришда қатор машқлар, юриш, оддий юриш, катта ва узун масофага югириш катта куч талаб этади. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳар бир киши учун зарур ҳисобланади.

Динамик танаффус. Шунни эсда тулинг, динамик танаффусда тоза ҳавода дам олиш маслаҳат берилади. Динамик танаффусни яхши томони шундаки, жисмоний тарбия дарсида ўзлаштирилган нарсани муҳрлайди. Динамик танаффус тоғ ўйинларида чанғи учишларда, конкида учишда ҳам бир хил ёрдам беради. Дарс тайёрлашда ёки ўқишида хотиржам бўлиш жуда зарур.

Спорт билан шуғулланиш. Барча оғир ишлар жисмоний тарбия билан шуғулланганлигига боғлиқ бўлади. Булар суякларни яхши ўсишда, нафас олиш йўлларини яхшилашда қон айланишида, нерв системасини яхши ўсишида ёрдам беради. Энг катта иш спорт турини аниқлашда. Бу нарса одам ёшига қараб танланади.

Ёшларга ҳозирги вақтда сув спорти, чанғида учиш ва шунга ўхшаган кўпроқ ҳаракат талаб қиласидаган спорт турлари билан шуғулланишлари маслаҳат берилади.

Таниқли инсонлар ҳозирги пайтда тренажор залларига ва гимнастика залларига қатнашмоқдалар. Булар бир жойдан туриб югуриш, массаж хонаси ва кичик машқлар хоналари. Бу нарса бир жойда, машқ қилишга ёрдам беради.

Маслаҳат. Спорт соғлиқ учун соғлиқ спорт учун эмас.

## 5. Алкогализм, ичкиликбозлик, наркомания ва терроризм.

Алкоголизм - ижтимоий муаммо сифатида. Соғлиқни саклаш вазирлигининг “Ичкиликбозликка ва алкогализмни бартараф этиш чоралари туғрисида”ги қарори ҳар бир жамоада ичкиликбозликка қарши қаратилган ишни тубдан кайта кўриш, ҳар томонлама асосланган ташкилий, маъмурий-ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни мажмуйини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хушёrlикни турмуш тарзи сифатида жорий этишнинг

бошланиши бўлди. Ўқувчи ёшларни ичкилиқбозликка қарши тарбиялаш ҳушёрлик учун кўрашда энг муҳим йўналишлардан биридир.

Таълим вазирлигининг педагогика олий ўқув юртлари ва мактабларда ичкилиқбозликка қарши психогигиеник тарбияни такомиллаштириш юзасидан методик тавсияномаларида шу мақсадда қўйидагилар таклиф этилади:

- педагогика олий ўқув юртлари талабаларида янги авлодларни ичкилиқбозликка жалб этиш жараёнини тўхтатиш зарурлиги тушунишни, ички эътиқодини, ўқувчиларнинг онгига ва хулқ - авторига ахлоқий таъсир қўрсатиш қобилиятини тарбиялаб, уларнинг методик тайёргарлигини таъминлаш;

- ичкилиқбозликка қарши қаратилган ишга ҳар бир педагогик бўғин: бошланғич синф ўқитувчилари, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, камолот ташкилотлари, мактаблар, бошқа ўқув юртлари педагогик жамоаларини жалб этиш;

- ҳар бир оиласда болаларни тарбиялаш учун қулай шароитларни яратишга эришиб, оила ва мактабнинг мустаҳкам иттифоқини йўлга қўйиш; барча жамоат ва маъмурий таъсир қўрсатиш чораларини кўриб, ичувчи ота-оналарга қарши муросасиз кураш олиб бориш;

- ўқув юртларида ҳам, тураг жойларда ҳам ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини ўтказишини мунтазам такомиллаштириш, жисмоний тарбия ва спортни, туризмни ривожлантириш, бўш вақтни қизиқарли ва фойдали ўтказиш қўнималарини сингдириш;

“Безорилик манбалари” мавзууда безориликни келтириб чиқарувчи сабабларни, шунингдек, бундай ҳодисаларга қарши кураш йўлларини аниқлаб олиш зарур. Безорилар одамнинг шаъни, саломатлиги, қадр-қимматига сунқасд қиласидар, уларга қарши кураш фақат жамиятнинг эмас, шу билан бирга ҳар бир фуқаронинг зарур вазифаси.

Бугунги кунда алкогозм энг жиддий ижтимоий муаммоларидан бири. Бу муаммо маданий, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий илдизларга эга. Бу муаммоларга қарши курашишда, самарали чора-тадбирлар кўришда бу муаммонинг тарихини билиш муҳимдир. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одати 8 минг йил илгари вужудга келган. Араб кимёгари Албуказна Коза томонидан ишлаб чиқилган турли ўсимлик моддаларининг ачиши сабабли ҳосил бўладиган этил спирти кенг тарқалиб истеъмол этила бошланди. Ароқ VI асрда кашф этилган. Ароқ бенедектин-монахи томонидан барча монастирларда тарқатила бошлади. Шоҳлар ҳамма вақт ичкилиқбозликка қарши курашиб келганлар. Спиртли ичимликларни сотишни ман этувчи қаттиқ қарорлар чиқариб, назорат қилганлар. Иван Грозний, Борис Годунов, Екатерина II лар даврида ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ва тарқатишга қарши чиқарган фармонлари бу ичкиликларнинг тўла йўқотилишига олиб бормади ва аҳолининг ичкилиқбозлик муаммоси ҳал этилмади. Бунда қатор сабаблар мавжуд эди. Биринчиси-ичкилиқбозлик одамларни жамиядда мавжуд муаммолардан чалғитувчи воқелик сифатида ўрин тутади. Иккинчи сабаб - спиртли ичимликларни сотишдан давлатга катта моддий манфаат кўрар эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили жон бошига 8 литр алкогол ичимлиги тўғри келади. Бу миллатларнинг генофонди ўзгаришига олиб келади. Бу ҳолатда соғлом болаларга нисбатан руҳий, жисмоний оғишган, носоғлом болалар кўпроқ туғилади. Айниқса, болаларни спиртли ичимликларга жуда ёш даврларидан ва тез ўрганиб қолиши жуда ҳавотирли омиллардандир. Ичкиликка ружу кўйиш бу алкогозмга олиб келади. Этил спирти доимо инсон организмида мавжуд бўлиб у модда алмашинуви жараённада вужудга келади. Ошқозон ҳазм қилиш йўли билан тушган спирт эса одам организмига заарли модда сифатида ҳаракат қиласиди.

Алкоголизмни бир неча белгилари мавжуд. Тиббий нуқтаи назардан алкогозм сурункали касаллик бўлиб, даволаниши зарур. Ижтимоий жиҳатдан алкогозм-шахсни девиант (хулқий оғишганлик) хулқ-авторининг шакли бўлиб, шахсни ижтимоий деградациялаш, спиртли ичимликка қарши даволаш патологияси билан ҳаракатланади.

Алкоголизм ривожланишнинг бошланғич босқичида инсон алоҳида касалманд аҳволига тушади. Доимий равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида

касаллик ривожланиб, ичкиликбозлик деб номланувчи ҳолатга олиб келади. Ичкиликбозлик ва алкоголизм ҳолати ижтимоий оғишганлик ҳолати билан ўзаро алоқадор бўлиб қўйидагилар сабаб бўлади: жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий наратизм (телбалик), маънавий ахлоқсиз хулқ - атвон, ўз-ўзини ўлдириш.

Болалар алкоголизмига 18 ёшгача бўлган ўсмирлардаги касалликнинг биринчи кўринишлари киритилган. Катталарга нисбатан болалар алкоголизм қатор ўзига хос хусусиятларига эга:

Спиртли ичимликларга тез ўрганиб қолиш. Агар катталарда ичкиликбозликдан алкоголизмгача бўлган давр 5,10 йил бўлса, болаларда сурункали алкоголизмга ўтиш 3,4 марта тезроқ юз бериши мумкин. Бу болалар организмининг анатомик-физиологик тўқимасига боғлиқ. Болалар мияси катталардан фарқли равишда, сувга бой, оқсилликнинг камлиги, сувда эса алкогол яхши эриши ва организмга тез сингиш унинг 7% фақатгина ўпка ва жигарда қолишга олиб келади. Қолган 93% барча органлар ва тизмларни ишдан чиқарувчи заҳар сифатида тарқалади. Бола бу заҳарга тезда ўрганиб қолишга олиб келади.

Касалликнинг оғир кечиши. Бу бола организми шаклининг турли босқичида турганлиги билан организмнинг асаб тизимининг алкагол таъсирига қарши курашига чукур, тузатиб бўлмайдиган жараёнга сабаб бўлади.

Бола томонидан алкогол ичимлигини кўп миқдорда истеъмол қилиш. Болаларнинг алкогол истеъмол қилиш жараёнини жамият томонидан назорат қилишади, шу сабабли ҳам болалар яширинча, кўп миқдорда истеъмол қилишга ҳаракат қиладилар.

Ичкиликбозликнинг тез ривожланиши. Ўсмирлар арзимас сабаблар туфайли ичкиликни меъёрий одат қилиб оладилар, енгилмаслик ҳолатидаёт улар ўзларига ишончсизлик сезадилар. Шу сабабли улар мастлик ҳолатигача ичишга интиладилар. Шундагина ичкиликни муваффиқиятли, тўлиқ даражали ҳисоблайдилар.

Давлатнинг кенг самаралилиги. Вояга етмаганлар ўртасидаги ичкиликбозлик хулқий оғишганлик билан узвий боғлиқдир. Ўсмир учун алкоголизмнинг энг асосий хавфлилиги шундаки, у ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятини бўшаштиради. Ичкиликбозлик ва жиноятчилик ўртасига ўзаро алоқадорлик бир неча иллатларга сабаб бўлади:

- вояга етмаганлар кўпгина жиноятларни маст ҳолда содир этадилар (22% ўғрилик, 76% безорилик, 6% зўравонлик ҳолатлари (агрессив) мастликда содир этилади. Бу ҳолат мастлик одатий шароитдаги ижтимоий хулқ-атвон кўнимларини йуқолишига сабаб бўлади;

- кўпгина жиноятлар спиртли ичимликлар сотиб олиш учун маблағ топиш мақсадида содир этилади.

- ичкиликбозлик вояга етмаганларга кўпинча жиноятларни содир этишга интилиш (криминологияда «маст матеввация» атамаси мавжуд).

- ичкиликбозлик (криминал) жиноятчилик ҳолатларини вужудга келишига олиб келади.

- ичкиликбозлик вояга етмаганларни жиноятчилик фаолиятига қўшилиб қолишига сабаб бўлиб, уни кўпинча катта ёшдагилар ташкил этадилар.

Алкоголизмининг сабаблари ва оқибатлари. Болалар алкоголизми муаммосига турли мутахассислар: тиббиёт ҳодимлари, педагоглар, психологлар турлича баҳо берадилар. Алкоголизм сабаблари ва оқибатлари қўйидаги жадвалда кўрсатилган:

#### **Алкоголизмнинг келиб чикиш сабаблари:**

ЁШ КЎРСАТКИЧЛАРИ	САБАБЛАР	ОҚИБАТЛАР
Илк болалик Даври 0-3 ёш	1.Мастликда хосил бўлган ҳомила. 2.Бошланғич 3 ой даврида ҳомиладорликдаги ичкилик	-эпилепсия, ақли норасолик; -жисмоний ривожланишдаги норасолик.

	ичиши. 3. Эмизиклик даврида алкоголизм исътемол килиниши.	
Мактабгача ва кичик мактаб 3,9 ёш	1.Ота-оналарнииг педагогик саводсизлиги. 2.Оилавий алкоголизм анъаналари	-организмнииг алкоголизм билан заҳарланиши. -спиртли ичимликларга қизиқишнинг шаклланиши.
Ўсмирлик ва ёшлик даври .9,18 ёш	1.Носоғлом оила. 2.Ўз-ўзига бино кўйиш. 3.Оммавий ахборот воситаларининг позитив рекламалари. 4.Бўш вақтнинг кўплиги. 5.Алкоголизм оқибатлари ҳақида билимнинг йўқлиги. 6.Шахснинг психологик хусусиятлари. 7.Муаммодан қочиш - алкоголга қизиқишнинг шаклланиши.	-спиртли ичимликларни исътемол қилиш одатининг шаклланиши. -алкаголизм хулқининг стреотипларини ишлаб чиқиши. -алкоголдан мастлик ҳолатида хуқуқбузарлик ҳолатларини содир этиш. -алкоголдан мастлик ҳолатида хуқуқбузарлик ҳолатдари содир этишнинг англанмаганлиги. -психик муаммоларни ҳал этишда алкоголдан допинг сифатида фойдаланиш. -алкоголга бўйсуниб қолиш.

**Биринчи босқич** – илк болалик даври – бу босқичда болалар алкоголга ўзлари англамаган ҳолда, уларнинг ҳоҳишиларисиз қўшилишилари юз беради. Бунга қўйидаги асосий сабаблар: мастлик ҳолатда хосил бўлган ҳомила; ҳомиладорлик даврида ва эмизикили даврида алкоголни исътемол қилиш боланинг рухий ва жисмоний ривожланишидаги норасоликларга олиб боради. Ота-оналарнинг ичкиликбозлика берилишининг авлодларига таъсирини қадим замонлардаёқ юонон афсоналарида кўрсатиб берилган: унда маъбуда Гера маст ҳолатдаги маъбуд Зевсдан Гефест номли оқсоқ маъбудани дунёга келтиради. Бу соҳада айниқса, қадимги файласуф ва шифокорларнинг фикрлари эътиборлироқdir. Масалан, антик (қадимги) тибиёт асосчиси бўлган Гиппократ идиотизм (ақлий норасолик) эпилепсия (тутқанок) ва бошқа асаб, рухий касалликлар алкогол исътемол қилувчи ота-оналар сабабли ҳомила вужудга келишида пайдо бўлади. XX аср бошларида Швецарияда болалар уйларида мингдан ортиқ - идиот (ақлий норасо) болалар аниқланган. Улар текширилганда, уларнинг барчаси ота-оналарининг мастлик ҳолатида ҳомилалари пайдо бўлган бўлиб, тўй кечаси, байрам-тантаналари алкогол исътемолидан сўнг мастлик ҳолатида ҳомиладор бўлганликлари аниқланган.

Фанда тўпланган маълумотлар ҳомиладор аёлнинг спиртли ичимликлар исътемол қилиш қанчалик оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Бунда ривожланаётган ҳомила билан алкоголнинг қанчалик алоқадор бўлиши юз беради. Ҳомиланинг барча зарур моддалар билан таъминланиши она қорнидаги ҳомилани ҳимоя пардаси орқали ўтади. Бироқ этил спирти ва заҳарни ҳимоя парда тўса олмайди. Бошланғич 3 ой мобайнида, ҳомиладорликда ҳомиланинг ички орган ва системалари шаклланиш жараёни содир бўлади, ҳомиланинг алкогол билан заҳарланиши турли норасолик ва нуқсонларга: етарли даражада ривожланмаслик, кўл-оёқнинг умуман бўлмаслиги, бармоқлар, бошнинг ўлчамидаги нуқсонларга сабаб бўлади. Ҳомила алкоголдан умуман ҳимоя этилмаслиги туфайли унинг миясига зарар етказади. Шу сабабли бош мияда сув тўпланиши, шишлар,

грижалар билан оғриган болалар дунёга келади. Бундай болалар илк болалик даврида ёки нобуд бўладилар ёки бутун умрга ақлий норасо бўлиб қоладилар.

**Иккинчи босқич-** мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги босқич. Бу босқичда икки сабаб бўлиб ота-оналарнинг педагогик саводсизлиги ҳисобланади. Педагогик саводсиз ота-оналар алкоголни (дори-дармон) шифовий деб ҳисоблайдилар. Алкогол иштаҳани кучайтиради, камқонликни тузатади, уйқуни яхшилайди, тиш чиқишини осонлаштиради, ота-оналар болаларга ёшлик давридан спиртли ичимликни кичик микторда ичириб турилиши катта бўлганда алкоголга берилиб кетишини олдини олади деган фикрлар юради.

Болаларнинг ичкиликбозликка одатланишига яқин қариндошларининг спиртли ичимлик исътемол қилишлари, ҳамда оиласвий анъаналар сабаб бўлади (Тантана, хурсандчилик, ёмон кунларда спиртли ичимликлар ичишлар), бундай байрам кунларида болаларга ҳам спиртли ичимликлар қўйиб берадилар. Бундай оиласларда спиртли ичимликлар ичиш ёмон ҳисобланмайди, болаларнинг спиртли ичимликлар ичиши эса ташвиш туғдирмайди. Болалар ичкиликбозлик одатларини спиртли ичимлик ичишга бошлашдан анча аввал билиб оладилар. Болалар уйларида катталарга тақлид қилиб сўзлар гапирадилар, бакалларни уриштирадилар, уларнинг маст ҳолатларини ўхшатадилар, кичик ёшли мактаб болаларида алкогол тантаналар ва учрашувларда доимий одатий ҳол деган тасаввур пайдо бўлади.

Алкоголнинг ўзи генетик ўтмаслиги, фақатгина ота-оналардан олган характеристикахусусиятларидан келиб чиқувчи унга мойиллигига ўтиши биологик текширишлар билан исботланган.

Болаларда ичкиликбозликнинг ривожланишида ота-оналарнинг ёмон одатлари, оиласа ичкиликбозлик ҳолатлари асосий рол ўйнайди.

#### **Учинчи босқич-ўсмирлик ва ёшлик даврлари.**

Асосий сабаблар қилиб қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- оиласвий шароитлар ёмонлигини,
- оммавий ахборот воситалиридаги рекламалар,
- алкоголизм оқибатларини билмаслиги,
- психологик хусусиятлари в.х.

Акогол-оиласда ноxуш ҳолат кўрсаткичи сифатида. Болаларни маънавий тарбиялаш ва ривожлантиришнинг муҳим шартлари-оиласвий муносабатларнинг маънавий эмоционал томонлари ҳисобланади. Бошқа оиласларга нисбатан болалар кўпроқ спиртли ичимликни исътемол қилишни бошлайдиган оиласларнинг бир неча турлари мавжуд:

Жанжалкаш оиласлар, бунда оиласвий муносабатлар душманлик, рақбллик, оила аъзолари орасида кескинлик кўринишида мавжуд бўлади. Оила аъзолари бир-бирини ёмон хусусиятларини кўрсатиб айблайдилар ва бир-бирларига ёмон ниятда бўладилар. Бундай вазиятда ёшлар ичимликларни исътемол қилишга мойил бўла бошлайдилар.

Ижтимоий бузилган оиласлар, бу оиласларнинг аҳлоқи ёмон бўлади, кўпинча эса паст моддий таъминланиш даражасида, тозалик тартибларига эътиборсиз, турмуш шароитлари ташкил этилмаган ҳолда ижтимоий номақул ҳаёт кечирадилар. Бундай оила болаларда ташки дунёга агрессив-химояланиш муносабатларини фаол шакллантиради, чунки унинг атрофидаги ижтимоий муҳит бўлган доимий келишмовчилик ҳолатида бўлади. Бундай оиласларда бола назоратдан четда қолиб кетади. Болада ўз оиласининг алкоголизмга берилганлигини яшириш истаги юзага келади, оиласидаги бу ахволга ич-ичидан ташвишланади. Бундай болалар ижтимоий яккаланиб қоладилар. Уларда одатда муносабатлар маданияти ривожланмаган бўлади. Ота-оналари билан кўнгли яқинлиги ва яхши оиласлардан тенгдошлар билан алоқалари бўлмаганлиги сабабли улар кўчалардаги тўдаларга қўшилиб кетадилар, улар билан бирга спиртли ичимликлар ичишни бошлайди.

Гиёҳвандлик ва наркобизнес. 2001 йил 11 сенгябрда Вашингтон ва Нью-Йоркдаги даҳшатли воқеалар ва террористик тажовузлардан нафақат Америка қитаси аҳолиси, балки бутун дунё жамоатчилиги воқиф бўлгач, аввало терроризм деб аталмиш даҳшатли

балодан қутилиш, дунё миқёсида биринчи даражадаги ечилиши лозим бўлган муммомлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу нарса сир эмаски, бугунги кунга келиб, халқаро терроризм ва гиёхвандликка қарши кураш инсоният бошига тушган энг катта ва аянчли ҳодисалардан бири сифатида баҳоланмоқда. Чунки, бундай иллатлар борган сари чукур илдиз отиб, бутун дунё халқарининг бошига каттадан катта кулфат ва фожеа келтириш билан биргалиқда, юзлаб, минглаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиқларини қуритмоқда. Россиянинг кўп қаватли иморатларида содир бўлган даҳшатли портлашлар, она шахримиз Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль воқеаларида ва ниҳоят, инсоният тарихидаги энг даҳшатли теракт 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг қудратли қуролли кучларининг мияси ҳисобланмиш Пентагон жойлашган Вашингтон ва жаҳон савдоси маркази, юраги ҳисобланмиш Нью-Йорк шаҳарларида минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган фожеага қарши, дунёнинг бутун тинчликсевар кучлари халқаро терроризмга қарши курашишга муросасиз бўлишга чорламоқда. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мен бир нарсага ачинаманки, фақатгина одамлар бошига мана шундай фожиа, кулфат тушгандан кейин биз кўзимизни каттароқ очиб қарагандай бўламиз. Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман»-деганларида энг ҳақ гапни айтгани маълум бўлиб қолди.<sup>5</sup>

Гап шундаки, бугунги кундаги терроризм ўзининг ниҳоятда мустаҳкам иқтисодий ва айниқса, ғоявий базаларига эга. Дунёнинг қайси гўшасида, қайси обьектни вайрон этиш ва йўқ қилиш учун юзлаб, минглаб қўллари қонга ботган терористлар маҳсус ихтисослашган ҳарбий лагерларда тайёрланмоқдалар. Табиийки, бундай ҳарбий лагерлар теракт олиб боришни нафақат назариёти, балки амалиётини ҳам меъёрига етказиб адо этиб келадилар. Шу боис уларга катта иқтисодий маблағ керак бўлади. Бу маблағларнинг асосий қисми террорчилар томонидан наркотик моддалар савдоси орқали қўлга киритилиши ҳозирги кунда барчага аён. Наркобизнес халқаро терроризм, реакцион диний экстремизм тарафдорларига маблағ берувчи асосий воситага айланди.<sup>6</sup>

Оммавий ахборот воситаларининг берган маълумотларига кўра халқаро терроризмнинг иқтисодий жиҳатдан маблағлар билан таъмин этишда наркобизнес каналлари асосий рол ўйнамоқда. Бугунги кунга қадар эса ана шундай наркобизнеснинг энг авж олган марказлари Осиё ҳудудида бизга қўшни Афғонистон бўлса, узоқ хорижда Жанубий Америкада жойлашган Колумбиядир. Биргина Афғонистон охиригина йилларда дунёда ишлаб чиқарилаёттан наркотик моддаларнинг тўртдан уч қисмини «етказиб бермоқда» деган тахминий маълумотлар мавжуд. Наркотик моддаларни системали равишда истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили ер юзида юзлаб, минглаб инсонлар айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қурбон бўлмоқда. Энг даҳшатлиси наркотик модданинг истеъмол этилиши нафақат ёшлар орасида, балки ёши улуғлар орасида ҳам жиноятчиликнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Бундан бир неча йиллар олдин Тошкент шахрининг Акмал Икромов тумани ички ишлар ҳодимлари томонидан «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳим қассоб деган шахсни катта миқдордаги наркотик моддани сотаётган жойида қўлга олдилар.

Илгари бир неча маротаба судланган, 1990 йилда Чеченистонлик жиноятчи гурӯҳ аъзолари бўлмиш қўллари қонга ботган шубҳали шахслар билан ҳамкорликда собиқ шўролар тизимишининг иирик пул суммаларини кўп миқдорда нусҳаларини зарб этишда қўлга олиниб, узоқ муддатли жазо чораларини ўтаган бу шахс, ашёвий далил сифатида ўз уйидан топилган оғуни сотиб, катта фойда олиш учун сақлаётганлигини инкор этиб, ички ишлар ҳодимлари сўровига жавоб берар экан: «Қора дорини ўзим истеъмол қилиш учун сотиб олганман» деган.

<sup>5</sup> Каримов И.А. “Ирода ва иймон эътиқодимиз синови”-Т.:Ўзбекистон.1999.

<sup>6</sup>. Каримов И.А. “Ирода ва иймон эътиқодимиз синови”-Т.:Ўзбекистон.1999.

Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, қора дорини истеъмол қилувчи инсон зурриётининг батамом бузилишига, минглаб ногирон болалар сафининг йил сайн ортиб боришига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўламиз. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш ўз навбатида «Асримиз вабоси» бўлган СПИД касалининг кўпайиб боришига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Ҳаммага маълумки, наркомания бу жуда оғиркасаллик. Агар алкоголга ва чекишга ўрганган киши ирома лўрсатса уни ташлаши мумкин, аммо наркоманияга бир икки марта қабул қилгандан сўнг унга ўрганиб қолиш ва ундан воз кечиш жуда қийин. Бундай касалликни даволаш кўп муддатни талаб этади ва кўпинча натижасиз.

Ёшлиар шуни билишлари керакки улар ҳеч қачон ўзлари даволанишга ҳаракат қилишмасин. Баъзида вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса ўлимга олиб келади. Уларнинг микдори ошиб кетса ҳам ўлимга олиб келади. Шунинг учун вақтида даволаниш лозим. У ерда аввал реаниматолог кейинчалик психиатр ва нарколог кўригидан ўтади. Наркамонияда кўпинча алкоголизмга қараганда микдор ошиши натижасида ўлим кўп бўлади.

Кўпинча одамлар бутун жаҳон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан никотиндан ўлган ва касал бўлган одамлар сонига ишлайди. Кўп йилдан бери чекаётганлар чекишини ташлашлари жуда қийин. Ташлаши мумкин унда ҳам қўпи билан бир неча ойга баъзида йиллаб, лекин шундай вазият келадики, у яна бошлайди.

Наркомония - бу одамнинг организмининг тинчлантирувчи восита сифатида таъсир этувчи восита.

Наркология - тез кўникувчанлик касали.

Наркология бу нафақат одамга жисмоний ва руҳий томондан зарап етказади. Биз сезамизки чекувчилар кўп ўйталадилар ва айниқса, эрталаблари. Бунинг сабаби тамаки тутинида кислота томок бўшлиқларида махсус шиллик парда ҳосил қилади. Чекища давом этиётган киши ўзининг ўпкаларини емираётган бўлади. Бу эса ўлимга олиб келади.

Чекувчи ёшлиар спортга кириб келаётганларида машғулотларда кўп чидалмайди, сабаби уларнинг ўпкаси ҷарчаган бўлади.

Қандай қилиб бу одатдан қутилиш ҳамма оддий яъни одамнинг сабрига боғлиқ. Чекишини ташламоқчилар кун давомидаги чекадиган тамаки сонини кун сайн унинг микдорини пасайтириб бориши лозим. Шунда организмдаги тамакига бўлган эҳтиёж пасая боради. Агар бу ўхшамаса у ҳолда яхши бир мутахассисга учрашиш лозим.

Террор ҳакида. Авalo, террор ҳакида. Бу сўз лотин тилида «кўркув», «даҳшат» маъноларини ифодалайди. Оддийгина айтганда, террор-инсонларда кўркув уйғотиш, уларни даҳшатга солиш орқали бирор мақсадга эришишни англатади. Ҳозирги кунда терроризм энг хавфли ва олдиндан кўра билиш мураккаб бўлган жиноятлар сарасига киради. Террор кўламининг кенгайиб бораётганлиги ва унинг ақл бовар қилмас шахсларини олаётганлигини жаҳондаги энг хавотирли муаммолардан бири.

Террор бугунги кунда пайдо бўлган ҳодиса эмас, унинг тарихи узоқ. Бирок ўтмишда содир этилган террорчилик ҳаракатларини ҳозирги террор билан солиштириб бўлмайди. Авalo, ўтмишда террор бир кишига қаратилган ва уни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб бўлган. Бунда кўпинча қироллар, манаҳларга суиқасд уйиширилган, масалан: 1605 йилда Гай Фокс номли террорчи Британия қироли Жеймс ва парламентни йўқ қилиш учун портловчи модда билан тўлдирилган 29 та бочкани ер остига кўмган. Душманни енгиш учун уни яхшилаб ўрганиш керак шундай экан, терроризмни буткул тугатиш учун унинг жирканч башарасини очиб ташлаш лозим. Хўш терроризм бугунги кунда қандай қиёфада олинмоқда? Унинг қандай хусусиятларига эътибор қаратиш керак?

Афсуски, террор тобора шавқатсиз ва даҳшатли тус олиб бормоқда. Бунда террорчилар «мақсад воситаларини оклади» мантиғига амал қилишлари аниқ. Маълумотларга кўра террор қанчалик даҳшатли тусга эга бўлса, ёвуз кучлар уни шунчалик юқори баҳолайдилар.

Иккинчидан, илгари террор рақиби ёки душманини жисмонан йўқ қилишга қаратилган бўлса, бугун, афсуски, террор чегара танламаяпти.

Учинчидан, террор ниҳоятда, тайёргарлик билан амалга оширилаётганлиги ва бунда замонавий техникадан кенг фойдаланилаётганлиги унинг хавфини янада кучайтиromoқда ва ниҳоят, гарчи терроризмга қарши кураш туфайли террорчилик ҳаракатларининг миқдори камайган бўлсада, уларда қурбон бўлаётган инсонлар ҳамон етарличадир. Минг афсуски, терроризмнинг қўркувчилик кўлами ўсиб бораёттанлигини тан олишимиз керак. Тошкентдаги 16 феврал «1999», Нью-Йоркдаги «сентябр 2001» воқеалари бунинг ёрқин мисолидир.

Лекин терроризмнинг кўпчилик эътибор бермайдиган бир жиҳати бор. Унинг асл мақсади фақатгина катта моддий зарап етказиш эмас. Бу мақсадга эришиш воситаси холос. Терроризмдан кўзлаган мақсад мутлоқо 100,1000 кишининг қонини тўкиш эвазига милионлаб инсонларнинг юрагига ваҳима солиш, уларга қўрқув уйғотиш ва охироқибатда жамиятда парокандалик туғдиришдир. Демак, улар учун восита, мақсад эсакучли тасир қилишдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, террордан фойдаланиш, қўрқоқлик белгиси. Чунки очик рақобат шароитида қонуний кураш йўли билан муваффақият қозонишига кўзи етмаган, ўз кучига ишонмаган ожиз кимсаларгина террордан қурол сифатида фойдаланадилар.

АҚШ террорчиликка қарши курашга йиллик 5 мрд доллар маблағ сарфлайди. АҚШ ва террорчилик ҳаракатлари ҳақида огоҳлантирган ва бу билан террорнинг олдини олишга ёрдам берган фуқаролар 2 млн доллар миқдорида пул билан мукофотланадилар. Боз устига АҚШда 1986 йилдан буён терроризмга қарши марказ фаолият юритмоқда. Лекин бу чоралар ҳам Америка халқини террордан ҳимоя қила олмади. Бу воқеалар гувоҳи бўлган инсоният бугунги шароитда ҳеч ким террордан ҳимояланганлигини, ҳар бир давлат ўз халқини террор хавфидан кафолатлай олмаслигини тушуниб етди. Шу боис жаҳон террорга қарши уруш эълон қилди. Чунки пассив ҳимоя энди ёрдам берганлигини, фаол мудофага ўтиш вақти етганлигини англади инсоният, терроризмни таг-томири билан юлиб ташлаш ягона тўғри йўл ва охирги мажбурий чорадир.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

- 1.Микробнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
- 2.Энг кўп учрайдиган юқумли касалликлар ҳақида маълумот беринг?
- 3.Иммунитет нима?
- 4.Алькоголизм, наркомания нима?
- 5.Терроризм нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент., «Ўқитувчи»,1992.
- 2.И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” –Т.: Маънавият. 2008.
- 3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017 .
- 4.Ш.М.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фарновонлиги гарови” –Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Р.Мавлонова “Тарбиявий иш методикаси” дарслик. Т. 2014.
- 6.Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” Т.,Ўқитувчи, 1997.
- 7.Абу Райхон Беруний “Ҳикматлар”. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
- 8.Худойқулов Х.Ж. “Тарбиявий ишлар методикаси” . –Т.: ТТЙМИ. 2007 й.

**И л о в а л ар:**  
**Тарбиявий ишлар методикаси фанидан тест саволлари:**

**1. Тарбиянинг асосий вазифаси:**

- А) шахсни ақлий-ахлоқий тарбиялашда эркин фикрлаши ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилияларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.
- Б) Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси.
- С) ўқувчилар шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатиши
- Д) ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш.

**2. Ўқитувчининг шахсий маънавий-ахлоқий сифатлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А) Инсонпарварлик, хушмуомалалик, ахлоқийлик
- Б) Ўқувчилар фикрини тинглай олиш, ижодкорлик
- С) Хушмуомалалик, ижодкорлик, коммуникатив қобилият
- Д) Фаннинг охирги ютуқларидан фойдаланиш

**3. Синф раҳбари бу-**

- А) ўқувчиларнинг бир хил савияда, бир хил ёшда, билими жихатидан teng бўлган жамоани бошқарib турувчи педагог
- Б) ўқувчиларнинг бир хил савияда, бир хил ёшда эканлигини назорат қилувчи ва рўйхатга олувчи педагог
- С) бир йиллик тақвимий иш режасини тасдиқловчи педагог
- Д) тарбиявий тадбирларни ташкил этувчи педагог

**4. Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари ким томонидан тайинланади?**

- А) Мактаб директори томонидан
- Б) Туман ёки шаҳар Халқ таълими бўлими томонидан
- С) Мактаб педагогика Кенгаши томонидан
- Д) Халқ таълими вазирлиги томонидан

**5. Анъана сўзининг лугавий маъноси?**

- А) лотинча байрам
- Б) лотинча традо-узатиш
- С) лотинча урф-одат
- Д) лотинча маросим

**6. Агар муаллим булса беозор, болалар дарсни қилишар бозор; тарбиявий мисралар қайси алломага тааллуқли?**

- А) Саъдий Шерозий
- Б) А.Авлоний
- С) Фитрат
- Д) Қ.Ниёзий

**7. Ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлувчи хусусиятлар?**

- А) Ўз касбини, ўз фанини мукаммал билиши, болаларни севиши, зийраклиги ва ҳозиржавоблиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, илмий савияси, нотиқлик маданияти, ижодкорлиги, интеллекти, маънавий эҳтиёжи
- Б) Педагоги, назокати, тасаввури, қобилияти, илмий савияси
- С) Нотиқлик маданияти, ижодкорлиги, интеллекти, маънавий эҳтиёжи.
- Д) Болаларни севиши, зийраклиги ва ҳозиржавоблиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, илмий савияси, нотиқлик маданияти.

**8. Оилада бола тарбиясида қайси манбалардан фойдаланиш яхши самара беради?**

- А) Ҳадислардан
- Б) Миллий анъаналардан
- С) Ўтмиш меросидан
- Д) Ўгитлардан

**9. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг асосий, таркибий қисмлари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?**

- А) Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.
- Б) Таълимнинг узлуксизлиги, фан ва таълим жараёнлари алоқаларининг ривожланиши, таълим тизимини молиялаш.
- С) Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлиар, фан, узлуксиз таълим, ишлаб чиқариш.
- Д) Шахс, фан ва таълим, жамият, иқтисодиёт, узлуксиз таълим тизими.

**10. Қайси буюк саркарда оиласда, аёлни, болани жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида эътибор билан қараб, бу масалани давлат ишлари билан бир қаторга қўйган?**

- А) Искандар Зулкарнайн
- Б) Амир Темур
- С) Жалолиддин Мангуберди
- Д) Чингизхон

**11. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ...**

- А) Ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топишини таъминлаш.
- Б) Шахс кадрлар тайёрлаш
- С) Илм, фан ва маданиятни янада ривожлантириш.
- Д) Дунёвий алоқаларни бир-бири билан боғлаш.

**12. Ўқувчининг ҳис-туйғуси ва психологик ҳолатларини қалдан ҳис этиш қандай номланади?**

- А) Педагогик техника.
- Б) Персепсия.
- С) Эмпатия.
- Д) Симпатия.

**13. Синф тарбиявий ишлар режаси қандай талабларга жавоб бериши керак?**

- А) режа узлуксиз ва изчил бўлиши лозим
- Б) тизимли бўлиши
- С) ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлиши
- Д) тарбиявий тадбирларни ўз ичига олган бўлиши

**14. Фаробий “инсоннинг камолоти ва муносаб инсон бўлиш учун одамда икки имконият бор”,- деб айтганда нимани назарда тутган?**

- А) ирсият ва муҳитни
- Б) таълим ва тарбияни
- С) акл ва ҳаракат
- Д) иқтидор ва истеъдодни

**15. “Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,**

**Айламак бўлмас адo онинг ҳаққин юз ганж ила” мисрасининг муаллифи ким?**

- А) А.Навоий
- Б) А.Авлоний
- С) С.Шеърозий
- Д) Бобур

**16. Синфдаги барча тарбиявий ишларни ташкил қилиш Рағбатлантириш ҳамда комплекс ёндошишни амалга оширувчи маориф ходими.**

- А) Синф раҳбари
- Б) Ўқитувчи
- С) Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринbosари
- Д) Тарбиячи

**17. Оила тарбиясининг энг муҳим йўналиши ёки “гултожи” тарбиянинг қайси тури?**

- А) Мехнат ва ахлоқий тарбия
- Б) Нафосат ва экологик тарбия

С) Ахлоқий ва эстетик тарбия

Д) Жисмоний тарбия

**18. Синф ўқувчиларида шакллантириш мухим бўлган “Ташкилотчилик” сўзи нимани англатади?**

А) (арабча "ташкил" сўзидан олинган) муайян иш ҳаракатни бошлаб бериш, ташкил этиш, уюштириш ёки уюштиришни оқилона режаташтириш хислати.

Б) (инглизча "Шеф" сардор, раҳбар) жамоа фаолиятини ташкил этишда асосий ўрин тутиш ёки бош вазифани бажариш, жамоа аъзоларини ягона мақсад атрофида бирлаштира олиши қобилияти.

С) (форсча “бош”) жамоа фаолиятини ташкил этишда йўл-йўриқ кўрсатиш, зарбдорлик, илгорлик.

Д) (йўл бошловчилик) жамоа ижтимоий ҳаракатига ғоявий ва сиёсий раҳбарлик қилиш.

**19. Тарбия тизимининг миллий хусусиятлари мавжуд қаторни қўрсатинг?**

А) Миллий тарих ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш;

Б) Миллий удумлар, анъаналар, урф-одатлар, диний маросимлардан фойдаланиш;

С) Миллий маданият жаҳон маданиятининг бир бўлаги эканлиги тушунчасини шакллантириш;

Д) Миллий удумлар, анъаналар, урф-одатлар, диний маросимлардан фойдаланиш, миллий тарих маданият ва жаҳон маданиятининг ўзига хос жиҳатларининг шакллантириш.

**20. Тарбиянинг асосий ғоялари нималардан иборат?**

А) Кўникма, малака ва билимларни тизимли эгаллаш;

Б) Мақсадлар реализми, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти;

С) Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти;

Д) Ўз йўлини белгилаб олиш, тарбиячининг шахсий йўналганлиги, итиёрийлик, жамоавийликка йўналиш тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти.

**21. Ўз йўлини белгилаб олиш, тарбиячининг шахсий йўналганлиги, ихтиёрийлик, жамоавийликка йўналиш, тарбиячи ватарбияланувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бу-**

А) Тарбиянинг асосий ғоялари

Б) Тарбия принциплари

С) Тарбия қонуниятлари

Д) Тарбия мақсади

**22. “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” сўзларининг муаллифи ким ва қайси асарида келтирилган?**

А) У.Кайковус “Қобуснома” асарида

Б) А.Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида

С) Шерозийнинг “Гулистон ва Бўстон” асарида

Д) Ю.Хос Хожибининг “Қутадгу билиг” асарида

**23. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларни қўрсатинг?**

А) Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар

Б) Тарихий китоблар

С) Осори атиқалар

Д) Инсоният тажрибаси

**24. Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар - бу...**

А) Ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларидаги ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради

Б) Ўқувчиларни мустақил билим олишларига имконият яратади

С) Болаларни ижодкорликка далват этувчи тарбиявий маскандир

Д) Ўқувчиларни ахлоқий ва ақлий тарбиялаш

**25. Синф раҳбарининг тарбиячилик маҳорати қандай намоён бўлади?**

А) Ўз-ўзини бошқаришда, ўқувчи шахсини тушуниш, муомалада ўзини кўрсата олишда, ўз нутқини тўғри тузата билишида.

Б) Ўз устида тинимсиз ишлашида, ўз-ўзини тарбиялашда, ўз-ўзини такомиллаштиришда.

С) Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик ҳамкорликдаги ижодкорлигига.

Д) Ўқувчилар дунёсига кириб боришида, уларнинг меҳрига сазовор боишида, таълим муассасасидаги педагогик фаолиятни маълум бир мақсадга йўналтира олишида.

**26. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси IX сессиясида (1997) сўзлаган "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" асарида тарбиянинг мақсади қандай ифодаланади?**

А) Тадбиркор шахсни тарбиялаш.

Б) Умуминсоний ва миллий тарбия.

С) Баркамол, эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш.

Д) Мехнатсевар инсон тарбияси.

**27. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишни қайси фан ўрганади?**

А) Психология.

Б) Тарбиявий ишлар методикаси

С) Ижтимоий педагогика

Д) Педагогика

**28. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикасининг манбалари**

А) Миллий, умуминсоний қадриятлар, урф-одатлар, таълим-тарбия тўғрисида қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, қўрсатмалар

Б) Исломий таълимоти

С) Синф жамоасининг руҳий ҳолати

Д) Анъаналар ва урф-одатлар

**29. Ўқитувчилик касбини танлаган киши қандай шахсий фазилатларга эга бўлиши керак?**

А) Соғлом бўлиши, болаларни севиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши.

Б) Педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаши, барча қобилияtlарни ўзида намоён этиши.

С) Болаларни ёқтириши, ўз фанини мустаҳкам эгаллаши, нутқининг равонлиги.

Д) Иймон-эътиқодли, дунёқарашининг кенглиги, одоб-ахлоқи, фуқаролик бурчини ҳис этиши, маънавияти, дилкашлиги болаларни севиш.

**30. Ал-Бухорий уч кишининг дуоси Аллоҳ олдида ижобат бўлади дейдилар, шулар қайсилар?**

А) ота-она, ўқитувчи, мусоифир;

Б) қариялар, ота-она, мусоифир;

С) мазлум, мусоифир, қария;

Д) ота-она, мусоифир ва мазлум.

**31. Ибн Сино бола тарбиясини нимадан бошлаш лозим деб тарьидлаган?**

А) ёзишни ўргатишдан;

Б) ўқишини ўргатишдан;

С) ахлоқ ўргатишдан.

Д) исм танлашдан;

**32. Таълим муассасининг тарбиявий вазифаси биринчи навбатда нимадан иборат?**

А) ўқувчиларда, ўзини англаб этиш, бошқалар орасида ўз ўрнини топиш билан дунёга, маданиятга, атроф-муҳитга қадриятлар шакллантиришдан иборат.

Б) ўсиб келаётган келажак авлодда, шахс хусусиятлари сифатида преспективликни, "ижодкорлик"ни шакллантиришдан иборат.

С) болаларни умуминсоний қадриятларга жалб этиш, улар орасида мана шу қадриятларга мос болган хулқни шакллантиришдан иборат

Д) Фуқаролик ўзини англашни, ватани тақдири учун жавобгарликни шакллантиришдан иборат.

**33. Тарбия тизимини кўриб чиқишнинг фалсафий жиҳати:**

А) тарбиянинг мазмун-мақсадларини асослашни, уни конкретлаштириш ва тарбиянинг керакли мазмуни билан алоқасини асослаб беришни кўзда тутади.

Б) бола шахсига ўзига хос мазмунга эга бўлган ижтимоий белгиланган ва мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишга асосланади.

С) тарбиявий инноватсияларни қўллашни кўзда тутади.

Д) маънавий ва моддий маданият билан муносабат усулларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши жараёнини кўзда тутади.

**34. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» Концепцияси ким томонидан ва қачон тасдиқланган?**

А) 1990 йили халқ таълими вазирлиги томонидан

Б) 1991 йили Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

С) 1993 йили халқ таълими вазирлиги томонидан

Д) 1994 йили Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

**35. Бола шахси камолотига таъсир этадиган асосий омиллар:**

А) ижтимоий муҳит, таълим

Б) Табиий (географик) муҳит

С) Оиланинг ҳаёт тарзи, тарбия

Д) Биологик омиллар, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия

**36. Мактабда синф раҳбарининг тарбиявий иши ким томонидан назорат қилинади?**

А) Мактаб раҳбари томонидан

Б) Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан

С) Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан

Д) Ўқитувчилар томонидан

**37. Ота-оналар жамоасининг энг катта ташкилоти қандай номланади.**

А) ота-оналар қўмитаси.

Б) ота-оналар йиғилиши

С) ота-оналар мажбурияти

Д) ота-оналар ваколати.

**38. Оилада болаларни тарбиялаш кимларнинг зиммасида.**

А) Ота-оналар зиммасида.

Б) Оиладаги ёши катталар зиммасида.

С) Ота-она ва барча ёши катта оила аъзоларини зиммасида.

Д. Ака-ука, опа-сингиллар зиммасига.

**39. Синф раҳбари ўқувчининг уйига борилганда асосан қайси қоидага эътибор бериш керак.**

А) Ўқувчига норозилик билдирилсанликка

Б) Хушмуомалада бўлишга

С) Ўқивчини айбларини ота-онасига айтиш

Д) Қолоқлик сабабларини ахтаришга интилиш

**40. Ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шакли бу:**

А) Ота-оналар билан якка сухбат

Б) Ота-оналар йиғилиши

С) Ота-оналар билан давра сухбат

Д) Ота-оналар билан баҳс мулоҳаза

**41. Синф жамоасини жипслаштиришнинг энг самарали шакларидан бири.**

А) Бу гурухий ишдир

Б) Бу жамоавий ишдир

С) Бу якка тартибдаги ишдир

Д) Бу синф раҳбарининг ишидир

**42. Гурух ўзи нима?**

- А) Маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган инсонлар уюшмаси
- Б) Мақсадсиз инсонлар уюшмаси
- С) Мақсадлари ҳар-хил бўлган инсонлар уюшмаси
- Д) Ҳар хил мақсадда тўпланган бир гурух инсонлар уюшмаси

**43. Ўзбекистон Республикасида нечанчи йил “Оила йили” деб эълон қилинди?**

- А) 1998 йил
- Б) 1996 йил
- С) 1999 йил
- Д) 2000 йил

**44. Анъана деганда нимани тушунасиз?**

- А) Анъана ахлоқий қоидалар
- Б) Анъана авлоддан авлодга ўтадиган хусусият
- С) Хар бир даврнинг ўз ананаси борлиги
- Д) Тасодифан вужудга келадиган урф одатлар.

**45. Педагогик таъсир кўрсатишда “Рағбатлантириш ва жазолаш” усулини қўллашдан мақсад...?**

- А) Ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, маълум бир мақсадга, орзуга эркин интилиш ҳиссини такомиллаштириш.
- Б) Ўқувчилар хулқ-авторига, хатти-харакатига, топширикларнинг сўзсиз бажарилишига ижобий таъсир этиш.
- С) Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат воситаларидан унумли фойдаланиш.
- Д) Тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим ва синалган усули бўлиб, мақсадли фаолият олиб бориши.

**46. Оиласдаги тарбиявий жараённинг педагоги маданияти бу?**

- А) Қаттиқўллик билан болани тарбиялаш.
- Б) Замонавий билимлар билан қуроллантириб тарбиялаш.
- С) Классик ва замонавий педагоги билимлар билан замон талаби асосида тарбиялаш.
- Д) Мехрибонлик ва қаттиқўллик билан тарбиялаш.

**47. Синфда тарбиявий ишлар ким томонидан амалга оширилади?**

- А) Мактаб директори.
- Б) Мактаб жамоаси.
- С) Мактаб ўқитувчилари.
- Д) Синф раҳбари.

**48. Бошланғич таълим мактабнинг қайси босқичи?**

- А) Асосий босқич    С) Умумий босқич.
- Б) Ўрта босқич.      Д) Дастлабки босқич.

**49. Синф жамоаси билан яқиндан иш олиб борувчи тарбиячи?**

- А) Фан тўгарак тарбиячиси. Б) ўқитувчилар жамоаси.
- С) Синф раҳбари.                 Д) Мактаб жамоаси

**50. Ўқитувчи меҳнатини илмий жиҳатдан тўғри ташкил этиш воситаларини белгиланг?**

- А) Меҳнат фаолиятини тўғри режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш,
  - Б) Меҳнат фаолиятини ташкил этиш.
  - С) Префлексия.
  - Д) Меҳнат фаолиятини назорат қилиш.
- 51. Синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналар билан олиб бориладиган ишининг самарали оммалашган тури бу?**
- А) Рағбат
  - Б) Рағбат ва танбех бериш усули
  - С) Якка тартибдаги педагогик сухбат.
  - Д) Жамовий таъсир.

**52. Очиқ эшиклар куни одатда қачон ўтказилади.**

- А) Чорак охирода
- Б) Сентябр ойида
- С) Таътил кунларида
- Д) Якшанба кунларда

**53. Инсон маънавий-ахлоқий тарбия топишида қайси таълим муассасаси мухим рол ўйнайди?**

- А) Олий таълим
- Б) Ўрта махсус таълим
- С) Боғча
- Д) Мактаб

**54. Ўқитувчи ҳар қандай ҳолатда ўқувчиларни қайси жиҳатини ҳисобга олиш керак?**

- А) Билимини.
- Б) Тарбиясини.
- С) Индивидуал хусусиятларини.
- Д) Одоб ахлоқини.

**55. Дарсда тартиб интизом ўрнаташнинг яхши усули бу?**

- А) Қизгин ижодий кўргазмали дарс ўтиш, болани бўш қолдирмаслик.
- Б) Ўқувчиларни назоратсиз қолдирмаслик
- С) Савол жавоб тарзи.
- Д) Ўқитувчининг қаттиққўллиги

**56. Тарбиявий саотларни мақсадга кўра қандай амалга ошириш керак?**

- А) Хилма-хил
- Б) Бир хил
- С) Дарсдан ташқари.
- Д) Синфдан ташқари.

**57. Испон шахсинин камол топиши қандай жараён?**

- А) Мураккаб узликсиз жараён.
- Б) Мехнат ва ўқиш жараён.
- С) Талим жараёни.
- Д) Таълим-тарбия жараёни

**58. Таълим тўғърисидаги қонун неча бўлим неча моддадан иборат.**

- А) 4 бўлим - 24 модда.
- Б) 5 бўлим - 34 модда.
- С) 6 бўлим - 28 модда.
- Д) 7 бўлим - 44 модда.

**59. “Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қарап, ва шарқона ҳаёт фалсафаси” деган фикр муаллифи ким?**

- А) И.А.Кримов.
- Б) Имом Бухорий.
- С) С.Ражабов.
- Д) А.Авлоний.

**60. Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурининг рўёбга чиқариш неча босқичдан иборат?**

- А) 1 босқич
- Б) 4 босқич
- С) 3 босқич
- Д) 5 босқич

**61. Тарбиявий ишларда асосий эътибор кимга қаратилади?**

- А) Бола шахсига.
- Б) Синф жамоасига.

С) Оилага.

Д) Мактаб жамоасига.

**62. “Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё момот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган фикр муаллифи?**

А) А.Авлоний.

Б) Ю.Х.Хожиб.

С) А.Новоий.

Д) А.Жомий.

**63. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари сайлашда неча йиллик педагогик фаолиятга эга бўлиш керак?**

А) камида 2 йил

Б) камида 4 йил

С) камида 5 йил

Д) камида 3 йил

**64. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ким томонидан тайинланади?**

А) Мактаб директори томонидан.

Б) Туман-шаҳар ҳалқ таълими бўлими томонидан.

С) Вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан.

Д) Ҳалқ таълими вазирлиги томонидн.

**65. Синф раҳбарнинг асосий вазифаси мактабнинг қайси хужжатида кўрсатилган?**

А) Мактаб низомида

Б ) Бошланғич таълим контсепцияда

С) Мактаб иш режасида

Д) Директор иш режасида

**66. Ўқувчиларни ўрганишнинг энг самарали усули**

А) Тест

Б) Суҳбат

С) Анкета

Д) Кузатиш

**67. Мактабнинг асосий вазифаси нимадан иборат?**

А) Таълим бериш

Б) Тарбия бериш

С) Ўқувчиларда онгли интизомини тарбиялаб таълим-тарбия бериш

Д) Одоб ўргатиш

**68. Тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш усуллари**

А) Жазолаш усули

Б) Ота-оналар билан иш юритиш

С) Якка суҳбат орқали.

Д) Мактаб маҳмурияти билан бирга ишлаш

**69. Ўқувчиларнинг амалий машғулотини такомиллаштирувчи йўналиш?**

А) Дарс

Б) Мехнат дарси

С) Куружоклар

Д) Тўгараклар

**70. Синф раҳбари ўқувчилар фаоллигини ошириш учун кимлар билан алоқани мустахкамлаш лозим?**

А) Ўқувчилар билан

Б) Ота-оналар билан

С) Пассив ўқувчилар билан

Д) Аълочи ўқувчилар билан

**71. Тарбия санъатининг ўзи нима?**

- А) Бу болаларни севиши санъатидир
- Б) Ахлоқий сарчашмаларни янада ёрқин намоён бўлиши
- С) Инсоний севги, инсоний маданиятдир
- Д) Тарбияни тўғри етказиб беришдир

**72. Жамоа бу –**

- А) Икки ёки ундан ортиқ мақсади бир бўлган уюшма
- Б) Ёши, савияси, келиб чиқиши, ирқи бир хил бўлган уюшма
- С) Билим савияси бир хил бўлган уюшма
- Д) Қизиқишлари бир хил бўлган уюшма.

**73. Миллий маданият, миллий тил, миллий урф – одатлар ва қадриятларимизнинг асосларини ўргатадиган асосий билим маскани?**

- А) Боғча
- Б) Оила
- С) Мактаб
- Д) Маҳалла

**74. Тарбиявий иш қандай жараён хисобланади?**

- А) Ўқув жараёнида амалга ошириладиган
- Б) Ҳар кунга
- С) Вақти-вақти билан амалга ошириладиган
- Д) Узлуксиз

**75. Синф мажлиси ким томонидан ўтказилади?**

- А) Директор
- Б) Директор ўринбосари
- С) Синф раҳбари
- Д) Ота-оналар қўмитаси

**76. Синф раҳбарининг иш режаси бажарилишини назорат қилиб борувчилар?**

- А) Синф раҳбари.
- Б) Мактаб педагогик жамоаси.
- С) Мактаб деректори ва деректор ўринбосари.
- Д) Педагогик жамоа.

**77. Ўқувчилар жамоасидаги анъаналаридан энг биринчи анъаналар қайсилар?**

- А) Катта синф ўқувчиларининг кичик синф ўқувчиларни назорат қилиш
- Б) Туғилган кунларни нишонлаб, дўстлари билан байрам қилишидан, тарбиявий тадбирларни биргаликда ўтказишидан
- С) Ёзувчилар билан учрашувлар
- Д) Севимли қаҳрамонлар билан учрашувлар

**78. Ота-оналар учун мўлжалланган маъруза қандай аҳамиятга эга бўлиши керак?**

- А) Таълимий - тарбиявий
- Б) Фарзанд тарбиясида ҳалқимиз қўллаган усуслари
- С) Маънавий мерос ва оила
- Д) Миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ва баркамол инсон тарбиясида ота-оналарнинг ўрни.

**79. Тарбия методларининг классификацияси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А) онгни шакллантиришга хизмат қилувчи, одатлантириш ва фаолиятда шакллантириш, рағбатлантириш ва жазолаш методлари
- Б) тушунтириш, намуна кўрсатиш, ўқитиши, рағбатлантириш ва жазолаш
- С) кўнгилни кўтариш, далда бериш, уялтириш, рағбатлантириш ва жазолаш
- Д) мусобоқалар ўтказиш, ишонч билдириш, одатлантириш, рағбатлантириш ва жазолаш

**80. Тарбияда инсон шахсини олий қадрият деб тан олиш ҳар бир шахснинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юкори куйиш каби тушунчалар тарбиянинг қайси принсипига тегишли?**

- А) тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги
- Б) тарбиянинг изчиллиги ва тизимлилиги
- С) тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларини устунлиги
- Д) тарбияда шахснинг ёш ва алоҳида хусусиятини ҳисобга олиш.

**81. Тарбия бу:**

- А) шахснинг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи тарихий ижтимоий тажрибага суюнган ҳолда олиб борувчи узлуксиз фаолият жараёнидир
- Б) шахсни баркамоллик даражасига етказувчи жараён
- С) мактабда, мактабдан ташкари таълим муассасаларида, олий таълим тизимида амалга ошириладиган жараён
- Д) ватанпарварлик туйғусини шакллантириш жараёнидир

**82. Синф раҳбарининг ташкилотчилик қобиляти-**

- А) Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш қобиляти.
- Б) Болаларга яқинлаша олиш қобиляти.
- С) Ўқивчилар жамоасини ўюштириш, жипслаштириш, мухум ваифаларни ҳал этишга руҳлантириш қобиляти.
- Д) Гурухий фаолиятни шакллантириш қобиляти.

**83. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишининг назарий манбаси:**

- А) "Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Консепцияси"
- Б) "Таълим тўғрисидаги қонун"
- С) "Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури"
- Д) "Болалар ҳукуқлари конвенсияси"

**84. "Таълим тўғрисидаги қонуннинг неchanчи моддасида "Бошлангич таълим тўғрисида маълумот берилган?**

- А) 4 моддасида;
- Б) 12 моддасида;
- С) 14 моддасида;
- Д) 10 моддасида.

**85. Мактаб матбуотининг энг зарур ва таъсирчан воситаларидан бири?**

- А) Синф журнали
- Б) Синф бурчаги
- С) Синф радиоси
- Д) Синф деворий газетаси

**86. Болалар тарбиясига таъсир этувчи воситалар.**

- А) Ғазаллар ва авсоналар
- Б) Ривоят ва эртаклар
- С) Мақоллар ва топишмоқлар
- Д) Тез айтиш ва маталлар

**87. Умумий ўрта таълим неча босқичдан иборат?**

- А) 3 босқичдан
- Б) 2 босқичдан
- С) 1 босқичдан
- Д) 4 босқичдан

**88. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар турлари?**

- А) Фан тўгараклари, мохир қўллар тўгараклари, дурадгорлик тўгараклари, спорт тўгараклари, бадиий хаваскорлик тўгараклари
- Б) Мусиқа тўгараклари, рассомчилик тўгараги, футбол тўгараги
- С) Спорт тўгараги, фан тўгараклари, рассомчилик тўгараклари
- Д) Фан тўгараклари, спорт тўгараклари, мусиқа тўгараги

**89. БМТ томонидан «Болалар ҳукуқлари конвенсияси» неchanчи йилда қабул қилинган?**

- А) 1995 йил
- Б) 1996 йил
- С) 1997 йил
- Д) 1998 йил

**90. Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар – бу...**

- А) Ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларидаги ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради
- Б) Ўқувчиларни мустақил билим олишларига имконият яратади
- С) Болаларни ижодкорликка даҳват этувчи тарбиявий маскандир
- Д) Ўқувчиларни ахлоқий ва ақлий тарбиялаш

**91. Талим олувчларни ижтимоий ҳимоя қилиш "Таълим тўғрисида"ги Қонунинг нечинч моддасида кўрсатилган.**

- А) 4 - модда
- Б) 20- модда
- С) 18 - модда
- Д) 19 - модда

**92. Тарбиявий ишларни амалга оширишда синф раҳбарининг усуллари.**

- А) Обрў орттириш (жамоа орасида)
- Б) Жамоани жипслантириш
- С) Ўқувчиларни ўрганиш
- Д) Ўқувчиларга билим бериш

**93. Ўқувчи шахсиятини аниқлаш усуллари**

- А) Анкета усули
- Б) Оғзаки савол-жавоб усули
- С) Кузатиш усули
- Д) Тест усули

**94. "Дилинг оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" дея таъкидланган ҳикматли сўзниңг муаллифи ким?**

- А) Имом Бухорий
- Б) Баҳоуддин Нақшбанд
- С) Имом Термизий
- Д) Имом Ғаззолий

**95. "Маънавиятга таҳдид-ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид" ҳикматли сўзларининг муаллифи ким?**

- А) А.Навоий
- Б) Ат-Термизий
- С) И.Каримов
- Д) А.Авлоний

**96. Тарбия қоидаларида биринчи навбатда тарбиянинг қайси жихати ўз ифодасини топади?**

- А) Тарбияни ташкил этилиши
- Б) Тарбияни усуллари
- С) Тарбия усулларуга қўйиладиган талаблар
- Д) Тарбия қоидалари

**97. Ўқитувчи тарбиявий соатларни ўтказиш усуллари.**

- А) Анкета сухбат усулида
- Б) Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қизиқарли сенарий асосида
- С) Кундалик янгиликлар билан таништириш
- Д) Тест тузиш орқали

**98. Синфдан ташқари ишларни вазмуни нимага қаратилган?**

- А) Ўқувчиларни талабини амалга ошириш
- Б) Турли кечаларни ташкил этиш

С) Тарбияга оид долзарб мавзуларни танлаш ва ташкил этиш

Д) Маънавий тарбияни сингдириш

**99. Ўзлаштириши паст ўқувчилар билан ишлаш усуллари.**

А) Қўшимча дарс ташкил этиш ва турли хил дарсга тааллукли бўлган кўргазмалардан фойдаланиш

Б) Ота-оналар билан хамкорликда ишлаш

С) Билимни назорат қилиш

Д) Такрорлашни қўллаш

**100. Ахлоқ деганда нимани тушунасиз?**

А) Жамиятда қабул қилинган ва жамоатчилик фикри билан қўллаб қувватланадган инсон хулқи нормаларини йигиндисидир.

Б) Кишини ўз обрўсини ардоқлаш хис туйғусини улуғлаш.

С) Ота-онага, оила аъзоларини хурмат қилиш, холларидан хабар олиш.

Д) Газета, журнал ўқиб, телевизор кўриш.

**«Тарбиявий ишлар методикаси » фанидан мустақил ишлар ва реферат мавзулари.**

1.Кадрлар малакасини оширишнинг замонавий йўллари.

2.И.А.Каримов асарларида тарбиявий ишларга оид фикрлар.

3.Педагогикада таълимий-тарбиявий ишлар.

4.Хозирги даврда ёш авлодни тарбиялашга каратилган янги чора-тадбирлар.

5.Ёшларни умумбашарий руҳда тарбиялашда ислом қадриятларидан фойдаланишнинг педагогик асослари.

6.Тасаввуф аждодларимиз талқинида.

7.Ахмад Яссавийнинг «Фақирлик-фаҳримдир» асарида фақирлик, поклик, камтарлик сифатларининг таҳлили.

8.Тасаввуфда нафсни тийиш, ишқ, хақақат асосий мавзу.

9.Тарбияда педагогик техниканинг таркибий қисмлари.

10.Педагогик техникани эгаллаш усуллари.

11.Олий уқув юртларида тарбиявий ишлар фанини ташкил этиш усуллари.

12.Педагогик маҳорат, тажриба бу-санъатдир.

13.Тарбияда ўқитувчи муомала субъекта сифатида.

14.Нотиклик, тинглаш ва хамкорлик қилиш маҳоратининг тарбиялаш роли.

15.Ўқувчилар фаолиятида муомаланинг ўрни.

16.Тарбияда педагогик таъсир кўрсатиш унда талабнинг роли.

17.Тарбияда рағбатнинг таркибий қисмлари ва унинг аҳамияти.

18.Педагогик харакат драматургияси ва режиссураси.

19.Актёрлик техникасининг тарбиядаги педагогик аҳамияти.

20.Тарбия усулларининг жамоа ривожидаги ўрни.

21.Тарбияда мақолларнинг ўрни.

22.Махалла, оила ва жамоатчиликнинг тарбия соҳасидаги ҳамкорлиги.

23.Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.

24.Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этиш.

25.Тарбияда касбга йўналтириш мазмуни.

26.Касб-хунар танлаш ва унга куйиладиган талаблар.

27.Дарсдан ташқари вақтларда тарбиявий ишларни ташкил этиш усуллари.

28.Тарбиявий иш жарёнида ўқитувининг ўз техник ҳолатини ўзи тартибга солиш.

29.Ётокхонада тарбиявий ишларни ташкил этиш.

30.Соғлом турмуш тарзини яратишда турли касаликлардан сакланишда ҳаракат фаоллиги ва инсон соғлигини асраш.

31. Соғлом ҳаёт тарзини тарбиялашда алкоголизм, наркомания ва таксикоманиядан сақланиш.
32. Гиёхвандлик ва наркобизнес нима, унинг тарбиявий таъсири.
33. Синф раҳбарининг тарбиявий жараёнидаги ўрни ва роли.
34. Гуруҳ тарбиявий соатларини ташкил этиш усувлари ва тартиби.
35. Тарбияда “Зулфия” номидаги давлат мукофотининг аҳамияти.
36. Ўзбекистон ёшлари учун спорт соҳасида яратилаётган шарт- шароитлари.
37. Ўзбекистонда спортни ривожлантиришда “Универсиада” нинг аҳамияти.
38. “Баркамол авлод, Умид нихоллари” спорт байрамини ташкил этиш ва унинг тарбиядаги ўрни.
39. Гуруҳларда конкурс ва байрам кечаларини ташкил этиш усувлари.
40. “Наврӯз” байрами ва “Сумалак сайли”ни ташкил этиш усувлари.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2018.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. –Т.: шарқ. 1997.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури”. –Т.: Шарқ. 1997.
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.
- 5.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта уствор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 6.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови .-Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 7.Мирзиёев Ш.М. Ёшлар тарбиясида беш ташаббус.-Т.: Ўзбекистон, 2018.
- 8.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006.
- 9.Ахлоқ-одобга оид ҳадис наъмуналари. Тошкент, Фан,1991.
- 10.Жониматова Х. Абу Али ибн Сино таълим–тарбия тўғрисида. – Тошкент,: 1990.
- 11.Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари.–Тошкент,:Фан,1994.
- 12.Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ мақоллари.–Тошкент,: шарқ, 2003.
- 13.Мусурмонова О. Оила маънавияти–миллий ғурур.– Тошкент,: Ўқитувчи, 2013.
- 14.Мавлонова Р.А, ва бошқалар. “Тарбиявий ишлар методикаси”.–Т.:Ўқитувчи. 2014.
- 15.Муталипова М. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент, Фан. 2015.
16. Исмаилова З.Қ. Педагогика. – Т.: Молия, 2008.
- 17.Ишмуҳамедов Р. Ж. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истедод, 2008.
- 18.Кайковус. Қобуснома.–Тошкент,: Ўқитувчи, 1992.
- 19.Нурмуҳаммедова Ш. Л. Ногирон болаларни тарбиялашда оила ва маҳсус муассаса ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-педагогик асослари. - Тошкент. Фан, 2014.
- 20.Очилов М. Муаллим қалб меъмори.–Тошкент,: Ўқитувчи, 1997.
- 21.Очилов М. Ахлоқий тарбия.–Тошкент,: Ўқитувчи,1992.
- 22.Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
23. Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва Психология. –Т.: Дзайн-Пресс, 2011.
- 24.Худойқулов Х.Ж. Аллаёрова С.Н. Олий таълимда модулли ўқитиши ва инновацион технологиялардан фойдаланиш. –Т.: “MUMTOZ SOZ” 2019.
- 25.Худойқулов Х.Ж. Педагогик маҳорат .-Т.: Навruz, 2011.
- 26.Худойқулов Х.Ж. Бошқарувда раҳбар одоб-ахлоқ фазилатларининг назарий ва амалий асослари. -Т.: ”MUMTOZ SO’Z” 2019.
- 27.Худойқулов Х.Ж “Тарбиявий ишлар методикаси” –Т.: ТТМИ. 2007.
- 28..Худойқулов Х.Ж.Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тарбия бериш асослари .-Т.:Фан. 2008.
- 29.Худойқулов Х.Ж. Бозор одоби миллий қадриятимиз кўзгуси.-Т.: ТТЙМИ. 2010.
- 30.Худойқулов Х.Ж. Шарқ мутафаккирлари иқтисод одоби тўғрисида.– Т, : 2005.
- 31.Худойқулов Х.Ж.Ўзбекнинг ғурури-унинг одобида.Тошкент.Дзайн-Пресс, 2007.

### **Электрон таълим манзили.**

- 1.[www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz),
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш.....</b>	<b>3-бет</b>
<b>1-МОДУЛ: ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>5-бет</b>
1-Мавзу: Тарбиявий ишлар методикаси фанининг мақсад ва вазифалари.....	5-бет
2-Мавзу: Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.....	24-бет
3-мавзу: Тарбия усуллари ва шакллари.....	34-бет
4-мавзу: Тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари.....	45-бет
<b>2-МОДУЛ: СИНФ РАҲБАРИ.....</b>	<b>56-бет</b>
5-мавзу: Синф раҳбарининг мактаб жамоат ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар.....	56-бет
6-мавзу: Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолияти.....	80-бет
7-мавзу: Синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.....	87-бет
8-мавзу: Ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш ва синфда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш.....	95-бет
9-мавзу: Синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.....	109-бет
10-мавзу: Синф раҳбариишини режалаштириш усуллари.....	118-бет
11-мавзу: Синф тарбиявий соатлари ҳақида умумий тушунча.....	122-бет
12-Мавзу: Синф раҳбарининг тарбияланувчилар билан муомала ва мулоқати.....	128-бет
13-Мавзу: Педагогик техника, педагогик маҳоратнинг таркибий қисми.....	138-бет
14-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг назарий асослари.....	146-бет
15-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни амалга оширишда маънавият бўйича директор ўринbosарининг иш методикаси.....	152-бет
16-мавзу: Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш методикаси.....	160-бет
<b>3-МОДУЛ. Жамоа ва уни ташкил этиш.....</b>	<b>174-бет</b>
17-мавзу: Жамоа ҳақида умумий тушунча.....	174-бет
18-мавзу: Синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш.....	178-бет
19-мавзу: Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринbosарининг вазифалари.....	187-бет
20-мавзу: Ота-оналар билан ишлаш.....	190-бет
21-мавзу: Соғлом турмуш тарзи-соғлом ҳаёт гарови.....	193-бет
<b>И л о в а л а р .....</b>	<b>210-бет</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>223-бет</b>